Организационная составляющая самостоятельной работы предполагает создание электронных учебных пособий, которые помогают студенту понять логику построения изучаемого курса. Электронное учебно-методическое пособие для самостоятельной учебной деятельности студентов должно содержать план занятий, контрольные вопросы и задания, тематику рефератов, контрольный тестирующий материал, ситуационные учебные задачи. Только владея данной

информацией, обучающийся получает возможность сознательно и целенаправленно выбирать доступные средства, «выстраивать» их в той последовательности, которая будет способствовать наиболее эффективному выполнению задания [1. С. 109].

Методическая составляющая предполагает разработку заданий для самостоятельной работы во время занятий, а также для зачетной формы контроля.

Регуляционная составляющая организации самостоятельной работы студентов ориентирована на сотрудничество и взаимодействие в студенческом коллективе в целях стимуляции их самостоятельности и творчества.

Таким образом, самостоятельная работа студентов в условиях виртуальной образовательной среды рассматривается как основа самообразования и как система мероприятий или педагогических условий, обеспечивающих руководство самостоятельной деятельностью обучающихся, что ведет к формированию профессиональных компетенций будущего специалиста.

При этом необходимо помнить, что качественным своеобразием современного информационного общества является превращение информации в производительную силу, в национальный ресурс. Подготовить обучающихся к жизни в таком обществе означает не только передать им навыки применения электронных средств для выполнения текущих работ, но и развить способность, потребность использовать доступные информационные возможности для поиска нового знания и его распространения.

Умение организовать самостоятельную деятельность – залог успешной самореализации выпускника вуза не только как личности, но и как профессионала. В связи с этим одна из основных задач обучения в высшей школе – перевести студента из пассивного потребителя знаний в активного их творца, умеющего формулировать проблему, анализировать методы ее решения, выбирать из них оптимальные и достигать искомого результата.

Итак, современному обществу нужна опережающая педагогика – система интеллектуального и психологического развития, формирующая устойчивые компоненты творческого стиля мышления: умение анализировать любые проблемы, устанавливать системные связи, выявлять противоречия, находить для них решения на уровне идеальных, прогнозировать возможные варианты развития таких решений [7. С. 15-19]. Личность с таким стилем мышления готова к постоянным изменениям в технологиях и приветствует появление новых возможностей для решения более сложных интеллектуальных задач.

Использованная литература:

1. Воротилкина И. М. Самостоятельность студентов в учебном процессе // Высшее образование в России. 2012. № 3.
2. Галицких Е. Организация самостоятельной работы студентов // Высшее образование в России. 2004. № 6.
3. Куликова С. С. Самостоятельная образовательная деятельность студентов в информационной среде // Человек и образование. 2007. № 1-2.
4. Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. М.: Академия, 2005.
5. Меерович М. И., Шрагина Л. И. Технология творческого мышления. Минск: Харвест, 2003.
6. Молибог А. Г. Вопросы научной организации педагогического труда в высшей школе. Минск: Высшая школа, 1975.
7. Пидкасистый П. И. Самостоятельная познавательная деятельность школьников в обучении. М.: Педагогика, 1980.
8. Рубаник А., Большакова Г., Тельных Н. Самостоятельная работа студентов // Высшее образование в России. 2005. №6.

ПИЁЗ (ALLIUM CEPA L.) БИОГЕОКИМЁСИ ВА БИОЛОГИК СИНГДИРИШ КОЭФФИЦИЕНТИ

БИОГЕОХИМИЯ ЛУКА (ALLIUM CEPA L.) И КОЭФФИЦИЕНТ БИОЛОГИЧЕСКОГО ПОГЛОЩЕНИЯ

BIOGEOCHEMISTRY AND BIOLOGICAL ABSORPTION COEFFICIENT OF ONION (ALLIUM CEPA L.)

М.Т.Исағалиев- биология фанлари доктори, доцент
З.Ж.Исомиддинов -таянч докторант, Фарғона ДУ
В.Ю.Исақов –биология фанлари доктори, профессор, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мақолада янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг биогеокимёвий хоссалари ва оддий пиёз (Allium cepa L.) нинг элемент таркиби тахлил қилинган. Пиёз кимёвий таркибининг тупроқдаги кимёвий элементлар таркиби миқдори билан боғлиқлиги асосланган. Биологик сингдириш коэффициентлари ҳисобланган.

Таянч сўзлар: сур тусли қўнғир тупроқ, оддий пиёз (Allium cepa L.), макро- ва микроэлемент, биологик сингдириш коэффициент.

Аннотация. В статье проанализированы биогеохимические свойства новоорошаемых серо-бурых почв и элементный состав лука обыкновенного (Allium cera L.). Обоснована зависимость химического состава лука от состава и количества химических элементов в почве. Вычислены коэффициенты биологического поглощения.

Ключевые слова: бурая почва, лук репчатый (Allium cepa L.), макро- и микроэлементы, коэффициент биологического поглощения.

Annotation. The article analyzes the biogeochemical properties of newly irrigated brown soils and the elemental composition of common onion (Allium cepa L.). Based on the fact that the composition of onions is related to the amount of chemical elements in the soil, the coefficient of biological absorption was developed.

Key words: Brown soil, an ordinary onion, (Allium cepa L.), macro and microelement, biological absorption coefficient.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг асосий манбаси суғориладиган тупроқлар бўлиб, улар турли жараёнлар, хусусан, табиий ва антропоген омиллар таъсирида эрозия ва шўрланишга юз тутган. Тупроқлар бундай салбий жараёнлардан муҳофаза қилишга муҳтож бўлиб, уларнинг унумдорлигини ошириш, сақлаш ҳамда экологик тоза сифатли сабзавот маҳсулотларини етиштириш илмий асосланган агротехнологиялардан самарали ва эҳтиёткорона фойдаланишни талаб этади.

Юртимизнинг турли вилоятларида шаклланган сур тусли қўнғир тупроқларнинг майдони республиканинг умумий ер майдонига нисбатан 24,3% ни ташкил қилади. Пиёз ва бошқа сабзавот экинлар етиштириладиган майдонларнинг катта қисми шу тупроқларга тўғри келади. Аммо, сур тусли қўнғир тупроқларнинг кимёвий хоссалари, тупроқ-ўсимлик тизимидаги геокимёвий алоқа, миграция ва ўзгаришлар жуда кам ўрганилган. Шунга кўра, сур тусли қўнғир тупроқларнинг геокимёвий ҳолатини ўрганиш, инсон омили таъсирида кечаётган геокимёвий миграция ва аккумуляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш

бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга [1,2,3,4].

Маълумки, сабзавот экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг сифатини яхшилашдаги асосий омиллардан бири, озиқа элементлар билан ўз вақтида таъминлаш ҳисобланади. Шу билан бирга пиёз ўсимлигининг юқори ҳосилдор, сифатли бўлиши учун уларда содир бўлаётган физиологик-биогеокимёвий ўзгаришларни ҳам ҳар томонлама ўрганиш зарур.

Фарғона вилоятининг пролювиал аллювиал жинслар устида шакланган янгидан суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари ҳамда бошпиёз (Allium cepa L.) тадқиқот объекти, тупроқ-пиёз тизимидаги геокимёвий элементлар миграцияси, аккумуляцияси каби жараёнлар тадқиқотимизнинг предмети.

Тупроқ ва пиёз (Allium cepa L.) нинг кимёвий элемент таркиби нейтрон-активацион усулда Ўзбекистон Республикаси Ядро физикаси ИТ институтининг активацион анализ лабораториясида ўрганилди. Бунда намуналар атом реакторида $5*10^{13}$ нейтрон/см^2 сек нейтрон оқими билан нурлантирилиб, кимёвий элементларнинг ярим емирилиш даврларига асосланиб уларнинг миқдорлари аниқланди.

Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг морфологик кесмаси ўзига хос икки қаватли тузилишига эга. Оч сур (бўз) рангли, енгил ва ўрта қумоқ механик таркибли устки қавати бўшоқ ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларидан иборат. Унинг қалинлиги суғориладиган даврнинг узоқ-яқинлигига боғлиқ ҳолда 15-30 см га тенг. Остки иккинчи қават сарғиш-жигарранг рангли, зич, ўрта ва оғир механик таркибга эга. Унда оқ кўзанаклар, карбонатли доғлар, гипс доналари ва темирли бирикмалар кўзга ташланади.

Сур тусли қўнғир тупроқлар кўпроқ неоген ва қуйи тўртламчи даврларда шаклланган қадимий юзаларда ривожланган бўлиб, унинг қаватлари икки даврнинг маҳсули ҳисобланади. Қўнғир ёки жигар-ранг тусли ўзилашган, оғир механик таркибли аниқ ифодаланган увоқча структурали қуйи қават ва унинг остидаги гипсли қатламлар олис ўтмиш жараёнлари маҳсулидир. Сур тусли устки қатлам ҳозирги замон жараёнларининг натижасидир [4].

Макро –ва микроэлементларнинг тупроқ кесмаси бўйлаб тарқалишида нисбий таақаланиш кузатилади. Сур тусли қўнғир тупроқларнинг ҳайдалма қатламида макро- ва микроэлементлар миқдорининг қуйи қатламларга нисбатан камайиш билан тавсифланади (1-жадвал).

Макроэлементлар ичида тупроқ кесмаси бўйича кальций тўла устуворлик қилади. Кальций миқдори 27700 мкг/г-54500 мкг/г оралиғида ўзгаради. Максимал қиймати қўнғир қатламга тўғри келади. Калийнинг хам нисбатан юқори миқдори қўнғир қатламда тўпланган. Натрийнинг миқдори тупроқ кесмаси бўйлаб юқоридан 11600 мкг/г дан 13000 мкг/г гача ортади.

Микроэлементлардан цезий (Cs) нинг тупроқ кесмаси бўйича ўртача миқдори 6,3 мкг/г бўлиб, литосфера кларкидан юқори. Цезий (Cs) миқдорининг кларк миқдоридан кўп бўлиши, унинг турли даражада маданийлашган, трансэлювиал-аккумулятив ландшафтларда шаклланган суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар қатламларида аккумуляция жараёни кетаётганлигини кўрсатади. Скандий (Sc), хром (Cr), кобалт (Co) микроэлементларининг миқдорлари эса аксинча, литосфера кларкига нисбатан камлиги билан тавсифланади. Уларнинг миқдорлари 4.2-57.0 мкг/г оралиғида ўзгаради.

1-жадвал. Сур тусли қўнғир тупроқ таркибидаги кимёвий элементлар миқдорининг ўзгариши, мкг/г (n=6)

Кесма рақами	Чуқурлиги, см	Макроэлементлар			Микроэлементлар			
		Na	K	Ca	Cr	Sc	Co	Cs
1/боғ	0-25	11600	23000	39900	41	6,7	6,6	4,2
	25-45	11600	24900	54500	54	11	9,6	6,8
	45-55	13000	23600	27700	51	9,9	10	7,9
	Ўртача	**12067**	**23833**	**40700**	**48,6**	**9,2**	**8,73**	**6,3**

Пиёз ўсимлиги вегетатив органларининг элемент таркиби тупроқ таркибидаги кимёвий элементларнинг миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Биологик сингдириш коэффициенти биоген миграция жараёнларни характерлайди. Биоген миграция харакатчан элементлар сингдиришида қатнашиб, кичик биологик модда айланиш жараёни кузатилади [5,6]. Ўсимлик ўзининг турли фазалари ва органларида тупроқдаги кимёвий элементларни турлича сингдиради

. (2-жадвал).

2-жадвал. Пиёз (Allium cepa L.) ўсимлиги органларида макро- ва микроэлементлар миқдорининг тақсимланиши, мкг/г (n=6)

Элемент символи	Пиёз (Allium cepa L.) 1/боғ				Биологик сингдириш коэффициенти			
	пиёзбош	Барг	илдиз	ўртача	пиёзбош	барг	илдиз	Ўртача
Na	1360	1430	15900	6230	0.117	0.123	0.223	0.487
K	10400	16700	21600	16233	0.452	0.671	0.915	0.679
Ca	5360	11000	14300	10220	0.134	0.202	0.516	0.284
Cr	0.47	1.20	1.90	1.19	0.011	0.022	0.037	0.023
Sc	0.017	0.079	0.230	0.109	0.002	0.007	0.023	0.010
Co	0.055	0.140	1.200	0.465	0.008	0.014	0.012	0.047
Cs	0.028	0.082	0.310	0.122	0.007	0.012	0.039	0.019

Пиёз (Allium cepa L.) ўсимлиги сур қўнғир тупроқлар таркибида учровчи макро- ва микроэлементларни попук илдизлари орқали хайдов қатламидан яхши ўзлаштиради.

Сур туси қўнғир тупроқларида етиштирилган Наманган-77 нави учун циклик элементларни геокимёвий спектрларини жойлашув схемасида қуйидаги ҳолатда эканлиги аниқланган. Яъни: Ca > K > Na > Co камайиб, ғўза ўсимлиги томонидан циклик элементлардан энг кўпи: Ca, K, Na олинади, қолганлар келтирилган ҳолатда кескин камайиб бориши кузатилган [7].

Бизнинг тадқиқотларга кўра сур тусли қўнғир тупроқларининг кесмасида кимёвий элементлар миқдорининг камайиши тартиби қуйидагича: Ca>K>Na>Cr>Sc>Co>Cs.

Пиёз ўсимлиги танасида эса кимёвий элементлар миқдорининг ўзгариши тупроқдагига нисбатан фарқ қилади: K>Na>Ca>Cr>Co>Cs>Sc. Бу албатта ўсимликларнинг танлаб сингдириш қонунига мувофиқ келади. Тупроқда энг юқори қийматга эга бўлган кальцийнинг пиёз танасига сингдириши калий ва натрийга нисбатан паст. Пиёз танасида калий энг юқори миқдорга эга (2-жадвал).

Тупроқ таркибида бўлган барча кимёвий элементлар пиёз ўсимлиги танасида ўзгаради. Аммо улар миқдорларининг ўсимликнинг вегетатив органларида тўпланишида муайян қонуниятлар мавжуд. Пиёз ўсимлиги илдизи учун барча кимёвий

элементларнинг энг юқори миқдори хосдир. Ўсимлик барглари оралиқ мақомни эгаллаган. Пиёз боши эса барча макро-ва микроэлементларни энг кам миқдорда сақлаши билан тавсифланади.

Пиёз органларидаги элементлар миқдори ва сингдирилиши бўйича ўрганилган макроэлементлар ичида энг кўп миқдорни калий ўртача -0.679 мкг/г, оралиқ ҳолатни натрий ўртача -0.487 мкг/г энг кам миқдорни эса калъций ўртача-0.284 мкг/г, эгаллади. Микроэлементлар ичида юқори миқдорни хром ўртача-0.023 мкг/г, иккинчи ўринда кобалт ўртача-0.047 мкг/г, кам миқдорни эса скандий ўртача-0.010 мкг/г миқдорида ўзлаштирилиши кузатилди.

Пиёз (Allium cepa L.) таркибидаги мавжуд барча элементларни етарли ва меъёрида бўлиши, ўсимликни нормал ўсиб ривожланиши, сифатли ҳосил беришида кимёвий элементлар пиёз учун асосий озиқа манбаи бўлиб хизмат қилади. Тупроқдаги элементлар миқдори етарли даражада бўлмаган холларда, элементларни озиқа сифатида ўсимликка эритма ҳолатида барги орқали пуркаш ёки тупроққа солиш орқали таъминланади.

Шундай қилиб, пиёзнинг элемент таркиби билан тупроқнинг элемент таркиби ўртасида узвий алоқа мавжуд. Тупроқда мавжуд бўлган макро- ва микроэлементларнинг барчаси пиёз таркибида учрайди.

Макро ва микроэлементларнинг тупроқ таркибидаги миқдори меъёрида бўлиши пиёз ўсимлигининг юқори ҳосилдор бўлиши ва сифатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юлдашев Г., Исагалиев М. Геохимия почв конусов выноса. – Т.: ФАН, 2012. – 120
2. Юлдашев Г., Исагалиев М.Т., Абдухакимова Х.А. Исомиддинов З. Ж. Проблемы мониторинга элементов в орошаемых почвах. Аграрная наука –Сельскому хозяйству. XV Международная научно-практическая конференция Барнаул-2020. 429-432 с.
3. Bowen H.J.M. Trace elements in biochemistry. – New York: Academic Press, 1966. – 241 p. 4. Минашина Н.Г. Мелорация засоленных земель. –Москва: “Колос”, 1978.
5. Yuldashev G‘., Isag‘aliyev M. Tuproq biogeokimyosi. – T.: 2014. 352 b.
6. Кабата-Пендиас А., Пендиас Х. Микроэлементы в почвах и растениях: Пер. с англ. – М.: Мир, 1989. – 439 с.
7. Сотиболдиева Г.Т. “Фарғона вилояти кольматажланган тупроқларининг биогеокимёвий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш” Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси. Тошкент-2018 75 б.

КОСМЕТИКА КРЕМЛАРИНИНГ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ ВА ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШ

ОПРЕДЕЛЕНИЕ КАЧЕСТВА КОСМЕТИЧЕСКИХ КРЕМОВ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ НА ОСНОВЕ ТОВАРНОЙ НОМЕНКЛАТУРЫ

DETERMINING THE QUALITY OF COSMETIC CREAMS AND CLASSIFICATION BASED ON COMMODITY NOMENCLATURE

В.У.Хўжаев –кимё фанлари доктори, профессор
Д.Б.Каримова - 2-босқич таянч докторант, Қўқон ДПИ

Аннотация. Ушбу мақолада, косметика кремларининг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ҳамда унинг сифатини давлат санитария талабларига мувофиқлиги аниқланган ва парфюмерия-косметика маҳсулотларини Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида таснифлаш масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: Косметика креми, органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлар, коллоид барқарорлик, давлат санитария талаблари, товар номенклатураси.

Аннотация. В статье рассматривается вопрос определения органолептических и физико-химических свойств косметических кремов и их качества в соответствии с государственными санитарными требованиями и классификация парфюмерии и косметики на основе Товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности.

Ключевые слова: косметический крем, органолептические и физико-химические показатели, коллоидная стабильность, государственные санитарные требования, товарная номенклатура.

Annotation. The article discusses the issue of determining the organoleptic and physicochemical properties of cosmetic creams and their quality in accordance with state sanitary requirements and the classification of perfume and cosmetics based on the Commodity nomenclature of foreign economic activity.

Key words: cosmetic cream, organoleptic and physicochemical properties, colloidal stability, state sanitary requirements, commodity nomenclature.

Парфюмерия-косметика товар-ларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хомашё ва материалларнинг, шунингдек, улар ассортиментининг хилма-хиллиги, табиийки, божхона расмийлаштируви жараёнида божхона органи ходими ҳар доим ҳам парфюмерия-косметика товарларининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) асосида таснифлаш қоидаларини тўғри қўллаши шубҳа остида қолмоқда. Шу билан бир қаторда, парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг юқорида қайд этилган хусусиятлари турлича бўлиши уларни таснифлашда аниқ мезонларни кўзда тутган ҳолда ўзлаштириб олиш заруратини туғдиради [1].

Мавжуд адабиётлардаги маълумотларга кўра, косметика кремларининг сифати ДСт 29189-91 ва ДСт 31460-2012 “Косметик кремлар. Умумий техник шартлар”га мувофиқ бўлиши талаб этилади. Косметика кремларининг сифати органолептик усул ва физик-кимёвий кўрсаткичларига мувофиқ аниқланади. Биз тадқиқот ишимизда эмульцион ёғли ва гель кремларининг таркибини ўргандик. 1-жадвалда кремларнинг (эмульцион, ёғли ва гел кремлар учун) оргонолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари келтирилган.

1- жадвал

Кремларнинг физик - кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичнинг номланиши	Кремларнинг турлари		
	Эмульцион крем	Крем-гел	Ёғли крем
Ташқи кўриниши	Бир хил масса ва бегона аралашмаларсиз		
Ранги	Ўзига хос рангга эга		
ҳиди	Ўзига хос ҳидга эга		
Сув ва учувчан моддаларнинг масса улуши, %	5,0-98,0	5,0-98,0	-
Водород кўрсаткич, pH	5,0-9,0	5,0-9,0	5,0-9,0
Тушиш нуқтаси, ^{0}C	-	-	39-55
Коллоид барқарорлик	Барқарор		-

Термик барқарорлик	Барқарор	-

Дастлаб, косметика кремларининг сифатини текшириш учун, ДСТ 29188.0-91 талабларига кўра, тасодифий намуналар танлаб олинди. Бунда 1000 дона партиядан – камида 6 та маҳсулот танлаб олинди. Агар 10000 дан ортиқ партияда маҳсулот келтирилган бўлса, ҳар 5000 партиядан 3 донадан кам бўлмаган маҳсулот намунаси олинди.

Косметик кремларнинг органолептик кўрсаткичлари, ташқи кўриниши ва ранги оқ қоғозга қалинлиги 1 см бўлган текис қатламда ёки стаканга жойланган намунага ёруқлик нурини тушириш орқали аниқланди. Ташқи кўринишига кўра кремлар бир хил масса ва бегона аралашмаларсиз бўлиши керак. Махсус мақсадлар учун кремларда ишлаб чиқарувчининг рецепти бўйича абразив ва қўшимчаларнинг қўшилишига йўл қўйилади. Кремнинг ранги ва ҳиди бу номдаги кремнинг ранги ва ҳидига хос бўлиши талаб этилади [2].

Физик-кимёвий кўрсаткичлари, водород кўрсаткич pH-ни аниқлаш учун (ДСт 29188.2) косметика кремининг 10%ли эритмаси тайёрлаб олинди. Бунинг учун аналитик тарозида ўлчанган 10г намунадан стаканга солиб, унга 90 мл дистилланган сув қуйилади ва 30 дақиқа қиздирилади, сўнгра хона хароратигача совитилади. Хосил бўлган эритмани pH-метрда ўлчаш орқали кўрсаткич аниқланади. Бу тажриба 3 маротаба амалга оширилади ва ўртача арифметик қиймати олинади [3].

Косметик кремлардаги ишқорнинг умумий масса улушини аниқлаш учун конуссимон колба олинади ва унга аналитик тарозида (аниқлик даражаси 0.002 г гача) ўлчанган (m) 5 г намунадан солинади. Унинг устига 100мл қайноқ дистилланган сув қуйилади. Ҳосил бўлган эритмани аралаштириб унга 0,1М ли метилзарғалдоғи эритмасидан 2-3 томчи томизилади. Сариқ ранг ҳосил бўлгач, бюреткадаги 0,1М ли хлорид кислота эритмаси билан титрлана бошлайди. Эритма рангининг қизил рангга ўзгариши яъни эквивалент нуқтаси аниқланади. Сарфланган хлорид кислота миқдори (V) аниқлангач, қуйидаги формула асосида намуна таркибидаги умумий ишқорнинг масса улуши топилади:

$$X = \frac{V * M}{m * 100}$$

Тажриба 3 маротаба амалга оширилади ва натижанинг ўртача арифметик қиймати олинади [4].

Сув ва учувчан моддаларнинг масса улушини аниқлаш учун дарё қумини сувда яхшилаб ювилади, хлорид кислота эритмасига 24 соат солиб қўйилади. Сўнгра дарё қуми метилзарғалдоғи билан нейтрал холатга келгунга қадар сувда ювиб олинади ва ҳавода қуритилади. Қуритилган қум ғалвирдан ўтказилиб, 500^0 Сда 5 соат давомида муфел печда қуриталади. Ҳосил бўлган тоза қумдан 10г олиб стаканга таёқча билан солинади ва қуритиш шкафига 100^0 С га қўйилади, кейин (m_1) умумий массаси ўлчанади. Унинг устига 5 г маҳсулотдан солиб яна массаси (m_2) тарозида аниқланади. Сўнгра муфел печда 100^0 С атрофида 3 соат давомида қуритилади, (m_3) массаси қуйидаги формула билан аниқланади [5].

$$X = \frac{m_2 - m_3}{m_2 - m_1}$$

Коллоид барқарорликни аниқлаш учун 2 та побирканинг 2/3 қисмига эмульциядан солиб ўлчанади. Суюқ эмульциялар 22-25^0С гача, дағал

эмульциялар 42-45^{0}C гача сув хаммомида 20 дақиқа қиздирилади. Сўнгра центрафугага жойлаб 5 дақиқа 100с$^{-1}$ тезликка қўйилади. Олинган аралашманинг сув ва ёғ қатламга, 2 фазага ажралганлигини ёки бир фазалилигини кузатиш мумкин (2-жадвал)[6, 7].

2-жадвал

Намуналарнинг органолептик ва физик кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткич-нинг номланиши	Намуналарнинг номлари				
	“Genera”	«Гиалу-рон»	«Черный Жемчуг»	«Чистая линия»	«Mezo-complex»
Ташқи кўриниши	Бир хил масса, бегона аралашма-ларсиз	Бир хил масса, етарли даражада суюқ, бегона аралашма-ларсиз	Бир хил масса, қуюқ, бегона аралашма-ларсиз	Бир хил масса, суюқроқ, бегона аралашма-ларсиз	Бир хил масса, бегона аралашма-ларсиз
Ранги	Оқ ранг	Оқ ранг	Оқ ранг	Оқ ранг	кулранг сояли оқ ранг
Ҳиди	Ўзига хос хидли	Қўшимча хидларсиз	Қўшимча хидларсиз	Ўт хидли	Қўшимча хидларсиз
Сув ва учувчан моддаларнинг масса улуши, %	23,6	93,35	73,94	87	82,5
Водород кўрсаткич, pH	6,5	5,84	6,0	5,76	5,5
Термик барқрорлиги	Барқарор	Барқарор	Барқарор	Барқарор	Барқарор
Боғланмаган ишқор, %	0	0	0	0	0
Боғланган ишқор, %	0,3	0,41	0,45	0,41	0,25

Парфюмерия-косметика товарларини ТИФ ТНда таснифлаш ушбу товарларнинг кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда “Эфир мойлари ва резиноидлар; парфюмерия, косметика ёки хушбўйлантирувчи воситалар” деб номланувчи 33-гуруҳига духи, хушбўйлантирувчи сувлар, оғиз бўшлиғи ва тишлар гигиенаси учун воситалар, устрадан олдин, вақтида ва кейин қўлланиладиган воситалар каби товарларни ўз ичига олувчи парфюмерия, косметика ва хушбўйлантирувчи воситалар, шунингдек эфир мойлари-резиноидлар; ёғлардаги, воск-лардаги ёки аналогик маҳсулотлардаги эфир мойларининг концентратлари; эфир мойларининг сувли дистиллятлари ва сувли аралашмалари киради. 34-гуруҳида эса совун; совун сифатида қўлланиладиган органик юза-актив моддалар ва воситалар, юза-актив моддалар, ювиш воситалари ва таркибида совун мавжуд бўлган ёки бўлмаган тозалаш воситалари тас-нифланади[8].

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси VI бўлимининг 33-гуруҳида парфюмерия-косметика товарлари жойлашган.

Европа иқтисодий ҳамкорлигининг таснифига кўра: Европа иқтисодий ҳамкорлигининг йўриқномасининг директивасига мувофиқ ЕЭС (76/768/ЕЭС-1984) барча парфюмерия-косметика маҳсулотлари қўлланилиши бўйича қуйидаги тоифаларга ажратилади:

1. Кремлар, эмульсиялар, лосьонлар, геллар ва тери (қўл, оёқ, юз ва б.) учун мойлар;
2. Юз учун ниқоблар;
3. Жило берувчи маҳсулотлар (суюқликлар, пасталар, пудралар);
4. Макияж учун пударалар, ҳаммомдан сўнг қўлланиладиган пудралар, гигиеник пудралар ва б.;
5. Хушбўйлантирувчи (туалетные) совунлар, парфюмерия совунлари ва б.;
6. Парфюмерия сувлари, хушбўйлантирувчи (туалетная) сувлар ва одеколон;
7. Ҳаммом ва душ учун қўлланиладиган воситалар (тузлар, кўпиклар, мойлар, гель ва б.);
8. Депиляторлар;
9. Дезодорантлар ва терлашни камайтирувчи воситалар;
10. Сочларни парваришлаш маҳсулотлари: - сочларга жило берувчи ва уларни рангсизлантирувчи воситалар; - завивка, текислаш ва фиксациялаш учун препаратлар; - турмакларни мустаҳкамловчи препаратлар; - сочларни ювиш учун препаратлари (лосьонлар, пудралар, шампунлар); - кондиционерлар-препаратлар (лосьонлар, кремлар, мойлар ва б.); - сартарошлик маҳсулотлари (лосьонлар, лаклар, фиксаторлар, жило берувчи препаратлар);
11. Устара воситалари (кремлар, кўпиклар, лосьонлар ва б.);
12. Юз ва бўйин макияжи учун суриладиган ва ундан ювиб ташаладиган препаратлар;
13. Лаб учун маҳсулотлар;
14. Тишлар ва оғиз бўшлиғини парваришлаш учун воситалар;
15. Тирноқ парвариши учун воситалр ва тирноқ учун лаклар;
16. Жинсий гигиена учун воситалар;
17. Тери рангини ўзгартириш (загар) учун воситлар;
18. Қуёшсиз тери рангини ўзгартириш (загар) учун воситалар;
19. Терини оқартириш учун маҳсулотлар;
20. Ажинларни кетказиш учун воситалар.

ЎзР ТИФ ТНнинг 33-гуруҳи “Эфир мойлари ва резиноидлар; парфюмерия, косметика ёки туалет воситалари” изоҳида қуйидагилар белгилаб ўтилган.

Мазкур гуруҳга: а) 1301 ёки 1302 товар позицияларида таснифланадиган табиий тирик ёки ўсимлик экстрактлари; б) 3401 товар позициясида таснифланадиган совун ёки бошқа маҳсулотлар; в) 3805 товар позициясида тансифланадиган ёғочлик ёки сульфатли скипидар ёки бошқа маҳсулотлар кирмайди [9].

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, парфюмерия-косметика товарларининг ТИФ ТН асосида таснифланишининг асосий мезонлари ва хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, парфюмерия ва косметика маҳсулотларини ТИФ ТН қуйидаги кодлари билан таснифланиши тавсия этилади[9] (3-жадвал):

3-жадвал

Парфюмерия-косметика товар гуруҳларининг ТИФ ТН кодлари тавсифи

ТИФ ТН коди	Товар тавсифи
3304 99 000 0	Терини тез ва самарали тозалаш учун мўлжалланган косметик маска, самарали озиқлантирувчи
3303 00 900 0	Аэрозоль бўлмаган қадоқдаги хушбўйлантирувчи сувлар (туалетные воды в неаэрозольной упаковке)
3305 90 000 0	Соч турмаги учун воситалар (гель, восклар)
3305 10 000 0	Шампунлар
3304 20 000 0	Кўз макияжи учун воситалар
3304 10 000 0	Турли номдаги лаб макияжи учун воситалар
3307 20 000 0	Индивидуал фойдаланиш учун дезодорант ва антиперспирантлар
3401 11 000 0	Хушбўйлантирувчи совун (мыло туалетное) (жумладан, дори воситаларини ўзида сақлаган совун)
3307 49 000 0	Хона ҳавосини хушбўйлантириш ва дезодорациялаш учун турли воситалар
3307 10 000 0	Устарадан олдин, устара вақтида ва ундан кейин қўлланиладиган турли воситалар, дезодарантлар
3304 91 000 0	Пудралар, жумладан, компакт пудралар
3305 30 000 0	Соч учун лаклар
3304 30 000 0	Маникюр ва педикюр учун воситалар
3307 30 000 0	Ҳаммом учун мўлжалланган хушбўйлантирилган тузлар ва бошқа бирикмалар
3404 90 000 9	Бошқа сунъий восклар
3303 00 100 0	Духи
3305 90 000 0	Соч учун лосьонлар
3301 90 900 0	Паприка мойи
3301 12 100 0	Апельсинли эфир мойи
3301 13 100 0	Лимонли эфир мойи
3304 99 000 0	Бошқа косметик воситалар ёки макияж ва тери саломатлиги учун воситалар

Парфюмерия-косметика товарлари истеъмолчиларнинг кундалик эҳтиёж маҳсулотлари бўлганлиги сабабли, республикамиз ички бозорларига турли бренд ва номдаги, шунингдек, турли қўлланилиш жиҳатларига эга бўлган ушбу гуруҳ товарларининг импорти доимийдир. Шу сабабли, парфюмерия ва косметика товарларининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида таснифланиши ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу бир қатор омиллар билан боғлиқдир: ТИФ ТН асосида қандай код остида таснифланиши бож ставкасига, тўланадиган божхона тўловларига таъсир кўрсатади; товарнинг ТИФ ТНнинг у ёки бу коди остида таснифланиши махсус товаршунослик билими ҳамда товарларнинг тавсифини ва уларнинг қўлланилишини аниқлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча экспертизани ўтказишни талаб этади.

Экспертиза натижасида, косметика кремларининг органолептик кўрсаткичлари, яъни ташқи кўриниши, ранги ва ҳиди, шунингдек, физик-кимёвий кўрсаткичлари водород кўрсаткич pH, ишқорнинг умумий масса улуши, сув ва учувчан моддаларнинг масса улуши, коллоид барқарорлиги ва термик барқарорлиги, тушиш нуқталари

меъёрий талабларга жавоб бериши | аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримова Д.Б., Хужаев В.У. Классификации парфюмерной и косметической продукции на основе товарной номенклатуры // Universium технические науки: электрон. науч. Журнал 2020. № 12 (81) URL: https://7universium.com/ru/tech/archive/item/10637
2. ГОСТ 29188.0-91 Метод определения отбор проб
3. ГОСТ 29188.2-91 Метод определения водородного показателя
4. ГОСТ 29188.5-91 Методы определения свободной и связанной щелочи
5. ГОСТ 29188.4-91 Метод определения воды и летучих веществ или сухого вещества
6. ГОСТ 29188.3-91 Метод определения стабильности эмульции
7. Д.Каримова, В.Хўжаев, Г.Рахматуллаева Косметик кремлар сифатини органолептик ва физик-кимёвий услублар ёрдамида аниқлаш ФарДу илмий хабарлари 2021йил 1-сон 57-62 бетлар
8. Вилкова С.А. Товароведение и экспертиза парфюмерно-косметических товаров. Учебник для вузов/ С.А. Вилкова. – Москва: издательство деловая литература, 2000. –286 с.
9. Товарная номенклатура внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан - ООО “REN-Poligraf”, Т.: 2012. - 632 стр.

MENEJMENT TARIXIDA O’RTA ASR VA ANTIK DAVR BOSHQARUVCHILIK G’OYALARINING O’RNI

МЕСТО СРЕДНЕВЕКОВЫХ И ДРЕВНИХ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ИДЕЙ В ИСТОРИИ МЕНЕДЖМЕНТА

THE PLACE OF MEDIEVAL AND ANCIENT GOVERNMENT IDEAS IN THE HISTORY OF MANAGEMENT

X.A.Ustadjalilova- pedagogika fanlari nomzodi, dotsent,
G.U.Radjabova -katta o‘qituvchi, Qo‘qon DPI

Annotatsiya. Maqolada boshqarishga bag'ishlangan nazariy va amaliy ishlanmalarni tahlil va sintez qilish orqali O’rta asr va Antik davr boshqaruv g'oyalarining paydo bo'lishi, shakllanishi va rivojlanishi jarayoni atroflicha tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: menejment, boshqaruv, jamoatchilik, nazorat qilish, boshqaruvning universalligi, motivatsiya, boshqarish shtabi, davlat, ma’bad, enslar.

Аннотация. В статье дается всесторонний анализ возникновения, становления и развития средневековых и античных управленческих идей на основе анализа и синтеза теоретических и практических разработок в области менеджмента.

Ключевые слова: управление, администрация, общественность, контроль, универсальность управления, мотивация, управление персоналом, государство, храм, энсы.

Annotation. The article provides a comprehensive analysis of the emergence, formation and development of medieval and ancient management ideas based on the analysis and synthesis of theoretical and practical developments in the field of management.

Key words: management, administration, public, control, universality of management, motivation, personnel management, state, temple, ensa.

Menejment muammolari ishbilarmon doiralar, siyosiy elita, jamoatchilik, o'qituvchilar, menejment bo'yicha mas-lahatchilar e'tiborida bo'lgan va qolmoqda. Ushbu jamoalarning vakillari ko'pincha boshqaruv g'oyalarining mualliflari va amalga oshiruvchilari bo'lgan. Boshqaruv g'oyalarini izlash, shakllantirish va rivojlantirishning asosiy motivlari har doim ijtimoiy tashkilot (oila, korxona, davlat, jamiyat) a'zolarining farovonligi va xavfsizligini ta'minlashdan iborat edi. Shu

sababli - qabul qilingan boshqaruv qarorlari samaradorligini oshirish, tashkilot boshqaruvini doimiy ravishda tako-millashtirish, tashkilotlar faoliyati sama-radorligi va hayotini oshirish eng muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Boshqaruv odamlar bilan birga paydo bo’lgan. U mehnatni taqsimlanishi va kooperatsiyalanish jarayonida faoliyatning mustaqil turiga ajralgan. Bu odamlarning ijtimoiy ishlab chiqarishdagi faoliyatini tashkil qilish va muvofiqlashtirish zarurligi bilan asoslangan. Bunda ulardan birlari rahbar, ya’ni boshqaruvchilar, boshqalari esa ularning tobelari, ya’ni bosh-qariladiganlar iborat bo’ladilar.

Boshqaruv muammosini birinchi bo’lib hal qilishga qadimgi misrliklar kirishganlar. 6 mingga yaqin yillar oldin ular odamlar faoliyatini maqsadga yo’naltirilgan holda tashkil qilish, uni rejalashtirish va natijasini nazorat qilish zarurligini tan olganlar hamda boshqaruvni markazlashtirmaslik haqida masalani qo’yganlar [2.14].

Eramizga qadar 20 asrda Misrga qo’shni Vavilonda podshoh Xammurapi boshqaruv va nazorat qilish zaruriyati uchun sopol jadvallardagi hujjatlar va guvohlik ko’rsatmalarini qo’llagan, amaldor shaxslar tomonidan javobgarlikni o’z tobelariga o’tkazishga yo’l qo’ymaslikni tan olgan, ish haqi darajasini qonunan belgilagan.

Eramizga qadar uchinchi ming yilliklar bilan sanalangan sopol jadvalchalarga tijorat bitimlari haqidagi ma’lumotlar va qadimgi Shumeriya qonunlari yozilgan, bu ham u yerda boshqaruv amaliyoti mavjudligidan darak beradi.

Boshqaruvga antik davrda ham ma’lum ulush qo’shilgan, bizning eramizdan 400 yil avval Suqrot boshqaruvning universalligi tamoyili shakllantirgan. Uning zamondoshi Eron shohi Kir odamlarni harakat qilishga undashni, ya’ni motivatsiyani maxsus tadqiqot qilish zarurligi haqidagi g’oyani ilgari surgan. U yana boshqaruv axborotlarini ishlab chiqish va rejalar tuzish muammosini ham ko’rib chiqqan. Biroz keyinroq Gretsiyada mehnat operatsiyalarini bajarish va ularning bir maromdaligini ta’minlash usullari bilan shug’ullanganlar. Platon ixtisoslashish tamoyilini shakllantirgan [3.59].

Eramizdan avvalgi 325 yilda Iskandar Zulqaynayn birinchi marta jangovar harakatlarni boshqarish markazi sifatida shtabni tashkil qilgan. Qadimgi tashkilotlar ma’lum tuzilishga ega bo’lgan, unda boshqaruvchining darajalari ajratilgan. Yirik siyosiy tashkilotlar ham mavjud bo’lganlar, qirollar va generallar ularning rahbarlari bo’lganlar. Yana bosh-qaruvchilar, omborlarni saqlovchilari, mol haydovchilar, ishni nazorat qiluvchilar, hududlarning gubernatorlari va xazi-nachilar bo’lganlar, ular ushbu tash-kilotlarning faoliyatini ta’minlashga yordam berganlar [4.11].

Boshqaruv va mehnat taqsimoti

Boshqaruv inson faoliyatining o'ziga xos turi sifatida birinchi marotaba sun'iy jamoalarda paydo bo'ldi, masalan, ovchilar guruhi, qo'shni jamoa, so'ngra davlat. Birinchi davlatlarning yaratilishi bilan bir vaqtda professional menejerlar - menejerlar qatlami shakllanmoqda. Shu nuqtayi nazardan, barcha hukmdorlar menejerlardir, chunki ularning tashkiliy faoliyati iqtisodiy tashkilot bo'lgan ijtimoiy tashkilotlarga qaratilgan.

Davlat - bu murakkab tuzilma, boshqaruv amaliyoti doimiy rivojlanish bilan tavsiflanadi. Menejment nuqtai nazaridan, ijtimoiy mehnat taqsimotini tahlil qilishda, nihoyatda qimmatli guruh yoki qatlamni tanlashni kuzatish eng qiziqarlidir.

Misrda va Shumerda miloddan avvalgi 4-ming yillik oxiriga kelib, ekinlar osonlikcha ko'proq hosil berdi, ya'ni har bir kishi o'zi iste'mol qilgandan ko'ra ko'proq hosil berdi. Bu shuni anglatadiki, har bir kishining mehnati o'zini boqish uchun zarur bo'lganidan ancha ko'p hosil qila boshladi. Jamiyat nogironlarni boqishga, ishonchli oziq-ovqat zahirasini yaratishga, mehnatga layoqatli odamlarning bir qismini qishloq xo'jaligi ishlaridan ozod qilishga muvaffaq bo'ldi.

Birinchi imkoniyatda jamiyat harbiy rahbar va bosh ruhoniyni (bir kishida bo'lishi mumkin) to'g'ridan-to'g'ri ishlab

chiqarish faoliyatida qatnashishdan, ya'ni asboblar bilan ishlashdan, dushman bilan jangda bevosita ishtirok etishdan ozod qildi.

Hokimiyat egalari har doim ishlab chiqarish mehnatining ortiqcha miqdoridan oqilona foydalanishga qodir emaslar. Qudratni qo'lidan keladiganlar egallab olishadi; qo'lida musht, qurollangan yoki mafkuraviy kuch bo'lgan va shu bilan birga ular tashkiliy vazifalarni o'z zimmalariga olganlar. Albatta, bunday ilg'or menejerlar ham bor, ular jamiyatning texnik va madaniy taraqqiyotida o'z hissasini qo'shishi mumkin.

Birinchisi, eng muhim faoliyatni amalga oshirganidek, samarali mehnatdan ozod bo'lganlar ruhoniylar va rahbarlar, keyin shohlar va fir'avnlar va nihoyat, bugungi kunda davlatlar prezidentlari, parlament palatalari spikerlari, kampaniyalar prezidentlari va tashkilotchilar, menejerlar, ijtimoiy menejerlar bo'lgan menejerlar.

Piter Draker menejment - bu uyushmagan olomonni samarali, yo'naltirilgan va samarali guruhga aylantiradigan o'ziga xos faoliyat deb ta’riflagan. Bunday boshqaruv ijtimoiy o'zgarishlarning qo'zg'atuvchisi va muhim ijtimoiy o'zgarishlarning namunasidir.

Mesopatamiyadagi menejment elementlari.

Mesopotamiya sivilizatsiyasi tadqiqotchilar uchun alohida qiziqish uyg'otadi, chunki bu ularga professional menejmentni shakllantirish mexanizmini ko'rish imkonini beradi.

Miloddan avvalgi III ming yillikda Shumerning iqtisodiy yuksalishi sug'orish va metallni oldingisidan kengroq foydalanishga asoslangan qishloq xo'jaligi iqtisodiyotining rivojlanishi bilan bog'liq edi. Quyi Mesopotamiya iqtisodiyoti (bo'lajak Shumer) ikki sohaga bo'lingan: ma’badlar [12] va paydo bo'layotgan davlatning yuqori lavozimli shaxslari egalik qilgan ko'p oilali jamoa xo'jaliklar va yirik fermer xo'jaliklari; yozma tarixning dastlabki asrlari davomida ushbu xo'jaliklar asta-sekin jamoa o'zini o'zi boshqarish organlari yurisdiktsiyasidan chiqib ketishdi [3.40].

Ma'bad fermalari dastlab ruhoniylarga emas, balki xudolarga sig'inishga xizmat qilish uchun ajratilgan yerlarda yaratilgan. Melioratsiya va irrigatsiya ishlarini tashkil etish ruhoniylarga topshirilgan. Ma'badlar jamoat uchun alohida ahamiyatga ega edi, chunki ularning fermer xo'jaliklarida yaratilgan mahsulot dastlab davlat sug'urtasi fondi bo'lgan va ma'bad qurbonliklarida ishtirok etish aholi uchun go'shtni oziqlantirish uchun deyarli yagona imkoniyatni yaratgan. Shu bilan birga, ma'bad yerlarining katta maydonlarida ilg'or qishloq xo'jaligi uskunalarini (omochlarni va boshqalarni) ishlatish osonroq edi va bu yerda ortiqcha mahsulotning asosiy qismi yaratilardi.

Eramizdan avvalgi 3000-2900 y.y.atrofida ma'bad xo’jaliklari shu qadar murakkab va umumiy bo'lib qoladiki, ularning iqtisodiy faoliyatini hisobga olish zarur edi, ya'ni bugungi kunda nazorat va buxgalteriya hisobining boshqarish funktsiyasi deb nomlangan narsani bajarish zarur bo'ldi. Yozuv yaratildi, uning paydo bo'lishi iqtisodiyotni boshqarish ehtiyojlari va yirik va murakkab fermer xo'jaliklarini yuzaga kelishi natijasiga bog’liq.

Mesopotamiyada jamiyatning bo'linishi aniq bo'lib, qadimgi odamlar tomonidan tan olingan va o'z-o'zini tashkil etish natijasi edi; bu boshqaruvni soddalashtirdi, chunki boshqaruv hissi deyarli avtomatik bo'lib, mulklar o'rtasidagi munosabatlar va ular ichidagi munosabatlarni tartibga solish uchun minimal maxsus boshqaruv harakatlarini talab qiladi. Erkin jamoalarning a'zolari yuqori sinfga mansub bo'lganlar, ma'bad yoki hukumat xo'jaligi xodimlarining a'zolari, ular faqat xizmat ko'rsatish va ishlash sharti bilan yerga egalik qilgan yoki umuman unga egalik qilmagan, ammo faqat ratsion olgan, shuningdek, quyi sinfning qullari bo'lgan.

Manbalardan ma'lumki, eng katta tarkibiy va texnologik o'zgarishlar davlat sektorida, ayniqsa uning doimiy komponenti - ma'bad xo’jaliklarida sodir bo'lgan. Davlat o'z iqtisodiy asoslarini

kengaytirishga shunchalik muhtoj ediki, u jamoa a'zolaridan yer sotib ola boshladi.

Davlat sektori jamoa yerlarini sotib olish yo'li bilan to'ldirildi, bu esa hukmdorlarning jamoalardan katta mustaqilligini, ma'muriy kadrlarning miqdoriy o'sishini, mehnat unumdorligining oshishini, ixtisoslashuvini va yollangan ishchilar sonining ko'payishini ta'minladi. Bularning barchasi o'sha davrning eng mahoratli menejerlari-ibodatxona xizmatchilari boshchiligidagi yaxshi boshqaruv natijasi edi.

Milliy iqtisodiyotni boshqarish tizimiga o'zgartirish kiritish uchun bizga ma'lum bo'lgan urinishlardan biri bu miloddan avvalgi XXII asrning ikkinchi yarmida Gudeya hukmronligi edi. Bu davrda butun mamlakat tumanlarga bo'linib ketdi, ular avvalgilariga to'g'ri kelishi yoki kelmasligi mumkin. Ilgari ularga enslar [13] rahbarlik qilgan bo'lsa, endi ular podshoh ma'muriyatining qaroriga binoan joydan joyga ko'chirilgan amaldorlardir. An'anaviy hokimiyat faqat ma'lum chegara hududlarida saqlanib qoldi.

Gudea qishloq xo'jaligi va chorvachilikni davlatning markazlashgan xo’jaligiga aylantirdi. Ma'badlarga qurbonliklar etkazib berish tumanlar bo'yicha bo'linib ketdi: har bir tuman o'z navbatida ma'badlarni ma'lum muddat davomida ta'minlab turishi kerak edi, bu soliqning bir turi edi. Butun mamlakat bo'ylab yagona podshohlik xo’jaligini tashkil etish uchun juda ko'p ma'muriy kadrlar kerak edi: nozirlar, ulamolar, otryadlar rahbarlari, ustaxonalar rahbarlari, menejerlar, shuningdek ko'plab malakali hunarmandlar.

Gudea sobiq jamoa yerlarni jamoatlarga qaraganda savodli va ijtimoiy hamda texnologik jihatdan ko'proq harakatchan bo'lgan kichik ishlab chiqaruvchilarga davlat sektori orqali ularni qayta taqsimlash orqali foydalanishning samarali usulini topdi deb taxmin qilish mumkin.

Agar Gudea islohotlarini tashkilot sifatida milliy xo’jalikni boshqarish nazariyasi nuqtai nazaridan, jamiyatni tashkil etish nuqtai nazaridan tahlil qilsak, *unda nafaqat nazariy, balki amaliy jihatdan ham qiziq bo'lgan bir qator topilmalarni, yangiliklarni qayd etishimiz mumkin:* [5.17]

- Umumiy maqsadning unsurlarning maqsadlaridan ustunligi quyidagilarda aniq ko’rinadi:
- davlat tuzilmalari, ibodatxonalar va ishchilarning o'z mahsulotlarini ta'minlaydigan markaziy hunarmandchilik ustaxonalarini tashkil etish;
- qurbonlik qilingan hayvonlarni markaziy ibodatxonalarga navbatma-navbat etkazib berishni belgilab, an'anaviy ma'muriy tuzilishga o'zgartirishlar kiritildi;
- agar kerak bo'lsa, jamoat a'zolari va podshohlik xo’jaligi ishchilarini davlat xo’jaligiga jalb qilish.

Byurokratik hokimiyat jamiyat a'zolariga tarqaldi, ya'ni Gudea barcha mahalliy aholini o'zining davlat birlashmasining hokimligiga bo'ysundirdi.

Eski Bobil davridagi Mesopotamiya tsivilizatsiyasi inqirozdan chiqish yo'lini namoyish etdi. Xususiy fermer xo'jaliklari osonroq tiklandi, shuning uchun davlat tashabbuskor tadbirkorlarga iqtisodiyotni tiklash imkoniyatini berdi. Davlat yerlarining, hunarmandchilik ustaxonalarining, savdo korxonalarining muhim qismi xususiy shaxslar nazorati ostiga o'tdi; hatto ruhoniylarning xizmatlarini taqsimlash davlat hokimiyati funktsiyasidan savdo, xususiy shartnomalar va vasiyatlarning mavzusiga aylandi. Ushbu chora-tadbirlar milliy xo’jalik jarayonlari va mexanizmiga ko'p tomonlama ta'sir ko'rsatdi. Bo'ronli iqtisodiy hayot, yagona markazlashgan davlatda xavfsizlikning kuchayishi unga ko'plab immigrantlarni jalb qildi, bu esa ijodiy energiya, moddiy resurslar va arzon ishchi kuchi oqimini ta'minladi.

Hunarmandchilik turli kasblar bilan ifodalanadi. Hunarmandlarning ish haqi uchun qat'iy ish haqi o'rnatildi, bu ish uchun qat'iy javobgarlik. Professional uyushmalar: gildiyalar turiga binoan qurilgan savdogarlar va hunarmandlar uyushmalari, shuningdek folbinlarning professional guruhlari va yovuz ruhlarni

quvib chiqarishda yuqori malakali mutaxassislar tashkil etildi.

Yuqoridagi fikrlarga asoslanib, boshqarish inson faoliyatining eng qadimgi turlaridan biri deb taxmin qilish mumkin, chunki yer yuzida ikki kishi paydo bo'lgan paytdan boshlab, ulardan birining ikkinchisiga maqsadli ta'sir ko'rsatishi zarur edi. Agar shunday bo'lsa, demak, butun hayoti davomida insoniyat ulkan amaliy tajribani va turli xil boshqaruv g'oyalarini to'plagan. Bugungi kunda ushbu g'oyalarni izlash, ularni aniqlash, to'plash, saqlash, qayta ishlash, tahlil qilish, sintez qilish, tizimlashtirish va iloji bo'lsa, ularni zamonaviy boshqaruv muammolarini hal qilishda qo'llash zarur. Demak, ko'p ming yillar davomida samarali va oqilona boshqarish muammosi amaliyotchilar - biznes rahbarlari, davlat arboblari, ishlab chiqarishni tashkillashtiruvchilar, harbiy qo'mondonlar, tadbirkorlar va olimlar - faylasuflar, siyosatshunoslar, sotsiologlar, psixologlar, iqtisodchilar, menejerlar, tarix-chilar va huquqshunos olimlarning hayotiy muammolaridan biri bo'lganligiga amin bo'lish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: “O’zbekiston”, 2017. – 488 b.
2. Kravchenko A.I. Istoriya menedjmenta: Uchebnoe posobie dlya vuzov. – 7e izd. – M.: Akademicheskiy Proekt; Alma Mater, 2008.
3. E. P. Kostenko, Ye. V. Mixalkina IstoriyA menedjmenta. Uchebnoe posobie. // Rostov-na-Donu. Izdatelstvo Yujnogo federalnogo universiteta. 2014
4. I.V.Teslenko IstoriyA menedjmenta Uchebnoe posobie.// Yekaterinburg 2011
5. Semenova I.I. Istoriya menedjmenta: uchebnoe posobie – M.: YuNITI, 2008.
6. Korgova M,A. Istoriya menedjmenta. Uchebnik-Rostov –na-Donu, 2010.
7. Vixanskiy O.S., Naumov A.I. Menedjment: Uchebnik dlya vuzov po ekon. spets. i napravl. – Trete izd. – M.: Gardarika, 2008.
8. Gerchikova I.N. Menedjment: Uchebnik. – 4-e izd., pererab. i dop. – M.: YuNITI-DANA, 2009.
9. Daft R. Menedjment. 6-e izd./ Per s angl. – SPb.: Piter,2007.
10. Lherth P. Praktika menedjmenta:/ Per. s angl.: Uch. pos. – M.: Izdatelskiy dom «Vilyams», 2007.
11. N.Q.Yo’ldoshev, O.S.Qozoqov Menejment / T, “Fan” 2004.
12. MA’BAD**.** Biron xudoga sajda qilish uchun qurilgan bino. Odatda xudolarga atab ma’badlar qurilardi, sajda qiluvchilar, xudo o’z ma’badida zohir bo’ladi, deb ishonardilar. SHu sababdan ular ma’badni xudoning uyi deb ham atardilar.
13. Shumer hukmdorlarining ma'lum bo'lgan eng qadimgi unvonlari (en, ensi) ruhoniylardan kelib chiqqan. Ensey - Qadimgi Mesopotamiyada XXVII-XXVI asrlarda. Miloddan avvalgi e. shahar-davlat hukmdori. Ushbu atama pa-te-si kompozitsion ideogrammasi yordamida yozilgan va "ma'bad joyini (te) chegaralaydigan rahbar

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ЕВРОПАЧА ТУРДАГИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПЕРВЫХ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ ЕВРОПЕЙСКОГО ТИПА В УЗБЕКИСТАНЕ

ACTIVITIES OF THE FIRST EUROPEAN-TYPE HEALTH FACILITIES IN UZBEKISTAN

Р.М.Ахмедова-тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Қўқон ДПИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки европача турдаги санаторий-курортларнинг ташкил этилиши, тарихий жараёнлар давридаги бу шифо масканларининг фаолияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Санаторий, курорт, Педов, Н. Б. Тейх, И. Бунин, Мулла қора, Соқоллибува,Эранжи бува, Н. А. Семашко, Жалолобод.

Аннотация. В статье анализируется создание первых санаториев европейского типа в Узбекистане, деятельность этих санаториев в период исторических процессов.

Ключевые слова: Санатория, курорт, Педов, Н.Б.Тейх, И.Бунин, Мулла кара, Саколлибува,Эранжи бува, Н. А. Семашко, Жалалабад.

Annotation. This article analyzes the establishment of the first European-type sanatoriums in Uzbekistan, the activities of these sanatoriums in the period of historical processes.

Key words: Sanatorium, resort, Pedov, N. B. Teyx, I. Bunin, Mulla kara, Sokollibuva, Eranji buva, N. A. Semashko, Jalolobod.

Дастлабки шифо масканларининг шаклланиши тарихига назар ташланса, XVII асрдан бошлаб жаҳон олимлари томонидан инсон саломатлигини тиклашда минерал манбалар, шифобахш сувлар ва балчиқли лойнинг фойдаси ўрганилганлиги аён бўлади [1]. Натижада, XVIII асрга келиб, европалик шифокорлар томонидан шифобахш минерал омиллардан инсонлар саломатлигини тиклашда фойдаланила бошланди [2].

Касалликларни даволовчи дастлабки европача турдаги курорт Ўрта Осиёда Янги Марғилон ва Андижон шаҳарларида шифокор бўлиб ишлаган И. Бунин томонидан Қўқон уездида жойлашган Педов ҳудудида 1881 йилда ташкил қилинган эди. Ушбу ҳудуддаги сув манбаларининг ҳарорати 20–20.5 градусни ташкил этиб, уни биринчи бўлиб химик олим Н. Б. Тейх 1880 йилда Тошкентдаги кимё лабораториясида таҳлил қилган эди [11]. У ерга келувчи беморлар сони кўп бўлган ва даволаш ҳам яхши натижалар берган. Мазкур курортни ташкил этиш учун И. Бунин давлатдан озроқ субсидия олади, аммо асосий маблағни ўз ҳисобидан ишлатади. Мазкур курорт уч йил фаолият юритган ва 1883 йилда Буниннинг вафотидан кейин ўз фаолиятини тўхтатган эди [11].

Мазкур олим Педовда олтингугурт ва ишқорли булоқда 8 та ванна ҳамда 28 та кичик хоналардан иборат уч каркасли ёғоч уй қурдиради. Касалхона ҳудудида 12 мингга яқин турли дарахтлар экилади. И. Буниннинг ўлимидан кейин, аниқроғи, 1885 йилда бу ерда Жалолобод-Аюб ҳарбий-санитар станцияси барпо қилинган.

Ушбу жараёнда шифокор И. Д. Успенскийнинг тутган ўрнини алоҳида қайд этиш керак. У 1892 йилда Қора-Туба санитар-гигиеник станциясини ташкил қилган ва уни бир неча йиллар давомида бошқарган. Унинг фикрича, ушбу станция климатик даволаш самарадорлиги бўйича Кисловодскдан кейин иккинчи ўринда туради ва Россия империясидаги бошқа станцияларидан юқори турган[5]. Мазкур станция қуйи лавозимдаги ҳарбийлар ва амалдорларни даволаш учун мўлжалланган бўлиб, турли касалликлар, яъни безгак, камқонлик, цинга (милк касаллиги), ўпка сурункали касалликларини даволашга мўлжалланган. Масалан, 1895 йилда станцияга даволаниш учун 60% безгак билан касалланган беморлар келтирилган [3]. Станцияда икки нафаргина шифокор ишлаган ва улар ўз дорихоналарига эга эди.

1917 йилгача Туркистон ўлкасида Ҳарбий санитария-гигиеник станциялари фаолият кўрсатиб, уларнинг асосида 1917 йилдан кейин “Чимён” ва “Жалолобод” курортлари ташкил этилган эди. XX аср бошларида ўлкада курорт типидаги муассасалар очилган эди. Жумладан, Закаспий вилоятида темирйўлчиларга хизмат кўрсатиш учун “Мулла қора” – балчиқ билан даволаш курорти ҳамда Еттисув вилоятида Қизил Хоч жамияти томонидан “Иссиқота”, “Етти Оғуз” ва “Оқ сув” каби бальнеологик курортлар ташкил этилган. Аммо, ушбу курортларнинг бинолари, техник асбоб-ускуналари ҳамда хизмат кўрсатиш даражаси

талабга жавоб бермаган. Шунингдек, улар маълум бир муассасага хизмат кўрсатганлиги учун кўп ҳолларда аҳолининг ундан фойдаланиш имконияти чегараланган эди.

1917 йилгача Туркистонда Арашан булоқ, Олой, Болғали, Гарм Чашма, Қўтирбулоқ, Заркент, Қайнарбулоқ, Ўзчаксой, Педов ва Хўжаипак каби минерал манбалари аниқланган эди. Аммо, юқорида номлари тилга олинган манбалардан фақат Педовдагина олтингугурт-водород сувидан фойдаланиш учун XIX асрнинг 80-йилларида И. Бунин томонидан бальнеологик курорт ташкил этилган эди[12].

1917 йилан кейин ўлкадаги сиёсий курашлар натижасида “Жалолобод”, “Чимён” ва “Мулла қора” каби курорт жойлар ҳарбий ҳаракатлар доирасига кириб қолган эди. 1921–1922 йиларда “Жалолобод” курорти фаолият юритмаган, 1923 йилдан эса вилоятнинг ички маблағлари ҳисобига 50 ўринли курорт ўз ишини бошлаган эди[7]. Ўрта Осиёда 1923 йилда “Жалолобод” ва “Чимён” курортлари РСФСР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги томонидан умумдавлат тизимига киритилади. Бу эса ўлка курортларига маълум миқдорда маблағ ажратиш имконини яратади [8].

Бевосита Биринчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг Россия империяси фуқаролари Германия ва Австро-Венгрияда даволаш курсини ўтай олмасликлари сабабли ҳукумат томонидан империянинг турли ҳудудларида “даволаш жойлари” ни ташкил этиш масаласи кўтарилди. 1914 йилда Фарғона вилоятидаги Ахсикент кўлига ҳаво, сув ва балчиқда радий борлигини аниқлаш учун икки нафар олимдан иборат экспедиция жўнатилади. Экспедиция қатнашчиларидан бири бўлган А. П. Смирновнинг фикрича, Ахсикент кўлида табиий эманатор борлиги аниқланган. У камдан-кам учрайдиган сунъий эманатор бўлиб, модда алмашинуви ва ревматизмни (бод) даволашда асосий восита ҳисобланган. Уни ўрнатиш жуда қимматга тушган ва бундай эманатларда даволанишга фақат тор доирадаги бойларнигина қурби етган.

Экспедиция аъзолари текширув натижасида, кўплаб сабабларга кўра, бу ернинг муҳим курорт зонаси бўлишига асос борлигини аниқлаганлар, яъни бу ерда кимёвий таркиби бой, балчиқ ва тузли сувлар бўлиши билан бирга, ичимлик сувининг яқинлиги ҳам даволанувчи кишиларга қулайлик туғдирган[9]. 1915 йилда Давлат ер мулк департаменти томонидан бошқармага хат юборилиб, унда Россия империясида даволаш масканларини ташкил этиш ишига давлат даражасидаги вазифаси сифатида қаралади. Шу сабабли, Давлат ер мулк департаменти жойлардаги мавжуд курортлар, қимиз билан даволаш масканлари, климатик станциялар ва дала ҳовлилар ҳамда шундай даволаш масканлари ташкил этилиши мумкин бўлган жойлар ҳақида маълумот жўнатишни сўрайди. Натижада, Туркистондаги шифобахш булоқларнинг рўйхати қайта кўриб чиқилади.

Мисол учун, Сирдарё вилоятидаги барча уездлар бўйича алоҳида маълумот берилган. Чимкентлик ўрмончининг берган маълумотларига кўра, бу ерда шифобахш булоқлар бўлмаган, бироқ қимиз билан даволаш кенг тарқалган бўлиб, безгак ва ўпка касалликларидан азият чекадиган беморлар даволанган. Чилик-Бобосағанкўл қишлоғи атрофида балчиқ кўли ва Арансанбулоқ чашмаси, Амударё бўлими Мингбулоқ волостида “Соқоллибува” ва “Эранжи бува” балчиқ кўли, Қозоли уездининг Орол денгизига яқин жойида бодни даволашда самарали бўлган балчиқли кўл очилган[9]. 1915 йилда бу ерда Тошкент темир йўл бошқармасига қарашли Алоқа йўллари вазирлиги хизматчилари учун балчиқ билан даволаш маскани очилган.

Оқ Терескен аччиқ-шўр балчиқ кўли Тошкент темир йўли Янгиқўрғон станциясига яқин жойлашган бўлиб,

бод ва тери касалликларини даволаш бўйича маҳаллий аҳоли орасида машҳурлиги билан ажралиб турган. Ушбу кўлнинг шифобахш хусусиятлари тиббиёт ходимлари томонидан ҳам тасдиқланган. Масалан, Тошкент темир йўли шифокорлари томонидан мазкур кўл касалликларни даволашда ёрдам бериши ва ҳатто касалликдан тўлиқ фориғ бўлиш ҳолатлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Ушбу кўл 130 гектар майдонга эга бўлиб, ушбу жой 1916 йилда кўчманчи аҳолидан тортиб олинган ва Ронко деган шахсга ижарага берилган [2].

Кўл сувининг юқори даражада шифобахшлиги, марказий йўллардан узоқда жойлашмаганлиги, дарёнинг яқинлиги, ичимлик суви тизимининг мавжудлиги, яқин қишлоқдан озиқ-овқат билан таъминлаш имкониятига эга эканлиги, арзон ва керакли миқдордаги қимиз, Тошкент билан алоқа қилишнинг қулайлиги, буларнинг барчаси мутахассислар эътиборини тортган ҳамда бу ерда курорт ташкил этиш, унда ревматизмга чалинган ҳарбийлар ва ишчиларни арзонга даволаш кўзда тутилган. Шу билан бирга, ҳарбийлар учун бир нечта бепул жой ажратилиши ҳам режалаштирилган. Таъкидлаш керакки, ташкил этилган курортларда асосан, ҳарбийлар ва маъмурият ходимлари даволанган. Масалан, “Туркестанские ведомости” газетасида ёзилишича, қимиз билан даволаш касалхонаси асосан, Бер Чоғур темир-йўл ходимлари даволаниб, 1914 йилнинг уч ойида бу ерда 189 нафар темирйўлчи беморлар соғлигини тиклаган эди [2].

1914 йилда Биринчи жаҳон урушининг бошланиши, 1917 йилда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва сиёсий курашлар курортларнинг вайрон бўлиши ҳамда таланишига олиб келди. 1919 йилда курортларнинг миллийлаштирилиши эса деклоратив характерга эга бўлиб, амалда у ҳеч нарса бермади ҳамда ушбу йилларда аҳоли қашшоқлашиб, улар орасида очлик ҳукм сурар эди. Шу сабабли, курортлар ўзига яраша овқатланиш пунктлари ролини бажарди[14]. Бундай шароитда республикадаги барча курортлар фаолияти ҳам тўхтаб қолган эди. 1923 йилда Тошкентда Туркистон Республикаси Курорт бошқармаси ташкил этилди, у 1929 йилнинг охирида Бош курорт бошқармаси органи сифатида расмийлаштирилди. 1924 йилдан бошлаб Ўрта Осиёда курортлар ташкил этиш ишлари жадаллаша бошлади. Бу борадаги ишлар қуйидагича йўналишларда амалга оширилди:

Биринчидан, курортлар Ўрта Осиё Давлат университети, Н. А. Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти ҳамда Тошкент обсерваториясининг профессор-ўқитувчилари ва етакчи мутахассисларидан таркиб топган қатор экспедициялар уюштирилиб, ўлканинг шифобахш масканлари тадқиқ этилди. Натижада, курортларда лабораториялар ва метериологик станциялар ташкил этилди. Шунингдек, рентген ва физиотерапевтик аппаратларнинг ўрнатилиши курортда фаолият олиб бораётган шифокорларда илмий ишларга нисбатан катта қизиқиш уйғотди.

Иккинчидан, янги курортлар қурилди, капитал таъмирланди ҳамда жиҳозлар билан таъминланди. Масалан, ушбу даврда Чимёнда казарма ва корпуслар коридор-хона тизимига айлантирилди ҳамда бу ерда амбулатория, ошхона, электорстанция, водопровод, нонвойхона ва дўконлар қурилди. Шунингдек, “Жалолобод” ва бошқа курортларда ҳам шундай қурилиш ишлари олиб борилди. Учинчидан, ушбу шифо масканлари ягона Ўрта Осиё Курорт ташкилотига бирлаштирилди [13].

Дастлаб “Чимён” ва “Жалолобод”, 1924 йилда Муллақора, 1925 йилда Янгиқўрғон, 1926 йилда эса “Иссиқота”, “Етти ўғиз”, “Оқсув” ва “Қўйсара” курортлари битта тармоққа бирлаштирилди. Мазкур йилларда ташкил этилган Ўрта Осиё “Курортлар бошқармаси” ушбу даволаниш жойларини

маблағ билан таъминлай олмаганлиги сабабли курорт иши яна тўхтаб қолади. Ушбу йилларда курортлар ўз маблағларини фақат бинолар ва жиҳозларни таъмирлашга етказа олган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида “Янгиқўрғон”, “Арчман” ва “Койисар” курортлари очилди [14]. 1924 йилда миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати ўтказилганидан сўнг Ўзбекистондан бошқа республикалардаги курортлар Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги таркибига киритилди. Ўзбекистон ўз ҳудудида курорт қуриш учун мўлжалланган жойларнинг йўқлиги, аммо курорт ёрдами ниҳоятда зарур эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги собиқ Иттифоқнинг энг машҳур курортлари бўлган Кисловодскда 60 та қишки ва 75 та ёзги, Ливадида 75 та қишки ва 125 та ёзги ўринлардан иборат санаторийлар ташкил этди. Самарқандга яқинидаги Намозгоҳда 150 ўринлик ва Тошкент яқинидаги Яланғоч даҳасида 100 ўринлик санаторий ишга туширилди [6].

Туркистон Республикасининг дастлабки йилларида 250 ўринга эга бўлган 10 та курорт фаолият юритган. Туркманистондаги Хайробод тоғ-иқлим станцияси кучли зилзиладан сўнг вайрон бўлган эди. 1924 йилдаги миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида “Барлик”, “Арашан”, “Янгиқўрғон” ва “Чимён” сиҳатгоҳлари Қозоғистон Республикасига, “Жалолобод”, “Иссиқота”, “Етти ўғиз”, “Оқ сув” ҳамда “Қўйсара” Қирғизистон Республикасига, “Муллақора” ва “Арчман” курортлари эса Туркманистон Республикаси таркибига ўтиб кетган эди[4].

1924 йил 6 августда Туркистон Республикаси Халқ комиссарлари совети ва Марказий ижроия комитети курортлар тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, шифобахш жойлар ёки курортларга: шифобахш сув ва шифобахш лой манбаси мавжуд бўлган жойлар, Шўркўл ва денгизда чўмилиш жойлари, иқлим станциялари, қимиз ва узум билан даволанишдан фойдаланиш учун очилган жойлар киритилган. Юқорида номлари тилга олинган жойлар даволаш мақсадида зарур бўлган барча ер майдонлари, парклар, чўл ва сувликлар, барча бинолари ҳамда жиҳозлари билан қўшиб курортга тегишли жойлар ҳисобланган[10].

1920 йилларнинг ўрталарига келиб, санаторий ва курортлар қуриш жараёни кучайди. Мазкур ишларни олиб боришда даставвал, қадимдан маълум бўлган минерал моддаларга бой жойлардан фойдаланилди. Бунда мазкур ҳудудларда ташриф буюрувчилар учун бир неча кун давомида ушбу ҳудудлардаги минерал моддалардан фойдаланиш имкониятини яратиш зарур эди. Шу сабабли, энг асосий вазифа сифатида жойларда ташриф буюрувчиларга турар-жойлар қуриш ва уларда етарлича шароитлар яратиш эди. Шунингдек, мазкур турдаги шифо масканларини ташкил этишда ўша жойларнинг иқлими ҳисобга олинди. Чунки, санаторий ва курортлар фақатгина дам олиш жойлари эмас, балки аҳоли ўз саломатлигини тиклаш мақсадида фойдаланадиган тиббий маскан ҳам эди.

Мазкур санаторий ва курорт тизимининг ривожланиши ушбу муассасаларнинг техник имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Шу сабабли, мазкур шифо масканларида рентген, электр токи ва сув билан даволаш ҳамда лаборатория хоналари ташкил этилди. Ҳар бир санаторий ва курортда терапия бўлимлари ташкил этилиб, улар ташриф буюрувчиларнинг соғлиғини тиклашда муҳим аҳамият касб этган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вититнев А. М., Журавлева Б. Л. Курортное дело / Учебное пособие. – Москва, 2006. – С. 113,114
2. Кумысолечебница «Бер-Чогур» Ташкентской железной дороги // ТВ. – 1914. – №229.
3. Пески‌й Ю. Курорт в Туркестане (Аксыкентские грязи) // ТВ. – 1914. – №254.
4. Труды Узбекского государственного научно-исследовательского института физиотерапии и курортологии им. Семашко Курорт Шахимардан / Сборник IX. – Тошкент, 1947. – С. 4.
5. Успенский И. Д. Кара-Тюбинская санитарно-гигиеническая станция.... – С. 52.
6. Файбушевич В. М. Наши достижениея, недостатки и задачи.... – С. 88
7. Ўзбекистон Миллий архиви. Р. 40- фонд, 1- рўйхат, 416- иш, 27-варақ.
8. Ўзбекистон Миллий архиви, Р.737-фонд, 1-рўйхат, 393-иш, 2-варақ.
9. Ўзбекистон Миллий архиви, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 33935-иш, 44-46, 52-варақ.
10. Ўзбекистон Миллий архиви, Р. 25-фонд, 1-рўйхат, 1542-иш, 82-85-варақ.
11. Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви. 14-фонд, 1-рўйхат, 100- иш, 30, 32- варақ.
12. ЎзР ИТТҲМА. 14-фонд, 1-рўйхат, 525-иш, 30-варақ.
13. ЎзР ИТТҲМА. 14-фонд, 1-рўйхат, 445-иш, 32-варақ орқаси, 33-варақ.
14. ЎзР ИТТҲМА. 14-фонд, 1-рўйхат, 133-иш, 68-варақ.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА МАЛЛАХОН ҲУКМРОНЛИГИ

ПРАВЛЕНИЕ МАЛЛАХОНА В КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ

MALLAHON'S REIGN IN THE KOKAND KHANATE

К.Акбаров-тарих фанлари номзоди, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мақолада XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигида рўй берган ички зиддиятлар, Маллахоннинг ҳокимиятга келиши, унинг ички сиёсати, Бухоро амирлиги ва Рус давлатига қарши курашлари ва Хива хонлиги билан олиб борган дипломатик алоқалари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги,Худоёрхон, ички курашлар,Маллахон,Бухоро амирлиги,Рус босқинчилиги

Аннотация. В статье описаны внутренние конфликты в Кокандском ханстве в середине XIX века, приход к власти Мллахона, его внутренняя политика, борьба против Бухарского эмирата и Российского государства, его дипломатические отношения с Хивинским ханством.

Ключевые слова: Кокандское ханство, Худоёрхан, внутренние столкновения, Маллахон, Бухарский эмират, российское вторжение.

Annotation. The article describes the internal conflicts in the Kokand Khanate in the middle of the 19 th century, the coming to power of Mllakhan, his internal policy, the struggle against the Bukhara Emirate and the Russian state, his diplomatic relations with the Khiva Khanate.

Key words: Kokand Khanate, Khudoyorkhan, internal clashes, Mallakan, Bukhara Emirate, Russian invasion.

Маллахон ибн Шералихон Қўқон хонлигида ўзига хос давр сифатида эътироф этилади. Зеро бу даврда хонликда ички курашлар кучайган, ташқи томондан эса рус босқинчиларининг тобора Қўқон шаҳар – қалъаларини босиб олиши кучайиб бораётган эди. Маллахоннинг Қўқон хонлиги тахтини эгаллаши жараёнларига назар солсак, XIX асрнинг 50-йилларига келиб Қўқон хонлигининг жуда кўп ҳудудларида, жумладан, кўчманчи қозоқлар яшайдиган ҳудудларида, шунингдек, Туркистон, Чимкент ва бошқа ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларида солиқларнинг миқдори ошириб юборилади. Хонликнинг солиқ сиёсатига қарши норозилик ҳара-

катларидан бири 1858 йил Тошкент беклигига қарашли ҳудудларда бўлиб ўтган эди [1].

Бу вақтда Қўқон хони бўлган Худоёрхон қўзғолонни бостириш учун дарҳол Шодмонҳожи мингбоши ва ўзининг акаси Маллабек бошчилигида қўшин жўнатади. Қўзғолон Маллабекнинг тадбиркорлик билан йўл тутиши, яъни қўзғолончилар қўйган шартларни (солиқларни икки баробар озайтириш) бажаришни зиммасига олганлиги натижасида бостирилади ва юртда тинчлик ўрнатилади. Шодмонҳожи мингбоши эса Тошкентга ҳоким этиб тайинланади [2]. Юқоридаги воқеалардан сўнг Худоёрхон ва унинг ҳукуматига бўлган ишончсизлик ошиб кетади.

Бу вақтда Бухоро амири Насрулло Ўратепани қамал қилиб, қўқонликларни мағлубиятга учратади ва Хўжандга юриш қилади. Бироқ, амирнинг юриши шаҳар ҳокими Ёқуббек Бадавлат томонидан тўхтатилади ва амир чекинишга мажбур бўлади. Бу воқеалардан сўнг Маллабек хоннинг акаси сифатида энг нуфузли амалдорлардан Мирзо Аҳмад қўшбеги ва Дўстмуҳаммад дастурхончиларни Худоёрхоннинг юрт ва фуқаро ҳолидан бехабар ва ғофил бўлишида асосий айбдорлар ҳисоблаб, уларни қатл қилмоқчи бўлади. Бироқ бошқа амалдорларнинг аралашувларидан сўнг ўз фикридан қайтиб, одамлари билан Қўқондан чиқиб Андижонга кетади [3]. Маллабекнинг бу иши Худоёрхонда норозилик уйғотиб, бош вазирнинг аралашуви билан эса қатлга ҳукм қилинди. Айнан шу сабаб йирик давлат амалдорлари ва бир қатор қирғиз-қипчоқ жамоалари ва уруғлари бошлиқларининг Маллабекка хайрихоҳлигини янада кучайтириб юборди [4].

Андижонда Маллабек бошчилигидаги гуруҳ Худоёрхонни тахтдан ағдариб, тахтни эгаллаш режасини амалга оширишга киришади. Бу ердан Маллабек ўзининг энг ишончли кишиларидан бирига айланган Мулло Алиқулининг маслаҳати билан Ўшга келади. У Ўшда Олимбек додхоҳ, Сайидбек додхоҳ ва бошқа нуфузли кишилар билан иттифоқ тузиб, ҳокимиятни ўз қўлига олиш ва мамлакатда тартиб ўрнатиш фикрида эканлигини айтади. Бу ерда бир қанча маслакдошлар орттириб, ҳарбий кучга эга бўлган Маллабек яна қайтиб Андижонга, Тошлоқ мавзесига келади ва бу ерда Алиқулининг ҳовлисида хонлик рутбасига кўтарилади. Улар шу ерда туриб ҳокимиятни эгаллаш учун тайёргарлик кўра бошлайдилар.[4] Маллахоннинг бу ҳаракатини давлатга қарши сиёсий жиноят ёки сиёсий фитна сифатида, ислом динига ва қонунларига мос келмайдиган ҳамда шариат йўл қўймайдиган бир ҳаракат деб ҳам баҳолаш мумкин, бироқ, юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Маллахон юртда тартиб ўрнатиш, саройдаги бошбошдоқликларни тугатиш, ўзаро фитналарга барҳам бериб, кучайиб бораётган Россия имериясининг босқинчилик тажовузини олдини олиш мақсадида ҳокимият учун кураш олиб борган. Унинг бу мақсадини кўпгина амалдорлар ва давлат арбоблари, дин пешволари ҳам қўллаб қувватлаган эдилар.

Бироқ, Маллахоннинг тахт учун кураш олиб бориши ва тахтга келиши илгари ҳокимият эгалари бўлиб, давлат сиёсий бошқарувига ниҳоятда катта таъсир ўтказиб келган қирғиз-қипчоқ зодагонларининг мақсадлари асосида амалга оширилди, деб қараш нотўғри бўлади. Гарчи бунда катта ҳарбий куч ва мавқе эгалари бўлган қирғиз-қипчоқ зодагонлари Маллахонга яқиндан ёрдам берган бўлсаларда, бу кураш саройдаги ҳокимият учун интилаётган кучларнинг ўзаро тўқнашуви, фитналар, тахтга бўйсунмаслик ва Худоёрхон томонидан фуқароларнинг барча қатламлари манфаатларини кўзлаб сиёсат юритилмаганлиги, қолаверса бир қанча вақтлардан буён тахтни қўлга киритишни кўзлаб юрган Маллахоннинг шахсий манфаатлари асосида юзага келган эди, деб ҳам қараш лозим.

1858 йилда Маллабек Алиқули ёрдами билан айни дамда Бухоро амирига қарши жангда бўлган Сўфибек ва Шоҳмуродларнинг йўқлигидан фойдаланиб, уларнинг ҳукми остида бўлган Андижон ва Марғилонни қўлга киритади [5]. Кейинги юришлар Қўқонни эгаллашга қаратилади ва ака – ука ўртасидаги жанг Самончи мавзесида бўлиб ўтади [6]. Маллахон бу жангда ғалабага эришади ва бир неча кунлик қамалдан сўнг, Қўқонни эгаллайди. Маллахоннинг бу ғалабаси ва тахтни эгаллаши Тошкент ҳокими Султон Муродбек, Ўтамбой қўшбеги, Андижон ҳокими Сўфибек ҳамда қурамаликлар томонидан муборакбод этилади ва унинг қонуний тахт эгаси бўлганлиги эътироф этилиб, Маллахонга ўз тобеликларини билдирадилар [5].

Маллахон тахтга ўтиргач, биринчи навбатда хонликда тартиб ўрнатишга ва хон ҳокимиятини кучайтиришга киришади. Давлатни бошқаришда Маллахон қаттиқ сиёсат юритади. Бу ҳақда тарихчи Мирзо Олим Муширф, - «[Маллахон] чунон тез ва сиёсатлик бўлди ва андак баҳона бирлан етмиш беш тахта урдирар эрди. Мардумни қўрқитиб олди, сипоҳ ва фуқаро доим ваҳму–ҳаросда эрдилар”- деб ёзиб қолдирган эди [7].

Шунга қарамай, Маллахон тахтни эгаллашда ўзига ёрдам берганларнинг хизматларини унутмайди. Уларга ўзига содиқ ва шу билан бирга ўзини қўллаб - қувватловчи ҳамда марказий ҳокимиятни кучайтиришда асосий омил бўлувчи ҳарбий, сиёсий куч эгаларини шакллантириш мақсадида турли мартабалар, вилоят ва бекликлар ҳокимлигини топширади. Шу ўринда айтиб ўтиб жоизки, Маллахоннинг амалга оширган бундай тадбирлари ҳамда ички сиёсат соҳасида олиб бораётган амаллари кейинчалик ўзини оқламайди ва Маллахон ҳукмронлигининг инқирозга учрашига олиб келади. Бунга воқеалар ривожланишининг давомида гувоҳ бўлиш мумкин.

Маллахоннинг тахтга чиққан дастлабки йилларини таҳлил қилар экан, Мулла Ниёз Муҳаммад унинг давлат бошқарувида аввалдан фаолият кўрсатиб келган ва бу борада катта тажрибага эга бўлган амалдорларнинг барчасини давлат ишларидан четлатилганлиги, уларнинг ўрнига эса Маллахонга содиқ бўлган, айни вақтда эса давлат бошқарувида мутлақо тушунчага эга бўлмаган кўчманчилар вакиллари, виждони соф бўлмаган кўплаб одамларни саройга киритгани ҳақида куюниб ёзади. Шу билан бирга Маллахоннинг тўлақонли мутлақ ҳукмдор бўлганлиги, ҳокимият жиловини тўлалигича ўз қўлига олганлиги ва ўзбошимчаликларга йўл қўймаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади [8]. Маллахон дарҳол хонликнинг ҳарбий салоҳиятини оширишга ва Россия империясининг ҳарбий босқинчилик тажовузига қарши курашга тайёргарлик кўришга киришади. Тошкентлик Қурбонбекни ўз акаси Рустамбек ўрнига Туркистон ҳокими этиб тайинлайди ва «барча вилоятлардаги ҳокимларга отларни яхшилаб боқишни, қуролларни тартибга келтиришни буюради ҳамда иссиқ кунлар бошланиши билан босқинчиларга қарши кураш бошлашини билдиради» [9].

1859 йил баҳорида Бухоро амири Қўқон хонлигига қарши навбатдаги ҳарбий юришини бошлайди. У Маллахон олдига хонликни икки қисмга бўлиш, Қўқон ва унга тобе вилоятларни Мадалихоннинг ўғилларидан бирига бериш, Маллахоннинг ўзига эса Тошкент вилоятига ҳокимлик қилиш шартини қўяди. Бироқ, бу шарт Маллахон томонидан қатъиян рад этилади [10].

Амир Ўратепани босиб олади ва Нов қалъасига юриш қилади. Уни эгаллагач, бу ерда тажрибали қўмондонларидан бири Қаноатшоҳ оталиқни қолдиради. Бироқ, амир кетиши биланоқ, Қаноатшоҳ Маллахон томонига ўтиб, Нов қалъасини тарк этади. Қаноатшоҳнинг қўқонликлар тарафига ўтиши кучлар нисбатини Қўқон

фойдасига ўзгартириб юборади ва Бухоро амири учун оғир оқибатларга олиб келади [11]. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Бухоро амири Шаҳрисабз томондан юриш бошлайди. Бу ҳақда хабар келиши биланоқ, Маллахон ва Алиқули эшикоғаси қўшинга бош бўлиб, Зомин орқали Жиззахга юради. Амирнинг юришни кучайтирганлигини эшитиб, қўқонликлар ҳам ўз юришларини тўғри Самарқандга қараб давом эттирадилар. Мирзо Олим Муширф амир бундан ниҳоятда қаттиқ хавотирланиб, дарҳол юришни тўхтатганлигини ва Маллахон ҳузурига элчи юборганлигини ёзади[5].

Амир Музаффар Самарқанддан қайтгач, музокаралар бошланади. Бунда Маллахон номидан элчи Бобохўжа Шайхулислом музокараларда иштирок этади. Натижада икки давлат ўртасида Қозоқбулоқ мавзеси чегара этиб белгиланади [1].

Хонликнинг Бухоро билан муносабатларида бир оз барқарорлик юзага келгач, Маллахон хонлик ички сиёсий аҳволини яхшилаш ишларини давом эттиради. У 1858 йил 8 октябрда Тошкентга келади ва Бухоро амирлигига қарши курашларда катта жонбозлик кўрсатган Қаноатшоҳни Муҳаммад Мусобек ўрнига Тошкент беклигининг ҳокими этиб тайинлайди.

1859 йил охирларига келиб, Қўқон хонлигининг айрим қалъалари Россия империяси ҳарбий кучлари томонидан босиб олинади [12]. Манбаларда қайд этилишича, - «ўлканинг мусулмон аҳолиси бундан ниҳоятда ташвишланиб, Маллахондан босқинчиларга қарши уруш бошлашни талаб қиладилар. Маллахон, агар хонликнинг ички ҳудудларида осойишталик сақланса, шу қишда ёки эрта баҳорда уруш бошлашга тайёр», - эканлигини билдиради [13].

Маллахон Россия империясининг босқинчи ҳарбийларига қарши курашда Бухоро амирлиги билан бирлашишга кўзи етмагач, Хива хонлиги билан ҳарбий иттифоқ тузишга интилади. Чор Россиясига қарши бир неча бор кураш олиб борган ва бунда кечадиган тўқнашувларнинг қандай кечишини жуда яхши англаган ёки айтиш мумкинки, бу борада муайян тажрибага эга бўлган хиваликлар Қўқон хонлигининг бу ҳаракатини қўллаб қувватлайдилар. Маллахон 1859 йил ноябрь ойи бошларида ушбу масалада Хива хонига ўз элчиларини юборади. Шу йилнинг 28 ноябрида Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида шартнома тузилади ва бунга кўра, қишда, дарё музлаганда ҳар икки хонликнинг қўшинлари подшо қўшинлари устига юриш қилишга келишиб оладилар [14].

Шу билан бир вақтда Маллахон Россия империяси ва Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатлар масаласида юзага келган сиёсий кескинликларни бартараф қилиш, айрим сиёсий масалаларни ҳал этиш, жумладан Оқмасжидни қайтариб беришни талаб қилиб ва ўзаро манфаатли шартномалар тузишга умид боғлаб 1859 йил декабрда ўттиз кишидан иборат элчиликни император ҳузурига жўнатади [15].

Бироқ, бу элчилар ҳеч қандай натижага эриша олмадилар. Маллахон бундан умидсизликка тушмади ва қайтадан элчилик ташкил этиб, бу элчилик 1860 йил апрелида Ҳожа китобдор бошчилигида Сибир орқали Петербургга юборилди. Ҳожа китобдор бошчилигидаги элчилиги ҳам Қўқон хонлиги учун натижасиз тугади [16].

Бу орада чор Россиясининг босқинчи ҳарбийлари Қўқон хонлигининг Пишпак, Тўқмоқ каби қалъаларига дастлабки босқинчилик ҳужумларини амалга оширади. Маллахон саройда асосий мансаб ва вазифаларни саҳройи қирғиз-қипчоқларга бериб қўйганлиги, тажрибали амалдорларни ҳокимиятдан четлатганлиги ва жабр-зулмни ҳаддан ошириб юборганлиги натижасида бир қанча одамларни ўзига душман қилиб қўяди. Бу кишиларнинг наздида Маллахон тахтга чиқиш арафасидаги ваъдаларига тўла амал қилмаган эди [17].

Ички сиёсий вазият кескинлашиб боришига қарамасдан қўқонликлар империя қўшинларига қарши қаттиқ кураш олиб борадилар.

Бироқ барча амалдорлар, қўшин бошлиқлари ҳам ташқи душманнинг рўйи - рост тажовузидан кўз юмиб, ўз манфаатларини эл-юрт манфаатларидан устун қўйдилар ва ҳокимиятни эгаллаш пайига тушдилар. Бунда улар Маллахоннинг сиёсатидан норози эканликларини яшириб ўтирмадилар. Хонликнинг ички сиёсий ҳаётида давом этаётган кескинликлар натижасида Андижон ҳокими Олимбек додҳоҳ бошчилигидаги фитначилар томонидан тахтни 3 йилу 4 ой давомида бошқарган ва хонлик учун бир қатор ишларни амалга ошириб улгурган Маллахон 1862 йил 23 февраль кечаси ўлдирилади [1].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Маллахон ҳукмронлик қилган даврда Қўқон хонлигида бир қадар ички сиёсатда мамлакатда тартиб ўрната олди, ташқи кучларга ҳам бир қадар муваффақиятли курашлар ташкил қила олди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Ш.Ҳ.XIX–XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фанлари д-ри … дисс. –Т., -1998. –Б.50.
2. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. (XVI-середина XIXв.). -М., 1958. -С.212;
3.Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. 1996. №1-2. –Б.214-217.
4. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. Феодальное хозяйство Худоярхона. –Т.: Фан,
5.Мирзо Олим Тошкандий. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин // Қўлёзма, ЎзФАШИ, № 1341
6. Худоёрхон ва Маллахон ўртасидаги кураш жойини Муҳаммад Юнус Тоиб (Тарихи Алиқули Амирлашкар. –Б.18), Мирзо Олим Муширф (Ансоб ус – салотин ва таворих ул – хавоқин. –Б.62), Л.Соболев (Краткий обзор положения дел в Коканде. Туркестанский сборник. Т.152)лар Самончи мавзеси деб кўрсатсалар, Р.Набиев Риштон (Из стории Кокандского ханства. –С.55)да, В.Наливкин эса (Краткая история Кокандского ханства. Казань, -1886. -С188) Қашғар қишлоғида деб кўрсатадилар. Тўқнашув аслида Самончи мавзесида бўлиб ўтган.
7. Мирзо Олим Муширф. Қўқон хонлиги тарихи. Т.: Шарқ, 1995. –128 б.
8.Мулла Ниёз Муҳаммад. Тарихи Шоҳруҳий. – Тожик тилидан таржимон, ўзбек тилидан табдил, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов.Т.: “Турон замин зиё” 2014 й
9.ЎзР МДА, 715-ф., 1-р., 20-й.ж. 596-в.
10.ЎзР МДА, 715-ф., 1-р., 20-й.ж. 592-593 – вв.
11.ЎзР МДА, 715-жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш 592-593 – вв.
12. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. –Т.: Шарқ, 1998 й.
13.ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 23-й.ж. 43-45 – вв.
14.ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 22-й.ж. 442-443 – вв.
15.ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 23-й.ж. 103-в.
16.ЎзР МДА. 715-ф., 1-р., 23-й.ж. 168-169 – вв.
17. Мулло Олим Махдумхожа. Тарихи Туркистон. -Т.: Шарқ, 1995. -127 б.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ БИБЛИОТЕК УЗБЕКИСТАНА ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

ORGANIZATIONAL AND LEGAL BASES OF LIBRARIES IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

С.И.Рахматуллаева – ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик йиллари республика кутубхоналари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиб бориши ҳамда бу қарорларнинг амалдаги ижролари натижасида соҳа фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб борганланлиги айтилади.

Калит сўзлар: ахборот, кутубхона, китоб, миллий, маданият, марказий, қарор, фармон, қонун.

Аннотация. В статье анализируется укрепление организационно-правовой базы библиотек республики за годы независимости и его положительное влияние на деятельность отрасли в результате реализации этих решений.

Ключевые слова: информация, библотека, книга, национальный, кулътура,централъные, приставленые, приказ, закон.

Annotation. This article analyzes the strengthening of the organizational and legal framework of the republic's libraries during the years of independence and its positive impact on the activities of the sector as a result of the implementation of these decisions.

Key words: peport, library, book, national, culture, central, decision, order, law.

Маълумки, Ўзбекистон қадимдан ўзининг бой тарихи ҳамда маданиятига эга бўлиб келган давлатлардан бири ҳисобланади. Миллий тарихимиз ва маданиятимизнинг бизгача етиб келишида турли хил маданий меросимиз ва қолаверса, тарихий алоҳида қимматга эга бўлган нодир нашрлар муҳим аҳамият касб этиб келган. Ушбу тарихий манбаларни сақлаш ҳамда уни келажак авлодга борлигича етказиб беришда кутубхоналар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу сабабдан республикадаги мажуд кутубхоналар фаолиятини илмий асосда ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон фармойиши ва “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон фармойиши [1] республикадаги кутубхоналар фаолиятини ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан ҳаракатланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари республикада кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, унинг инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифат даражасини ошириш бўйича ҳукумат томонидан олиб борилган чора тадбирларга қарамасдан сезиларли ўзгаришлар бўлмаганлигини кўриш мумкин Чунки республикадаги марказий ахборот-кутубхоналар, вилоят, шаҳар ва туман кутубхонарида бир талай ўзига хос муаммолар мавжуд эди. Бунга сабаб соха фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳукумат қарорларнинг амалдаги ижроси тўлалигича амалга оширилмаганлиги дейиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг “Кутубхона жамғармаларини ташкил этиш ва кутубхоначи кадрлар тўғрисида”ги 1992 йил 22 декабрдаги 9-сонли қарорини бажариш борасида бир қатор ишлар олиб борилсада, унинг моддий-техника базасининг мукаммал эмаслиги, оддий иш шароитини эди [2]. Аммо мавжуд қийинчиликларга қарамасдан республика кутубхоналари ўзининг фаолиятида дастлабки йилларга нисбатан ижобий натижаларга эриша олди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги давлат кутубхона бўлимларида китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича 1992 йилдаги 1613048 тадан 1998 йилга келиб 1848428 тага етганлигини кўриш мумкин [3]. Бу кўрсаткич 6 йил мобайнида бор йўғи 1,5 % га кўтарилган бўлсада, мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, камайиш ҳолати кузатилмаганлигини ижобий ҳолат дейиш мумкин.

Ушбу қарорнинг ижроси юзасидан олиб борилган ишлар қониқарли даражада бўлмаганлиги сабабли, 2006

йилга келиб, соҳани ривожлантириш юзасидан янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини Ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” ги 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сонли Қарори [4] республика кутубхоналари фаолиятида ижобий силжишларга йўл очганлигини кўриш мумкин. Жумладан, қарорга асосан ахборот-ресурс марказлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди [5]. Вилоятларда илмий ва кўп тармоқли кутубхоналар ташкил этилиб, уларга алоҳида номлар берилди. Бундан ташқари республика марказий кутубхона ҳодимлари томонидан турли тадбирланнинг тайёрланиши, кутубхоналар фаолиятини янада жонлантиришга туртки бўлди. Хусусан, Ўзбекистон мустақиллиги кунига бағишланган “Ор номусимиз ва қадр қимматимиз”, “Ҳар гўшаси обод юрт”, “Истиқлол нурига чўлғанган диёр”, бош қомусимиз қабул қилинган кунга “Эрк ва тинчлик қомуси”, “Конституция-қонунлар калити”, “Қонун устуворлигининг ҳуқуқий кафолати”, “Қадриятларимиз қомуси” Гиёҳвандликка қарши кураш кунида “Ихтиёрий иллат исканжасида”, “Сотиб олинган оғу”, “Қабоҳат илдизи”, “Миллат танламас иллат”, “Тубсиз жарликка қадам қўймай” [6] ва бошқа мавзуларда тадбирлар ташкил қилиниши ҳам ахборот кутубхона марказининг Миллий дастурини ҳаётга кенг жорий қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан ҳисобланади.

Кутубхонар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2002 йил 12 апрелдаги 123-сон Қарори ишлаб чиқилди [7]. Мазкур Қарорда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш ҳамда кутубхоначилик ишларини ривожлантириш концепциясини ва дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга тадбиқ этиш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан:

-илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар, республикада кутубхоначилик ишларини автоматлаштириш ва ахборот-кутубхона тармоғини яратиш;

-китоб харид қилиш ва халқаро китоб алмашиш, шунингдек янги хорижий китобларни сотиб олиш йўли билан хорижий ҳужжатлар фондини шакллантириш;

-автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тармоғини ва электрон каталогни зарур даражада сақлаш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш учун кутубхонани замонавий компьютерлар ва махсус техника воситалари билан жиҳозлаш ва бир қанча кутубхонани ташкил этиш бўйича имкониятлар яратиш, шу билан бирга уларни амага ошириш учун вазифа ва кўрсатмалар берилган [8].

Яратилган ҳуқуқий механизмлар ва эришилган ижобий натижаларга қарамасдан, халқаро мезонларга жавоб берадиган, ахборот коммуникация техналогияларидан фойдаланган ҳолда янги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ахборот кутуб-хона ишидаги ўзаро муноса-батларни тартибга солиб борувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини давр тақозо этар эди. Шу боисдан 2011 йил 13 апрель куни “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди [9].

Қонуннинг қабул қилиниши билан ахборот кутубхона иши соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ва ахборот кутубхона муассасалари фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизми яратилди. Шунингдек, қонуннинг асосий мақсади ахборот кутубхона фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг ахборот-кутубхона муассасаларида сақланаётган ахборотлардан эркин фойда-

ланишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашдан иборат эканлиги билан мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда асосий омиллардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1729-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98 сон қарорлари [10]дан келиб чиқиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси республикада миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш манфаатлари йўлида ахборот кутубхона фаолиятини ташкил этиб келмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида замонавий ахборот-коммуникация техналогияларини жорий қилиш орқали аҳолига, айниқса, ёшларга ахборот кутубхона хизматини кўрсатиш, уларнинг интелектуал салоҳиятини, билимини, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар бир соҳани ривожланиши, такомиллашуви ва жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ошиб бориши албатта унинг ҳуқуқий асослари билан белгилаб берилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси кутубхоналари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиб бориши унинг фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб борди. Айниқса, сўнгги йиллардаги соҳа фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлар унинг жамиятдаги долзарблик даражаси юқори эканлигини белгилаб берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида.12.01.2017.

2.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг жорий архиви. 1993 йил. Йиллик ҳисобот материаллари.1-варақ.

3.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг жорий архиви. 1993 йил.1998 йил. Йиллик ҳисобот материаллари.41-варақ.34-варақ.

4.Ахборот-кутубхона фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2020. – Б.19.

5.Ахборот-кутубхона фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2020. – Б.20.

6.Мамаджонова О. Ҳуқуқий ахборотлар коллекцияси. // Kutubxona.Uz. – 2015 - №.3. – Б.42-43.

7.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида. 12.04.2002.ВМҚ-123.http://lex.uz/m/acts/261619

8.Ахборот-кутубхона фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2020. – Б.29.

9.Каримова М. Ахборот- кутубхона муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий механизмлари ва долзарб масалалари. // Kutubxona.Uz. – 2015 - №.2. – Б.3.

10.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси - ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 20.03.2012.ПҚ-1729. (http://lex.uz/docs/1983104

XX АСРНИНГ 20 – 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН

ИЗ ИСТОРИИ ОРГАНИЗАЦИИ МЕРОПРИЯТИЙ ПО ЛИКВИДАЦИИ НЕГРАМОТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ В 20-30-Е ГОДЫ XX ВЕКА

FROM THE HISTORY OF ORGANIZING MEASURES TO ELIMINATE ILLITERACY IN UZBEKISTAN IN THE 20-30S OF THE XX CENTURY

Р.Р.Аҳмедов –ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф XX асрнинг 20-30-йилларида амалга оширилган саводсизликни тугатиш жараёнини ёритган. Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан мазкур масала бўйича ишлаб чиқилган директив ҳужжатда келтирилган меъёрлар мазмуни очиб берилган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: таълим тарихи, саводсизликни тугатиш, маданий инқилоб, мафкура, саводсизлар мактаби, чала саводлилар мактаби, қишлоқ аҳолиси, деҳқонлар, «Йўқолсин саводсизлик» жамияти.

Аннотация. В этой статье автор описывает процесс искоренения неграмотности в 20-30-е годы XX века. Наркомат просвещения Узбекской ССР раскрыл содержание критериев, изложенных в директивном документе по этому вопросу. Этот аспект номера служит дополнительным материалом к опубликованным работам.

Ключевые слова: история образования, ликвидация неграмотности, культурная революция, идеология, школа безграмотных, школа малограмотных, сельское население, крестьянство, общество «Долой неграмотности».

Annotation. In this article, the author describes the process of eradicating illiteracy in the 20s and 30s of the twentieth century. The People's Commissariat of Education of the Uzbek SSR disclosed the content of the criteria set out in the directive document on this issue. This aspect of the issue serves as additional material for the works published so far.

Key words: history of education, elimination of illiteracy, cultural revolution, ideology, school of the illiterate, school of the illiterate, rural population, peasantry, society "Down with illiteracy".

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан кейинги ўтган давр давомида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, Ўзбекистон тарихининг турли даврларини тарихий ҳақиқат тамойиллари асосида ўрганиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, совет даври тарихини илмий холислик нуқтаи назаридан ўрганиш бўйича республикамиз олимлари томонидан бажарилган ишлар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистоннинг совет даври тарихида аҳоли кенг қатламлари ўртасидаги саводсизликни тугатиш масаласи ўзига хос муаммо сифатида муҳим ўрин тутади. Бу мураккаб ва зиддиятли даврда Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш билан боғлиқ тарихий жараённи яхлит илмий муаммо сифатида тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Илмий билишнинг қиёсий таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, статистик материалларни таҳлил қилиш тамойилларига амал қилинди. Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш масаласи совет даври тарихшунослигида бир томонлама, ҳукмрон мафкура

андозалари доирасида ўрганилган. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларда масаланинг айрим томонлари қисман ёритиб ўтилган. Ушбу тадқиқотларда кенг омма орасидаги саводсизликни тугатиш ишлари “социалистик” қурилишнинг илк палласидаги “маданий инқилоб”нинг таркибий қисми сифатида ўрганилади. Бироқ, айтиш мумкинки, катта ёшдагилар ўртасидаги саводсизликни тугатиш ишлари совет маориф тизимидан мустақил бир кампания сифатида ташкил этилган ва бу кампания ўз навбатида алоҳида мақсадларга хизмат қилган.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқроғи XX асрнинг 20-30-йилларида бутун мамлакатда катта ёшдаги аҳоли ўртасидаги саводсизликни тугатиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Ўзбекистонда ҳам аҳолининг барча табақалари орасида саводсизликни тугатиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда аҳоли кенг қатламлари ўртасида саводсизликни тугатиш бўйича амалга оширилган асосий тадбирлар 1920-1930 йилларда олиб борилди ва бу йилларда кенг қамровли саводсизликни тугатиш ишларининг меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилиб, бу борада катта тажриба тўпланди. Энг муҳими, бу йиллардаги ўта мураккаб шароитларда саводсизликни тугатиш учун зарур бўлган ўқитувчи-педагог кадрлар тайёрлаш, саводсизликни тугатиш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантириш бўйича аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди.

Ўзбек қишлоқларидаги маданий қурилишнинг муҳим йўналишларидан бири “кенг деҳқонлар оммаси ўртасидаги саводсизликни тугатиш” бўлган эди. Бу кампания совет раҳбарияти томонидан нафақат ижтимоий сиёсат, балки ўта муҳим иқтисодий ва сиёсий масала сифатида кун тартибига қўйилди. Зеро, оммавий саводлиликка эришиш большевик раҳбарияти томонидан жамият дунёқарашини коммунистик мафкуралаштиришнинг муҳим воситаси деб ҳисобланган.

Тан олиш керак, совет ҳокимияти қарор топиб бораётган 1920 йиллар бошида Туркистон қишлоқ аҳолиси ўртасида саводсизлик даражаси анча юқори бўлиб, аҳолининг таҳминан 70-80 фоизи саводсиз эди [1].

Совет-партия раҳбарияти саводсизликка ҳужум бошлар экан, бу кампанияни ташкил этишга бутун ҳокимият тузилмалари ва совет давлатининг сиёсий муассасаларини кенг жалб этди. Туркистон Республикасида саводсизликни тугатиш ишлари 1918 йил 26 декабрда В.И. Ленин томонидан имзоланган “РСФСР аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида” декрети эълон қилинганидан кейин бошланди. Ушбу декретда РСФСР ҳудудида, шу жумладан, унинг таркибига кирувчи ТАССРда 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган ўқиш ва ёзишни билмайдиган фуқаролар ўз она тилларида ёки рус тилида савод чиқаришлари мажбурийлиги кўрсатилган эди [2]. ТАССР Советлари Марказий Ижроия Комитети 1918 йил декабри охирларида Ленинча декретга мувофиқ равишда, автоном республика катта ёшдаги аҳолисини умумий мажбурий таълимга жалб этиш тўғрисида Фармойиш чиқаради. Бунга кўра, 17 ёшдан 50 ёшгача бўлган аҳоли вакиллари давлат мактабларида ёки қисқа курсларда савод чиқариш бўйича ўқишлари лозим эди.

1920 йил июнь ойида РСФСР Маориф Халқ Комиссарлиги ҳузурида Саводсизликни тугатиш бўйича Бутунроссия фавқулодда комиссияси тузилди ва унинг зиммасига катта ёшдагилар учун ташкил этиладиган мактаблар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, мактабларга катта ёшдаги саводсизларни кенг жалб қилиш ишлари юклатилди.

Бироқ, дастлабки пайтда саводсизликни тугатиш тадбирлари фақат шаҳарларда олиб борилди, шаҳарларда ташкил этилган саводсизликни

тугатиш мактаблари ва курсларига биринчи навбатда европалик аҳоли вакиллари жалб этилди. 1920 йилда Туркистон АССРда саводсизликни тугатиш бўйича 35 та мактаб очилган эди [1]. 1924 йилда бундай мактабларнинг умумий сони 174 та бўлиб, таҳминан 6000 киши ўқиган эди. Саводсизликни тугатиш курслари ҳам дастлаб асосан шаҳарларда очилган, 1924 йилда қишлоқларда эндигина пайдо бўла бошлаган эди [3].

1920 йил охирларида ТАССРда 1000 га яқин мактаб ва саводсизликни тугатиш курслари фаолият кўрсатган. Саводсизликни тугатиш курсларини 70 мингдан ортиқ киши тугатган, улардан 70 фоизини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қилган эди [4].

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги дастлабки йилларда аҳоли орасида саводсизликни тугатиш билан боғлиқ жараёнларда Фарғона водийси зиёлилари ҳам фаол иштирок этдилар. Жумладан, 1920 йилдан эътиборан Наманганнинг Шаҳанд қишлоғида Муҳаммадшариф Сўфизода, Арғин қишлоғида Орифжон Умаров, Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибрат ва Мирзаҳамдам Хонкелдиевлар бошчилигида саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади. Бу ишларни амалга оширишга Исҳоқхон Ибрат бошчилик қилди, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, саводсизликни тугатиш курсларида ишлади. Чунки бу йилларга келиб аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш маданий соҳанинг асосини ташкил қилар эди [5].

1923-1924 йилларда Наманган шаҳридаги маҳаллаларда элликка яқин Эски усул мактаблари билан бир қаторда олтита саводсизликни тугатиш мактаблари ҳам фаолият кўрсатган [6].

Совет ҳукумати халқ таълими тизимидаги ислоҳотларни қуйидан чиқадиган ташаббуслар билан ҳамоҳанг олиб оришга интилди. 1924 йилда ташкил этилган “Битсин саводсизлик” жамияти ҳам ана шундай ташаббуслар замирида юзага келган эди. Бу жамиятнинг асосини ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг талабалари ташкил қиларди. Биринчи йилиёқ Сирдарё вилоятида бу жамиятда 1417 аъзо, Фарғонада – 800, Самарқандда – 1000 аъзо бор эди [7].

“Битсин саводсизлик” жамияти давлатдан ташқари манбаларни жалб этиш йўли билан ҳам фаолиятини кенг ёйишни ўз олдига мақсад қилган эди. Низомга мувофиқ, у саводсизликни тугатиш мактаблари тармоғини ҳам маҳаллий маблағлар, ташкилотлар маблағлари ҳисобига, ҳам асосан, аҳоли маблағлари ҳисобига кенгайтиришга кўмаклашган эди. Шу мақсадда жамият аҳоли билан имкон борича кўпроқ шартнома тузиш учун аҳоли орасида ҳам матбуот орқали оғзаки ташвиқот олиб борганди [8].

Туркистон АССРда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида катта ёшдаги аҳоли ўртасидаги саводсизликни тугатиш тадбирларида жиддий ўзгаришлар юз берди. 1922 йилда саводсизликни тугатиш мактабларининг катта қисмининг давлат бюджетидан чиқарилиши ва маҳаллий бюджетга ўтказилиши, Маориф комиссарлиги томонидан берилаётган маблағларнинг қисқартирилиши муносабати билан кўпгина мактаблар фаолияти тўхтаб қолди. 1922 йил охирларида ТАССР Маориф комиссарлиги тизимида фақат 107 та савод чиқариш мактаби ва 3 та қуйи саводлилар мактаби қолган эди, холос [9].

Туркистон қишлоқ аҳолиси ўртасида коммунистик мафкурани кенг ёйиш ишларида “Қўшчи” Иттифоқи ҳам салмоқли тадбирлар олиб борди. 1923 йил июнида “Қўшчи” Иттифоқи Марказий Комитети Туркистон АССР саводсизликни тугатиш фавқулодда комиссияси билан “қишлоқ ва овулларни таълимлаштириш бўйича” ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан келишув тузди. Келишувга биноан “Қўшчи” Иттифоқи деҳқонлар учун ҳар бир уездларда ўртача 10 тадан жами 300 та мактаб ва саводсизликни

тугатиш курсларини ташкил этди. Фавқулодда комиссия бу мактабларни ўқув қуроллари ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни ўз зиммасига олди. 1923-1924 йилларда мазкур мактабларда 25 ёшгача бўлган 70 мингдан ортиқ деҳқонлар саводини чиқарди [10].

Қишлоқ аҳолисини саводсизликни тугатиш мактабларига жалб этишда мажбурлаш ва маъмурий-буйруқбозлик чоралари таъқиқланган эди. Давлат фақат ташвиқот ҳамда иқтисодий таъсир чораларидангина фойдаланарди. Ер ишлари халқ комиссарлиги, Қишлоқ хўжалик банки, Пахтачилик комитети саводсизликни тугатиш курсларига кирганларга биринчи навбатда қарзга уруғлик ва пул, қишлоқ хўжалик техникаси берар эди [11].

Ҳукумат иқтисодий имтиёз бериш йўлидан ҳам борди. Бу имтиёз қуйидагилардан иборат эди:

а) ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан: биринчи навбатда қарз бериш ва уни қайтаришда фоизли чегирма, деҳқончилик қуролларини сотиб олишда беш фоизли чегирма, ер тақсимлашда ер билан биринчи навбатда таъминлаш;

б) пахтачилик комитети томонидан: пахтани заводларга биринчи навбатда қабул қилиш ва дарҳол ҳисобкитоб қилиш, шунингдек, бир қатор маҳаллий имтиёзлар;

в) қишлоқ хўжалик банки томонидан: қарз беришга қодир бўлган ҳолларда биринчи навбатда кредит бериш [12].

Олти ойлик саводсизликни тугатиш мактабларини тўла битирган ҳамда сиёсий-оқартув муассасаларининг тегишли ҳужжатини кўрсатган ҳар бир деҳқон ушбу имтиёзлардан фойдаланиши мумкин эди. Бу чоралар саводсизликни тугатишда анча ижобий роль ўйнади.

Туркистон АССРда саводсизликни тугатиш ишлари 1924 йил охирларидан оммавий тус олди ва Ўрта Осиёдаги миллий давлат чегаралашидан кейинги йилларда асосий натижаларни берди. 1924 йил охирларида ТАССРда 1005 та саводсизликни тугатиш мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда 50 мингдан ортиқ киши ўқир эди. Бу даврга келиб саводсизликни тугатиш мактаблари ва курслари турли манбалар ҳисобидан молиялаштирила бошлади: 205 та мактаб давлат бюджети ҳисобидан, 355 та мактаб маҳаллий бюджет ҳисобидан, қолган мактаблар эса касаба уюшмалари, “Қўшчи” Иттифоқи ва бошқа ташкилотлар ҳисобидан таъминланар эди [13].

1926 йил февраль ойида Самарқандда жумҳурият маориф ва маданият ходимларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Саводсизликни тугатиш кампаниясининг фаол ташкилотчиси сифатида Намангандан Исҳоқхон Ибрат ҳам қурултойда иштирок этди. Қурултойда маориф ва маданият ходимлари олдига янги мактаблар очиш, хотин-қизларни давлат, жамоат ҳамда ўқув-тарбия ишларига жалб қилиш вазифалари қўйилди.

1937 йил 25 майда Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги Катталарни ўқитиш бошқармаси бошлиғи Ниёзов томонидан имзоланган “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасидаги саводсиз ва чала савод меҳнаткашлар ўртасида саводсизлик ва чала саводлиликни тугатишда ўқув ишларини ташкил қилиш ҳақида округ, шаҳар, район халқ маориф бўлимларига, бутун ўқитувчилар ва маданий аскарларга қўлланма” юборилди. Унда саводсизлик ва чала саводлиликни тугатиш иши Совет Иттифоқида муҳим сиёсий вазифа эканлиги таъкидланиб, мазкур ҳужжатда саводсиз ва чала саводли ким эканлиги аниқлаштирилди ва республикада саводсизлар ва чала саводлилар мактабларини ташкил этиш бўйича тадбирлар белгиланди. Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистонда икки хил тип мактаблар – “саводсизлар мактаби” ва “чала саводлилар мактаби” ташкил этилиши кўрсатиб берилди.

Саводсизларни ўқитиш мактабига 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган, бўғинлаб ўқий олсада ёзишни билмаган; унча қийин бўлмаган сўзларни бўғинлар билан ёки бутун сўзлар билан ўқий оладиган, сўзни секин-аста, чала-чулпа, дудуқланиб ўқиб тўхтаб қолувчи, ҳарф ва бўғинларни ортиқча қўшувчи; ҳисобдан 5 хонали сонлар ичида қўшув ва айирувни билувчи катта ёшдаги кишиларни қабул қилиниши белгиланди [12].

Чала саводлилар мактабларига 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган саводсизлар мактаби дастури ҳажмида ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни биладиган, бошланғич имло қоидалари билан таниш бўлган, ҳисобдан бутун сонлар билан амални билувчи ёши катталарни қабул қилиниши кўрсатилди. Мазкур ҳужжатда мактаб ўқитувчилари олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилди. Жумладан, ўқувчининг саводсиз ёки чала савод эканлигини ўқитувчилар белгилаши, ўқувчиларни танлашда уларнинг билим ва ишлаб чиқариш даражаси, ёш жиҳатидан мутаносиб бўлиши, Алифбе сабоғидан кейинги савод даражасини аниқлаштириб, саводлиларни саводсизлардан бутунлай айирган ҳолда уюштиришлари зарур бўлган [13].

Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигининг қўлланмасида, шунингдек, саводсизлар мактабларида “Она тили” ва “Ҳисоб” фанлари ўтилиши, улар саводсизликни тугатиш мактаблари дастури ва ўқув режаси бўйича фаолият олиб бориши белгилаб берилган. Унда чала савод мактабларида “Она тили”, “Ҳисоб” ва “География” фанлари ўқитилиши, бу мактабларнинг чала саводлиликни тугатиш мактаблари дастури ва ўқув режаси бўйича ишлаши белгиланди.

Мазкур ҳужжатга кўра саводсизлар мактаби ўқув режасидаги сиёсий суҳбат дарслар ҳамда чала савод мактаблари ўқув режасидаги сиёсий суҳбат ва табиат дарслари тушириб қолдирилди.

Юқоридаги ҳужжатда мафкуравий томондан тарбиялаш ва назорат қилиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Унда марксизм-ленинизм тарбияси элементлари (сиёсий суҳбат), “Она тили”, “Арифметика” ва “География” машғулотларида ижтимоий-сиёсий материаллардан кенг фойдаланиш асосида ўқитилиши белгилаб берилди. Ҳужжатда саводсизлар ва чала саводлилар мактабларида таҳсил олувчиларни партия ва комсомол ташкилотлари томонидан назоратга олиш мақсадида уларга бириктирилган ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг жойлардаги сиёсий билим тўгаракларига максимал жалб қилишга ҳаракат қилишлари кераклиги белгилаб қўйилди.

Ҳужжатда саводсизлар мактабларида ўқитиладиган фанлар ва уларга ажратилган дарс соатлари ҳам кўрсатиб берилди. Жумладан, бир ўқув йилида жами 330 ўқув соати ажратилиб, унинг 200 соатини “Она тили” дарси, 130 соатини “Арифметика” дарси ташкил этган.

Чала савод мактаблари учун бир ўқув йилига жами 330 соат ажратилиб, унинг 146 соатини Она тили, 125 соатини Арифметика, 60 соатини География фанлари ташкил этиши белгилаб қўйилди. Юқоридаги мактаблар учун ўқув йили шаҳарларда 1 сентябрдан 1 июлгача, яъни 10 ой қилиб белгиланди. Ўқув режага кўра, ҳар ой 12 ўқув кунига бўлиниб, у 3 соатлик машғулотлардан ташкил топиши кўрсатилган. Қишлоқ туманларида эса ўқув йили 7 ой - 1 октябрдан 1 майгача қилиб белгиланди. Ҳар ойда 12 кунлик дарс кунлари ташкил этилиб, ўқув кунида 4 соатлик машғулотлар ўтказилиши, қисқа муддатли таътилларнинг бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди [14].

Таъкидлаш керакки, 20-йилларда юртимизда советлар ҳукмронлиги остида маориф тизимида фаолият олиб борган зиёлиларимиз гарчи ушбу тизимга астойдил хизмат қилган бўлсалар-да, уларнинг қалбини, бош

мақсадларини ўз юртига, маҳаллий аҳолига савод чиқаришда ёрдам бериш, уларнинг онгини ҳар томонлама тезроқ юксалтиришдек асосий орзу ва ниятлари чулғаб олган эди. Афсуски, совет ҳокимиятининг таълим соҳаси ва умуман, маҳаллий халқлар ўзлигини, маданий меросини тан олмаган ҳолда ягона социалистик жамият барпо этиш борасидаги ишлари XX аср 20-30-йиллари давомида кўпгина қатағонлар ва зуғум йўли билан амалга оширилди, таълим мазмунан миллий қадриятлар ва анъаналарга зид кўринишда давом этди. Совет ҳокимиятининг олиб борган таълим сиёсати умумий ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан ижобий характерга эга бўлган тадбирлар бўлсада, улар моҳиятан маҳаллий аҳолини ўзлиги, маданияти ва анъанавий турмуши ҳамда миллий қадриятларидан узоқлаштиришга қаратилган эди. Бунинг натижаси ўлароқ 1930 йиллар давомида кўплаб жонкуяр, миллатпарвар, маърифатпарвар, Ватан равнақи учун курашган халқ зиёлилари қатағон қилинди.

Ўзбекистон ССР Маориф ХКС томонидан ўрганилган ҳужжат асосида кўрилган тадбирлар муайян даражада республикада саводсизлик ва чала саводлиликни тугатишга хизмат қилди. Натижада иккинчи жаҳон уруши арафасига келганда Ўзбекистон аҳолисининг деярли 60-70 фоизи саводли бўлишига эришилди. Бироқ, большевиклар томонидан амалга оширилган кампания кенг халқ оммасини фақат амалга ошмайдиган коммунистик ғоялар билан бузиб кўрсатилган “европача” маданият асосларини тиқиштиришга қаратилган эди. Халқ маорифи соҳасининг бундай мафкуралаштирилганлиги, фан дастурлари ва ўқув адабиётларининг марказдан белгилаб берилиши халқимиз ёш авлодининг миллий тарих ва маданиятдан узоқлашувига олиб келди.

Фойдаланилган адбиётлар:

1. Вахабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. – Ташкент: 1964.
2. Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
3. Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд: 2007.
4. Мансуров У. 1917-1924 йилларда Наманган шаҳрида халқ таълими ва маданий ҳаёт // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона: 2012.
5. Материалы I Всетуркестанского съезда по ликвидации неграмотности. – Ташкент: 1924.
6. Наманган вилоят давлат архиви, 12-фонд, 1-рўйхат, 145- иш, 1,2,3-варақлар.
7. Правда Востока. 1924 г.18 декабрь.
8. Правда, 28 декабря 1918 года.
9. Примерный устав общества «Долой неграмотности» // Туркестанская правда. 1924 г. 5 февраль.
10. Туркестанская правда. 1924 г. 10 июль.
11. Ўзбекистон Миллий архиви, 15-фонд, 1-рўйхат. 1647-иш. 39-варақ.
12. Ўзбекистон Миллий архиви, 25-фонд, 1-рўйхат, 3262-иш, 56-варақ.
13. Ўзбекистон Миллий архиви, 94-фонд, 1-рўйхат, 219-иш, 2-варақ.
14. Ўтанов Н.А. XX аср 20–30-йилларида Фарғона водийсида маънавий жараёнлар //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона: 2012.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА КАСАНАЧИЛИК МЕҲНАТИГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ВА ТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

О ФОРМИРОВАНИИ НОВЫХ РАБОЧИХ МЕСТ И ВИДОВ НА ОСНОВЕ НАДОМНОЙ ТРУДА В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

ABOUT THE FORMATION OF NEW JOBS AND TYPES BASED ON HOMEWORKING IN FERGANA REGION

Д.З. Мирзахамдамова–ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Ушбу мақолада юртимизда касаначиликни шакллантириш ва ривожлантиришга доир қарор ва фармонлар ҳамда олиб борилган чора-тадбирлар, имтиёзлар ва аҳолининг бандлигини таъминлаш, касаначилик ва оилавий бизнес шакллари асосида янги иш ўринларини ташкил этишдаги имкониятлар хақида ёритилган бўлиб, жумладан, мақолада Фарғона вилоятидаги енгил ва оғир саноат корхоналарида қўлланиладиган касаначилик меҳнатининг турларига асосланган янги иш ўринларини қандай ташкил этиш ҳақида сўз юритилган. Вилоятда касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошиб бориши тобора муҳим ўрин тутаётганлиги ҳақида хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Касаначилик, уй хўжалиги, аҳоли бандлиги, имтиёзлар, касаначилик турлари, енгил саноат, оғир саноат.

Аннотация. В данной статье рассматриваются решения и постановления по формированию и развитию надомного труда в нашей стране, а также принятые меры, льготы и возможности трудоустройства, создание новых рабочих мест на базе надомного и семейного бизнеса, включая легкую и тяжелую промышленность в Ферганской области. Как создать новые рабочие места на основе видов надомного труда, используемых на предприятиях. Сделан вывод, что повышение доходов и благосостояния населения за счет развития надомного труда в регионе становится все более важным.

Ключевые слова: Надомный труд, домашнее хозяйство, занятость, льготы, виды надомного труда, легкая промышленность, тяжелая промышленность.

Annotation. This article deals with the decisions and decrees on the formation and development of home-based work in our country, as well as the measures taken, benefits and employment opportunities, the creation of new jobs on the basis of home-based and family business, including light and heavy industry in Fergana region. Hov to create new jobs based on the types of home-based work used in enterprises. It is concluded that increasing the income and welfare of the population through the development of home-based work in the region is becoming increasingly important

Key words: Home-based work, household, employment, benefits, types of home-based work, light industry, heavy industry

Мамлакатимизда барпо этилаётган ва бозор иқтисодий тамойилларига таянувчи янги жамиятнинг бош мақсади-инсон учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш даражасига эришишдан иборатдир. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш муаммосини ҳал этиш, яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. 2006-2010 йиллардан бошлаб касаначилик ва оилавий тадбиркорлик каби аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари фаол ривожланди. Бу даврда

мамлакатимиз корхоналари билан фуқаролар ўртасида тузилган касаначилик ва ижара шартномалари асосида 674 мингта янги иш ўринлари ташкил этилган эди [1].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан, ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур” [2]. Тадбиркорликнинг турли йўналишлари ва кўринишлари мавжуд. Касаначилик ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, фаровонлигини ошириш учун асосий омиллардан биридир. Шу туфайли ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган махсус фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда, жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “ Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади [3]. Қарорнинг 3-бандида 2017 йилнинг 1-июлидан бошлаб касаначилар учун жисмоний шахсларга қўлланиладиган даромад солиғи 4-бандида Консорцизм барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлдиришга йўналтирилсин [4] деб белгилаб қўйилди.

Ўтган даврлар мобайнида юртимизда меҳнат фаолиятининг шакллари ва турлари хилма-хил кўринишга эга бўлди, янги, аҳоли учун янада қулай бандлик шакллари пайдо бўлди, унинг илгари норасмий фаолият юритган муайян турлари-касаначилик, ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик қонунийлаштирилди, ихтиёрий иш билан банд бўлмаслик ҳуқуқи расмий эътироф эътилди. Иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш 7 та асосий йўналиш бўйича амалга ошириб келинди. 2014 йил якунлари бўйича белгилаб олинган 7 та йўналишнинг 4-бўлимида касаначилик меҳнатини ташкил қилиш имкониятларидан фойдаланиш, оилавий тадбиркорликни, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш 222,3 минг иш ўрни яратилишига имкон берди. Уларнинг аксарият қисми касаначилик ва миллий ҳунармандликнинг анъанавий марказлари ҳисобланган ҳудудлар-Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида ташкил қилинди. Республикамизда, айниқса, 2005 йилдан бери жадаллашган саноат касаначилиги ва ҳудудий статистик ҳисоботчилиги 2011 йилдан бошлаб йўлга қўйилган оилавий тадбиркорлик иш ўринларини ҳисобга олиш маълумотлари таҳлили ва прогнози бўйича бажарилган ҳисоб-китоблар шундан далолат берадики, Фарғона вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 2015 йилдаги юқори (96,7%) даражадаги бандлигини таъминлаш учун қўшимча яратиладиган 25599 кишилик янги иш ўринларининг 36,8%и касаначилик, 23,9%и якка тартибдаги тадбиркорлик ва 39,3%и оилавий тадбиркорлик ҳисобига ташкил этилди [5].

Бугунги кунда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётгани ҳеч ким инкор эта олмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Бунга, энг аввало, яратилган ҳуқуқий ва меъёрий база, шунингдек касаначиларга буюртмалар, хом ашёлар, материаллар бутловчи қисмлар, жиҳозлар ва ҳоказо тақдим этиш шарт-шароитларини ўз ичига оладиган имтиёзли рағбатлантиришлар тизимига имконият яратди.

Жойларда уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини, турмуш ободлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат

корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим дастуруламал бўлиб келмоқда [6].

Буни Фарғона вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари жиҳатидан Фарғона вилояти ўзининг бой ресурслари ва имкониятлари, табиий иқлими, аҳоли жойлашуви ва имкониятлари билан мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган ҳудудлардан бири ҳисобланади. 2017 йил январь ҳолатига кўра вилоят аҳолиси 3564,8 минг кишини ташкил этган. 2010-2016 йилларда 113,1% га кўпайган [7]. Аҳолининг ўсиши ва кўпайишида Фарғона вилоятининг худудларида тафовутлар бўлган. Вилоятда аҳоли ўсишидаги тафовутлар ўз ўзидан мавжуд меҳнат ресурсларининг шаҳар ва туманлар кесимида тақсимланишига ҳам таъсир этади. Вилоятнинг энг кўп меҳнат ресурслари Фарғона (7,7%), Қўқон (6,9%), Марғилон (6,4%) шаҳарлари, Қува (6,8%) ва Ўзбекистон (6,2%) туманларида жойлашган. Бу эса ўз навбатида вилоятда 2010-2017 йиллар давомида меҳнат ресурслари сони 8,3% га ортган ҳолда, вилоятнинг турли ҳудудларида меҳнат ресурслари турлича тақсимланади.

Вилоятда оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармандликни ташкил қилиш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни реализация қилиш натижасида, ҳунармандлик фаолиятининг чарм, сополдан бадиий буюмлар тайёрлаш, қўлда гилам тўқиш, кашта тикиш, кулолчилик, ёғоч, ганч ўймакорлиги, тўқиш,бичиш, маҳсулотларни консерва қилиш, қандолатчилик маҳсулотлари пишириш, кир ювиш, кийим-кечак таъмирлаш, қорамол боқиш, гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш каби турларини ривожлантириш асосида 186,2 минг киши касаначилик (уйда бажариладиган меҳнатга) жалб қилинган[8].

Фарғона вилоятидаги йирик саноат корхоналарида қўлланиладиган касаначилик меҳнатининг турлари жуда кўп. Корхоналарнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун уйда ишлаш имкони бўлган барча нарсаларни касначилар ишлаб чиқишлари мумкин. Жумладан, корхоналар эҳтиёжлари ва сотув учун махсус кийим (комбензонлар, халатлар, фартуклар, қўлқоплар) тикиш ва таъмирлаш, турли материаллардан совға материаллари тайёрлаш, спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш, майда ва сочилувчи материалларни ўраб-жойлаш, буюмлар маркасини белгилаб чиқиш, майда хўжалик жиҳозлари, идишларни ишлаб чиқариш каби ишларни бажаришга қодир. Булардан ташқари ҳозирги кунда малакали бухгалтерлар касаначи сифатида ўз уйларида бухгалтерия, аудиторлик, девонхона ишлари (матбаа-босма ишлар, муқовалаш ва хоказолар)ни бажаришлари ҳам мумкин.

Касаначиликни ҳар бир соҳада ташкил қилиш мумкин. Масалан, мебель йиғиш (бутлаш), ёғоч ва пластмассадан тайёрланадиган майда қисмларини тозалаш, парта ва бошқа мактаб анжомлари қисмларини тайёрлаш ва таъмирлаш ишларини касаначилар бемалол мебель фабрикалари билан шартнома тузган ҳолда бажаришлари мумкин.

Бинокорлик саноати билан касаначиликни хом ғишт (сомон ғишт), дераза ромлари ва эшиклар, ҳамда уларнинг қисмларини ишлаб чиқариш, кулолчилик ва керамика ишларини бажариш (шу жумладан, ганж буюмлари блокларини тайёрлаш), ёғочли рўзғор буюмлари, идиш тайёрлаш каби ишларни ривожлантириш мумкин.

Касаначиликни енгил саноатнинг барча тармоқларида қўллаш ва ривожланитирш мумкин. Жун ва ипакдан қўлда гилам тўқиш, трикотаж ва жун маҳсулотлари тўқиш, матоларни қўлда бўяш, кўрпа-ёстиқ ишлаб чиқариш, сочиқ тайёрлаш, жиҳозларга жилд тайёрлаш, матодан совға ва рўзғор

буюмлари (салфетка-сочиқлар, ошхона қўлқоплари, фартук ва ҳоказолар) ишлаб чиқариш каби жарёнларни бемалол уйда касаначиликни ташкил қилган ҳолда бажариш мумкин. Худди шундай ишларни касаначилар тўқимачилик фабрикалари билан шартнома тузган ҳолда ишлашлари мумкин. Масалан, каштачилик ишлари (машина ва қўлда кашта тикиш), кийим деталларига ишлов бериш ва шундай қисмларни тайёрлаш, кийим фурнитураси ишлаб чиқариш, якка тартибдаги буюмлари бўйича кийим тикиш кабилар шулар жумласидандир.

Пойафзал фабрикалари билан касаначилар ўртасида пойафзал қисмларини тайёрлаш ва шундай қисмларга ишлов бериш, чармдан тайёрланадиган совға буюмлари ишлаб чиқариш каби ишларни бажаришлари мумкин. Табиий ва сунъий чармдан буюмлар тайёрлаш (кесиш, чатиш ишларини бажариш), чармдан ва чарм ўрнини босадиган ашёлардан эксклюзив буюмлар тайёрлаш ишларини кончилик ва галантерия фабрикалари билан касаначилар ўртасида шартномалар тузиш асосида бажарилиши ҳам мумкин.

Пахта теришда ишлатиладиган фартуклар тикиш, қўлқоплар, матраслар, ёстиқлар, кўрпачалар тайёрлаш, пахта титиш ва қавиш, гитроскопик пахта ўраб жойлаш каби ишларни пахтани қайта ишлаш заводлари билан ҳамкорликда ишлашлари мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари билан қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш, шиша идишлари йиғиш ва бирламчи ювиш, сут тайёрлаш каби ишларда касаначиликни ривожлантириш мумкин.

Кўриниб турибдики, касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга жуда кўп имтиёзлар яратилган. Аммо жойларда бўлганимизда, аҳолининг турли қатламлари билан учрашилганда бу тадбирларнин амалга оширилаётганидан, улар катта қулайлик ва имтиёзларга эга эканликларидан бехабарлар. Шу туфайли касаначиликни тарғиб қилишни унинг тегишли имтиёзларга эга эканлигини тарғибот қилишда чарчамаслик керак, деб ўйлаймиз. Бу касаначи учун ҳам, давлат ва жамият учун ҳам нафли тадбирлардан. Пировардида аҳоли иш билан таъминланиб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали фаровонликка эришади. Бу бутун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади ҳам шудир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Статистик тўплам. Ўзбекистон республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Тошкент. “Ўзбекистон”-2011. 99-100 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Lex.uz, 2016 йил 5 октябрь.
4. Тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1991.-11 февраль.
5. Фарғона вилояти статистика бошқармасининг Фарғона вилояти 2012 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари (статистик тўплам) асосида жамланган.
6. И.А.Каримов 2006 йил 5-январдаги 3706-сонли фармони.
7. Манба. Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.
8. Манба. Фарғона вилояти Бандлик бош бошқармаси маълумотлари

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ “ИНСОН” ҚАСИДАСИ МАСНУЪ АСАР СИФАТИДА

ПОЭМА ЭРКИНА ВОХИДОВА «ЧЕЛОВЕК» КАК ПРОИЗВЕДЕНИЕ ИСКУССТВА

ERKIN VOHIDOV'S POEM "MAN" AS A WORK OF ART

Д.Зоҳидова-филология фанлари номзоди, доцент, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мақолада истеъдодли шоир Эркин Воҳидовнинг “Инсон” қасидаси таҳлилга тортилиб, унинг бадиий маҳорат ва услуб нуқтаи назаридан юксак асар эканлиги ҳақидаги илмий жиҳатдан далилланган.

Калит сўзлар: Шарқ мумтоз шеърияти, қасида, маснуъ, тазод, зулқофиятайн, мусажжаъ, аруз, бармоқ вазни, саҳли мумтанеъ

Аннотация. В статье анализируется касыда (ода) талантливого поэта Эркина Вахидова «Человек» и научно доказывается, что она является шедевром по художественному мастерству и стилю.

Опорные слова: Восточная классическая литература, касыда, масну, тазод, зулкофиятайн, мусажжа, аруз, метрика бармак, сахли мумтане

Annotation. The paper given below analyses the ode written by Erkin Vohidov called “Human” and proves scientifically that it is a masterpiece in artistic skill and style.

Key words: oriental classic literature, ode, masnu, tazod, musajja, aruz, sahli mumtane.

Эркин Воҳидовнинг шахс ва ижодкор сифатида шаклланишида, камол топишида Шарқ маънавиятининг, мумтоз шеъриятнинг ўрни беқиёс. Мумтоз сўз сеҳрига ошнолик унда болалик йиллариданоқ бошлаганини шоир ўз хотираларида алоҳида тилга олади. Хусусан, у тоғасининг хонадонида уюштириладиган навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик кечаларида пурмаъно байтлар шарҳини маҳлиё бўлиб тинглаганлигини, шундай йиғинлардан бирида Навоийнинг

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул –ҳудо,

“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқти садо.

байтини Алихон Тўра Соғуний ҳазратлари бир соатга яқин шарҳ қилганларидан ҳайратга тушганини, бу шарҳ унга тасаввуф илмидан ажойиб бир сабоқ бўлганини завқ билан ёдга олади.

Эркин Воҳидов Навоий ҳақида фикрлар экан, унинг узоқлашган сари маҳобати намоён бўлиб борадиган чўққи эканлигини, биз бу чўққига зинҳор ортимизда қолган даража деб эмас, доимо олдинда турган, биз доимо интилиб яшайдиган юксаклик деб қарашимиз кераклигини айтади. Унинг шоирлик маҳорати ҳақида эса шундай дейди: “Навоий барча замон шоирлари учун маҳорат мактабидир... Навоийнинг санъаткорлигига фақат ҳайратланиш мумкин. Унинг шеърияти мўъжиза даражасида. Баъзан менга Навоий байтлари инсон фикратида пайдо бўлган эмас, балки илоҳий қудрат томонидан яратилгандек туюлади.”

Эркин Воҳидов шоир Миртемирдан шундай деб сўраган экан: “Нега ижодхонангизда Пушкин сурати стол устида, ўзимизнинг Навоий панароқ жойда турибди”. Шунда устоз шоир шундай жавоб берган экан: “Мен Пушкинга тик қарашим мумкин. Уни бошдан оёқ ўқиганман, кўп таржима қилганман. Лекин Навоийни ростмана англаб етмадим, барча асарларини ўқиб мағзини чаққан эмасман”[3]. Эркин Воҳидов бутун ҳаёти ва ижоди давомида Навоийни ўқишга, Навоийдан ўрганишга интилган. Унинг мухлисларидан бири “Ёшлик девони”ни ўқиб, Навоийни қандай қилиб замонавийлаштириш кераклигига жавоб топасиз” дегани бежиз эмас. Шу

маънода Эркин Воҳидов замонавий ўзбек шеъриятининг Алишер Навоийси деган номга тўлиқ муносиб.

Эркин Воҳидов нафақат Навоийни, балки умуман Шарқ мумтоз шеъриятини кўп ва хўб ўрганган. Бу ҳолнинг бадиий ифодаси акс этган “Фузулий ҳайкали қошида” шеърида у шундандай дейди:

Ғазал ҳам бўлурму бунча дилрабо,
Бунчалар серишва, бунчалар серноз.
Менинг шоирлигим ёлғондир, аммо
Фузулий шеърига ошиқлигим рост.
Мажнундек беором бўлиб қолганим
Сарсари югурган тўлқинлар айтсин.
Кечаси ухламай шеър ёд олганим
Тонгги уфқдаги ёлқинлар айтсин [1. 123].

Ижодкорнинг асарлари орасида ўзининг ҳам алоҳида ардоғида бўлган, алоҳида ифтихорига арзийдиган, бутун ижодининг моҳиятини акс эттирган асари бўлиши мумкин. Масалан, Амир Хусрав Деҳлавий ўзининг «Дарёи аброр» фалсафий қасидаси ҳақида « Агар юз минг байтдин ортиқ ғазал, қасида ва маснавийларим олам саҳифасидин ўчиб кетсаю лекин шу қасидам қолса, у менинг шоирлик маҳоратим ва фазилатимга баҳо беришга кифоя» деган маънода фахрия қилган. Навоийнинг айнан шу қасидага жавоб тарзида ёзилган “Туҳфат ул-афкор” қасидаси ҳам ажойиб ва ҳайратланарли яратилиш тарихига эга. Ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан ўта юксак бу асар қалам билан ёзилмаган, балки сафар давомида от устида, Навоийнинг тафаккурида бадеҳа сифатида туғилган [4.34-35]. Ўхшашликни қарангки, Эркин Воҳидовнинг ҳам айнан фалсафий қасида жанрида ёзилган “Инсон” қасидаси мумтоз йўналишда яратган асарларининг олий чўққиси, гултожи деб эътироф этишга лойиқ асар.

Эркин Воҳидовнинг ижодкор сифатидаги ўзлиги ва бетакрорлиги, шоирлик фасоҳати ва балоғати бу шоҳ асарда тўлиқ намоён бўлган. Шоир инсонликнинг моҳиятини ўзаро зид қутблар курашида очиб берар экан, замон ва макон, ўтмиш ва бугун тушунчалари ўртасидаги чегаралар йўқолади: ҳамма вақт ҳам инсонни осмон қадар юксалтирган қудрат маънавияти бўлганлигини, хору зор, забун қилган иллат эса жаҳолати эканлигини айтишда Эркин Воҳидов чин маънода мутафаккир ва санъаткор даражасига кўтарила олган.

Гоҳ адолат боғида,
Пири адоват гоҳида,
Ўз дилинг даргоҳида
Шайтон ўзинг, ғилмон ўзинг.
Хормисан ё гулмисан,
Тождормисан ё қулмисан,
Чуғзмисан булбулмисан,
Нодон ўзинг, хушхон ўзинг.
Бу ҳаёт ўрмон экан,
Жон борки қасди жон экан,
Бунда қатл осон экан,
Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг [1. 344].

Қасиданинг етакчи бадиий тасвир воситаси тазод усулининг 30 дан ортиқ ўринда келиши асарнинг бош ғояси бўлган эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва бузғунчилик ўртасидаги зиддиятнинг қанчалик чуқур ва турфа кўринишларга эга эканлигини кўрсатади. Аксарият ҳолларда тазодни юзага келтирган жуфтликлар зид маъноли сўзлар бўлиш билан бирга шаклан ўхшаш, яъни қофиядош ҳам (сиртлон-жайрон, шайтон-ғилмон, адолат-адоват каби). Бу баъзан яхшиликнинг ёмонликка айланиши осон эканига, зоҳирда яхши кўринган нарсанинг ботинида баъзан ёмон яширинишига (атомнинг ижод этилиши каби) ишора ҳамдир. Қасида бошдан охиригача ҳам зулқофиятайн, яъни қўшқофия санъати, ҳам мусажжаъ – ички қофия санъати билан ёзилган.

Собит ўз маъвосида,
Сайёр фазо дунёсида,
Коинот саҳросида
Корвон ўзинг, сорбон ўзинг [1. 343].

«Ўзинг» такрорий радиф (мураддаф), «корвон»-«сорбон» (зулқофиятайн), «маъвосида»-«дунёсида»-«саҳросида» ички қофия – мусажжаъ бўлиб келяпти.

Кейинги байтда

Шамс дил тафтингдадур,

Сайёралар кафтингдадур,
Кенг жаҳон забтингдадур,
Боғбон ўзинг, посбон ўзинг [1. 343].

«Боғбон»-«посбон» зулқофиятайн, «тафтингдадур»-«кафтингдадур»-«забтингдадур» ички қофия – мусажжаъ бўлиб келяпти.

Бу икки қофия санъатини бир пайтнинг ўзида қўлланган ғазал ёки қасида нафақат замонавий, балки мумтоз шеърият учун ҳам ноёб ҳодиса, фавқулодда санъаткорлик. Одатда, Шарқ шеъриятида бундай асарлар маснуъ деб аталганки, бу сифат ўта юксак санъат билан ёзилган маъносини англатади. Айни пайтда, қасиданинг тили, баён услуби ўта равон. Бундай услуб мумтоз шеъриятда саҳли мумтанеъ деб аталади. Унинг луғавий маъноси “қилиш мумкин бўлмаган осон” демакдир. Истилоҳда содда ва тушунарли услубда ўта юксак санъаткорлик кўрсата олишни назарда тутади. Бу услуб ўзбек мумтоз шеъриятида кўпроқ Бобур ижодида кўзга ташланади. Эркин Воҳидов бу услубни замонавий ўзбек шеъриятига олиб кира олган буюк ижодкордир. Инсон қасидаси арузнинг рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) баҳрида ёзилган.

Бу ҳаёт ум/мон экан, ум / мон абад гар / дон экан,
- V - - / - V - - / - V - - / - V -
Қатрадек сар/сон экан, сар / сон ўзинг, гар / дон ўзинг.
- V - - / - V - - / - V - - / - V -

Бу вазн туркий шеъриятнинг энг асосий ўлчови ҳисобланади. Лекин “Инсон” қасидаси вазнининг ўзига хослиги шундаки, унда сўзлар шундай танланганки, унда муайян ўринларда тўхтам қилиб ўқилса, бармоқ вазнидаги каби 7+8 типидаги қўшма вазн ҳосил бўлади.

Бу ҳаёт уммон экан, 7
уммон абад гардон экан, 8
Қатрадек сарсон экан, 7
Сарсон ўзинг, гардон ўзинг.8

Лекин бармоқ вазнидан фарқли равишда, улардаги бўғинлар сифати, яъни чўзиқ-қисқалиги бир хил. Шу нуқтаи назардан Эркин Воҳидов аруз қоидаларини бузмаган ҳолда унга бармоқ вазнига хос жиҳатларни уйғунлаштира олган санъаткор шоирки, буни биз мумтоз шеъриятда ҳам, замонавий шеъриятда ҳам учрат-маймиз. Бу ҳол бир томондан “Инсон” қасидасининг маснуъ асар эканлигига яна бир далолат бўлса, иккинчи томондан, инсоннинг маконда бугунга тегишли, моҳиятан эса ўтмиш билан муштарак қалб дунёсига ишорадир.

Эркин Воҳидовнинг ўзининг яна бир шоҳ асари бўлган “Руҳлар исёни”да шундай деб тилак қилган эди.

Шоир бўлсанг,
Қалб чироғинг
Ёниб турса то абад.
Бу дунёдан
кетар чоғинг
Йиғлаб қолса шеърият.
Ўз бағрига олса қучиб
Сени она маконинг...
Гар шу бахтлар бўлса насиб
Йўқ дунёда армонинг [3. 86].

Шоирнинг бу тилаклари бугун ҳақиқатга айланди. У дунёдан кетганда бутун миллат, у билан бирга миллатнинг шеърияти йиғлаб қолди. Қаҳрамони Назрулисломга руҳан ва жисман ҳаётлигида насиб этмаган англаниш ва қадрланиш бахтига Эркин Воҳидов ҳаётлигида эришди. Эркин Воҳидов умри асарлари билан боқийлик касб этган ижодкордир. Шоирга мангулик бахш этган буюклик сабабларидан бири ижодининг мангу ва буюк мумтоз шеърият заминида қад ростлаганидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эркин Воҳидов. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Муҳаббатнома. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент: 1986.
2. Эркин Воҳидов. Руҳлар исёни. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент: 1980.

3. Эркин Воҳидов. “Қалбимиз ҳудудларини омон сақлайлик”. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов билан суҳбат “Ёшлик” журнали, 2011 йил, 5-сон.
4. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Тошкент: Фан, 1999.

ТЕОРИЯ МИФА И ПРИТЧИ В СОВРЕМЕННОЙ РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

HOZIRGI ROSSIYA ADABIYOTIDA MIFLIK VA MASALLAR NAZARIYASI

THE THEORY OF MYTH AND PARABLE IN MODERN RUSSIAN LITERATURE

Х.Зияева-преподаватель, Кокандский ГПИ

Аннотация. В данной статье освещена теория мифа и притчи в современной русской литературе по произведению Татьяны Толстой «Кысь». Целью статьи является изучение поэтики мифологической прозы, методов и форм мифологизации в современной русской прозе. Научная новизна заключается в том, что эта статья стремится последовательно исследовать не только миф, но и механизмы мифологизации и демифологизации в прозе Т.Толстой, а также выявить аксиологические и онтологические особенности мифологии в текстах писательницы.

Ключевые слова: мифологизация, демифологизация, мифопоэтика, мифологизм, реализм, постмодернизм, интертекстуальность, Кысь, старорусская азбука, интертекст, традиционность, нетрадиционность, интервключение, метатекст.

Annotatsiya. Ushbu maqola Tatyana Tolstayaning "Kys" asari asosida zamonaviy rus adabiyotidagi afsona va masal nazariyasini ta'kidlaydi. Maqolaning maqsadi mifologik nasr poetikasini, zamonaviy rus nasridagi mifologizatsiya usullari va shakllarini o'rganishdir. Ilmiy yangilik shundan iboratki, ushbu maqola nafaqat mifni, balki Tolstoy nasridagi mifologizatsiya va demitologizatsiya mexanizmlarini ham izchil o'rganishga, shuningdek muallifning matnlarida mifologiyaning aksiologik va ontologik xususiyatlarini ochib berishga intiladi.

Kalit so'zlar: mifologizatsiya, demitologizatsiya, mifopoetika, mifologizm, realizm, postmodernizm, interstekstualizm, Kys, eski rus alifbosi, interstekst, ananaviylik, noan'anaviylik, interklyuzion, metatekst.

Annotation. This article covers the theory of myth and parable in modern Russian literature based on the work of Tatiana Tolstaya "Kys". The purpose of the article is to study the poetics of mythological prose, methods and forms of mythologization in modern Russian prose. The scientific novelty lies in the fact that this article seeks to consistently explore not only the myth, but also the mechanisms of mythologization and demythologization in Tolstaya's prose, as well as to identify the axiological and ontological features of mythology in the writer's texts.

Keywords: mythologization, demythologization, mythopoetics, mythologism, realism, postmodernism, intertextuality, Kys, Old Russian alphabet, intertext, traditionality, unconventionality, intervlection, metatext.

«Мифологизм» является характерным явлением литературы XX в. и как художественный прием, и как стоящее за этим приемом мироощущение (дело, конечно, не только в использовании отдельных мифологических мотивов). Это было очевидно в драме, поэзии и романе; во-вторых, особенность последней мифологии проявляется более четко, поскольку, в отличие от драмы и песни прошлого века, роман почти никогда не становился областью мифологизации. Это явление, несомненно, процветало

на пути к изменению классической формы романа и отходу от традиционного критического реализма 19-го века.

Мифологизм не противостоит собственно критическому началу, он даже предложил дополнительные средства для заостренного выражения наблюдаемых процессов нивелировки человеческой личности, уродливых форм отчуждения, пошлости буржуазной «прозы», кризисного состояния духовной культуры. Мифологические параллели сами по себе не могли не подчеркивать кричащего несоответствия этой буржуазной «прозы» и высоких образцов мифа и эпоса. Роман в качестве «буржуазной эпопеи» сам сопоставил свой мир с подлинно эпическим уровнем.

Однако пафос мифологизма XX в. не только и не столько в обнажении измельчания и уродливости современного мира с этих поэтических высот, сколько в выявлении неких неизменных, вечных начал, позитивных или негативных, просвечивающих сквозь поток эмпирического быта и исторических изменений.

Генетически литература связана с мифологией через фольклор; в частности, фольклор глубоко развивался благодаря повествовательной литературе, сказкам и героическим эпосам, которые нас в основном занимают (конечно, многие эпические и сказочные памятники продолжили свое развитие или были воссозданы в виде книжных произведений). Соответственно, драма и частично лирика изначально воспринимали элементы мифа непосредственно через ритуалы, народные гуляния и религиозные мистерии.

Как мы видим, сказки и героические эпосы, а также древнейшие театральные формы являются одновременно формой сохранения и формой преодоления мифологии. Поэтому, обращаясь непосредственно к древним мифам, неудивительно, что по этим каналам мифологическая традиция часто проникает в литературу.

Хорошо известно, что вся древняя литература пропитана мифологией и мифологической космологией, но древние мифы не были забыты в средние века, хотя они были частично вытеснены в среде христианской идеологии. В целом средневековая литература остается во власти христианской религиозной мифологии, гораздо более спиритуалистической и исходящей из рассмотрения предметного мира в качестве материальных знаков высших «небесных» религиозно-нравственных сущностей. Аналогично положение на средневековом Востоке, где в культуре доминирует мифология буддистская, индуистская, даосистская или мусульманская. Такое доминирование мифологии в культуре способствует сохранению в большей или меньшей мере черт «символической формы искусства» в гегелевском понимании (вопреки тому, что сам Гегель видел эту форму только на древнем Востоке и противопоставлял ей классическую и романтическую формы). Общий семиотизм культуры, порождающий символизм, является четким аспектом этой мифологии. Конечно, в самой старой (особенно у Овидия или Люциана) и даже средневековой литературе (например, в западном обратном романе и в восточно-римской эпопее, сатире и дидактике) мы находим эстетические, рефлексивные, критические, сатирические и подобные интерпретации.

Мы находим целую гаммутрадиционных мифов, но серьезный отказ от общей символики начинается только в эпоху Возрождения. Когда объективному миру на земле и внутреннему значению человеческой инициативы, несомненно, отдается приоритет, возникает сознательное отношение к природе, к подражанию прекрасной природе, оставляя яркие следы человеческой инициативы в искусстве. Однако, с одной стороны, не следует спорить с Л. Баткиным,

который писал, что Ренессанс был последней единой культурной системой, построенной на архетипах, то есть мифах (фрагменты мифологии сохранились до наших дней). Период Ренессанса, с его антропоцентризмом, важностью исторического и критического мышления, смещением внимания к реальности, закладывает основу для демифологизации, и, с другой стороны, «здесь античная мифология, мертвая сама по себе, включалась в некий сплав (христианство, гротеск, магия, рыцарская легенда), который в целом, был еще мифологической реальностью мышления, его разумом, а не предрассудком, кровью культуры, а не реминисценцией. Это значит, что процесс, по-видимому, действительно завершился лишь ко времени Гёте, у которого христиански-античная символика второй части «Фауста» есть уже фрагмент литературы, а не ее универсальный язык». [1]

Мифология не противостоит самому критическому началу, она даже предложила дополнительные средства для обострения процессов уплощения человеческой личности, безобразных форм отчуждения, дикости буржуазной «прозы» и кризиса духовной культуры.

Мифологизм повлек за собой выход за социально-исторические и пространственно-временные рамки. В связи с этим известная работа И. Франка о спатиализации в современной литературе очень интересна тем, что мифологическое время превращает объективное историческое время в современный роман, поскольку действия и события определенного времени представлены в качестве примеров бесчисленных прототипов. Время мировой истории становится миром мифов, который находит свое выражение в пространственной форме. В этом контексте Фрэнк рассматривает не только произведения Джойса, Элиота, Паунда, но и Пруста.

Социально-исторический подход во многом определил структуру романа 19-го века, поэтому желание преодолеть этот круг или подняться выше этого уровня не могло бы серьезно нарушить его. Самопроизвольное возникновение и разделение эмпирического материала жизни как социального материала неизбежно были омрачены символизмом, включая мифологические средства. Таким образом, мифология стала средством создания истории. Кроме того, широко использовались демонстрации структурных элементов, такие как простое повторение внутренней значимости с использованием техники лейтмотива. Элемент универсального повторения является своеобразной особенностью архаической, фольклорно-эпической литературы, но техникой, лейтмотивами романа XX века, восходит к музыкальной драме Вагнера, где лейтмотивы тесно связаны с мифологической символикой.

Томас Манн в своей знаменитой статье о Вагнере является основателем мифологической литературы двадцатого века - с учетом сочетания «психология» и «мифология». Обращение к «глубокой» психологии в романе двадцатого века в большинстве случаев нацелен на человека, который более или менее избежал социальных «ситуаций», а «роман характера» даже антипсихологичен с точки зрения социальной психологии. Чисто индивидуальная психология - это универсальное человечество, которое открывает путь для ее интерпретации, как с символической, так и с мифологической точек зрения.

Мифологизированные романисты были более или менее подвержены влиянию Фрейда, Адлера и Юнга и частично использовали язык психоанализа, но апелляция к бессознательному в романах двадцатого века, безусловно, не подвержена влиянию фрейдизма. Для этого романа было важно выполнить основное действие, связанное с развитием техники внутреннего монолога (начало было основано на Льве Толстом; внутренний

монолог Джойса представляет влияние Дюжардина в сочетании с вагнеровскими лейтмотивами) и «поток сознания».

Некоторые из наиболее общих черт вышеупомянутой мифологии в романе 20-го века приводят нас к эстетике модернизма в буквальном смысле. Для ряда авторов мифология неразрывно связана с их страхами перед историческими революциями и их разочарованием в «историчности» из-за страха, что социальные сдвиги изменят метафизическую основу человека и сознания[2]. Достаточно вспомнить любимого главного героя Джойса - слова Стивена о «ужасе истории», который он хотел разбудить. Мифологические сходства и образы Джойса, несомненно, подчеркивают повторение одних и тех же неразрешимых конфликтов, метафизические колебания в одном месте в частной и общественной жизни, уникальность мирового исторического процесса.

Томас Манн радикально отличается идеологическим колоритом мифологии в его наиболее важных моментах, и невозможно свести их к современной эстетике в узком смысле этого слова. Это более верно, чем современные латиноамериканские или афроазиатские писатели, для которых мифологическая традиция все еще является живым слоем национального самосознания, и даже повторение одних и тех же мифологических мотивов подразумевает в первую очередь жесткость национальных традиций и национальных моделей жизни. И их мифология предполагает выход за пределы чистого социального царства, но социально-исторический план продолжает жить бок о бок с современностью. Однако это не приводит к заключению, что существует несколько независимых «мифологизмов», которые не связаны и похожи по внешнему виду.

Взаимозависимость мифа и вымысла рассматривается двумя способами: эволюционным и типологическим. Эволюционная сторона обеспечивает понимание мифа как определенной стадии сознания до появления исторической письменной литературы. Литература в этом смысле имеет дело с реликтовыми формами мифа и активно способствует разрушению самой мифологической культуры. Можно противопоставить миф и формы искусства, которые его заменяют, особенно литературу, потому что они никогда не живут вместе во времени.

Типологический аспект предполагает, что мифология и письменная литература сопоставимы в той степени, в которой мировоззрение и описание мира радикально отличаются друг от друга, существуют одновременно во взаимодействии и проявляются только в разные периоды. Наиболее актуальным и перспективным для науки двадцатого века является типологический аспект изучения взаимосвязи мифа и вымысла, основанный на транзисторном понимании этого мифа.

Литература остается связанной с мифом на структурном и семантическом уровнях. Произведение искусства наследует архаичные принципы синтагматического и парадигматического расположения текста. Кроме того, писатели постоянно (иногда бессознательно) рисуют картины из мифологического семиотического фона.

Каналы перевода мифологического материала в современность разнообразны: объективный и субъективный, сознательный и бессознательный. Это - «память жанра»;коллективное бессознательное; интерес автора к архаичным структурам, изображениям, сюжетам и сознательной ориентации на мифологические парадигмы.

Более того, каждый период в истории искусства и литературы характеризуется определенной степенью знания о связи искусства и мифологии. Из-за различных идеоло-

гических и эстетических требований конкретного исторического периода для использования мифа в литературе условия всегда были одинаковыми[3].

Так, Е.М.Мелетинский утверждает, что литература была демифологизирована в XVIII-XIXвеках, что искусство ставило перед собой задачу освободиться от иррационального наследия, от остатков первобытной культуры, познать естественные науки, мир и людей рационально. Предпосылками демифологизации были утверждение внутреннего значения объективного мира, отношение к подражанию природе, антропоцентризм, склонность к историографии и ориентация на реальность. Исключениями были романтическая философия (прежде всего Шеллинг) и романтическая литература. С конца XIX века интерес к мифологии растет. Пионеры этого процесса: в теории - Ф. Ницше, в музыкальной практике - Р. Вагнер. Реальный поток «реми-фологизации», по словам Меле-тинского, встречается в литературе XX века в 1920–1930-е годы.

З.Г.Минц, Д.Е.Максимов связывают возникновение неомифо-логических тенденций с началом века с теорией и практикой символизма[4]. Это концепция - движение современного искусства от «символа к легенде» (Вяч.Иванов), по их мнению, следует признать самым ранним и важнейшим периодом литературного мифологического движения [5]. Развивая эти идеи, В.А. Марков представляет картину «волн» мифопоэтического мышления, возникших последовательно в историческом и литературном процессе. Он связывает первую волну с периодом древней литературы, которая развивалась «как прямой результат метафорической обработки мифологического субстрата». Вторая волна - в начале восемнадцатого века - была романтизмом. В.А. Марков в девятнадцатом веке тоже воспринимает это символически. Третья волна - это неомифологизм, возникший в начале двадцатого века.

Использованная литература:

1. Л. Баткин, Ренессансный миф о человеке - «Вопросы литературы», 1971, N29, стр. 116—118
2. Джойс. Улисс – М., 1998
3. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа 3-е издание, репринтное МОСКВА 2000
4. З.Г.Минц, Д.Е.Максимов Поэзия и миф. 2-издание. М.2018
5. В.А. Марков Постмодерн культуры и культура постмодерна. Лекции по теории культуры. Издание, оформление. ООО Группа Компаний «РИПОЛ классик», 2018

ШАРҚОНА ГЎЗАЛЛИК ТАСВИРИДА МАҚОЛЛАР ВА ТУРҒУН БИРИКМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Искандарова Шарифа Мадалиевна,
филология фанлари доктори,
Фарғона давлат университети профессори
Маруфова Зулфия Набиевна
Тошкент шаҳар Яшнобод тумани
204-мактаб ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада ўзбек мумтоз шеъриятида, хусусан, XV аср шоирлари ижодида “гўзаллик” концептининг лисоний вербаллашуви ҳақида сўз боради. Ушбу когнитив жараённинг халқ мақоллари, турғун бирикмалар ва индивидуал иборалар воситасида воқелантирилиши таҳлилга тортилади. Лексик бирликлар ўртасидаги боғланишларнинг лексик-семантик, когнитив-прагматик асослари таҳлил қилинади.

Калит Сўзлар. концепт,субъектив баҳо, гўзаллик, рашк, рақиб, лексик-семантик майдон, мақол, фразеологик бирикма.

Аннотация. В статье рассматривается лингвистическая вербализация понятия «красота» в узбекской классической поэзии, в частности, в произведениях поэтов XVвека. Анализируется реализация этого познавательного процесса через народные поговорки, фразеологические единицы и индивидуальные выражения. Анализируются лексико-семантические, когнитивно-прагматические основы связей между лексическими единицами.

Ключевые слова. концепт, субъективная оценка, красота, ревность, соперник, лексико-семантическое поле, пословица, фразеологическое сочетание.

Annotation. The article examines the linguistic verbalization of the concept of "beauty" in Uzbek classical poetry, in particular, in the works of the 15th century poets. The implementation of this cognitive process through folk sayings, phraseological units and individual expressions is analyzed. The lexical-semantic, cognitive-pragmatic foundations of connections between lexical units are analyzed.

KEY WORDS: concept, subjective assessment, beauty, jealousy, rival, lexical-semantic field, proverb, phraseological combination.

Шарқ шеъриятида «гўзаллик» тушунчаси асосан Оллоҳ, Аёл тимсолида ўз ифодасини топган. Унинг лисоний вербаллашуви эса Ишқ-муҳаббат концепти ҳамда уларга тегишли маъновий тузилмалар воситасида юз беради. Шоир субъектига тегишли когнитив-прагматик жараён ва эмотив баҳонинг лисоний воқеланишида миллий-маданий унсур-ларнинг аҳамияти катта эканлиги таниқли тилшунослар томонидан эътироф этилган. Ўзбек халқининг миллий-маданий мероси жуда бой бўлиб, сўз санъатининг нақадар ранг-баранглиги халқ оғзаки ижодига оид латифалар, қочиримли айтишувлар, аскиялар, мақол ва ҳикматлар, масал ва иборалар, эртак ва афсоналар, қўшиқ ва лапарларда ўз аксини топган. “Қайси халқ тилида яратилган манбалар – халқ оғзаки ижоди, адабий ва илмий ёдгорликлар, манбалар, санъат асарлари қанчалик кўп ва бой бўлса, ўша халқнинг миллий концептосфераси ҳам шунчалик бой бўлади”[1.280-287].

Мумтоз адабиётимизда Аёл, Маҳбуба тимсолини ва унга шоирнинг субъектив муносабатини юзага чиқаришда кўплаб воситалар, бадиий ва лафзий санъат турларидан, шунингдек, муаллифнинг ошиқона руҳдаги индивидуал хулосаларидан моҳирона фойдаланилган. Субъектнинг эмоционалбаҳосини ер-баллаштиришда турли миллий-маданий поэтик ифодаларнинг ўрни катта. “Концепт лингвомаданий бирлик сифатида у ёки бу халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди” [5.37].

Гўзаллик концептосферасининг асоси ҳисобланган Муҳаббат, Ишқ концептлари доирасига кирувчи вафо, жафо, висол, мафтунлик, фидойилик,садоқат, азоб, лаззат, ҳаяжон, йиғламоқ, кулмоқ айрилиқ, сабр, беморлик, умид, рашк, истак, қадр-қиммат сингари семантик бирликлар халқ мақол ва масаллари, шунингдек, шахсий хулоса тарзидаги яхлит бирликлар воситасида ифодалаш орқали гўзал тасвирлар яратилган.

Гўзаллик концептига Муҳаббат концепти воситасида боғланган сабр тушунчаси мумтоз адабиётимизда субъектнинг руҳий-эмоционал ҳолатини беришда фаол қўлланилган. Гўзаллик - севиш-орзу қилиш-интилиш-кутиш-умид қилиш-сабр қилиш фреймларидан келиб чиқадиган ҳосила мақсад-етишмоқ. Лутфийнинг қуйидаги байтида сабр лексемасининг концепт майдонидаги ўрни ирсол санъати орқали юқори поғонага кўтарилган:

Ҳалвом учун дудоги фироқинда, эй рақиб,
Ошиқмағил, сабр керак киши ошина. “ташқи оламдаги сифат-

хусусият, ҳаракат-ҳолатларни инсон “ўз танасидан ўтказиб”, ўзига хос нигоҳ тарзидан келиб чиқиб, гўё ўзига нисбатлаб баҳолайди ва номлайди” [2.3-16].

Байтда “Сабр қилган муродга етар” мақолининг ўзига хос эквиваленти ифодаланган. Субъектнинг экспрессив-эмоционал баҳоси ҳалво ва дудоқ лексемаларини маъновий боғлаб турган ширин семаси орқали ифода этилиб, иккинчи мисрада мақолдаги “ош”га қиёсланяпти. Бу ўринда “ош”нинг ҳам инсон учун мазали ва роҳатбахш, ўзига тортувчи, иштаҳа очувчи каби сифатларига ишора мавжуд.

Шунингдек, гўзал ёр оғзини таърифлашда шакар ва новвот лексемалари орқали ширинлик белгисини ифодалаш ҳам анъанавий тасвир усулларидан биридир. Когнитив метафоранинг яққол намойиши бўлмиш ушбу жараёнда шоир ўзига аввалдан маълум бўлган маза-таъм (ширин)ни ўзига маълум бўлган егулик(шакар ва новвот) номи билан аташ орқали маҳбуба оғзига эмотив-экспрессив баҳосини беради. М.Раҳматованинг қайд этишича, ”эстетик баҳонинг энг муҳим тавсифи шуки, у реалликнинг объектив хусусиятига эмас, балки субъектив аҳамиятга эга бўлган олам таснифи параметрларига боғлиқ ҳолда намоён бўлади” [3.21]. Саккокийнинг:

Жоним эрнимга еткурди шакар эрни таманноси,
Билурман, бергуси елга бошимни зулфи савдоси,-

байтида ёр лаби ўхшатиш воситаси (-дек) туширилган ҳолда шакарга қиёсланган. Гадоий байтида эса новвотнинг таъмидан ташқари, кўриниши ҳам усталик билан мазмунга сингдириб юборилган:

Ваҳ, не нозукдур ҳаловатлиқ дудоқингким, букун
Инфиолиндин киритбур шишаға Мисрий набот.

“Ҳаловатлиқ” сўзини “роҳатбахш”, “ширин” маъносида тушунадиган бўлсак, маҳбуба дудоғининг ширинлиги ва нозиклигидан Мисрий новвот ҳам хижолат тортиб, шиша ичига кириб кетибди, дея новвотнинг шаффофлигига ишора қилинади.

Лутфий байтида эса лаб мазасига субъектив баҳосининг ирсол санъати орқали ифодалашини кузатамиз:

Набот нархини синдурмаса шакар ирнинг,
Не ишки, тенг сотилур тол йигочи бирла набот.

Мазмуни: шакар оғзинг новвот нархини синдирса ажабланмайман, чунки тол ёғочи билан новвотнинг нархи тенг эмас. Биринчи мисрада ёр дудоғи (оғзи) новвотдан ҳам ширинлиги айтилиб, иккинчи мисрада новвот тол ёғочига, ёр оғзи новвотга тенгланяпти ва бу иккисининг нархи тенг бўлмаслиги “Не ишки, тенг сотилур тол йигочи бирла набот”, яъни “Ҳар нарсанинг ўз қиймати бор” мазмунидаги ҳикмат орқали субъектив хулоса берилади. Юқорида келтирилган тасвирларда ҳам гўзаллик концепти “муҳаббат”- “ширин лаб” - “қадр-қиммат”-“бебаҳо” семалари кетма-кетлигида вербаллашган.

Поэтик матнларда оламнинг лисоний манзараси сатрлар ортидаги муаллифнинг тасаввурлари ва дунёқараши, унинг тилдаги луғавий заҳирадан поэтик ифодалар ясай олиши, лисоний воситага поэтик бўёқ бера олиши, поэтик нигоҳда давр воқеаларига турли муносабатни ифодаловчи ранг-баранг лингвопоэтик симптомларни тасвирлай олиши билан характерланади”[6,73]. Бадиий адабиётда, хусусан, муҳаббат мавзусидаги асарларда раҳмсизлик, жабру жафо, тошбағирлик, беписандлик сингари салбий бўёққа эга бўлган сўзлар мотивацион вазифа бажаради, десак, хато бўлмайди. Бу каби лексемалар мумтоз шеъриятда Гўзаллик концептосферасига кирувчи Ишқ-муҳаббат концептининг компонентлари сифатида ошиқ ҳолатини тасвирлашда муҳим рол ўйнайди. Гадойининг қуйидаги байтида маҳбубанинг тошбағирлиги кўчирма гап орқали ифодаланади:

Йиғлаю борсам эшикиға Гадолиғ қилғани,
Бағри қотқунча кулуб айтур: “Бало берсун санго”.
Лутфий худди шу раҳмсизликни ва ўзининг забун ҳолатини ибора орқали ифодалайди:

Жон агар ул ораз учун берса йўқ кўнглида раҳм,
Сувсизин юз болиғ ўлса, баҳрга не бок эрур?

Байт мазмуни: ”Юзи учун жон берсак ҳам раҳми келмайди, сувсизликдан юз балиқ ўлса ҳам, дарёга не ғам?”. Иккинчи байтдан ҳозирги тилимиздаги “Дунёни сув босса, ўрдакка нима ғам?” мақоли англашилиб турибди. Бунда фидолик, қурбон бўлиш, жафо чекмоқ фреймлари орқали ифодаланган субъект ҳолатига жавобан 2-мисрада тошбағирлик, жафокорлик, беписандлик маъновий тузилмаларини ўз ичига олган турғун бирикма келтирилади.

У.Йигиталиевнинг таъкидлашича,“концепт нафақат руҳий-ментал ҳодиса, балки этномаданий хусусиятларни намоён этувчи бирлик ҳамдир”[4,12].

Рақиб – ошиқ учун ёрга етишишга тўсқинлик қилувчи, гўзал маҳбубани у билан тенг талашувчи салбий тимсол бўлиб, шарқ шеъриятидаги етакчи образлардан бири. Мумтоз шеъриятда рақибга нисбатан негатив муносабат ифодалашнинг турли усуллари мавжуд. Атойи байтида Рақиб концептин вербаллаштирувчи Рашк тушун-часининг кучли ифодасини кўрамиз:

Рақиб уйин сўрарсиз: ”қай сари?” деб,
Жаҳаннам тўрида, таҳтус-сарида.

А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида “Таҳтас-саро”-ер ости, ер таги [7.217] маъноларини англатувчи бирлик сифатида келтирилган. Атойи тилида фонетик ўзгаришга учраб, “таҳтус-сари” кўринишига келган, деб ҳисобласак, ошиқ рақиб уйи ер остида, жаҳаннам тўрида бўлишини хоҳлайди.

Лутфийнинг қуйидаги байтида эса рашк тушунчасига яна бошқачароқ ёндашувни кузатамиз.

Дедимки: “ Рақибимни қошингдин кўтар” . Айтур:
“Бир гул қаниким, олида юз хор топилмас?”

Биринчи мисрада фаоллаштирилган “рашк” ифодасига жавобан иккинчи мисрада ирсол санъати воситасида маъшуқа тилидан “Гул тикансиз бўлмайди” ибораси келтирилади. Лутфий байтидагикогнитив-прагматик структурада Муҳаббат концептининг рашкдан ташқари, алам, чорасизлик, рақобат, беписандлик фреймлари ҳам майдонга кирган.

Субъект муносабатидаги салбийлик белгиси рақибнинг “хор”-(тикан)га тенглаштирилишида ўз ифодасини топган. “Гулни гул дерму киши, гулнинг тикони бўлмаса” қабилидаги ўзбекона қўшиқларда ҳам мақолнинг халқчиллигини кўршимиз мумкин.

Қисқаси, турғун бирикмалар, мақол ва иборалар воситасида субъектив баҳо ифодасида ҳам миллий-этник хусусиятлар, гўзалликка муносабатнинг ўзига хос тасвирини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адбиётлар рўйхати

1. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность: Антология / под ред. В.П. Нерознака. – М.: Academia, 1997.
2. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. –№5
3. Раҳматова М.М. Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “Гўзаллик” концептининг лионий хусусиятлари. Фал.фан.доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Бухоро,2019
4. Йигиталиев У.С.Ўзбек тилида “одам” ва “жинс” концептлари билан боғлиқассоциатив-вербал бирликлар.Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Тошкент, 2020.
5. Умарова Н.Р.Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи.Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси.Фарғона, 2021
6. Носирова У.И.Поэтик матнларнинг прагматик хусуиятлари.Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.Фарғона, 2021.

7. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Э.Фозилов таҳрири остида. IV томлик. III жилд. А-З. – Тошкент: ФАН, 1983.
8. Лутфий. Девон. Fафур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Тошкент 2012
9. Девони Шайхзода Атойи. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2008
10. Гадоий.Девон. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент,1973.https://www.ziyouz.com/
11. Саккокий. Танланган асарлар. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент-1958

СОПОСТАВЛЕНИЕ СТРУКТУРНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОГО ПОЛЯ «ЧЕЛОВЕК» В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

RUS VA O'ZBEK TILLARIDAGI "ODAM" FRAZEOLOGIK MAYDONINING TARKIBIY XUSUSIYATLARINI TAQQOSLASH

COMPARISON OF THE STRUCTURAL FEATURES OF THE PHRASEOLOGICAL FIELD "PERSON" IN THE RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

И.И. Расулов-кандидат филологических наук, доцент Кокандский ГПИ

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы сопоставительного изучения особенностей фразеологического поля «человек» в русском и узбекском языках. Обучение русскому языку проводится, как правило, на основе тематического принципа, т.е. «тема» понимается как главное содержание акта речи.

Ключевые слова: фразеологическое поле, значение качественной оценки лица, микрополе, инверсированные структуры, адъективные компаративные фразеологизмы

Annotatsiya. Maqolada rus va o'zbek tillaridagi "odam" frazeologik maydonining tarkibiy xususiyatlari taqqoslanmoqda. “Tema” nutqning muhim mazmuni bo’lib, o’zbek o’quvchilari rus tilini odatda tematik printsip asosida o’rgatiladi.

Kalit so’zlar: frazeologik maydon, shaxsni sifatli baholash qiymati, mikromaydon, teskari tuzilmalar, adyektiv komparativ frazeologizmlar

Annotation. The article discusses the issues of comparison of the structural features of the phraseological field "person" in the Russian and Uzbek languages. In particular, the question of the polysemy of adverbial and adjectival phraseological units of both languages on the basis of semantic analysis is highlighted.

Key words: phraseology, semantics, supporting component, categorical delimitation, core component, paradigmatics, polysemy.

Обучение русскому языку в школах с нерусским языком обучения постепенно, но целенаправленно переходит на содержательную основу. Грамматика и лексика русского языка преподносятся учащимся не как совокупность формальных классификаций, но как средство, служащее, в первую очередь, для оформления содержания и устанавливающее связи между языковыми единицами внутри слов, словосочетаний и предложений (1).

Практическое владение иностранным языком предполагает (помимо активного усвоения лексики и грамматических конструкций) использование фразеологических единиц. Большое внимание в этом плане приобретает овладение обучающимися определенной частью фразеологического материала, в котором содержится весьма значительная часть экспресс-

сивного языкового фонда , служащего действенным источником устойчивых навыков общения (2).

Объектом нашего сравнительного анализа является группа фразеологических единиц (ФЕ) русского и узбекского языков со значением качественной оценки лица. Фразеологизмы данного поля служат для обозначения различных психологических качеств человека, выражают его интеллектуальные особенности, характеризуют социальное положение в коллективе, в обществе.

Как известно, изучение любой отдельно взятой лингвистической системы, без целостного освещения составных начал объекта научного исследования невозможно, так как нельзя получить таким путем объективные результаты. И в то же время любое научное изыскание «…всегда в какой-то степени связано с выделением тех или иных сторон объекта исследования и самостоятельным их рассмотрением» [3]. Самостоятельного рассмотрения отдельно взятых языковых единиц, объединенных одной семантической общностью, требует и современная лингводидактическая наука.

В национальной аудитории процесс обучения русскому языку проводится, как правило, на основе тематического принципа, т.е. «тема» понимается как главное содержание акта речи. «Состав лексико-тематических групп является своего рода дифференцирующим показателем при преподавании русского языка в национальной школе…, что определяется главным образом степенью понятийной детализации внутри отдельных лексических объединений» [4].

Следует отметить, что точное распределение ФЕ по определенным семантическим полям – невыполнимая задача: очень многое здесь зависит от позиции, занимаемой автором при описании ФЕ, да и границы подобных полей в ряде случаев зыбки, текучи.

Известно, что семантико-фразеологическое поле «человек» объединяет огромное количестве ФЕ, очень разнообразных по структурно-семантическим признакам: это и описание внешнего вида человека, характеристика его физических, интеллектуальных, психологических, эмоциональных качеств и т.п. Для сопоставления мы отобрали только те ФЕ, которые качественно оценивают лицо и имеют номинативный характер.

По данным словаря В.В.Морковкина «Лексическая основа русского языка», семантическое поле «человек» включает следующие микрополя: «человек: общие понятия», «человек как живое существо», «человек как разумное существо», «человек в обществе».

Более конкретная систематизация дается в следующих рубриках: **человек как живое** существо (организм человека; физические возможности и состояние человека; здоровье, самочувствие; фазы человеческой жизни; внешний облик; потребности человека как живого существа; питание; жилище и т.д.); **человек как разумное существо** (ощущение и восприятие; эмоциональные, волевые и интеллектуальные действия и состояния; чувства, проявляемые к другим, эстетические чувства оценки; религиозные чувства; мышление, мыслительные действия, интеллектуальный поиск и установление чего-либо, творчество; знание, представление о чем-либо; наука); **душевный склад человека** (темперамент, характер: черты характера, отражающие отношение к себе, к другим людям, к труду, к делу, к вещам и т.д.); деятельность человека (совместная деятельность, деловые и профессиональные качества, поведение человека и т.д.)

Изучаемая группа ФЕ по своему семантическому содержанию объединена общим смысловым стержнем – оценкой: это означает, что во всех фразеологизмах данного типа можно выделить оценочно-эмотивный компо-

нент. Компонент этот направлен на лицо (субъект).

Основную массу ФЕ русского языка с качественной оценкой лица составляют фразеологизмы, представляющие собой модель: **имя прилагательное + имя существительное** : *белая кость, важная птица, коломенская каланча, свадебный генерал, курский соловей, иерихонская труба, большое сердце, ломовая лошадь лишний рот, крупная птица, живая летопись, мокрая курица, медный лоб, стреляный воробей, открытая душа, продувная бестии, пожарная каланча, шальная голова и др.*

По всей синтаксической функции такие ФЕ соотносительны с существительными. Например: Дураки, медные лбы, разноцветные попугаи уверяют, что убийство на дуэли – не убийство. (Куприн. «Поединок»)

Привлекают внимание и случаи употребления инверсированных структур со значением лица в потенциальной функции **обращения:** *дубина стоеросовая, пень березовый, ботало коровье, голова садовая, раб божий, шут гороховый, пугало огородное, сума переметная, сосуд скудельный, Фома неверующий, шкура барабанная, каланча пожарная, олух царя небесного, горе луковое*. В этих ФЕ смыслообразующим компонентом выступает имя существительное, которое имеет основную характеризующую функцию, имя прилагательное же как член, имеющий экспрессивно-оценочный характер. Поэтому в таких фразеологических оборотах порядок расположения компонентов за редким исключением закрепленный: имя прилагательное, как правило, стоит за именем существительным. Например: *Ты мне брось, каланча пожарная, пугать людей* (Бубеннов, «Белая берёза»).

Среди ФЕ русского языка с качественной оценкой лица много **адъективных компаративных фразеологизмов.** В таких сравнениях обычно выделяются три элемента: 1. Субъект сравнения, то есть предмет, подлежащий сравнению. 2. Основание для сравнения – признак сравниваемых предметов. 3. Сравнительный союз *как*. Их фразеомодель выглядит так: прилагательное + сравнительный союз + существительное. Например: беден как церковная мышь, белый как лунь, бледный как смерть, болтливый как сорока, блудливый как кот, красный как самовар, голодный как волк, длинный как каланча, желтый как лимон, красный как помидор, крепкий как бык, красный как рак, кроткий как овца, смирный как теленок, нем как могила, один как перст, подвижный как ртуть, тощая как килька.

Среди ФЕ этого поля встречаются предикатные конструкции: двух слов не свяжет, звезд на небе не хватает, все на лету хватает, дальше своего носа не видит, дрожит над каждой копейкой, пороха не нюхал, пороху не хватает, сердце мохом обросло, своей собственной тени боится, молоко на губах не обсохло, мало каши ел, мухи не обидит, язык плохо подвешен, язык хорошо подвешен.

Следующим конструктивным типом являются выражения соответствующие сложным словосочетаниям. Их грамматическая модель выглядит так: **(существительное + прилагательное) + существительное** или **существительное + (существительное + прилагательное):** шишка на ровном месте, человек с большой буквы, олух царя небесного, герой нашего времени, птица высокого полета, птица низкого полета, слуга двух господ, десятая вода на гуще, седьмая вода на киселе, пятое колесо в телеге, последняя спица в колеснице.

Встречаются и такие модели:

Словосочетание тавтологического характера: зюзя зюзей, дурак дураком, свинья свиньей, бирюк бирюком, осел на солее, квашня квашней, видавший виды;

Приложения: бой-баба, руки-крюки, аника-воин, рубаха парень,

горе-мастер, ангел-хранитель, пай-мальчик;

Конструкции с сочинительными союзами: ни пива ни ворона, ни рыба ни мясо, кожа да кости, ни то ни не, ни богу свечка ни черту кочерга;

Имя существительное + имя существительное в винительном падеже: остер на язык, нечист на руку, легок на подъем;

Имя существительное + имя существительное в предложном падеже: обсевок в поле, притча во языцех;

Имя существительное + имя существительное в родительном падеже: блюститель порядка, козел отпущения, кладезь премудрости, коптитель неба, подруга жизни, исчадие ада;

Для ФЕ узбекского языка характерны следующие модели:

1. **Изафетные конструкции**: ақли соғлом, ақли калта, авзойи бузуқ, асаби жойида, аччқи бурнини устида, бели бақувват, бурни осмонда, буйни қисиқ, буйни йўғон, бағри тош, бети қаттиқ, гапи совуқ, гапи туссиз, дупписи яримта, дийдаси қаттиқ, жағи очиқ, жахли тез, жони ширин, зуваласи пишиқ, зехни паст, ичи қора, иштахаси карнай, қули эгри, қули очиқ; ранги синиқ, сухтаси совуқ, таги паст, териси қалин, тили аччиқ, тили қисиқ, табиати нозик, феъли кенг, феъли тор, чакаги очиқ, юраги тор, юраги дарё;
2. По своей синтаксической функции такие ФЕ соотносительны с определениями и подлежащими. Например: Охири уйдагилар кунишдию, кишлоқдаги бир иккита оғзи қаттиқлар асло бўлмайди дейишяпти (А.Мухтор. «Чинор»).
3. **Конструкции типа имя прилагательное + имя существительное**: айер тулки, катта оғиз, оғир карвон, аёлманд киши, бекорчи хужа, майда гап, очиқ қул, оқ кунгил, темир тирноқ, тирик таъвия, хира пашша, шур тумшуқ, юмшоқ супурги, юраксиз одам, оч арвоҳ, пучуқ бурун, очиқ қул.
4. **Конструкции со значением «наличие» или «отсутствия»**: боши йуқ, бахоси йуқ, бети йўқ, васиқаси йўқ, тайини йуқ, юзи йуқ, юраги йуқ, юрагида ёли бор, юрагида ути бор, лаб-дахани йуқ, гапининг тутруғи йуқ, мияси йуқ, мияси бор.
5. **Предикативные конструкции:** алифни калтак дейди, гапни дўндиради, гапни кийиб юборади, дор тагидан қочган, димоғидан эшак қурти ёгилади, ёлғонни сумдек симиради, ишининг кўзини билади, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди, сиркани сиқиб сувини ичади, тегирмонга тушса бутун чиқади, ёши тўхтаган, ёши ўтиб қолган, тутган еридан кесади, чумолига ҳам озор бермайди, текканга тегиб тегмаганга кесак отади, чумчуқ пирр этса юраги ширр этади, шайтонга дарс беради, юзи кулса ҳам ичи куяди, қилни қирк ёради.
6. **Сравнительные обороты:** ит ғажиган ошиқдек, ит талаган гадойдек, бўйи намоз асрнинг соясидек, сувга тушган мушукдек, арвохга ўхшаган, куйдирган калладек, сувга тушган булка нондек, боши ҳумдек, молага қўйган тасқарадек, хирсдек бақувват, бурни қувадек.

7.Причастные обороты: суяги қотган; ҳамири ачимаган, онаси ўпмаган қиз, майиз емаган хотин, кетини муйчинак тишламаган; илонни ёғини ялаган; она сути оғзидан кетмаган; қуй оғзидан чуп олмаган; ичидан пишган; калава ютган; мияси сублган; пихини ёрган; пешонаси ярқираган.

Таким образом, при совпадении основных моделей изучаемых ФЕ в русском и узбекских языках (атрибутивные модели, предикативные конструкции, сравнительные обороты), наблюдаются и существенные различия в грамматическом конструировании фразеологизмов двух языков.

Яркой отличительной чертой фразеологизмов узбекского языка является распространенность изафетных конструкций (кунгли қора, бағри

тош, юраги дарё, лафзи ҳалол), которые отличаются не только постпозицией прилагательного, но и зависимой формой существительного. Причастные обороты также характерны для узбекских фразеологизмов (бели оғримаган, кетини муйчинак тишламаган, онаси ўпмаган). Конструкции со значением наличия или отсутствия качества (тайини йўқ, мияси йўқ, юрагида ўти бор) также специфичны только для узбекского языка.

Только в русском языке встречаются конструкции тавтологического характера (квашня квашней, дурак дураком, осел на осле), конструкции с сочинительными союзами (ни рыба ни мясо, ни пава ни ворона, ни богу свечка ни черту кочерга), сочетания существительного с существительным в косвенном падеже (нечист на руку, притча во языцех), приложения (аника-воин, рубаха-парень) и атрибутивные конструкции (шишка на ровном месте, пятое колесо в телеге, слуга двух господ, десятая вода на гуще).

Учет структурно-семантических особенностей организации ФЕ дает положительные результаты при обучении иностранным языкам, так как позволяет выявить специфические особенности национальной идиоматики.

Использованная литература:

1. Данияров Б. Содержательная основа обучения русскому языку. В Жур.: «Преподавание языка и литературы», 2010. - №5. - С.3.
2. Бушуй Т.А. О взаимодействии фразеологической семантики и контекста. В Жур.: «Преподавание языка и литературы», 2004. - №5. - С.25.
3. Храпченко М.Б. Историко-филологические исследования. М.,1974. – С.13.
4. Михайловская Н.Г. О теоретических и практических задачах изучения русского языка как средства межнационального общения. – М. «Вопросы языкознания», 1983. - №5. – С.23.

ТИЛНИНГ НОМИНАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

НОМИНАТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЯЗЫКА

NOMINATIVE FEATURES OF LANGUAGE

Л.С.Худайбердиева-ўқитувчи, Андижон давлат тиббиёт институти

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳон ва ўзбек тилшунослигида номинация борасидаги турлича қарашларни таҳлил этиш, номинациянинг гносеологик табиатини очиб бериш, тилнинг атамавий ва гносеологик вазифаларидаги ўзаро муносабатларни кўрсатиб бериш, денотат ва сигнификат орасидаги муносабатларнинг номинация жараёнида акс этиши ёритилган.

Калит сўзлар: сўз, номинация, гносеология, денотат, сигнификат.

Аннотация. В данной статье рассматривается различные подходы к номинации в мировой и узбекской лингвистике, раскрывается гносеологический характер номинации, демонстрируется связь между терминологическими и гносеологическими функциями языка, уточняется номинация в деноминации и языке жестов, а также отражается связь между обозначением и значением.

Ключевые слова: слово, номинация, гносеология, денотат, сигнификат.

Annotation. This article analyzes various approaches to nomination in world and Uzbek linguistics, reveals the epistemological nature of the nomination, demonstrates the relationship between the terminological and epistemological functions of the language, clarifies the nomination in denomination and sign language, and also reflects the relationship between designation and meaning.

Key words: word, nomination, epistemology, denotation, meaning.

Тил инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни юзага чиқарувчи қудратли восита, алоқа қуроли сифатида инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Тилнинг ижтимоий вазифасини таъминлашда унинг аташ (номинатив) жиҳати катта ўрин тутади.

Оламдаги нарса ва ҳодисалар сон-саноқсиз белги-хусусиятларга эга саналади. Инсон ўзининг амалий фаолияти жараёнида уларга хос бўлган барча хусусиятларни бирданига идрок эта олмайди. У ўзининг сезги аъзолари ёрдамида оламдаги нарса-ҳодисаларнинг ўзига хос белги- хусусиятларини кашф этиб боради. Бу жараён давомида инсон нарса ва предметларнинг янгидан янги белгиларига дуч келади ҳамда буни ўз тилида акс эттиради. Тилнинг аташ (номинатив) табиатида бу ҳодисани яққол кузатиш мумкин.

Инсон ўзи кузатаётган нарса ва ҳодисанинг барча хусусиятларини аста-секин билиб олади, уларни гуруҳлаштиради, шу гуруҳ ичидаги маълум бир нарса ёки ҳодисагагина хос бўлган фарқланувчи ҳамда ўхшаш белгиларни топади. У бунга абстракциялаш туфайли эришади [1].

Тилнинг аташ табиати муайян бир предметгагина хос бўлган алоҳида ҳамда шу туркумдаги барча предметларга тааллуқли саналувчи умумий белгиларни ҳисобга олиш билан характерланади. Инсон янги предметларни билиш жараёнида уларга хос бўлган ҳар қандай ўзгаришларни ўзида акс эттириб боради ва кузатилаётган объектни бир бутун ҳолда гавдалантиради. Шу объектга турдош бўлган барча объектларнинг айнан мана шундай белги-хусусиятларга эга эканлигини абстракциялайди. Айнан мана шу босқич предметни эмпирик билишнинг дастлабки босқичи сифатида тилнинг аташ (номинатив) вазифасини бедгилашда муҳим ўрин эгаллайди.

Б.А.Серебренников “Инсон предметга ном беришдан олдин ўз онгида унинг умумлашма образини яратади” деган фикрни илгари сурган эди. Мазкур ҳолатни изоҳлар экан, у шуни алоҳида кўрсатиб ўтадики, билишнинг биринчи босқичи саналган ҳис қилиш босқичида инсон нарса ва предметларга хос бўлган белги- хусусиятларнинг айрим жиҳатларинигина сеза олади. Ҳис қилиш беҳисоб такрорлар орқали юзага чиқади. Бу нарса бўлмаганда эди, ҳис қилишнинг ҳар бир ҳолатида инсон турлича натижаларга эришиши муқаррар ҳодиса саналарди [2].

Б.А. Серебренников яна шуни ҳам алоҳида таъкидлайдики, ҳис қилиш босқичи билишнинг кейинги босқичлари ҳисобланган идрок, тасаввур этиш ҳамда тушунчадан хитой девори ёрдамида ажратилган эмас. Аташ жараёнини шунга асосланган ҳолда гносеологик характерга эга бўлган ҳодиса сифатида ўрганиш мумкин.

Г.В.Колшанскийнинг фикрига қараганда, “муомала-муносабатнинг энг оддий кўриниши ҳам аллақандай нарса ва ҳодисалар устида инсоннинг ихтиёрсиз равишда фикр юритиши эмас, балки уларнинг туб маъносини билишига қаратилган фаолияти ҳамдир. Ном (атама) бир вақтнинг ўзида предметни билиш жараёнидир [3].

В.В.Виноградов томонидан илк бор айтилган тил номинациясига нисбатан бўлган қуйидаги муносабат мазкур масалани диққат билан қараб чиқишни талаб қилади. “Сўз маъноси шу сўз ифодалаётган предмет, ном ва унинг предметга нисбатан бўлган мутаносиблиги билан чегараланмайди” [4].

Тил белгиларининг ёрлиқлар ва шунга ўхшаш бошқа белгилардан асосий фарқи шундаки, улар ўзлари алоқадор бўлган объектларга тўла мутаносиб, шу билан биргаликда ўзида бир - бирига ўхшаш бўлган предметларнинг умумлашма белгиларини жам этган тушунчага мос саналади ҳамда борлиқни билвосита акс эттира олади.

Ўзи тажассум топган шакл ва у орқали ифодаланадиган тушунча ёрдамида тил белгиси предмет билан узвий алоқада бўлади.

Масалан, **гул** сўзи ўзига хос равишда шаклланган товушлар йиғиндиси сифатида ердан ўсиб чиққан ўт - ўланларнинг, дарахтларнинг маълум бир пайтда очиладиган мева тугунчасининг илк кўринишини ифодалайди. **Гиламнинг гули, йигитнинг гули, миллатнинг гули** бирикмаларида эса шакл ҳолатга зид равишда бутунлай бошқа бир маъноларни юзага чиқармоқда.

Белгининг предмет ва тушунчага мос келиши ҳақидаги масала азалдан тилшунос олимларнинг диққат - эътиборини ўзига жалб қилиб келади.

Анъанавий тилшуносликда “предмет ва тушунча”, формал логикада “тушунчанинг ҳажми ва мазмуни”, математик мантиқ ва тилнинг мантиқ назариясида - Д.С.Миллда “ифодалаш (nominatum) ва маъно (connotation)”, Г.Фрегеда “маъно (Bedeutung) ва фикр (Sinn)”, Р.Карнапда «экстенсионал (extension) ва интенсионал (intension)”, У.Куайнда “референция (reference) ва тушунча (sense)”, Л.Черчда “денотат (Denotatum) ва сигнификат (Signifikatum) лар бир - бирига қарама - қарши қўйилган [5].

Шунга ўхшаш ҳолатни рус тилшунослигида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, сўз семантикасидаги предмет ва унга мос келадиган мавҳумий маънолардан ташкил топган тушунчани талқин қилишда бир хиллик йўқ. Масалан, сўзнинг билиниб турган ва яширин маънолари, сўз маъносидаги денотатив ва сигнификатив жиҳат каби қарашларга дуч келамиз.

Моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ифода ва мазмун томонларини аташда терминологик фарқларнинг зарурийлиги ҳақидаги фикрлар Г.В.Колшанскийнинг ишларида изчиллик билан келтирилади.

Г.В.Колшанский моддий оламни предмет ва тушунча сифатида алоҳида ҳодисаларга ажратар экан, тушунчани реал объектнинг белгиси деб талқин қилади: “денотат қайсидир предмет ёки объектнинг ўзига хос моддий белгиси саналади, бунинг тил бирлиги сифатида тафаккурда инъикос этиши эса сигнификатдир” [6].

Тил номинациясининг гносеологик характери реалиялар мансуб бўлган объектлар синфи ва улар ичидан олинган ҳар бир алоҳида нарсанинг аташ учун мавжуд бўлган турли хил қирраларини аниқлашда намоён бўлади.

Аташ учун мавжуд бўлган нарсалар гуруҳининг реал объектига, яъни денотатга хос бўлган белгилар лексик ёки грамматик сатҳга оид у ёки бу бирлик сифатида инсон онгида тушунча (сигнификат) шаклида яшайди. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг сўз семантикасида акс этиши мураккаб ҳамда кўп қирралидир.

Номинация жараёни ва унинг натижаларига батафсил баҳо беришда бир қатор уринишлар мавжуд.

Мантиқ назарияси тарафдорлари сўзнинг денотатив ва сигнификатив хусусиятларига қараб баҳо беришга ҳаракат қилиб кўрганлар.

Жумладан, Д.С. Милль ном (атама) нинг адекват бўлинишларини қайд этган ҳолда тил белгиларининг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади:

1. Характери ва объектни ифодалаш ҳажмига кўра қарама- қарши қўйилган номлар.
2. Мавҳум номларга қарама-қарши қўйилган аниқ номлар (Мисол учун, инсоният-инсон)
3. “Ахборот” даражасида коннотатив маъно билдирмайдиган, лекин характерига кўра семантик мазмунга эга бўлган номларга зид қўйилувчи коннотатив номлар.

Масалан , “**оқ**” сўзи оқликнинг мавҳум белгисини билдиради (connotes) ва барча оқ рангли предметларни англатади (denotes). Атоқли отлар эса ўзлари ифодалаётган нарсанинг сифатлари ҳақида ҳеч қандай ахборот ташимайди. Масалан, **Анвар, Тошкент, Боботоғ** каби. Худди шу хусусиятига

кўра улар коннотатив маънога эга бўлмаган сўзлар сирасига киритилади.

Юқоридагилардан шу нарса келиб чиқадики, Д.С. Милль фақат денотатив ва сигнификатив компонентлардан ташкил топган тўлиқ маъноли сўзларнигина коннотатив ном деб атайди. У коннотацияга сўз маъноси сифатида юқори баҳо беради.

Гарчи турли хил қарашлар нуқтаи назаридан ёндашилган бўлса-да, ғоявий сатҳга кирувчи маънони ҳақиқий тил омили, шу маънога тааллуқли бўлган предметни эса бизни ўраб турган оламнинг феномени сифатида ажратиш семантика билан шуғулланиб келаётган кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат- эътиборини ўзига жалб қилди.

Мазкур масаланинг моҳиятини англаб етиш, аввало, “маъно” ва унинг табиатини тўғри тушунишга боғлиқ.

И.Огден ва Л.Ричардслар маъно остида тушунчанинг предметга мутаносиблигини, Фердинанд де Соссюр белгининг системага алоқадорлигини, К.Волер белги реакциясини, Ч.Моррис белгини кўллаш қоидаларини, Л.Блумфильд сўзловчи ва тингловчи муносабатларини, яъни “стимул-реакция” ни, А.Мартине “жара-ён унсурлари”ни, Л.Ельмслев “сўзнинг ифода плани ва мазмун плани”ни, В.А.Звегинцев “амалдаги сўзлар қўшилмасининг потенциал йиғиндиси”ни тушунишган. Бу борада Э. Косериу қизиқарли фикрни ўртага ташлаган. У генератив тилшуносликнинг трансформациячилар деб номланган оқими тарафдорлари томонидан фарқланмаган “белги” (Bezeichnung), “маъно” (Bedeutung) ва “фикр” (Sinn) ни бир-биридан ажрата олди. Э.Косериунинг фикрича, моддий дунёдаги объектларга нисбатан тутган муносабатига кўра белги ҳеч нарса эмас. Тилнинг моҳияти мазмун орқали юзага чиқади. Фикр- белги ва маъно орқали вужудга келадиган тил кўринишидир [7].

Номинация жараёнининг моҳиятини тўла англаб етиш учун моддий оламдаги турли - туман объектлар - денотат ва тил шаклида намоён бўлувчи тушунча - сигнификат ўртасидаги муносабатларни мукаммал билиш талаб этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сўзни ҳеч қачон ёрлиқлар ва этикеткалар билан тенглаштириб бўлмайди. Сўзга бундай муносабат уни умумлаштириш, интеграциялаш каби имкониятлардан маҳрум қилади.

Мантиқан олиб қаралганда, сўзга нисбатан бўлган бундай ёндашув тилдаги луғат жамғармасининг кескин ортиб кетишига, инсоннинг эслашдаги руҳий - жисмоний имкониятларига кўра энг оддий мулоқотларда ҳам алоқа аралашувнинг амалга ошмаслигига сабабчи бўлади. Агар ҳаётимизда пайдо бўлаётган ҳар бир нарсага янги ном бераверсак, уларни алоҳида атамалар билан номласак, тилдаги луғат таркибини назорат қилиб бўлмай қолади.

Бунинг олдини олиш учун дунёдаги ҳар бир жонли тилда унинг ажралмас белгиси саналган номинатив таснифий вазифа амалиётга кенг тадбиқ этилади. Мазкур ҳолатни чуқур билиш учун аташ (номинация) жараёни босқичларини бирма - бир кўздан кечириб чиқиш лозим.

Инсон тафаккури объектив олам ҳақидаги хулосаларни умумлаштириш хусусиятига эга. Шу боис моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни умумий хусусиятларига кўра муайян гуруҳларга ажратиш, улар ичидан олинган предметнинг белгиларини эса қатъий чегаралаш имконияти бор. Масалан, **дарё**. Муттасил равишда сув оқиб турган, ўз ўзанига эга бўлган ҳар қандай сув ҳавзасига **дарё** дейилади, лекин жойлашган жойи, узунлиги, унда оқаётган сувнинг ҳажми, хусусиятларига кўра **Амударё, Сирдарё, Энасой, Волга, Дунай** деб ажратилади.

Номинатив белгининг характери ва чегараси белгининг қуйидаги икки вазифаси асосида аниқланади:

1. Унинг предметга нисбатан мута-носиблигига кўра юзага чиқадиган денотатив вазифаси асосида.
2. Тушунча билан алоқадорлиги асосида юзага чиқадиган сигнификатив маъно асосида.

Денотат ва сигнификатнинг ўзаро алоқадорлиги негизида сўз маъноси намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уфимцева А.А. Слова в лексико-семантической системе языка.-М.:Наука, 1968. С.53-54
2.Серебренников Б.А. Номинация. Проблема выбора. Языковая номинация.-М.:1979.С.-148
3.Колшанский Г.В. Соотношение субъективных и объективных факторов в языке.-М.:М-во высш.и сред. образован.1975. С.-65
4.Виноградов В.В. Русский язык.-М.: Наука, 1972.С.-16.
5. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков.-М.:Наука, 1974. С.46
6. .Колшанский Г.В. Лингво-гносеологические основы языковой номинации //Языковая номинация (общие вопросы)-М.:1979.
7.Coseriu E. Die Lage in der Linguistik. Insduck, 1973

ҲАЖВИЙ АСАРЛАР ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК-МОРФОЛОГИК, ГРАММАТИК ТАДҚИҚИГА ДОИР НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ЛЕКСИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКОГО, ГРАММАТИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКА ЮМОРИСТИЧЕСКИХ СОЧИНЕНИЙ

THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES OF LEXICAL-MORPHOLOGICAL, GRAMMATICAL STUDY OF THE LANGUAGE OF COMICS

Ф.Махмудова –ўқитувчи, Қарши давлат университети

Аннотация. Мазкур мақолада ҳажвий асарлар матнларининг лексик-морфологик хусусиятлари, ўзбек тилининг морфемикаси, морфологияси, ёрдамчи сўз туркумларининг ҳажвий матндаги ўзига хос маъно ифодалаши юзасидан атрофлича маълумот берилган. Ўзбек тилининг морфемикаси, морфологияси, ёрдамчи сўз туркумларининг ҳажвий матндаги ўзига хос маъно ифодалашига, Саид Аҳмад ҳажвий асарлари тилининг лексик-грамматик хусусиятлари, грамматик воситаларнинг ўзига хос жиҳатларига, ҳажвий асарларда юмористик кайфиятни таъминлаб берувчи асосий тил бирликлари, кулгу ифодаловчи грамматик бирликларга алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: тил, нутқ, ҳажвий асар, лексик-грамматик восита, ёрдамчи сўз, лисоний имконият, нутқий фаолият, юмористик кайфият, юклама.

Аннотация. В статье представлена подробная информация о лексико-морфологических особенностях текстов юмористических сочинений, морфемах, морфологии узбекского языка, специфическом значении вспомогательных групп слов в юмористическом тексте. Особое внимание уделяется морфемике, морфологии узбекского языка, специфическому значению вспомогательных групп слов в юмористическом тексте, лексико-грамматическим особенностям языка комиксов Саида Ахмада, особенностям грамматических средств, основным языковым единицам, обеспечивающим юмористическое настроение в комиксах.

Ключевые слова: язык, речь, хаджоры, лексико-грамматический инструмент, вспомогательное слово, языковая возможность, речевая деятельность, юмористическое настроение, скачать.

Annotation. This article provides detailed information on the lexical and morphological features of the texts of comic works, morphology, morphology of the Uzbek language, the specific meaning of auxiliary word groups in the comic text. Morphology, morphology of the Uzbek language, the specific meaning of auxiliary phrases in the humorous text, lexical and grammatical features of the language of Said Axmad’s comics, the peculiarities of grammatical means, providing a humorous mood in comics special attention is paid to basic language units, grammatical units that express laughter.

Key words: language, speech, humor, lexical-grammatical means, auxiliary word, linguistic opportunity, speech activity, humorous mood

Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ диалектикаси энг кўп муҳокама қилинган ҳодисалардан ҳисобланади. Бу ҳодиса кўпинча бирор шоир ёки ёзувчи услуби билан ҳам боғлаб ўрганилади. Ўзбек тилшунослигида ҳам муайян ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, тил воситаларининг нутқда воқеланиши масалалари кенг ўрганилмоқда. Бадиий асарнинг эстетик қиймати, таъсирчанлиги, албатта, лисоний воситаларга, тилнинг ифода имкониятига ва ижодкорнинг тилдан фойдаланиш малака ва маҳоратига бевосита боғлиқ саналади. Бугунги кунда тилни систем, прагматик, лингвомаданий, лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш устунлик қилса-да, ҳар бир тил ўзининг тадқиқ эҳтиёжига кўра чуқур таҳлил қилинишни тақозо қилади. Кейинги йилларда олиб борилган тилшуносликка доир бир қатор тадқиқотлар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга қаратилди, аммо бадиий асарлар тилининг лексик-морфологик, грамматик хусусиятлари етарлича тадқиқ қилинмаяпти.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Жамият тараққиётида тилнинг аҳамияти қанчалик муҳим бўлса, унинг тадқиқ этилиши, муҳофаза қилиниши, бойитиб борилиши ҳам шунчалик муҳимдир. Замонавий ўзбек адабиётини бошлаб берган, уни юқори даражага олиб чиққан жадидлар ўз навбатида миллий тил ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Жумладан, Саид Аҳмад ўзбек тилида мукаммал роман трилогия намунасини яратган бўлса-да унинг бошқа эпик жанрларда ҳам муваффақият қозонгани маълум, хусусан, ҳажвия жанрида. Тил нутқ ифодалашнинг деярли барча вазият-лари учун бирдек хизмат қила олиш имкониятига эга, муаллиф ундан маҳорат билан фойдалана олса, бас. Роман ва ҳажвий асарлар матнида қўлланилувчи тил бирликлари, албатта, бир-биридан маълум маънода фарқ қилади. Сўзларнинг синонимик қаторидан роман жанрига мансуб асарга бошқа, ҳажвий асарлар матни учун бошқа сўзлар танлаб олинади, хусусан, кўпроқ салбий бўёқдор сўзларга мурожаат қилинади. Иборалар ҳам кишида кулгу уйғотадиган маънода бўлади. Бу – ҳажвий асарларнинг ўзига хос лексик хусусияти, бундай матнларнинг морфологик хусусиятлари чуқур ўрганилмаган, ўзбек тилининг морфемикаси, морфологияси, ёрдамчи сўз туркумларининг ҳажвий матндаги ўзига хос маъно ифодалаши алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Саид Аҳмад нафақат ўзбек бадиий услуби, публицистикаси, балки ўзбек тили грамматикаси ривожига ҳам катта ҳисса қўшган ижодкор ҳисобланади. Бадиий адабиётда ҳажвий асарлар ўзига хос бадиий, ижтимоий аҳамият касб этади. Ўзбек адабиёти ҳажвиётида Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. У ижоди давомида ўнлаб ҳажвиёт тўпламларини эълон қилди ва ўзбек ҳажвиётининг моҳир ижодкори даражасига етишди. Унинг кўплаб юксак бадиий маҳорат билан яратилган ҳажвий асарлари ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ва салмоқли ҳисса қўшди.

Саид Аҳмад ўз ҳажвий асарлари орқали жамият ривожига тўсиқ бўлаётган ярамас урф-одат, хатти-ҳаракатлар устидан гоҳ енгил, гоҳ истеҳзо билан кулади, муҳим ижтимоий-маънавий масалаларни кун тартибига олиб чиқади. Унинг “Келинлар қўзғолони”, “Куёв”, “Хандон писта”, “Ханка ва Танка”, “Лампа шиша” каби ўнлаб ҳажвиялари фикримизнинг далилидир. Ҳажвлардаги кулгу баъзан енгил табассум тарзида қаҳрамонга мойиллик билан суғорилган, гоҳида эса заҳарханда тарзида қаҳрамондаги мавжуд иллатдан ҳазар қилишга даъват этади. Шу нуқтаи назардан унинг ҳажвий асарлари тилини лексик-морфологик, прагматик жиҳатдан ўрганиш ниҳоятда долзарб мавзу ҳисобланади.

Ҳажвий асарлар тилининг нутқий-лисоний хусусиятларини ўрганиш, ўзбек тили лексикологияси ва морфологияси, шунингдек, услубиятининг ўзига хос жиҳатларини, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш восита ҳамда омилларини аниқлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан ҳажвий матнларда кўчма салбий маъно тараққиётини ўрганиш, мустақил сўз туркумлари турларининг иштирок этиш даражасини аниқлаш, айниқса, ёрдамчи сўз туркумларининг, хусусан, юкламаларнинг матндаги зарур кайфиятни таъминлашдаги ўрнини белгилаш зарурати мавжуд.

Маълумки, ҳар қандай тилнинг мавжуд имконияти нутқда, яъни контекстда намоён бўлади, шунинг учун ҳам турли жанрларда ёзилган бадиий асарлар матни турли аспектларда текшириб кўрилмоқда. Асарнинг тил хусусиятлари эса тадқиқотчилар томонидан турли қарашларда ҳар хил методологик ва методик асосларга кўра таҳлил қилинади. Бадиий асарларнинг лисоний хусусиятлари жаҳон ва ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган, тил сатҳлари лингвостилистик [1], лингвопоэтик [2] нуқтаи назардан атрофлича тадқиқи қилинган, бироқ Саид Аҳмад ҳажвий асарлари тилининг лексик-грамматик хусусиятлари, грамматик воситаларнинг ўзига хос жиҳатлари алоҳида тадқиқ этилмаган, ҳажвий асарларда юмористик кайфиятни таъминлаб берувчи асосий тил бирликлари, кулгу ифодаловчи грамматик бирликлар махсус ўрганилмаган. Маълумки, “юмор кенг маънода ижодкорнинг воқеликка бўлган муносабатини ифодаловчи тушунча. У тор маънода кулгу пайдо қилувчи воситалардан биридир. Ижодкор томонидан қаламга олинаётган воқеа-ҳодисалар айрим жиҳатлари билан унинг идеалига зид бўлмаса ҳам, бироқ унда айрим нуқсонлар бўлиши мумкин. Ана шу нуқсонлар устидан енгил, дўстона кулиш юморнинг моҳиятини ташкил қилади.

Юморни юзага келтирувчи воситалар хилма-хилдир: зукколик, кутилмаганлик, қочириқ, номутаносиблик ва ҳ.к.” [3]. Шу ўринда алоҳида қайд қилиниши лозим бўлган масала шуки, ҳажвий асардаги юморнинг пайдо қилиниши, зукколик, қочириқ кабиларнинг таъминланиши муайян тил бирликлари ва уларнинг лексик, грамматик, стилистик хусусиятлари билан ҳам бевосита боғлиқ. Чунки, ҳар қандай нутқий фаолиятдаги коммуникатив мақсад тил бирликларининг лисоний-прагматик имкониятлари орқали таъминланади.

Ҳажвий асарлар бадиийлигини таъминлаб берувчи лексик-морфологик бирликларни таҳлил қилиш, ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, сўз танлаш ва қўллашдаги ўзига хосликлари, морфологик воситаларнинг ҳажвий асардаги аҳамияти, мустақил сўз туркумларининг иштироки, юклама, боғловчи ва кўмакчиларнинг бадиий асар матнидаги ўрни ҳамда вазифаларини, ундов ва модал сўзларнинг лисоний қийматини, лисоний воситаларнинг нутқий имкониятларини аниқлаш бадиий, хусусан, ҳажвий асарлар тилининг лексик-морфологик, нутқий-прагматик хусусиятларини ўрганишнинг натижа ва хулосаларини холис ва аниқ белгилашга хизмат

қилади. Шунга монанд, Саид Аҳмад ижоди мисолида ҳажвий асарлар тилининг лексик-морфологик, нутқий-прагматик жиҳатдан тадқиқи қуйидаги асосий вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо қилади:

- ҳажвий асарлари матнини лексик-морфологик тадқиқ қилиш, матндаги сўзларнинг кўчма маъно ифодалаш қирраларини ўрганиш;
- сўз таркиби, хусусан, айрим мустақил сўз туркумларининг, ёрдамчи сўз туркумларининг, айниқса, юкламаларнинг, ундов ва модал сўзларнинг ифода имкониятларини аниқлаш;
- лексик-морфологик бирликлардан айнан қайси бири ҳажвий асарлар яратилишида фаол қўлланилишини очиб бериш кабилар.

Ўзбек тилининг лисоний имкониятлари, прагматик табиатини объектив, илмий асосларда ўрганишда бадиий асарлар матни катта аҳамият касб этади. Бадиий асар тилидаги лексик-морфологик ҳодиса ва бирликлар объектив ўрганиш ва тил имкониятларини батафсил баҳолашда муҳим восита ва омил бўла олади. Чунки бадиий асар матни ижтимоий ҳаёт инъикосининг яққол намунасидир. Унда тил эгаларининг воқеликка муносабатлари, ҳис-туйғулари, қарашлари, руҳияти, кайфияти каби бир қатор нолисоний омиллар лисоний имкониятларнинг намоён бўлишида фаол иштирок этиб, жараёнда лисоний-нолисоний омиллар мужассамлашуви таъминланади. Шунга кўра, лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишларини белгилаш ва баҳолашда ҳажвий асарлар тилининг лексик, морфологик, стилистик, прагматик хусусиятлари ҳам алоҳида имкониятларни тақдим қилади. Шуни эътиборга олиб, юклама, кўмакчи ва боғловчи ёрдамчи сўз туркумларининг ҳажвий асарлар матнидаги ўрни, вазифаси ва аҳамиятини аниқлаш орқали тил имкониятларининг эстетик вазифани таъминлашдаги ролини белгилаш мумкин бўлади.

Таҳлил ва натижалар. Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедияси матнидаги айрим тил бирликлари мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бадиий асарлар таркибида драматик асарнинг бадиий тили ўзига хосликка эга бўлиб, унда тил бирликларининг лисоний-нутқий-прагматик хусусиятлари ўзгача алоҳидаликларни намоён қилади. Ўзбек тилининг ёрдамчи сўзлар туркумига мансуб юкламаларнинг ҳажвий ҳолатни юзага келтириш ва таъминлашдаги ўрни ва вазифаси ҳам ўзига хосликка эга саналади. Ёрдамчи сўз туркуми бўлган юкламаларнинг грамматик, стилистик хусусиятлари қатор илмий адабиётларда ўз тавсиф ва таснифига эга. Бироқ юкламаларнинг нутқ фаолияти, прагматик мақсад ва нутқ шароити билан боғлиқ хусусиятлари деярли тадқиқ қилинмаган. Бинобарин, нутқ жараёни мураккаб ҳодиса бўлиб, турли лисоний ва нолисоний воситалар иштироки ва таъсирида грамматик, коммуникатив, прагматик, психологик омиллар уйғунлашади. Шунинг учун муайян тил бирлиги ва унинг соф грамматик маъно ва вазифаси устига нутқ эгасининг руҳий ҳолати ва субъектив муносабати, мулоқот мақсади ва шароити каби грамматик бўлмаган ҳодисалар ҳам қўшилади. Кузатувимиздаги ҳажвий асарлар матнидаги юкламаларнинг қўлланилишида ҳам шу ҳолатга дуч келишимиз табиий.

Ёрдамчи сўзлар сирасида юкламалар ҳам ўзига хос грамматик маъно ва вазифаларга эга бўлиб, уларнинг нутқ таркибида тутган ўрни, стилистик хусусиятлари мавжуд илмий манбаларда батафсил ёритилган.

Ҳажвий асарларнинг тил хусусиятлари хусусида гап кетганда, аввало, асарда тасвирланган давр, қаҳрамонлар ҳаёти, турмуш тарзи, нутқи ҳам кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Хусусан, ҳажвий руҳни ёркин ифодалаш, ҳаёт ҳақиқатига мос воқелик тасвирини бериш мақсадида асар матнини турли лексик-морфологик

воситаларга бой тарзда шакллантиради, уларни бадиий, юмористик мақсадни амалга оширишга хизмат қилдиради, улардан унумли фойдаланади. Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедияси матнида ҳам ёрдамчи сўзлар, хусусан, юкламалар кўпчиликни ташкил қилиб, улар асардан кўзланган бадиий-эстетик мақсадга мувофиқ воқеликни, юмористик руҳни таркиб топтиришда муҳим омил ва восита бўлиб хизмат қилади. Юкламаларнинг лисоний ва нутқий, стилистик хусусиятлари, вазифавий имкониятлари ҳажвий асарлар матнида ҳам ўзгача маъно ва вазифаларда яққол намоён бўлади.

Юкламаларнинг маъновий ва стилистик хусусиятлари, вазифа ва имкониятлари илмий адабиётларда [4] қайд қилинган бўлиб, шулар асосида ҳам уларнинг бадиий асарлар тилини шакллантиришдаги ўзига хос ўрни ва аҳамиятини англаш мумкин. Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар сифатида таърифланадиган юкламалар қўшимча ва сўз ҳолида мавжуд. Уларга нутқдаги бирор сўзни ажратиб кўрсатиш, гапга сўроқ маъноси бериш, ҳис-ҳаяжон, таажжуб, таъкид ва кучайтирув маъносини ифодалаш кабилар хос хусусият саналади. Шунингдек, юкламалар тасдиқ, инкор, чегаралов, қистов каби маъноларни ифодалаш ҳамда нутққа тасвирийлик бериш учун ҳам хизмат қилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида юкламалар маъно ва вазифасига кўра қуйидагича гуруҳларга бўлинади: 1) сўроқ ва таажжуб *(-ми, -чи, -а, -я)*; 2) кучайтирув ва таъкид *(ку, ҳам, -у, -ю, -да, -оқ, -ёқ, -ки, -ким)*; 3) айирув ва чегаралов *(-гина/-кина//-қина, фақат)*; 4) аниқлов *(худди, нақ)*; 5) гумон (*-дир)*; 6) инкор юкламаси *(на-на)* [5].

Айниқса, юкламаларнинг прагматик, стилистик хусусиятлари, вазифа ва имкониятлари кенг бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ ва унумли фойдалана олиш ижодкорнинг маҳорати, салоҳияти ва тажрибасига бевосита боғлиқ. Умуман, юкламаларнинг бадиий нутқ таркибида тутган ўрни, вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Улар, нафақат, фикр ифодаси, грамматик восита, балки нутқ эгаларининг руҳияти, дунёқараши, салоҳияти ва маданияти кабиларни ҳам намоён қилувчи ўзига хос прагматик омил ҳамдир. Бу ҳолатни “Келинлар қўзғолони” комедиясида прагматик жиҳатларни аниқлашда юкламаларга эътибор қаратиш орқали кузатишга ҳаракат қиламиз.

“Келинлар қўзғолони” комедияси матнида –а (27), –я (18), ҳам (84), -ку (42), -да (44), худди (2), ахир (9), фақат (3), -гина (21) каби юкламалар қўлланилиб, турли грамматик-стилистик маъно ҳамда вазифаларни бажаришга хизмат қилдирилган. Бундан маълумки, ёрдамчи сўз туркумлари мақомидаги тил бирликлари ҳам бошқа лексик бирликлар сингари нутқнинг турли кўринишларида фаол иштирок этади, ўзига хос грамматик-прагматик вазифани бажариб келади.

Асар персонажларининг нутқига диққат қаратамиз:

*А с қ а р (Маъмурга). Аввалги куни кимнинг тўйига боргандинг? Ким тўйга айтса кетаверасан**ми**? Бир кун эмас, бир кун бизга гап теккизасан. Ўша тўй қилган Мингбоев кеча қамалди.*

*К о м и л. Иши божамга оширилипти. Базани **ҳам** божам ревизия қиляпти. Мингбоев жуда устаси фаранг одам экан.*

*М а ъ м у р. Ҳунаримиз шу бўлгандан кейин ким тўйга айтса кетаверамиз-**да**. Бизга така бўлсин, юз грамм сути бўлсин*[6].

Мисолда уч ака-ука персонаж нутқига оид жумлалар акс этган, ҳар учала персонаж нутқида ҳам юкламалар (*-ми, ҳам, -да*) иштирок этган. Нутқ таркибидаги мазкур юкламалар муайян коммуникатив мақсадни таъминлашга хизмат қилган. *Ким тўйга айтса кетаверасан**ми**?* жумласи орқали “*Ҳар кимнинг тўйига бораверма”* тарзидаги тагмаъно

англашилади. Бунда ака-уканинг ўзаро бир-бирини аяш, ғамхўрлик қилиш муносабатига мос гап ифодасини кузатамиз. Буйруқ гап мазмунининг сўроқ гап шакли орқали ифодаланиши алоҳида прагматик ҳодисадир, -ми юкламаси эса соф сўроқ маънони эмас, балки прагматик мақсад ва вазият талабига мувофиқ танбеҳ прагматик маънони ифодалашга хизмат қилган.

Асар қаҳрамонлари Тўхта ва Нигоранинг ўзаро эркалаш ҳолатига кўзи тушган қайнона ва Сотти келиннинг ўзаро суҳбатидан олинган нутқ парчасида *ҳам* юкламаси лисоний имкониятининг нутқий воқеланиши билан боғлиқ ҳолатга диққат қаратамиз:

Фармон. Нима бало деб жавраяпсан?

Сотти. Бу ёққа қаранг, бу ёққа!

*Фармон (уларни кўриб юзини тўсади). Ҳаё деган нарса йўқ бу беномусларда. Отанг раҳматлик шундоқ Азим шер бўла туриб бир марта **ҳам** кундузи ўпмаганди. Болалар ухлагандан кейин чироқни ўчириб қўйиб, кейин ўпардилар.*

С о т т и. Ҳозиргилар унақа эмас. Дуч келган жойда ўпишаверади...

Диалог таркибидаги *Отанг раҳматлик шундоқ Азим шер бўла туриб бир марта **ҳам** кундузи ўпмаганди* жумласида иштирок этган *ҳам* юкламаси *бир марта* сўз бирикмаси билан бирга қўлланиб, “ҳеч қачон” деган мазмунни ифодалашга хизмат қилдирилган. Шу ўринда ҳеч қачон бирикмасини қўллашдан кўра ҳам юкламасини бир марта сўз бирикмаси билан бирга қўллаш орқали ҳам юкламасининг имкониятидан юмор ҳосил қилишда самарали фойдаланилган. Қиёсланг: *Отанг раҳматлик шундоқ Азим шер бўла туриб бир марта ҳам кундузи ўпмаганди.// Отанг раҳматлик шундоқ Азим шер бўла туриб ҳеч қачон кундузи ўпмаганди.* Қиёсдан аён бўладики, айни нутқ жараёнида *ҳам* юкламасининг “алоҳида таъкидлаш” маъноси билан иштирок этиши коммуникатив мақсадга мувофиқ тарзда баҳоланиши лозим. Фикр ифодаси билан боғлиқ коммуникатив мақсадни “енгил кулгу ҳосил қилиш” ташкил қилиб, бунда ҳам юкламасининг имкониятидан унумли ва самарали фойдаланилган.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, ҳажвий асардаги юморнинг пайдо қилиниши, зукколик, қочириқ кабиларнинг таъминланиши муайян тил бирликлари ва уларнинг лексик, грамматик, стилистик, прагматик хусусиятлари билан ҳам бевосита боғлиқ. Чунки ҳар қандай нутқий фаолиятдаги коммуникатив мақсад тил бирликларининг лисоний-прагматик имкониятлари орқали таъминланади. Бу эса бадиий нутқ таркибида иштирок этадиган барча лексик-морфологик бирликларнинг лисоний-нутқий хусусиятлари, имконият ва воқеланиши юзасидан илмий изланишлар амалга оширилишини тақозо қилади. Айниқса, ҳажвий асарлар матнидаги лексик-морфологик восита ва омилларни текшириш, таҳлил қилиш ва уларнинг нутқ жараёнидаги грамматик-прагматик маъно ва вазифаларини аниқлаш, тавсифлаш ва таснифлаш кун тартибидаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Тошкент, 1970.–52-55 б.
2. Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. - № 4.
3. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т .: Ўқитувчи, 1983. – 383 б.
4. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент, 1975. – 575 б. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент, 1975. –Б. 575.
5. Аҳмад Саид. Келинлар қўзғолони. Комедия. – Тошкент, 1976. - 11 б.

НОМИНАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ҲОЗИРГИ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ

ПРОБЛЕМА ИНТЕРПРЕТАЦИИ ПРОЦЕССА НОМИНАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

THE ISSUE OF INTERPRETATION OF THE NOMINATION PROCESS IN MODERN LINGUISTICS

У.У.Ахмедов, Х.Э.Эрназарова –ўқитувчилар, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мазкур мақолада номинация жараёнининг ҳозирги тилшуносликдаги талқини масаласи ёритиб берилган. Бундан ташқари фаннинг объекти бўлган лингвокультуремалар сифатида антропонимлар ва иборалар, ўзбек тилидаги ўхшатиш ва метафораларни таҳлил ва тадқиқ қилишга ҳаракат қилинади. Номинация жараёнинг ҳозирги тилшуносликдаги талқини семантик хусусиятига кўра ўзаро адекват (ўхшаш), уларнинг айримлари мазмун жиҳатидангина эмас, ташқи тузилиши, шакли бўйича ҳам мутаносиб келиш ҳолатлари паремиологлар томонидан тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: лингвокультурология, паремиология, антропоним, адекват.

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос современной лингвистической интерпретации процесса номинации. Кроме того, делается попытка проанализировать и изучить антропонимы и поговорки, аналогии и метафоры в узбекском языке как лингвокультуры, являющиеся объектом науки. Интерпретация номинативного процесса в современной лингвистике семантически адекватна (подобна), некоторые из них пропорциональны не только по содержанию, но также по структуре и форме.

Ключевые слова: лингвокультурология, паремиология, антропоним, адекват.

Annotation. This article addresses the issue of modern linguistic interpretation of the nomination process. In addition, an attempt is made to analyze and study anthroponyms and sayings, analogies and metaphors in the Uzbek language as lingvocultures that are the object of science. The interpretation of the nominative process in modern linguistics is semantically adequate (similar), some of which are proportional not only in content but also in structure and form.

Key words: linguoculturology, paremiology, anthroponym, adequate,

Номлаш жараёни реал бирликдаги барча ҳодисаларни дихотомик равишда қарама-қарши ва уларнинг диалектикасини инсон тафаккуридаги тушунчалар билан муносабатни ўрганиш фаолияти бўлиб, унинг бевосита натижаси орқали икки асосий тафаккур актлар оппозициясини фарқлаш мумкин:

1. Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги фарқланиш конкретлаш акти аттрибутив конструкциялар ва сўз бирикмаларига кўринади.

2. Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги интеграция, умумий абстракция акти тилдаги предикацияда, яъни предикатив конструкцияларда, аниқроғи, гапларда акс этади.

Сўз, сўз бирикмалари ва гаплар барча кишилик жамиятидаги тилларда жуда умумий ва универсал константалар билан ажралиб туради. Лекин бу аниқ тилларда тузилиш жиҳатидан ҳар хил тип, кўриниш ва вариантларда содир бўлади.

Умуминсоний мантиққа асосланган ҳолда қариндош тиллар группасининг тарихий-типологик грамматикаси, асосан, барча кишилик учун умумий бўлган шу тил ёки бир группа

тиллардаги категорияларнинг тафаккур категориялари билан муносабати бир хил, лекин тилдаги шакллари жиҳатидан, умумий типологик белгилари бўлишига карамай, ҳар хил бўлган тафаккур категорияларининг ўзаро боғлиқлиги ва бири иккинчисисиз мавжуд бўлмаслигини тушуниб олишга ёрдам беради.

Яқин қариндош бўлган ва қариндош бўлмаган тилларни ўрганиш тарихий-типологик планда барча сўз бирикмалари ва гаплар моделларини ўрганиш улардаги номинациялар табиати, уларнинг асосий типлари, кўринишлари, кичик кўринишлари ва алоҳида конкрет моделларини аниқлаш (икки асосий тафаккур актлари моделларининг ҳар хил ишлатилиши), уларнинг барча конкрет тилларда ҳар хил кўринишда, ҳар хил ҳолатда ва ҳар хил даврларда намоён бўлишини кенг кўламда ўрганиш вазифалари турибди.

Ҳозирги замон тилшунослигининг ривожланиш даври қиёсий-типологик тадқиқотларга нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораётгани билан ажралиб туради. Бу табиат қонуни, тилларнинг қўлланилиш табиатидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаёт, тилларнинг ўзаро узвий боғлиқлик ҳаракати ва бир-бирига ўзаро таъсиридир.

Шундай экан, қиёсий таҳлилга бағишланган ҳар бир тадқиқот илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Замонавий тилшунослик доирасида тилларни қиёсий ўрганиш тобора кенгайиб бормоқда ва тилларнинг барча структуравий сатҳлари қамраб олинмоқда. Ф.де Соссюр таълимотига асосланган лексик бирликларнинг мазмун кўлами таҳлилига қаратилган сўз семантикасини ўрганиш аспекта махсус ва қиёсий-типологик тадқиқотлар объекти бўлиб бормоқда. Ж.Бўронов, М.Абдураззақов, Ў.Юсупов, М.Умархўжаев, А.Маматов, Д. Ашурова, Ш.Сафаров, А.Шереметова. М.Расулова, Ғ.Ҳошимов, Л.Тенер, Л.Елмслев, Р.Меер, В.Порсиг, Л.Вейсгербер, С.Улман ва бошқаларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ бўлган сўз ва бадиий асар номи вазифасида келувчи сўзларнинг семантик таркибини тушуниш турли йўналишларда ривожлантирилди.

Шу билан бирга, бадиий асар номларини ўрганишдаги сезиларли камчиликлар мавжуд бўлишига қарамасдан, замонавий семасиология, шу жумладан, қиёсий семасиологияда тизимли муносабатларни, яъни ном – мавзу таркибига кирувчи синфларнинг семантик бирлашиши, семантик гуруҳлар, тадқиқотлар сирасига кириб бориши, семантик гуруҳларни аниқлаш, ички ва ташқи тиллараро муносабатлар нуқтаи назаридан уларнинг ички алокалари ва муносабатларини ўрганиш, у сўзларнинг семантик гуру-хини ташкил қилувчи компонентлар ўртасидаги иерархик муносабатларни очиб бериш, уларнинг тизимларига аниқлик киритиш, ягона маъно гуруҳини ташкил этувчи семантик компонентларни аниқлаш ва, албатта, улар асосида қиёсланаётган тилларнинг ўхшаш ва ноўхшаш томонларини очиб бериш катта аҳамият касб этади.

Тил лексик қатламидаги семантик майдон масаласи ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб олимлар эътиборини ўзига жалб қила бошлаган. Бунда немис олимлари И.Трир, Г.Ипсен, В.Порсиг [1], шунингдек, рус тилшунослари Г.Щур, В.Адмони, А.Бондарко, Э.Гулыга, Э.Шенделсларнинг [2] олиб борган тадқиқотлари муҳим рол ўйнайди. Ўзбек тилшунослигида [3] майдон назарияси А.Нурмонов, Ш.Искандарова, А.Собиров, К.Раҳмонбердиевларнинг шу соҳага доир илмий, тадқиқотларида маълум миқдорда ўз ечимини топган. Бироқ, уларда инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида сематикасининг сематик ҳусусиятлари қиёсий типология нуқтаи назарида ўрганилиши кузатилмайди.

Л.М.Василиевнинг рус тили материали асосида бадиий асарлар номланишини билдирувчи феъллари таснифи ва уларнинг сематикаси таҳлилига бағишланган “Феъллар ҳис этиш, фикр ва нутқ” асарида кўриш

феълларини икки гуруҳга ажратишни таклиф қилади:

1-гуруҳга қарамоқ, назар солмоқ ва уларнинг синонимлари.

2-гуруҳга қарамоқ, боқмоқ, кўз ташламоқ, кўзни қадамоқ, сўз ва бирикма шаклидаги феъл бирликлари бошқалар киради.

М.Б.Примова рус тилидаги борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларга инсоннинг сенсор ва ментал персепсияси феъллари маъносида бадиий асарларга ном бўлиб келган қуйидаги фарқловчи семаларни ажратади: узоқдан, масофадан (кўз қараш) сенсуал персепсия якуни (қараб бўлмоқ, кўриб бўлмоқ), давомийлик (қарамоқ, қараб турмоқ) вақти-вақти билан(қараб турмоқ) кўп марта такрорийлик (кўп кўрмоқ, тамоша қилмоқ, қараб тўймаслик), интенсиве (диққат билан).

А.А.Кретов кўриш ва ментал персепсияси феълларининг бадиий асар номи сифатида лексик-семантик гуруҳларини тақсимлашда икки ён-дашув (тор ва кенг тушунча мавжудлигига ишора қилади. Дунёни кўриш майдонида тадқиқотчилар томонидан қўлланган феъллар нафақат субект билан обект плани билан ҳам боғлиқ бўлган феъллар (кўринмоқ, кўзга ташланмоқ, кўриниб турмоқ) дунёни кўриш пепсепсияси феълларига (кўрсатмоқ, яширмоқ) Дунёни кўриш персепсиясига эга бўлиш ёки йўқотиш ва хатто кўриш персепсияси сабаб феъллари тўғри келган.

Ю.Ю.Архипова рус адабий тилини ривожлантиришнинг икки босқичида бадиий матнлар номи бўлиб келган феъллар лексик - сематик гуруҳларни ифодалашнинг таркибий сематик ва механизмарини батафсил таҳлил қилган.

Е.М.Умахонова феъллар асар номи вазифасида келган кузатиладиган кўп маъноликни ўрганиш билан бирга сўзнинг семантик қурилиши ва маъно қурилиши тушунчаларини қатъий чегаралаган ҳолда кўрилаётган феълларнинг номинатив ва кўчма манолари мазмун планида ажратиб кўрсатади. Бадиий асарлар номларини билдирувчи феълининг ясама лексик сематик вариант семантик нуқтаи назаридан кўриш персепсияси натижаси сифатида жараённи ақлий фаолиятга ўтказади ва унинг семантик қурилишини иккинчи маъно маркази тизимига киритади.

Француз тили материаллари асосида И.Н.Гаврилин турли лексик ЛСГ феълларнинг полисемияси муам-молари ҳақида ҳам фикр юритади. Шунингдек унинг тарихий ўзгариши жараёнида тадқиқ этилаётган гуруҳ-ларнинг ички синонимик муноса-батларидаги ўзгаришларни аниқлайди.

С.А.Моисееванинг ғарбий роман тилларида турли феълларнинг сематик майдони таҳлилига бағишланган монография ишида феълларнинг маж-муи тадқиқларига (тизимли, қиёсий-семасиологик когнитив ва прагматик аспектларига) тўхталиб ўтилган.

Инглиз тилининг Америка вариантидаги борлиқни сенсуал ва ментал кўриш персепсияси ҳолатини ифода этувчи тил усуллари динамикаси прогностикаси И.В.Домбровская томо-нидан таҳлил этилган. И.В.Домб-ровская тадқиқоти моҳияти лексик-семантик гуруҳ (кейинги гуруҳларда ЛСГ деб юритилади)нинг лексик бирликлари сема тизими, уларнинг вақт кесимида такрорланиш даражаси ҳақида батафсил тушунча беради. Бироқ кўрилаётган ЛСГнинг ташқи контексуал шартлигини, уларнинг маънолари функционал ўзгариши моҳиятини очиб бермайди.

Т.Н.Козюра рус ва француз тилларида нисбат категориясининг сематик– функционал майдони доирасида кўриш персепсияси феълларининг синтактик қурилишини ўрганади. Т.Н.Козюра фикрига кўра француз тилида дунёни ҳиссий ва ментал кўриш персепсияси феълларининг пассив-ўзлик маъносида се дессинер, се дистенгуер сепресентер, се воир ҳисобланиши мумкин.

Й.Н.Подтележниковaнинг илмий ишида бадиий асарлари номларидаги сўзлар лексик-семантик майдони бирликлари орқали халқ донишмандлиги, зукколигини акс этишини ёритиб беришга ҳаракат қилади.

Г.Адашуллаева инглиз ва ўзбек тилларида шахс ҳусусиятини ифодаловчи фразеологизмларни қиёсий - типологик таҳлилига бағишланган диссертациясида дунёни сенсуал ва ментал кўриш қобилятини ифодаловчи ҳолат одатда ўзбек тилларида айрим пайтларида қуйида фразеологик (турғун) бирликлар орқали юзага чиқишини таъкидлайди: Кўз югуртирмоқ, кўз уриштирмоқ, ва бошқалар.

Инглиз ва ўзбек тилларига хос бадиий асарлар номларида билдирилган шахс хусусиятини ифодаловчи ибораларда, асосан, кўз семантикаси орқали ифодаланиб асар қахрамони бўлган инсон ҳиссиётларини очиб беришда умумийликка эгадир деган хулосага келади.

Юқоридаги ишларда асосий эътибор бадиий асарлар номларини билдирувчи феълларга бағишланганлигини аниқлаш қийин эмас.

Бизнинг тадқиқотимиз юқоридаги ишлардан қуйидаги лисоний омиллар билан фарқ қилади:

1. Бадиий асарлар номлари семантикасининг семантик майдонини хосил қилиш йўллари.
2. Инглиз ва ўзбек тилларда бадиий асрлар номлари семантикасига доир семантик моделларнинг яратилиши.
3. Бадиий асарлар номлари семантикасига эга бўлган тил бирликлари фразеалогик ҳусусиятларининг очиб берилиши.
4. Бадиий асарлар номлари семантикасига доир сўз ясаш йўлларининг ва моделларининг намоён бўлиши.

Бу тилшуносларга алоҳида бир қатор масалаларни ҳал қилиш вазифаси қўяди.

1. Инглиз ва ўзбек тилларида бадиий асар номланишини билдирувчи сўзлар семантикасининг лексик-семантик майдон мақомини аниқлаш, унинг структураси ва уни ташкил қилувчи конституентларга хос хусусиятларни очиб бериш.

2. Қиёсий-типологик жиҳатдан сўзлар сематикасини ўрганиш ёрдамида лисоний бирликларни тизимли таҳлил қилиш мақсадида, замонавий тилшунослик тушунчалари асосида бадиий асар номланишини билдирувчи сўзлар семантикасини тадқик қилиш бўйича асосий назарий маълумотларни умумлаштириш.

3. Қиёсланаётган тилларда бадиий асар номланишини билдирувчи сўзлар семантикаси лексик-семантик гурухларининг структурал-семантик жиҳатларини очиб бериш ва улар асосида кўриш перцепцияси лексе-маларининг умумий таснифини бел-гилаш, парадигма ичидаги бирликлар ўртасидаги семантик муносабатларни аниқлаш.

4. Ҳар бир умумкатегориал белгилари жиҳатдан бадиий асар номланишини билдирувчи сўзлар семантикасининг дифференсиал семантик хусусиятларини ўрнатиш ва қиёсланаётган тилларда мазкур лексик семантик гуруҳларининг моделларини аниқлаш

5. Бадиий асар номланишини билдирувчи семантикасидаги структурал сўз ясовчи (Эксплитит ёрқин “Имплитит- яширин”) ифодаланиш белгилар таркиби хусусиятини аниқлаш.

6. Бадиий асар номланишини билдирувчи сўзлар семантикасининг лексик-семантик компонентлари ўзаро таъсирини тавсифлаш ва қиёсланаётган тилларда ушбу лексеманинг қўлланиш механизмини аниқдаш ва гапларнинг структурал- семантик ва грамматик таркибида қўлланадиган бадиий асар номини билдирувчи сўзлар семантикасининг семантик хусусиятини қиёсий аспектда ўрганиш.

7. Инглиз ва ўзбек тилларида бадиий асар номини билдирувчи сўзлар семантикасининг семантик майдонини ташкил қилувчи консти-туентлар семантикасини парадигматик ва

синтагматик планда ўрганиш.

8. Бадиий асар номини билдирувчи сўзлар семантикасига эга тил бирликларининг структур-семантик, функционал-стилистик, прагматик, валентлик ва асимметрик хусусиятлари масалаларини ёритиш.

9. Бадиий асар номини билдирувчи сўзлар семантикасига эга тил бирликлари тизимидаги синонимик, антонимик ва омонимик муносабатларни таҳлил қилиш.

10. Бадиий асар номини билдирувчи сўзлар семантикасига эга тил бирликлари иштирокида ҳосил бўлган фразеологизмлар структурал-семантик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, уларни бир тилдан бошқа тилга ўгириш масалаларини ёритиш.

11. Бадиий асар номини билдирувчи сўзлар лексик-семантик майдонига алоқадор тил бирликларининг мулоқот жараёнидаги ролини кўрсатиб бериш ва изоҳли луғатлардан олинган мисолларда бадиий асар номини билдирувчи сўзлар семантикасининг турли тил сатҳларида (фонетик, морфологик, синтактик) берилиш йўллари, шунингдек, новербал коммуникация каби долзарб масалаларни ўрганишга бағишланган хорижий асарлар хизмат қилди

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдлик 1 жилд. Тошкент: “Академнашр”, 2012.
2. Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини системалар системаси тарзида ўрганиш. Т., 2004.
3. Рахмонбердиев К. Глаголы зрительного восприятия в узбекском языке. Автореферат дисс... канд. филол.наук.Ташкент,1969.
4. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув., Т., 2007.
5. Trier J. Der Deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes.(Die Geschichte eines sprachliches Feldes). Bd 1. Heidelberg, 1931.
6. Ipsen G. Der alle Orient und die Indogermanen.”Stand und Aufgaben der Sprach wissenschaft”? Festschrift fur W. Streitberg. Heidelberg, 1924.
7. Porzig W. Das Wunder der Shprache (Probleme , Methode, und Ergebnisse der modemen Sprachwissenschaft), 2. Aufl. Bern, 1957.
8. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М., 1969. 183 с.
9. Hess, The Tell-Tale Eye: how your eyes reveal hidden thoughts and emotions [Text] / E. H. Hess. - N-Y : Van Nostrand Reinhold Company, 1975. -259 p.
10. Ekman, W.V. Friesen. — New Jersey : Prentice-Hall, Inc., Englewood Cliffs, 1975. - 212 p

ТАХАЛЛУСЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ

ФУНКЦИИ ПСЕВДОНИМОВ

THE FUNCTION OF NICKNAMES

Ш.Низамова- тадқиқотчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мақолада ўзбек тахаллусларининг номинатив вазифаси билан бирга яна бир нечта вазифаларни бажариши ёритиб берилган.

Таянч сўз: ономастика, антропонимик бирлик, тахаллус, номинатив вазифа, идеацион функция, дифференциаллаш, эпистемик функция, экспрессив вазифа, иттифоқ санъати, тажнис санъати.

Аннотация. В статье рассматривается, что помимо именительной функции, узбекские псевдонимы выполняют еще несколько других функций.

Ключевые слова и фразы: ономастика, антропонимическое единство, псевдоним, номинативная функция, идеологическая функция, дифференциация, эпистемическая функция, выразительная функция, искусство иттифок, искусство тажнис.

Annotation. The article highlights the fact that Uzbek nicknames perform a number of other functions in addition to their nominative function.

Key words: onomastics, anthroponymic unity nicknames, nominative function, ideological function, differentiation, epistemic function, expressive function, ittifoq art, tajnis art.

Тахаллус сўзи асли ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, “халос бўлмоқ”, “қутулиш” маъноларини билдиради. Бу термин ономастикада антропонимик бирликни ифодаловчи термин сифатида қўлланади ва “бирор ижодкор (шоир, ёзувчи, рассом, олим ва бошқалар) ёки қисман, сиёсий арбоб, қўшиқчи, ҳофиз, раққосаларнинг асл исми билан биргаликда ёки уларнинг ўрнида қўлланадиган, шахснинг ўзи томонидан танлаб олинган, бошқа иккинчи номи” ни англатади [1.15].

Одамлар (шахслар)нинг атоқли отларини, шу жумладан, тахаллусларни тадқиқ қилувчи антропонимика илмий йўналиш сифатида ўзбек тилшунослигига ўтган асрнинг 60-йилларидан кириб келди. Ўтган давр мобайнида ўзбек тилидаги киши номлари юзасидан олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар туфайли антропонимика эндиликда ўзбек ономастикасининг ривожланган бўлимига айланди [2. 260].

К.С.Мочалкина антропонимик бирликлардан бири бўлган тахаллуслар ижодкорнинг иккинчи номи бўлиши билан бирга яна бир қатор муҳим хусусиятларни бажариши тўғрисида айтиб ўтади. Тахаллуслар бошқа антропонимларга нисбатан каттароқ тўпламдаги функцияларнинг мураккаб ўзаро таъсирида юзага келади, яъни махсус эзотерик ва реклама функцияларининг мавжудлиги уларни бошқа онимлардан (исм, фамилия, ота исм) ажратиб туради [3.7].

В.Д.Бондалетовнинг қайд этишича, атоқли отлар қуйидаги вазифаларни адо этади: номинатив, идентификациялаш, дифференция қилиш. Иккинчи даражали вазифаси (квалификациялаш), яъни қўшимча факультатив (ясовчилик ёки нофаол ва б.) вазифалар: социал, эмоционал, аккумулятив, дедектив (ишора қилувчилик, маълум қаторга жамлаш, экспрессив, эстетик, стилистик вазифа [4.21]. Албатта, бу вазифалар тахаллусларга ҳам хос. Бизнингча, тахаллуслар бундан ҳам кўпроқ вазифаларни бажаради, улар қуйидагилардан иборат:

1. Номинатив (аташ) вазифаси. Тахаллус маълум ижодкор ва санъаткорнинг исми, фамилияси ва ота исмига қўшимча ном сифатида уни атайди, баъзан исм, фамилия билан биргаликда ёнма-ён ёки алоҳида қўлланади. Масалан, *Аҳмад Дониш, Дониш* – шоир, хаттот, файласуф, тарихчи олим Аҳмад Носир ўғлининг (1827 – Бухоро – 1897) тахаллуси, лақаби *Аҳмад калла* бўлган. Демак, тахаллус шоирнинг исми билан ва якка ҳолда қўлланган. Тахаллусга “билим, фан; таҳсил, сабоқ” тушунчаларини англатувчи форсча *дониш* сўзи “илмли, билимдон, доно” семалари билан луғавий асос бўлган. Бизнингча, шоирнинг лақабида ҳам шунга ишора бор.

Айёмий – шоир Юнус Юсуповнинг адабий тахаллуси. Тахаллуснинг луғавий асоси бўлган *айём* сўзи ўзбек тилида қуйидаги маъноларни англатади: 1. Кун; кунлар. 2. Байрам куни; байрам кунлари. 3. Баъзи сўзлар билан бирга қўлланиб, шу сўзлар билдирган вақт, фасл ва шу кабиларга оид он, кун, кунларни билдиради. Бизнингча, *айём* сўзининг “байрам, байрам кунлари” маъноси тахаллусга луғавий асос бўлган. Ном *айём* сўзидан *-ий* қўшимчаси воситасида ясалган.

Азим Суюн **–** шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997) Суюнов Азим Алимовичнинг (1948.22.2, Самарқанд вилояти Накурт қишлоғи) адабий тахаллуси. Бу

тахаллус ижодкорнинг исми ва фамилиясининг қисқартирилишидан ҳосил қилинган.

2. Ғоявий (идеацион) функция. Тахаллуслар маълум ижодкор ва санъаткорнинг тафаккури, ички дунёси, қарашлари, ғояларини ифодалайди. Масалан, *Баёний* **–** ўзбек шоири, тарихчи, мусиқашунос, хаттот ва таржимон Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўғли (1858 – Хива – 1923)нинг тахаллуси бўлиб, “ифода қилувчи, ёритувчи, акс эттирувчи, шарҳловчи; бой, бадавлат, бахтли; нозик фикрли, нозик табиатли” маъноларини англатувчи арабча ўзлашма *баён* асосидан *-ий* қўшимчаси воситасида ясалган бўлиб, “воқеа-ҳодисаларни ёритувчи нозик табиатли шахс” антропонимик маъносини англатади. Демак, тахаллус шоир, тарихчи Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўғлининг нозик табиатли, нозик фикрли баён этувчи бўлиш нияти ифодаси сифатида юзага келган.

Беҳбудий – серқирра ижодкор Маҳмудхўжанинг (1875, Самарқанд – 25.03.1919, Қарши) тахаллусидир. Маҳмудхўжа отасининг исмини ўзига тахаллус қилиб олган. Отасининг тўлиқ исми Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли бўлган. *Беҳбуд* **–** “соғломлик”; “фойда, наф” маъноларини англатиб, ижодкорнинг ички дунёси, қарашлари, ғояларини тўлиқ ифодалаб бера олган. Сабаби ижодкор бутун умри мобайнида соғлом ва ҳур фикрлиликни илгари сурган, шунингдек, атрофидагиларга фойда, наф келтиришга ҳаракат қилган.

Гулшаний – Бухоролик тарихчи, шоир Мулла Муҳаммад Содиқхожа (1861-1910)нинг тахаллуси бўлиб, ижодкор бу рамзий ном остида бутун умрини гулзордек обод ва зийнатли бўлишига умид қилган.

3. Тахаллуслар муайян ижод ҳамда санъат вакилини бошқасидан фарқлаш, ажратиш билан **фарқлаш (дифференциациялаш) функциясини** бажаради. Бу вазифа бир хил исмли ижодкор ва санъаткорларнинг тахаллусларида янада ёрқинроқ кузатилади. Масалан, биргина *Абдулла, Адҳам, Акмал* каби исмли бир нечта ижодкорлар бор. Уларни бир-биридан тахаллуслари фарқлаб туради. Масалан, *Абдулла Ҳотифий* (тарихчи, шоир; Абдураҳмон Жомийнинг жияни (? – 1521, дек.), *Абдулла Авлоний* (Абдуллахон Ҳакимхон ўғли), *Абдулла Бегий* (Абдулла Мустақаев), *Абдулла Раҳматзода* (Абдулла Раҳматов), *Абдулла Ҳофиз* (Абдулла Файзуллаев), *Абдулла Шер* (Шеров Абдулла); *Адҳам Дамин, Адҳам Мир Саид, Адҳам Ҳамдам, Адҳам Раҳмат* (Раҳматов Адҳам); *Акмал Икром* (Акмал Икромов), *Акмал Мурод* (Акмал Муродов), *Акмал Нур* (рассом Акмал Нуриддинов) *Акмал Саййид, Акмал Хўқандий* (Мулла Шермуҳаммад), *Акмал Пискандий* (Саййид Акмал Акмалхон Яъқубхон ўғли); *Алишер Файз* (Турдиев Алишер Баҳодирович), *Алишер Назар* (Алишеров Назар) каби.

4. Тахаллуслар ўзида маълум ижодкор ва санъаткор ёки бошқа соҳа кишиларининг туғилган жойи, ижтимоий мансублиги, ижобий, салбий руҳий ҳолати ва бошқалар ҳақида маълум информация ҳамда ахборотларни жамлаш, умумлаштириш, ифодалаш, сақлаш ва узатиш билан **ахборот ифодалаш (информацион) вазифасини** бажаради. Масалан, *Аҳмад Югнакий* – шоир ва мутафаккир Аҳмад бинни Маҳмуд Югнакийнинг (XII аср охири – XIII асрнинг биринчи ярми) тахаллуси. Тахаллус ижодкор туғилган жой номидан олинган бўлиб, шоирнинг Самарқанддаги Юнақ қишлоғидан эканлиги ҳақида ахборот беради. Бундай тахаллусларни бир нечтасини мисол тариқасида келтириш мумкин: *Аҳмад Яссавий* – Ясси шаҳридан бўлган (тахм. XI асрнинг 2-ярми – 1166), шу сабабли ўзига Яссавий тахаллусини олган; *Маҳмуд Таробий* **–** сиёсатчи, ҳунарманд, табиб (? – 1238) Бухоронинг Тароб қишлоғидан бўлган; *Беруний* – донишманд, олим ва шоир Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмаднинг (5.09.973, Хоразм – 11.12.1048, Ғазна) тахаллусидир. *Беруний* тахаллусининг

асоси арабча *берун* сўзидан олинган бўлиб “ташқаридан” деган маънони билдиради. Кўпгина ижод аҳллари давлат марказида, пойтахтда яшаб ижод қилишган. Бу тахаллус эса Абу Райҳон Берунийнинг шаҳарда эмас шаҳардан ташқарида яшаганлигига ишорадир.

5. Яна бир туркум тахаллуслар гуруҳи ижодкор ва унинг оиласининг **касб-кори тўғрисида ахборот беради**. Масалан, *Дукчи Эшон* **–** сиёсатчи ва дин пешвоси Муҳаммадали Собир ўғлининг (1856-1898) тахаллусидир. Эшоннинг отаси пахтани чигитдан ажратадиган халажи билан ҳамда ва бешик ясовчи ҳунармандлиги орқасидан тирикчилик ўтказган. Унинг тахаллуси ота касби номидан олинган. *Дукчи* – йиг, яъни дуг пахтани чигитдан ажратадиган асбоб номидир; *Саккокий* **–** Самарқандда Халил Султон(1405-09) ва Улуғбек ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган шоирнинг исми, туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Лекин ижодкорнинг тахаллуси унинг касб-ҳунари ҳақида маълумот беради. *Саккок* сўзи арабчада “пичоқчи”, “пичоқ ясаш билан шуғулланувчи, машғул бўлувчи” маъноларини билдиради; *Чархий* – Ўзбекистон халқ шоири (1975) Асқарали Ҳамроалиевнинг (1900.23.2 – Қўқон – 1979.18.12) адабий тахаллуси бўлиб, унга *“*ип йигириш асбоби”ни англатувчи тожикча *чарх* луғавий бирлиги асос бўлган. Ижодкор Қўқондаги “Қувват” артелида гулабардор (тўқувчилик корхоналарида гула тайёрлаш ёки тандага гула кўтариш иши, касби) бўлиб ишлаган [5.27]. Демак, шоирнинг тахаллуси унинг шуғулланадиган касб-ҳунари мотивацияси асосида юзага келган.

6. Ўзбек тахаллуслари шу миллатга мансуб шоир, ёзувчи, санъаткорларнинг қўшимча номи сифатида **миллий-маданий функция** ҳам бажаради. Бу вазифа деярли барча ўзбек тахаллусларига хос. Ўзбек тахаллуслари луғавий асоси, таркибида *бек, бой, хон, жон, бону, бегим, зода* каби антроформантлар, *хожа, хўжа* каби миллий ижтимоий-сиёсий мансубликни ифодаловчи бирликлар, этнонимлар, топонимлар қўлланиши билан миллий-маданий мансубликни ифодалайди. Масалан, *Ўзтурк* – Рауф Парфи (Турсунали Парфиев 27.09.1943 – Тошкент – 28.03.2005) шоир, таржимон; *Элбек* – Юсупов Машриқ (1898, Бўстонлиқ тумани Хумсон қишлоғи – 1939.11.2, Магадан) – шоир, тилшунос ва фольклоршунос. *Элбек* тахаллуси “элнинг ардоқли, суюкли фарзанди” маъносида танланган.

7. Тахаллуслар муайян ижодкор ва санъаткор номини, шу ном остида унинг асарларини авлоддан авлодга, даврдан даврга олиб ўтиб, унинг адабиёт, санъат тарихидан мустаҳкам ўрин олиши ва сақланишига хизмат қилиши билан **эпистемик функция** бажаради [6.40]. Тахаллусларнинг бу вазифаси *Навоий, Лутфий, Огаҳий, Саккокий, Атоий, Бобур, Машраб, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Увайсий* каби тарихий тахаллусларда ёрқин кўринади. Ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур вакиллари бўлган мазкур ижодкорларнинг асарлари шу тахаллуслар остида асрдан-асрга, авлодлардлан-авлодларга ўтиб бормоқда.

8. Тахаллуслар ифодалашга хизмат қилиши, бадиий тимсоллар сифатида қўлланиши, маълум шеърий санъат, шеър унсури учун асос бўлиши билан билан эстетик ёки таъсир этиш билан **экспрессив вазифа** ҳам бажаради.

Бадиий матнда қўлланган ҳар бир тил бирлиги асарнинг мавзуси, ғояси билан боғлиқ тарзда маълум вазифаларни бажаради. Жумладан, шоир ва ёзувчининг тахаллуси ўз соҳибини аташ, бошқалардан фарқлаш, шеърий асар кимнинг ижодига мансублигини ифодалашдан ташқари муайян услубий, бадиий вазифаларни ҳам бажаради.

Шеърий асарларда ўз номини келтириш узоқ тарихга эга бўлиб, бу тахаллуснинг пайдо бўлиш сабабларидан биридир. Шоирлар ўз

тахаллусларини ғазалнинг мақтаъсида қўллаганлар.

Мақтаъ (ар. тугаш жойи, кесмоқ) – ғазал ёки қасиданинг охирги, якунловчи байти бўлиб, унда шеърда билдирилган фикрлар, изҳор этилган ҳис-туйғулар хулосаланади, шоирнинг уларга муносабати ифода этилади. Анъанага кўра, аксарият мақтаъларда шоирнинг тахаллуси келтириладики, у шеър муаллифини кўрсатиб турувчи ўзига хос имзо, тамға вазифасини бажаради [7.166].

Тахаллус бир неча шеърий санъат ва унсурлар учун асос бўлади. Ана шундай санъатлардан бири иттифоқ санъатидир. Иттифоқ (ар. мувофиқлаштириш) шоирнинг шеърда ўз номи ёки тахаллусини ҳам истилоҳий, ҳам ўз луғавий маъносида қўллаш санъатидир [8,51]. Масалан,

Навосидин фано чун ҳосил ўлди,
қилгасен эй ишқ,
Навоий *риштаи жонин муғанний*
удининг тори.
(Навоий)

Бу ғазалда иккита асосдош (ўзакдош) сўз қўлланган. Ўзбекистон халқ шоири Нажмиддин Комилов қайд этганидек, “Биринчиси – наво. Навонинг маънолари кўп. У “мусиқа, куй, оҳанг, шу билан бирга мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия, нафосат” тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йиғсак, наво умумбашарий, умум-жаҳоний оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики, шундай экан, ягона руҳий қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шукуҳи, ором ва осойишталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, бу байтда қалб ороми, ички руҳий қониқиш нашидасини тасвирлаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янграган ва муғанний (иккинчи ўзак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган” [9.105]. Иккинчиси, Навоий – муаллиф тахаллуси.

Шеърда *наво* апеллятиви ўз луғавий маъносида ва шоир тахаллуси асоси сифатида қўлланиб, иттифоқ санъатига асос бўлган [10.126]. Иттифоқ санъатининг гўзал намуналари Алишер Навоий, Гадоий, Феруз, Фурқат, Чўлпон, Эркин Воҳидов, Омон Матжон каби шоирлар ижодида кўп кузатилади. Бу санъат туридан фойдаланиш ижодкорни сўз қўллаш маҳорати кучлилигидан далолат беради.

Доий Жавод таърифига кўра, итифоқ санъатининг моҳияти шундай: “... шоир шеърда ўз номи ёки тахаллусини ниҳоятда чиройли кўринишда шундай ўринли ишлатадики, ўқувчи хаёлига бир пайтнинг ўзида ана шу сўзнинг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноси келади” [11.26].

Шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов (1898, Андижон – 1938.4.10, Тошкент) *Чўлпон, Андижонлик, Мирзо Қаландар* тахаллуслари билан ижод қилган. Улар ичида *Чўлпон* шоирнинг доимий тахаллуси бўлиб, шу тахаллус билан эл орасида машҳурдир. *Чўлпон* – тонг юлдузи, ёруғ юлдуз (Венера) номи. Шоир “Қаландар ишқи” шеърида *Чўлпон* атоқли отини ҳам юлдуз номи – космоним, ҳам тахаллус сифатида келтириб иттифоқ санъатидан моҳирона фойдаланган:

Муҳаббат осмонида гўзал
Чўлпон *эдим, дўстлар,*
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку [13.12].

Асли хўжандлик бўлиб, Қўқонда хон саройида ижод қилган шоир Маъюс (Домулла Тўрахон, XIX аср бошлари) ҳам бу санъат туридан ўз шеърларида фойдаланган:

Қилмағил ***Маъюслиқ*** *бирла фиғону*
нолаким
Кўнглига таъсир қилмас бу
наволардин бири [12.279].

Маъюс сўзи “ғамгин, хафанамо, умидсизликка тушган” маъноларини билдиради.

Мажзуб Намангоний (асл исми Абдулазиз (XVIII а. 2-ярми, ўзбек тасаввуф адабиётининг йирик намояндаларидан бири) ўз шеърларида

тахаллусини кўплик шаклида қўллаб иттифоқ санъатини яратган:

Ҳама дардманга шифо лутф қил,
Ки солик элига Сафо лутф қил,
*Ки **Мажзубларға** вафо лутф қил –*
Умидворлардир,
умидворлар,Умидворлардир,
умидворлар [15.27].

Мажзуб сўзи “ақлдан озган, девона, жинни, мажнун; тасаввуф аҳли” [16.198] маъноларини билдиради.

Тахаллусни шеърда шакл ва мазмун уйғунлигида қўллаш, у асосида маълум шеърий санъатлар яратиш, бадиийлик ва образлилик ифодалаш ҳам юксак маҳоратдан далолат беради. Ўзбек мумтоз шеъриятида тахаллуслар айнан бир матнда бир неча санъатларга лисоний асос бўлганлиги ҳам кузатилади.

Шакли бир хил (омоним) ёки бир-бирига яқин (омограф, омофон, омоформа) бўлган сўзларни байтни турли ўринларида келтирган ҳолда, ҳар бир ўринда алоҳида маънони ифодалаш **тажнис** (ар. ҳамжинс, жинсдош) санъатидир [17.301].

Ўзбек мумтоз шеъриятида бир шоир томонидан иккинчи бир шоирга унинг тахаллусини келтириб, шеър битиш анъанаси ҳам кузатилади. Масалан, шоир Муҳий марғилонлик Мулла Абдураҳмонга унинг тахаллусини, яъни Ҳижратни келтириб, рубоий битган. Рубоийда *ҳижрат* луғавий бирлигини уч мисрада қўллайди. Шоирнинг маҳорати шундаки, сўз ҳам апеллятив – “бир нарсадан ажралиш, узилиш, тарк этиш, узоқлашиш” маъносида, ҳам ономастик бирлик – атоқли от, яъни тахаллус сифатида қўлланган ва иттифоқ, тажнис санъатини яратишга асос бўлган. Байтнинг матлаъсида тахаллус ўз вазифасида қўлланилган, яъни “Мен – Ҳижрат сенинг наслингни ихтиёр қилган эдим”; иккинчи байтда *ҳижрат* сўзи “тарк этиш, узоқлашиш”, яъни ўз маъносида ҳамда ижодкорнинг номи сифатида қўлланган, яъни “Келиб билсам, сен ҳам мени ихтиёр айлаб ватанингни тарк этибсан”; 3-4-мисрада эса сўз ўз маъносида, яъни, “Сени Андижондан ҳам тополмай, шу сабабдан Марғилондан ҳижрат этдим” фикрларини ифода этган:

Қилған эдим мен сени наслингни
***Ҳижрат** ихтиёр*
*Келдиму билдимки, сен ҳам **Ҳижрат***
айлаб ихтиёр
Бозгашти Андижон ҳам топмадим
сандин асар
*Шул сабабдин Марғинондин **ҳижрат***
этдим ихтиёр [14.602].

Хуллас, тахаллуслар нафақат шоир ва ёзувчининг номи сифатида қўлланувчи бирликгина эмас, шеърий санъат ва унсурларни юзага келтирувчи, бадиийлик, образлилик, таъсирчанлик, жозибадорлик ва оҳангдорликни ифодаловчи лисоний воситадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-ж.
2. Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013.
3. Мочалкина К.С. Псевдонимы в системе современной русской антропонимии: Дис. ... филол. наук. – Волгоград, 2004.
4. Бонделатов В.А. Семиотическая изучения топонимии // Топонимия Центральной России. – М., 1974.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003.
6. Қаранг. Маматов А.Э. 100 наиболее важных функции языка – Тилнинг энг муҳим 100 та функцияси. – Тошкент: BAYOZ, 2014.
7. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.
8. Қаранг. Ҳамидов З. Навоий бадиий санъатлари. – Тошкент, 2001.
9. Комилов Н. Тимсоллар тилсими // Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. – Тошкент: Камалак, 1991.
10. Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2007.
11. Қаюмий П. Тазкираий Қаюмий. – Тошкент, 1998. – 1-ж.

12. Қаюмий П. Тазкираий Қаюмий. – Тошкент, 1998. – 2-ж.
13. XX аср ўзбек шеърияти антологияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
14. Қаюмий П. Тазкираий Қаюмий. – Тошкент, 1998. – 3-ж.
15. Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. – Тошкент: 2007.
16. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. – 2-ж.
17. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.

ИНТЕНЦИОНАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ КОГНИТИВ-ФУНКЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ

КРИТИЧЕСКИЕ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ КАТЕГОРИИ НАМЕРЕНИЯ

CRITICAL AND FUNCTIONAL ASPECTS OF INTENTION CATEGORY

А.Р.Нажмеддинов- тадқиқотчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Интенционаллик инсон фаолиятининг вектори сифатида у ёки бу эҳтиёжни қондириш мотиви асносида юзага чиқувчи ихтиёрий табиатга эга бўлган мураккаб майдон ҳисобланади. Хоҳиш-истак, шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, орзу ва истак босқичидан то уни амалга ошириш фазасигача бўлган ривожланиш поғоналарини босиб ўтувчи мотив сифатида баҳоланиши мумкин.

Хоҳиш-истак ташқи ва ички туртки омили таъсирида шаклланади: биринчи босқичда эҳтиёж пайдо бўлиб, уни қондиришга бўлган иштиёқ вақт ўтгани сари интенсивлаша боради, ушбу ҳис инсонни безовта қила бошлайди. Натижада эса конкретлашмаган ва амалга ошириш стратегияси мавжуд бўлмаган мавҳум мақсад пайдо бўлади.

Калит сўзлар: мотив, стратегия, вектор, нутқ механизмлари, лисоний тизим, таснифлаш, прагмалингвистика, морфологик интенционал бирлик, граммема

Аннотация. Интенциональность как вектор деятельности человека - сложное поле произвольного характера, возникающее при побуждении к удовлетворению той или иной потребности. Желание, если смотреть с этой точки зрения, можно рассматривать как мотив, который проходит стадии развития от стадии мечты и желания до стадии его реализации. Желание формируется под влиянием внешних и внутренних мотивирующих факторов: на первом этапе возникает потребность и со временем усиливается желание удовлетворить ее, это чувство начинает беспокоить человека. В результате получается абстрактная цель, которая не является конкретной и не имеет стратегии реализации.

Ключевые слова: мотив, стратегия, вектор, речевые механизмы, языковая система, классификация, прагмалингвистика, морфологическая интеллектуальная единица, грамматика.

Annotation. Intentionality as a vector of human activity is a complex field of an arbitrary nature that arises when prompting to satisfy a particular need. Desire, viewed from this point of view, can be viewed as a motive that goes through the stages of development from the stage of dreams and desires to the stage of its realization. Desire is formed under the influence of external and internal motivating factors: at the first stage, a need arises and over time the desire to satisfy it increases, this feeling begins to bother a person. The result is an abstract goal that is not specific and has no implementation strategy.

Key words: motive, strategy, vector, speech mechanisms, language system, classification, pragmalinguistics, morphological intellectual unit, grammar.

Интенционаллик категориясининг моҳияти ҳамда уни ифодаловчи воситаларнинг кўп қиррали ва тизимли таҳлили учун хоҳиш-истакни инсон онгида пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичларига назар солган маъқул. Интенционаллик категориясининг нутқда турли лисоний ва нолисоний воситалар орқали акс этиши унинг психологик долзарб категория сифатида воқеаланишга нақадар мойиллигидан далолат беради. Мазкур категория, нисбатан торроқ лисоний тушунча поғонасида, хоҳиш-истак концепти орқали майдон тузилмасини ташкил қилади. Е.П. Ильин хоҳиш-истакни инсон хулқ-атворини бошқарувчи омил сифатида баҳолайди [1].

Хоҳиш-истак ташқи ва ички туртки омили таъсирида шаклланади: биринчи босқичда эҳтиёж пайдо бўлиб, уни қондиришга бўлган иштиёқ вақт ўтгани сари интенсивлаша боради, ушбу ҳис инсонни безовта қила бошлайди. Натижада эса конкретлашмаган ва амалга ошириш стратегияси мавжуд бўлмаган мавҳум мақсад пайдо бўлади. Арестова мазкур босқични истиқболли мақсадларни белгилаш (перспективное целеполагание) дея атайди [2]. Айнан шу босқичда инсон онгида рационаллик фаоллашади ва хоҳиш-истак объектини ҳар тарафлама тарозуда тортиб кўриш стадиясига ўтади, натижада мана шу мақсад олди ҳолати истак босқичига ўтади ёки ундан воз кечилади.

Иккинчи босқичда инсон истагини амалга ошириш учун имкониятлари, мавжуд шарт-шароит, маънавий меъёрлар, ҳаётий тамойиллар таҳлили асносида жамики эҳтиёжини қондириш йўлида фойдаланувчи воситаларни жамлаш ва учинчи босқичда эса мақсадга эришиш стратегиясини тузиш билан шуғулланади. Мазкур вазиятда мотив нафақат таркибий, балки даражаланувчи табиатга эга эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин, чунки мақсадга эришиш қарори қабул қилинганида кутилган натижага қай даражада эришиш мумкинлиги назарда тутилади, яъни истакда шахснинг ўтмиш тажрибалари асосида шаклланган келажак акс этади [3]. Ташқи омиллар орқали юзага келувчи истак эса қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ташқи турткини қабул қилиш, унинг моҳияти ва долзарблигини англаш ва унга муносабат билдириш, яъни истакни мутлақ ҳосил қилиш босқичи. Вазият тақозо қилган ҳолатлар, муайян буйруқ, илтимосни қабул қилиш ёки инсон ўзи учун ёқимсиз бўлган вазиятларнинг бошдан кечиришга мажбур бўлган ҳолатлар ҳам ҳам мазкур босқичлар иерархиясидан иборатдир:

Турғуной отаси ўлиб, ноиложликдан, кўчада қолмаслнк учун эрга тегишга мажбур бўлган. Аммо, сўхтаси совуқ эри унинг кўзига алвасти бўлиб кўринади. Ўтмишда Тургунойлар бундай қисматга кўниши, умрининг охиригача «пешонамга битгани шу экан» деб, тенгсизлик, ҳуқуқсизлик исканжасида ўтиб кетиши муқаррар эди. Жуда нари борганда, эллик яшар дўппифуруш Абдураззоққа тушган аммасининг қизидай «пес бўлсам қўйиб юборади» деб овқатга калтакесак солиб ейиши мумкин эди (Қаҳҳор А.,Сароб11).

Кўриниб турибдики, истак категорияси, хоҳ ички, хоҳ ташқи омил турткиси билан юзага келмасин, унинг асосида эҳтиёж ётади. Юқорида келтирилган мисолда, масалан, суҳбатдошга ёрдам бериш эҳтиёжининг мавжудлиги сезилади.

Инсон онгида вужудга келиб, нутққа кўчиши мумкин бўлган хоҳиш-истак турларининг чексиз эканлигига қарамасдан, уларни умумлашмаси, яъни коммуникатив интенцияларнинг яхлит тизимлашган таснифини ишлаб

чиқиш имконияти бор, бироқ мазкур масалага, табиийки, умумий ёндашув мавжуд эмас. Анъанавий синтаксис тамойилларига кўра улар уч гуруҳга жамланади – дарак, сўроқ, ундов. Коммуникатив мақсаднинг уч хил оппозицияга эга эканлигини функционал грамматистлар, масалан, Е.В.Гулыга, К.Г.Крушельницкая сингари тилшунослар ҳам таъкидлайди [4]. О.И.Москальская эса коммуникатив мақсадни икки гуруҳга ажратишни таклиф қилади – хабар бериш ва жавоб реакциясига ундаш интенцияси [5]. В.А.Артемов эса нутқий фаолиятнинг барча кўринишлари тўрт хил гуруҳга таснифланиши мумкинлигини уқтиради, яъни хабар бериш, савол бериш, ундаш ва ҳис-хаяжон кўрсатиш [6]. Гапнинг ушбу коммуникатив турлари ўз навбатида кичик турларга ажратилади.

Грамматик бирликларни грамматик категорияларга бирлаштиришда шу категорияга хос умумлашган маъно асос бўлиб хизмат килади. Категорияга хос бу умумлашган маъно мазкур категорияга бирлашган ҳар бир граммемада такрорланади. Шу билан биргаликда категория доирасидаги ҳар бир граммеманинг бошқасидан фарқ қиладиган маъноси ҳам бор. Ана шу маънолар категория унсурларининг ўзаро зидланишида асос бўлиб хизмат килади. Шундай килиб, категория маъноси билан категория таркибидаги граммема маъноси ўртасида тур-жинс муносабати мавжуд [7]. Семантик вазифа эса тилнинг муайян бирлиги орқали ифодаланувчи яхлит мазмун, ахборот етказиш вазифасидир.

Лисоний категорияларни таснифлашда энг муҳим мезонлардан бири уларнинг семантик потенциалидир [8]. Аввалambор, интенционаллик категориясининг тегишли қиймати ва ундан кўзланган коммуникатив мақсадни, яъни иллокутив таъсир ҳосил қилишда ўйнайдиган ролини чегаралаб олиш даркор:

Баракалла, она қизим. Боғча опангга ҳам раҳмат, — деди набирасини қўлидан тутиб. Нозима яна бийрон тиллари билан бидирлай кетди.

*— Бу, менинг ўртача ясанганим. Наврўз байрамида янаям зўр кийинаман (*Абдуллаев А., 4).

Мазкур мисолда бехабитив иллокутив таъсир бобонинг коммуникатив интенциясига ишора қилаётган бўлса, қуйидаги парчада экзерситив иллокуция сезилади:

— «Менинг ҳеч бир касбим бўлмаса, савдо-сотиқ қилмасам, қизил қоғоз олган бўлмасам... озгина ер-сув билан нечик бадавлат бўлайин?»

— «Бизни алдаёлмайсан, Мирёқуб! Биз сени ниҳоят даражада ҳурмат қиламиз. Бугун ҳузуримизга олиб келиб сўроқ қилганимиз учун сендан кечирим сўрашгача борамиз. Сен — бизнинг оламимизда улкан кишилардансан. Ўрислар сенга ўхшаганларни китобларда мақтайдилар. Сенинг ҳамма ҳунаринг, енг ичида иш кўриб, шунча пул топишингда. Сен завод парракларини айлантираётган кишисан. Фақат бир жойга бир чақа солиқ тўламайсан. Шундай бўлгандан кейин, сендай улуғ бир одам бир ишни чуқур ўйламасдан қилмайди. Ҳалиги масалада бизга ҳақиқий планингни айтиб бер!»

Муайян жумланинг қандай нутқий актни ифода этаётгани унинг референт маъносида акс этмайди, чунки нутқий таъсирнинг (иллокуция) актуаллашуви даражаси одатда белгиланмаган бўлади. Иллокутив вазифани аниқлаш учун нутқий вазиятни моделлаштириш даркор. Бунда нутқий вазият қатнашувчилари, коммуникантларнинг ўзаро мулоқотдаги тажрибаси ва муносабати, информатив звено ҳамда перлокутив натижа ҳисобга олинади [9].

Интенционалликни тилга кўчирувчи воситалар, одатда, суҳбатдошга нутқий таъсир кўрсатишнинг турли оттенкаларини ифодалаш мақсадида **қўлланилади (хабар бериш, маслаҳат, буйруқ, илтимос ва ҳ.к.) Шу туфайли** ҳам интенционаллик категориясига нафақат анъанавий тилшунослик нуқтаи назаридан функ-

ционал-семантик категория, балки коммуникантларнинг фаолиятини тартибга солувчи воситалар тадқиқи истиқболларини кўзлаб, прагмалингвистик жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш бугунги кун тилшунослари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, коммуникатив интенциянинг моҳиятини очиб бериш, нутқий сигналларнинг сўзловчи/муаллиф томонидан актуаллашуви, умуман олганда, интенционалликни конкрет нутқий вазиятда тўғридан-тўғри ифодаланишини таъминловчи воситаларнинг сифатий таҳлили долзарблигича қолмоқда.

Интенционалликни ифодалувчи мисоллар таҳлили кўрсатдики, уларнинг асосий қисми констативлар гуруҳига мансубдир. Бироқ ушбу мисолларнинг инвариантлилик нуқтаи назаридан олиб қаралса, имкониятлари анча кенглигига гувоҳ бўламиз. Контекстдан айро гаплар, бир қарашда, муайян иш-ҳаракатни бажариш истагини ифодалайди, лекин контекст ичида аслида умуман бошқа коммуникатив интенция назарда тутилганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, қуйидаги мисол иллокутив жиҳатдан экспозитив таъсирга эга:

"Паранжиси эски, ҳар келганида бировникини ёпиниб келади".

Бироқ контекст ичида унинг аслида экзерситив компонент эканлиги маълум бўлади:

Ҳеч бўлмаса битта паранжи олиб келинг, савоб бўлади. Хотин кишига паранжи олиб бериш мачит солишдан ҳам савоб эмиш. Паранжиси эски, ҳар келганида бировникини ёпиниб келади (Қаҳҳор А., 14)

Яна адабий асардан олинган парчаларни қиёслаймиз:

экзерситив: *Save your breath, brother.*

Аслини олганда, контекст бирлиги сифатида эса экспозитив: *“Save your breath, brother,” he said to the rug salesman.“This old girl ain’t got any floors to put a rug on”.*

Undaunted, the Kashmiri salesman suggested, “Then perhaps madam would like to hang a rug on her wall? (Gilbert E., 171)

Коммуникатив интенция қуйидаги турларда таснифланиши мумкин [11]:

қатъийликнинг прагматик товланишларига эга бўлган интенциялар гуруҳи:

қатъий тасдиқ, буйруқ, талаб, шунингдек, муайян информацияни талаб қилувчи сўроқ гаплар, раддия ва норозиликни ифодаловчи интенциялар;

- нейтралликнинг прагматик товланишларига эга бўлган интенциялар маслаҳат, таъкид, тушунтирув, таклиф, тилак, ваъда, рухсат ва ҳ.к.

- ноқатъийлик, мавҳумлик, ноаниқлик оттенкаларига эга бўлган интенциялар: илтимос, ўкинч, тахмин, шубҳа ва ҳ.к.

Ушбу хулосалар интенционалликни лисонда турли қатъийлик даражаси билан ифода этувчи воситаларнинг нутқий актнинг иллокутив жиҳати билан чамбарчас алоқасига ишора қилади. У ёки бу лисоний воситалар коммуникатив интенциянинг муайян гуруҳини ифодалашда доминант бўлиб, бир-биридан қатъийлик даражасига кўра фарқ қилади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, мазкур мутаносиблик абсолют бўла олмайди, балки эхтимолий – спекулятив характерга эга ҳисобланади, чунки ҳар қандай мисолнинг ўзгача талқини мавжуд ва бу омил олинган хулосаларнинг номувофиқлиги эмас, балки инсон тафаккурида идеал, симметрик лисоний қолипга солиб бўлмайдиган ҳақиқатнинг кўп ёқлама эканлигидан далолат беради.

Е.В.Заюкова интенционаллик категориясини ифодаловчи лисоний воситаларни қуйидаги уч хил нутқий вазиятда прагматик таҳлилини амалга оширмоқ жоиз эканлигини таъкидлайди [11]:

1) нутқий мулоқотда коммуникантлар тенг статусга эга бўлган вазият;

2) нутқий мулоқотда коммуникантлар мавқеи тенг бўлмаган вазият: истакни амалга ошириш ифодаси мавқеи пастроқ субъект томонидан амалга оширилади;

3) ва, аксинча, истакни амалга ошириш ифодаси мавқеи баланд турувчи субъект томонидан амалга ошириладиган вазият.

Биринчи ва иккинчи вазиятларда, ўз-ўзидан маълумки, истакнинг интенсив ифодаси ва хабар мазмунининг потенциаллашувини тақозо қилади. Ушбу вазиятда шахс ўз-ўзи билан келишиши ва мулоқотнинг муваффақиятини таъминлашга максимал куч сафарбар этади, ва, кўпинча, муайян шахсий тамойиллардан вақтинча воз кечиши тақозо этилади – ялиниш, илтимос қилиш, ўзини оқлаш ва ҳ.к. ҳолатлар кузатилади.

Мувофиқ равишда, истакни интенсивлик билан ифодаловчи бирликлар субъектда қатъийликнинг сустлиги ёки йўқлиги билан боғлиқ бўлган, шу орқали адресантда мойиллик уйғонишига туртки бўлувчи коммуникатив интенцияни ифодалайди:

Қизиқ, ҳозирги гаплар навбатдаги рашк хуружими ёки айни ҳақиқат? Йўқ, Баҳорсиз Ботирга яшаш қийин. Ахир, ҳаётда ягона қувончи шу аёл бўлса...

Бунга асло йўл қўйиш керак эмас.

*— Баҳор, хоҳласангаз, **шу бугуноқ ёнингизга кўчиб келаман**. Фақат мени қўрқитманг, **сизсиз хароб бўламан, ўтиниб сўрайман,** мени ташлаб кетманг.(Абдуллаев А.,155)*

*“Just let it be, Mr. Link, **please** suh,” Helen **begged.** “The hell I will,” said Mr. Link. He told her to come by his store that afternoon before she left. (Lee H., 169)*

Ажратиб кўрсатилган компонетлар субъектнинг ўз мақсадига эришиш учун интенсив ҳаракатидан, шу орқали қатъийликдан воз кечиб, суҳбатдошдан ижобий муносабат кутаётганидан далолат беришини кўрсатади.

Кўринадики, қатъийлик прагматик оттенкаларига эга бўлган коммуникатив интенциялар субъектнинг қатъийликдан ҳоли эканлигига ишора қилувчи ва кучли истакни англатувчи, экспрессив бўёқдорликка эга лисоний воситалар орқали ифодаланади.

Учинчи, мавқеи фарқли коммуникантлар вазиятида, яъни истак мавқеи баланд шахс томонидан изҳор қилиниши тақозо қилинганда, нейтрал оттенкага эга бўлган бирликларнинг қўлланилиши кузатилади, яъни ялиниш, ўкинч каби вазиятлар камдан-кам ҳолатларда – эмоционал чегараларнинг бузилганида кузатилиши мумкин холос [12]:

After a pause, Lord Henry pulled out his watch. "I am afraid I must be going,
Basil," he murmured, "and before I go, I insist on your answering a question I
put to you some time ago."
"What is that?" said the painter, keeping his eyes fixed on the ground.
"You know quite well."
"I do not, Harry."
"Well, I will tell you what it is. I want you to explain to me why you won't
exhibit Dorian Gray's picture. I want the real reason."(dorian7)
He said to the boy:
“I want you to take a message to that young lady on that bench. Tell her I am on my way to the station, to leave for San Francisco, where I shall join that Alaska moose-hunting expedition. Tell her that, since she has commanded me neither to speak nor to write to her, I take this means of making one last appeal to her sense of justice, for the sake of what has been. Tell her that to condemn and discard one who has not deserved such treatment, without giving him her reasons or a chance to explain is contrary to her nature as I believe it to be. Tell her that I have thus, to a certain degree, disobeyed her injunctions, in the hope that she may yet be inclined to see justice done. Go, and tell her that (O.Henry, 39).

Шубҳасиз, мазкур нутқий вазиятда коммуникатив интенциянинг нейтрал ёки қатъийлик билан изҳор қилиниши коммуникантларнинг ўзаро муносабатидан ҳам келиб чиқади. Мазкур вазиятни конкретлаштириш учун

кўмак берувчи омиллар қаторида яна фонетик (хос интонация ва урғу), график (ёзма нутқда катта ҳарфларнинг қўлланилиши, бўғинларнинг ажратилиши), лексик ва синтактик воситаларнинг қўлланилиш йўсини ҳам туради:

Still, he is certain that I will find great love in my life someday. He’s sure of it. After all, he says, “beauty attracts beauty.” Which is a lovely thing to say, truly. Which is just about the loveliest thing that the love of your life could ever possibly say, when he’s not saying, “COME BACK! DON’T GO! I’LL CHANGE!” (Gilbert E., 98)

Акрамжон, буларга тобут воқеасини айтиб беринг... йўқ, йўқ, ўзим айтиб бераман! Бунга беш йилдан ошди. Кўз олдимдан кетмайди... Қалин қор ёққан кун эди. Мен деразанинг рўпарасида мана шу хилда ётибман, Акрамжон пайпоғини ямаётган эди шекилли. Бирдан кўча эшигимиз очилди-ю, қизил бир нарса кирди, нима экан деб қарасам - тобут! Акрамжоннинг икки ўртоғи ҳовлимизга тобут кўтариб кирди! Юрагим жиғ этиб кетди... Вой шўрим, наҳот ўлган бўлсам...(Қаҳҳор А., 59)

Ҳавола этилган парчаларда сўзловчининг эмоционал ҳолати муайян пунктуацион воситалар, хусусан, истакнинг кучли эканлиги катта ҳарфлар билан, кўп нуқтанинг берилиши эса буйруқ-истак майлида ифодаланган жумладан кейинги вазиятда адресатда иккиланиш ва коммуникатив интенциянинг ўзгариши тенденциясига ишора қилмоқда.

Демак, муайян иллокутив таъсирнинг нутқда фаоллашуви мулоқот вазияти, вақти, ўрни, коммуникантларнинг ўзаро муносабати ва ижтимоий мавқеи, лисоний компетенцияси ва ҳ.к. сингари омилларга боғлиқ ифодаланар экан. Коммуникатив интенция, ўз навбатида, ифода қатъийлигининг турли даражаларига (қатъий, нейтрал, пассив (қатъийликдан ҳоли)) эга экан.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ильин Е.П. Сущность и структура мотива // Психологический журнал. — Том 16.-1995.-№2.-С. 27

2. Арестова О.Н. Мотивация и перспективное целеполагание в мыслительной деятельности // Вестник Московского университета. — Серия 14. — Психология. - 1999. - №3. - С. 16-25.

3. Ильин Е.П. Сущность и структура мотива // Психологический журнал. — Том 16.-1995.-№2.-С. 27-41.

4. Гулыга Е. В. О семантике предложения //Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. – 1975. – С. 21-29.; Крушельницкая К. Г. Проблемы взаимосвязи языка и мышления //Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. – 1970. – С. 371-416.

5.Москальская О. И. Грам м атика текста. -М.: Высшая школа, 1981. – С. 57- 58

6. Артемов В. А. Конспект вводных лекций по курсу «Психология перевода» //М.: Изд. МГИИЯ им. М. Тореза. – 1969. – С. 58

7. Категория. [Электрон манба: https://qomus.info/encyclopedia/cat-g/grammatika-uz/]

8. Трунова О.В. Семантические константы и дискурсная дивергентность форм категории модальности в английском языке. Автореф. дисс... докт. филол. наук. — Санкт-Петербург, 1995. – С.16

9. Трунова О.В. Семантические константы и дискурсная дивергентность форм категории модальности в английском языке. Автореф. дисс... докт. филол. наук. — Санкт-Петербург, 1995. – С.17

10.Заюкова Е.В. Семантические и прагматические особенности лексических средств выражения интенциональности // Актуальные проблемы гуманитарного знания: Материалы региональной научно-практической конференции молодых ученых. - Барнаул, 2004. — С. 81-87

11.Заюкова Е.В. Критерии интерпретации интенциональности высказывания // Дополнительное профессиональное образование в условия модернизации: теория и практика: Материалы всероссийской научно-практической конференции. - Часть 2. - Барнаул, 2005с. - С. 210-215

12. Заюкова Е.В. Критерии интерпретации интенциональности высказывания // Дополнительное профессиональное образование в условия модернизации: теория и практика: Материалы всероссийской научно-практической конференции. - Часть 2. - Барнаул, 2005с. - С. 210-215

ИНГЛИЗ ТИЛИДА “BEAUTY” КОНЦЕПТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ КОМПОНЕНТ ТАҲЛИЛИ

КОМПОНЕНТНЫЙ АНАЛИЗ ЛЕКСЕМ, ВЫРАЖАЮЩИХ КОНЦЕПТ «КРАСОТА» В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

COMPONENTIAL ANALYSES OF LEXEMES EXPRESSING CONCEPT “BEAUTY” IN THE ENGLISH LANGUAGE

А. Ихтиёров-ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий инглиз тилида beauty (гўзаллик) концептини ифодаловчи лексемалар компонент тахлил қилиниб, уларнинг архисема, интеграл ва дифференциал семаларини аниқлашга ҳаракат қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: архисема, интеграл сема, дифференциал сема, эксплицит, имплицит.

Аннотация. В данной статье проводится компонентный анализ лексем, представляющих понятие «красоты» в современном английском языке и делается попытка определить их архисему, интегральные и дифференциальные семы.

Ключевые слова и выражения: архисема, интегральная сема, дифференциальная сема, эксплицитный, имплицитный

Annotation. This article touches upon with componental analyzes of lexemes representing the concept of “Beauty” in modern English and tries to identify their archiseme, integral and differential sememes.

Key words and expressions: archiseme, integral sememe, differential sememe, explicit, implicit.

Ҳозирги кунда компонент таҳлил методи юқори даражада мукаммаллаштирилган бўлиб, ундан семасиолог олимлар кенг фойдаланишмоқда.

Компонент таҳлил усулининг бош мақсади лексик бирликнинг маъносини семаларга бўлиб ўрганишдир. Чунки лексик бирликлар маъно структурасининг асосини худди шундай семалар ташкил қилади.

Тилшунослик тарихида бу метод ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Баъзи тилшуносларнинг фикрича, компонент таҳлил методи илк бор америкалик тилшунос А.Гуденаф ва Р.Лаунсбериларнинг ишларида қўлланилган [3. 45-50]. Кейинчалик ундан семасиологик тадқиқотларда фойдаланиш оммавий тус олди.

1930-1940 йилларда ҳам бир гуруҳ олимлар компонент таҳлил методидан фойдаланганлар. Булар жумласига Л.Ельмслев, Р.Якобсонларнинг ишларини киритиш мумкин. Улар Н.С.Трубецкий томонидан ишлаб чиқилган фонологик принципларни грамматика ва семасиологияда ҳам қўллаш кераклигини ёқлаб чиққанлар. Д.Лайонз бу методнинг Г.В.Лейбницнинг мантиқий-фалсафий қарашларига мос келишини уқтиради [4. 35-78].

1960 – 1970 йилларда мазкур таҳлил методи француз тилшунослик мактаби вакиллари А.Греймас, Б.Потьелар томонидан ҳам қўлланилган. Рус тилшунослигида эса ундан В.Г.Гак, Д.Н.Шмелев, Ю.Д.Апресьянларнинг тадқиқот ишларида фойдаланилганини кўрамиз. Умуман олганда, бу усул сўзнинг луғавий маъноси таркибини аниқлашда қўл келади.

В.Г.Гак сўзнинг семантик структурасидаги семаларнинг иерархиясига эътибор беради. У дастлаб Б.Потье қўллаган терминдан фойдаланиб,

умумий сема сифатида архисемани ажратади. Сўнгра предметнинг хусусий, ўзига хос томонларини ифодаловчи фарқловчи (дифференциал) семалар белгиланади [1. 13-43].

А.В.Кунин асосий сема сифатида интеграл ва дифференциал семаларни қайд этади. Агар интеграл семалар умумий ҳисобланиб, сўзларни бир гуруҳга бирлаштириш учун хизмат қилса, дифференциал семалар фарқлаш функциясини бажаради [2. 76-85].

Ҳозирги кунда компонент таҳлил методи юқори даражада мукаммаллаштирилган бўлиб, ундан семасиолог олимлар кенг фойдаланишмоқда.

Биз тадқиқотимизда юқорида номлари тилга олинган тилшунос олимларнинг сема тўғрисидаги фикрларига таянамиз ва дастлаб ҳар бир концептга хос бўлган архисемаларни аниқлаймиз. Хусусан, “beauty” концептини ифодаловчи сўзларнинг семантик структурасида “attractiveness” семаси мавжуд бўлиб, улар ушбу архисема асосида катта семантик майдонга бирлашади. Ушбу архисемалар сўзларнинг семантик структурасида *эксплицит* ёки *имплицит* тарзда намоён бўлади.

Архисеманинг эксплицит тарзда намоён бўлиши дейилганда унинг мазкур сўзнинг луғавий маъноси изоҳида яққол кўриниб туриши тушунилади. Масалан: *lovely – very attractive; shapely – attractive in shape; hideous – very unpleasant; raptures – showing great happiness; heart-broken – extremely sad or upset.*

Имплицит тарзда намоён бўлишида эса сўзнинг семантик таркибида архисема маркерлари яширин ҳолда бўлади. Уларни фақатгина кўп босқичли дефиниционтаҳлил орқали аниқлаш мумкин: neaten looking nice attrac-tive; aesthetic the beautiful qualities of smth extremely attractive.

Таҳлил этилаётган сўзлар бир-биридан бирор функционал услубга хослиги ҳамда руҳий ҳолатни кучли ёки кучсиз даражада ифодалаши билан ажралиб туради.

Инглиз тилининг Оксфорд, Уэбстер, Чемберс, Коллинз, Лонгмен, Хорнби, Макмиллан ҳамда бошқа изоҳли ва фразеологик луғатларини кўриб чиқиб, таҳлил қилинаётган сўзларнинг семантик гуруҳларини ташкил этувчи интеграл семаларни аниқладик. Интеграл семаларнинг айримларини жадвал тарзида кўрсатиб ўтамиз. Қолган лексик бирликларнинг интеграл семалари ҳам шу йўсинда аниқланади.

“Beauty” концептини ифодаловчи сўзларда 3 интеграл семаларнинг мавжудлиги маълум бўлди.

1) “Look attractive”. Ушбу сема инсоннинг умумий кўриниши ёқимлилигини ифодаловчи beautiful, good-looking, lovely, beauteous, handsome, pretty, charming, fine, elegance, Adonis, picturesque, comely, cover – girl, prince – charming, appealing, cutie, belle, raving, beauty queen, dazzling, enchantress, glamorize, photogenic, good – looks, statuesque, quaint, florid, fetching, winsome, lovable, blooming, presentable, sort, sleek, elegant, grace, graceful flatter, primp, transfigure, clean – limbed, sublime, sweet, aesthetic, attractive каби лексемаларнинг семемаларини (лексик маъноларини) бирлаштиради.

Масалан:

1. I choose my friends for their <u>good looks</u>, my acquaintances for their good characters, and my enemies for their good intellects [6;29];
2. Oh, something like <u>charming</u> boy – poor dear mother and I absolutely inseparable [6; 29];
3. He could not help liking tall, <u>graceful</u> young man who was standing by him [6; 43];
4. She was an extraordinarily <u>beautiful girl</u> … [6; 56];
5. If he is like his mother he must be a <u>good – looking</u> chap [6; 56];

6. I must confess that most of them are extremely pretty [6; 62];
7. He tried to look picturesque but only succeeded in being untidy [6; 63].

2) “Pleasing appearance of someone”. Инсоннинг қад-қомати, тана аъзолари ёқимлилигини ифодаловчи қуйидаги каби сўз ва сўз бирикмалар: curve, shape, shapeliness, curvaceous, fair, fair-proportions, vital statistics, suit, goodly, showy, dainty, straight, fit, slightly, bright-eyed, petite, lean, svelte, slim, slender, buxom, rounded, well-turned, regular, well-proportioned, florid, artistic, manly, leonine, bony, rosy алоҳида кичик майдонга умумлашади. Масалан:

а) Marry took dainty bites from the sandwich. [5. 368];

б) She has a tall slender figure [5. 1404];

в) She had a slim youthful figure [5. 1405].

3) “Pleasing appearance of things and nature”. Қуйида, миқдор жиҳатдан оз бўлса-да, предметлар ҳамда табиат кўринишининг ёқимлилигини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларини ажратдик: scenery, scenic, landscape, view, tidy, grandeur, gorgeous, spruce, neat, vision, polisher; neaten, snappy, fashionable, brightness, brighten, jewel. bejewel, pearl, resplendent and etc. Масалан:

1. The house was always neat and tidy [5; 998];
2. Switzerland has some spectacular scenery [5; 1327].

Интеграл семаларни жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин:

Beauty концептининг интеграл семалари

1 жадвал

№	Words and word combinations	Look attractive	Pleasing appearance of someone	Pleasing appearance of things and nature
1	Lovely	+	+	+
2	Beautiful	+	+	+
3	Good looking	+		
4	Handsome	+		
5	Pretty	+	+	+
6	Charming	+	+	
7	Adonis	+		
8	Cover - girl	+		
9	Belle	+		
10	Beauty - queen	+		
11	Shape		+	
12	Fail		+	
13	Showy	+	+	
14	Slender		+	
15	Slightly	+	+	
16	Slim		+	
17	Fit		+	
18	Scenery			+
19	Scenic			+
20	Landscape			+
21	View			+
22	Neat			+
23	Florid		+	

Жадвалдан кўриниб турибдики, look attractive, pleasing appearance of someone, pleasing appearance of things and nature семалари ўз гуруҳларидаги

сўзларни умумлаштирса, бир-бирига нисбатан дифференциал (фарқловчи) сема вазифасини бажаради, яъни 3 интеграл сема остида кичик семантик гуруҳларга ажралган сўзлар бир-биридан дифференциал семалари билан фарқланиб туради. Тадқиқотнинг кўрсатишича, “beauty” концепти маъносини ифодаловчи сўзларнинг кўп қисми инсон ташқи кўринишининг турли ҳолатлари, сўнг инсоннинг қад-қомати, шунингдек, оз миқдорда бўлса-да, предмет ва табиатнинг чиройлилигини ифодалаш учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гак В.Г Семантика структуры слова как компонент семантической структуры высказывания // Семантическая структура слова. Психологические исследования. – М.: Наука, 1971. - С. 78 - 96.
2. Кунин А.В. Английская фразеология. – М.: Высшая школа, 1970. - 344 с.
3. Goodenough W.H. Componential Analysis and the Study of Meaning // Language. 1956. - Vol. 32. - 190
4. Lyons J. Structural Semantics: Analysis of part of the vocabulary of plot. – Oxford, 1963. - 176 p.
5. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. Second Edition. – Macmillan Publishers Limited, 2007. - 1748 p.
6. Wilde O. The picture of Dorrian Gray. – M.: Худож. Лит-ра, 1958. - 639 p.

ОМОНИМ СЎЗЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСИ, МАТЕМАТИК МОДЕЛИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ (ОТ ВА ФЕЪЛ ҲАМДА СИФАТ ВА ФЕЪЛ ТУРКУМИ ДОИРАСИДА)

ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ОСНОВА ОМОНИМИЧЕСКИХ СЛОВ, МАТЕМАТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ И АЛГОРИТМЫ (СРЕДИ СУЩЕСТВИТЕЛЬНОГО И ГЛАГОЛА, ТАКЖЕ ПРИЛАГАТЕЛЬНОГО И ГЛАГОЛА)

LINGUISTIC BASIS OF HOMONYMIC WORDS, MATHEMATICAL MODEL AND ALGORITHM (AMONG THE NOUN AND VERB, THE ADJECTIVE AND VERB)

Ш.К.Гулямова, Х.И. Ахмедова- тадқиқотчилар,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Аннотация. Мақолада от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида кузатиладиган омоним сўзларнинг лингвистик асоси берилган. Лингвистик модел асосида от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида кузатиладиган омоним сўзларнинг математик модели ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: семантик, морфологик, синтактик фильтр, лингвистик ва математик модел, алгоритм, омонимликни бартараф этиш, қоидаларга асосланган теглаш усули

Аннотация. В статье дается лингвистическая основа омонимичных слов имени существительного и глагола, а также омонимов, наблюдаемых в рамках категории прилагательного и глагола. На основе лингвистической модели были разработаны математическая модель и алгоритмы существительного и глагола , а также слова-омонимы, наблюдаемые в категории прилагательного и глагола.

Ключевые слова: семантический, морфологический, синтаксический фильтр, лингвистическая и математическая модель, алгоритм, разрешение омонимов, метод тегов на основе правил

Abstract. The article provides a linguistic basis for homonymous words of a noun and a verb, as well as homonyms observed within the category of an adjective and a verb. On the basis of the linguistic model , a mathematical model and algorithms of the noun and verb were developed, as well as homonymous words observed in the category of the adjective and verb.

Keywords: semantic, morphological, syntactic filter, linguistic and mathematical model, algorithm, homonyms resolution, rule-based tag method

Компьютер тилшунослигида лингвистик моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Яратилган модел асосида дастурий таъминот яратилиб, тил бирлигининг корпусда берилиши масаласи ечим топади. Ўзбек тили семантик анализатори учун омоним сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш масаласи муҳим ҳисобланади. Бунинг учун дастлаб омоним сўзларни туркум нуқтаи назаридан гуруҳлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ш.Раҳматуллаевнинг “Омонимларнинг изоҳли луғати” омонимларни семантик фильтрлаш ҳамда аниқлаш учун лингвистик база бўлиб хизмат қилади. Ушбу манба асосида омоним сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш учун уларни қуйидагича гуруҳлаб чиқдик:

1) бир сўз туркуми доирасидаги омоним сўзлар;

2) от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида учрайдиган омоним сўзлар;

3) турли туркум доирасида вужудга келадиган омоним сўзлар.

Ҳар бир омоним турининг туркум табиатидан келиб чиқиб уларнинг лингвистик таъминотини ва у орқали лингвистик моделини тузиш лозим. Чунки бир сўз туркуми доирасидаги омоним сўзлар қуршовини от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида учрайдиган омоним сўзлар ёки турли туркум доирасида вужудга келадиган омоним сўзлар қуршовини моделлаштириш каби амалга оширилмайди. Омонимлар сўзлар қуршовини моделлаштириш бир қатор муҳим жиҳатларни эътиборга олишни тақозо этади.

Биз “Омонимларнинг изоҳли луғати”дан от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида учрайдиган 55 та омоним сўзларни ажратиб олдик. Бу омоним сўзларнинг 46 таси от ва феъл, 9 таси сифат ва феъл сўз туркуми орасида воқеланган.

Бу миқдорни диаграммада қуйидагича ифодалаш мумкин:



Равшан бўладики, от ва феъл орасидаги омонимлик 84 % ни, сифат ва феъл орасидаги омонимлик 16 % ни ташкил этади.

Бундай омонимлар учун махсус морфологик, морфо-синтактик фильтр базасини яратдик.

Ари I от. Парда қанотли чақадиган ҳашарот.

Ари II феъл. Йўқолмоқ, тугамоқ, кетмоқ [4, Б. 21].
1) ари+ни/лар/ча=от
2) ари+ма/ган/гунча/гин/май/ди=феъл
Ая I от. Фарзандни дунёга келтирган аёл, она.
Ая II феъл. Авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ [4, Б. 24].
1) ая+жон/м/нг/си/миз/нгиз/нинг/ни/га/да/дан/лар=от
2) ая+ ма/май/мас/ган/р/б/гач/гунча/-гудек/й/нг/син/нгиз =феъл.
От ва феъл орасидаги юқоридаги каби омонимларни мана шундай фильтр орқали фарқладик. От-омонимни отга хос луғавий ва синтактик шакл ясовчи қўшимчалар (отнинг луғавий шакллари: кўплик [-лар], кичрайтириш [-ча, -кай, -ак, -чак, -чоқ, -чиқ, -(а)лоқ], эркалаш [-жон, -хон, -гина], ўхшатиш [-дек, -дай], қарашлилик [-ники], чегара [-гача], ўрин белгиси [-даги]; синтактик шакллар: келишиклар [-нинг, -ни, -га, -да, -дан], эгалик шакллари [-м/-им, -нг/ -инг, -и/ -си, -миз/ -имиз, -нгиз/ -ингиз, -(лар)и] ёрдамида аниқлаш мумкин.
Буни қуйидагича моделлаштириш мумкин:
$H_N + LF_N + SF_N = N$
Бунда H_N – омоним сўз, LF_N (Lexical forms of the noun) – отнинг луғавий шакллари, SF_N (Syntactic forms of the noun) – отнинг синтактик шакллари, N (Noun) – от сўз туркуми.
Ушбу моделни қуйидаги субмоделда воқелантириш мумкин:
H_N+SG _aff /PL _aff /DF _aff /PF _aff /DepF _aff /BF _aff /PS _aff /CS _aff =N
Бу ҳолатда: H_N – омоним сўз; SG/PL _aff (Singular/Plural) – бирлик/кўплик; DF _aff (Diminutive form) – кичрайтириш шакли; PF _aff (Pampering form) – эркалаш шакли; DepF _aff (Dependent form) – қарашлилик шакли; BF _aff (Boundary form) – чегара шакли; PS _aff (Possessive) – эгалик; CS _aff (Case) – келишик; N _aff (Noun) – от.
Феъл-омонимни эса феълга хос луғавий ва синтактик шакл ясовчи аффикслар (луғавий шакллар: феълнинг вазифа шакллари, нисбат шакллари, бўлишсизлик шакли [-(и)ш, -(у)в, -моқ (-мак), -ган, -кан, -қан, -а(р), -мас, -(и)б, -(а)й, -гач, -кач, -қач, -гани, -кани, -қани, -гунча, -кунча, -қунча; -н, -ин, -л, -ил, -дир (-тир), -ир, -ар, -из, -ғиз (-гиз, -қиз), -сат, -т, -(и)ш]; синтактик шакллар: замон, майл, шахс-сон шакллари [-ди, -ади, -моқда, -ётир, -яп, -моқчи; -(а)й, -гин, -син, -(а)йлик, -(и)нгиз; -м, -нг, -к, -нгиз / -ман, -сан, -миз, -сиз]) ёрдамида аниқлаш мумкин. Буни эса қуйидагича моделлаштирамиз:
$H_V + LF_V + SF_V = V$
Бунда H_V – омоним сўз, LF_V (Lexical forms of the verb) – феълнинг луғавий шакллари, SF_V (Syntactic forms of the verb) – феълнинг синтактик шакллари, V (Verb) – феъл сўз туркуми.
Ушбу моделни қуйидаги субмоделда воқелантириш мумкин:
H_V+ Inf _aff /RF _aff /V_h+V_s+V_r=V
Бунда: H_V – омоним сўз; Inf _aff (infinitive form) – феълнинг бўлишсиз шакли;
RF _aff (Ratio form) – феъл нисбати; V_h – ҳаракат номи; V_s – сифатдош; V_r – равишдош; V – феъл сўз.
Айрим ҳолатда феъл-омоним 2-шахс буйруқ майлида грамматик шаклсиз (ая) келганда уни қуйидагича фарқлаш мумкин бўлади:
0/-ни + ая = бугун/болани/онани... ая
Модели қуйидагича:
CS _aff (nominative/ accusative)+H_2
Айрим от ва феъл сўз туркуми орасидаги омонимлик эса бошқача усул билан аниқланади. От туркумида воқеланадиган омонимни морфологик, феъл туркумидаги омонимни эса синтактик омил асосида қуйидаги фильтр орқали фарқлаймиз:
Атала I феъл. Суюқ массани чўмич билан тўлғазмоқ, қориштирмоқ.
Атала II от. Унни ёғда қовуриб, сув билан қайнатиб тайёрланадиган суюқ енгил ҳазм овқат [4, Б. 23].
1) атала+қилмоқ/бўлмоқ=феъл;
2) атала + нинг/ни/га/да/дан/м/нг/-си/миз/нгиз/лар=от
Чунки бу ҳолда феъл-омонимни грамматик шаллар орқали фарқлаб бўлмай қолади, шунинг учун ундан сўнг

қилмоқ, бўлмоқ каби ёрдамчи феъл шаклларини келтириш орқали қўшма феълнинг биринчи компоненти сифатида фильтр орқали ажратиш мумкин.

Буни қуйидагича моделлаштириш мумкин:

$H_V+V_{aux}=V$. Бунда: H_V – омоним; V_{aux} – ёрдамчи феъл; V – феъл.

От-омонимни фарқлашда эса юқорида ишлаб чиққан (от-омоним учун) моделимизни тадбиқ этамиз.

Д.Ахмедова *дайди* сўзи сифат ёки феъл туркумига тегишли бўлишини таъкидлаб, нутқда *дайдиб юрмоқ, дайдимайдиган* шаклида воқеланар экан эҳтимолий валентлик асосида фильтрни қуйидагича белгилаш мумкинлигини кўрсатади [4, Б. 344-346]:

1) дайди + б/*майдиган* = феъл;

2) дайди + исталган сўз = сифат.

Кузатишлар асосида айтиш мумкинки, дайди сифат-омоними отлашганда отга хос бўлган грамматик категорияларни ёки сифат ҳолатида даража категориясини қабул қилиб келиши мумкин. Феъл-омоним эса феълнинг луғавий ва синтактик шакллари билан келиши мумкин. Шуни инобатга олиб, бундай ҳолда қуйидаги фильтр иш бериши аниқ:

1) дайди + ган/б/гунча/ма/мас/май/-ш/ди/моқда/й/гин= феъл;

2)дайди+роқ/гина/м/нг/си/миз/нгиз/нинг/ни/га/да/дан= сифат.

Ёки: Очиқ I сифат. Ҳеч нарса билан бекитилмаган, яширилмаган.

Очиқ II феъл. Овқат ейиш зарурияти-ни ҳис қилмоқ, очқамоқ [4, Б. 96].

1) очиқ+исталган сўз (чеҳра, дераза)-=сифат;
очиқ+роқ/қина/м/нг/миз=сифат

2) очиқ+ди/ма/қан/иб/қунча=феъл

Ёки: Санқи I феъл. Бекордан-бекор, бетайин сандироқлаб юрмоқ.

Санқи II сифат. Бекордан-бекор, бетайин сандироқлаб юрадиган [4, Б. 110].

1) санқи+ди/ма/ган/б/гунча=феъл;

2) санқи+исталган сўз (қиз, бола)=сифат;
санқи+роқ/гина/м/нг/миз/нинг/ни/га/да/дан

Феъл-омонимни юқоридаги каби феълни морфологик йўл билан фильтрлаш усули орқали аниқласак, сифат-омоним учун қуйидагича модел тузамиз:

H_A+ CD _aff /SG _aff /PL _aff /DF _aff /PF _aff /DepF _aff /BF _aff /PS _aff /CS _aff =A

Бунда: CD _aff (comparative degree) – сифатнинг қиёсий даражаси

A _aff – сифат сўз туркуми

Кузатишларимиз асосида хулоса қилиш мумкинки, от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида учрайдиган омоним сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш сўзнинг қайси грамматик шаклларни қабул қилиши ҳамда уларнинг бирикувчанлиги муҳим омил ҳисобланади. Бу туркум омонимларини фарқлаш ва семаниик фильтрациясини ишлаб чиқиш учун 4 та инвариант модел иш берди.

Икки сўз туркуми доирасидаги омоним сўзларни фарқлашда биз Қоидаларга асосланган теглаш усулидан фойдаланамиз. Ушбу теглаш усули аниқ қоидаларга таянади, яъни иккита сўз туркуми доирасидаги омоним сўзларнинг маъноларини фарқлаш маълум қоидалар орқали амалга оширилади [3].

Амалий натижалар. От ва феъл сўз туркуми доирасидаги омоним сўзларни фарқлаш қоидаси асосида математик модел ва алгоритм тавсия қиламиз:

Намунада келтирилган от ва феъл сўз туркумига оид ёй сўзини қуйидагича ажратамиз. Бу гуруҳлашлар асосида қуйидаги математик формулани келтирамиз.

1. *Паҳлавонлар ўртасида **ёй**дан ўқ отиш мусобақаси ўтказилди.*
2. *Уйдирма гапларни ёйиб гап сўз қилиш ғийбатчиларнинг иши.*





$$H_{N,V} = \begin{cases} N + x, & x \in \left\{aff_{s_l_i}{}^{N}\right\}, \ i = 1..n \\ V + x, & x \in \left\{aff_{s_l\ j}{}^{V}\right\}, \ j = 1..m \end{cases}$$

$\boldsymbol{H_{N,V}}$-от *ва феъл орасидаги омонимлик*, ***N***-от, ***x***- луғавий ва синтактик шакл ясовчи қўшимчалар ва уларнинг комбинацияларидан иборат тўплам, ***V***-феъл, $\boldsymbol{aff_{s_l_i}{}^{N}}$- от сўз туркуми доирасидаги омоним сўзга қўшилувчи синтактик ва луғавий шакл ясовчи қўшимча ва қўшимчалар комбинациялари тўплами, $aff_{s_l_j}{}^{V}$- феълга қўшилувчи синтактик ва луғавий шакл ясовчи қўшимча ва уларнинг комбинациялари тўплами.

Намунадаги жумлалардаги омоним сўзлар учун ушбу келтирилган математик формулани тадбиқ етамиз. $\boldsymbol{H_{N,V}} = \{\boldsymbol{yoy}\}$ – от ва феъл сўз туркумлари доирасидаги омоним сўзлар тўпламининг бир элементи, қўшимчалар ва уларнинг комбинацияларидан иборат тўплам-ларнинг кўриниши қуйидагича:

$$\boldsymbol{aff_{s_l_i}{}^{N}} = \{-\text{ни}, -\text{нинг}, -\text{лар}, -\text{да}, -\text{га}, -\text{ларга}, -\text{ларни}, -\text{ларнинг}, -\text{ларда}, -\text{ча}, -\text{лардаги}, -\text{чада}, -\text{чага}, -\text{чани}, -\text{чанинг}, -\text{чаларни}, -\text{чаларга}, -\text{чаларнинг}, -\text{чаларда}, -\text{ларники}, -\text{ники}, -\text{дир}, -\text{никидир}, \dots\}$$

$$\boldsymbol{aff_{s_l_j}{}^{V}} = \{-\text{ди}, -\text{майди}, -\text{ган}, -\text{майдиган}, -\text{масди}, -\text{масдан}, -\text{маган}, -\text{масин}, -\text{син}, -\text{йди}, \dots\}$$

x={$\boldsymbol{ff_{s_l_j}{}^{V}}$, $\boldsymbol{aff_{s_l_i}{}^{N}}$, $\boldsymbol{aff_{s_l_i}{}^{Adj}}$, $\boldsymbol{aff_{s_l_i}{}^{Adv}}$**}**- луғавий ва синтактик шакл ясовчи қўшимчалар ва уларнинг комбинацияларидан иборат тўплам. Энди ушбу математик модел асосида алгоритм яратамиз. Алгоритм учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

Z-берилган матн;

Sᵢ (инглизча *Sentences* сўзининг бош ҳарфидан олинган)-матндаги гаплардан иборат тўплам $i = 1..n$;

$\boldsymbol{W_j}$ – Sᵢ нинг таркибидаги гаплардан иборат тўплам, $j = 1..m$;

$\boldsymbol{H_l}$ – ўзбек тилида мавжуд бўлган от ва феъл сўз туркумлари доирасидаги омоним сўзлардан иборат тўплам, $l = 1..q$;

$\boldsymbol{P_{l1}} = \{.,!,?,!?,"",\dots,!!!,\ll\gg\}$- гапни якунловчи белгилар, $l1 = 1..8$;

$\boldsymbol{D_k}$ – ўзбек тилида мавжуд омоним сўзларнинг изоҳларидан иборат тўплам, $k = 1..t$.

1. Z матн P_{l1} белгилар ёрдамида S_i га ажратиб чиқилади.
2. Ҳар бир S_i гапни W_j га ўзлаштириб чиқилади.
3. Энди эса ҳар бир W_j сўзни ўзак ва қўшимчаларга ажратиб чиқилади.

4. Ажратилган ўзак сўзни H_l сўзлар базасидаги сўзлар билан солиштириб чиқилади.
5. Агар ажратилган ўзак сўз H_l тўпламда мавжуд бўлса, уни маълумотлар базадаги ID рақами аниқланади ва ўзак сўздан кейин келган қўшимча ёки қўшимчалар комбинациядан иборат келтма-кетлик ажратиб олинади ва q-ўзгарувчисига ўзлаштирилади, акс ҳолда кейинги сўзга ўтилади.
6. Эндиги қадамда олдинги қадамда аниқланган q ни x тўплам ичидаги тўпламлар елементлари билан солиштириб чиқилади, агар q $aff_{s_l_i}^{N}$ - тўплам елементлари орасида мавжуд бўлса 7.
7. 5-қадамда аниқланган ID бўйича D_k тўпламдан омоним сўзнинг изоҳи ва қайси сўз туркумига тегишли еканлиги аниқланади.
8. Натижалар экранга чиқарилади.

Худди шундай сифат ва феъл сўз туркуми доирасидаги омонимликни фарқлаш жараёнини кўриб чиқамиз.



Бу график асосида эса сифат ва феъл сўз туркуми доирасидаги омонимликни фарқлаш учун қуйидаги математик моделни келтирамиз:

$$H_{Adj,V} = \begin{cases} N_i + x \oplus Adj + x \ \oplus N_i \ + x, \ \ x \in \left\{ aff_{s_l}{}_j^{N}{}_i \right\}, \ \ i = 1..n \\ V + x, \ \ \ x \in \{ aff_{s_l}{}_j^{V}, \ \ j = 1..m \end{cases}$$

$H_{Adj,V}$-Сифат ва феъл орасидаги омоним сўзлар, **Adj**-сифат, ⊕-белгидан кейин сўз келишини мумкинлигини англатади, N_i- OT сўз туркумидаги сўзлар тўплами, $aff_{s_l_i}^{N}$- OT сўз туркуми доирасидаги омоним сўзга қўшилувчи синтактик ва луғавий шакл ясовчи қўшимча ва қўшимчалар комбинациялари тўплами, V-феъл, x- луғавий ва синтактик шакл ясовчи қўшимчалардан иборат, $aff_{s_l_j}^{V}$- феълга қўшилувчи синтактик ва луғавий шакл ясовчи қўшимча ва уларнинг комбинациялари тўплами, яъни {-ма,-маган,-маганман,-магансан,-магандир,-маганди, -магансиз, -май, …, 4132 }

Сифат ва феъл сўз туркуми доирасидаги омонимликни фарқлаш алгоритмини кўриб чиқамиз:**Z**-берилган матн;

Si (инглизча *Sentences* сўзининг бош ҳарфидан олинган)-матндаги гаплардан иборат тўплам $i = 1..n$;

W_j – Si нинг таркибидаги гаплардан иборат тўплам, $j = 1..m$;

H_l – ўзбек тилида мавжуд бўлган от ва феъл сўз туркумлари доирасидаги омоним сўзлардан иборат тўплам, $l = 1..q$;

$P_{l1} = \{.,!,?,!?,"",\dots,!!!,\ll\gg\}$- гапни якунловчи белгилар, $l1 = 1..8$;

D_k – ўзбек тилида мавжуд омоним сўзларнинг изоҳларидан иборат тўплам, $k = 1..t$.

N_a- ўзбек тилида мавжуд от сўз туркуми оид сўзлар, $a = 1..t1$

1. Z матн P_{l1} белгилар ёрдамида S_i га ажратилади.
2. Ҳар бир S_i гап W_j га ажратиб чиқилади.
3. Энди эса ҳар бир W_j сўзни ўзак сўзлар базасидаги сўзлар билан солиштирилади, агар ўзак сўзлар орасида мавжуд бўлса 4-қадам, акс ҳолда 6-қадам.
4. Ушбу омоним сўзнинг W_j тўпламдаги ўрни *j1* аниқланади.
5. W_{j1+1}, W_{j1-1} сўз N_a тўпламдаги сўзлар билан солиштирилади, агар бу сўз от сўз туркумига оид сўзлар орасида бор бўлса W_{j1} сўзнинг ID аниқланади ва 10-қадам.
6. W_{j1}- сўз ўзак сўзлар орасида мавжуд бўлмаса, уни ўзак ва қўшимчаларга ажратилади.
7. Ажратилган ўзак сўзни $\boldsymbol{H_l}$ сўзлар базасидаги сўзлар билан солиштириб чиқилади.
8. Агар ажратилган ўзак сўз $\boldsymbol{H_l}$ тўпламда мавжуд бўлса, уни маълумотлар базадаги ИД рақами аниқланади ва ўзак сўздан кейин келган қўшимча ёки қўшимчалар комбинациядан иборат кетма-кетлик ажратиб олинади ва қ-ўзгарувчисига ўзлаштирилади акс ҳолда кейинги сўзга ўтилади.
9. Ушбу қадамда олдинги қадамда аниқланган q ни x тўпламнинг қисм тўпламлари елементлари билан солиштириб чиқилади, агар q қўшимча $\boldsymbol{aff_{s_l_i}^{V}}$ - тўплам елементлари орасида мавжуд бўлса, қўшимчанинг ID рақами aff_id ҳам аниқланади ва 11-қадам, акс ҳолда 10-қадам
10. $\boldsymbol{q}$ қўшимча $\boldsymbol{aff_{s_l_i}^{N}}$- тўплам элементлари орасида мавжуд бўлсақўшимчанинг тартиб рақами aff_id ҳам аниқланади;
11. Аниқланган **ID** ва **aff_id** бўйича $\boldsymbol{D_k}$ тўпламдан омоним сўзнинг изоҳи аниқланади.
12. Натижалар экранга чиқарилади.

Хулоса. Юқорида келтирилган график кўриниш ва бу асосида тавсия қилинган математик формула, дастурий таъминотнинг алгоритмлари от ва феъл, от ва сифат сўз туркумлари орасидаги омонимликни фарқлашга хизмат қилади.

Демак, биз от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида кузатиладиган омоним сўзларнинг лингвистик асоси, математик модели ва алгоритмларини ишлаб чиқдик. Бу эса бир ва турли сўз туркуми доирасида учрайдиган омонимларни фарқлаш методини ишлаб чиқишда дебоча вазифасини ўтайди. Чунки корпус лингвистикасида омонимияни бартараф этиш масаласи алоҳида ёндашув, модел ва алгоритм ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ишлар эса семантик анализаторнинг лингвистик асоси ва дастурий таъминотини яратишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедова Д.Б. Ўзбек тилидаги омонимларни теглаш муаммолари. “Замонавий таълимда рақамли тизимларни қўллаш: филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий масофавий конференция. – Тошкент, 1 май 2020 йил. – Б. 344-346.
2. Godayal D. An introduction to part-of-speech tagging and the Hidden Markov Model // 2018.
3. Collins M. Tagging with Hidden Markov Models //2011.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984**.** – 214 б.
5. Сифат сўз туркумидаги омоним сўз отга хос бўлган қўшимчаларни олиши, яъни сифатнинг отлашган ҳолати ҳам текширилади.
6. От сўз туркумига қўшилувчи қўшимчалар комбинацияларининг ҳозирча 1155 таси аниқланди.
7. Феъл сўз туркумига қўшилувчи қўшимчалар комбинацияларининг ҳозирча 4132 таси аниқланди.

ИЗУЧЕНИЕ ИРОНИИ В ИСТОРИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНОМ ОСВЕЩЕНИИ

THE STUDY OF IRONY IN HISTORICAL AND FUNCTIONAL LIGHTING

TARIXIY VA FUNKTSIONAL YORITISHDA KINOYANI O'RGANISH

Н.Кадирова –старий преподаватель, Коканд ГПИ

Аннотация. В статье рассматривается вопрос обзора ирония как эстетической категории в разные эпохи. Проводится обзор истории изучения иронии от античности до современности с целью выявления идей, лежащих в основе различных теорий ироничности.

Ключевые слова: литературно-художественный дискурс, исторический экскурс, ирония, горькая ирония, иронический деталь, остроумие, романтическая ирония, сократическая ирония, эпическая ирония.

Annotatsiya. Maqolada turli davrlarda istehzoni estetik kategoriya sifatida ko'rib chiqish masalasi muhokama qilinadi. Ironiyani qadimgi davrdan to hozirgi kungacha o'rganish tarixini ko'rib chiqish turli xil kinoya nazariyalari asosida yotgan g'oyalarni aniqlash maqsadida amalga oshiriladi.

Kalit so‘zlar: adabiy va badiiy nutq, tarixiy ekskursiya, kinoya, achchiq kinoya, kinoyali tafsilot, aql, romantik kinoya, Sokratik kinoya, epik kinoya.

Annotation. The article discusses the review of the irony as aesthetic category in different era. A review of the history of studying irony from antiquity is carried out to modernity in order to identify ideas underlying various theories of irony.

Keywords: literary and artistic discourse, historic excursion, irony, bitter irony, ironic detail, wit, romantic irony, reduced irony, epic irony.

Обзор истории изучения иронии от античности до современности имеет своей целью выявление идей, лежащих в основе различных теорий ироничности. Такой исторический экскурс необходим для понимания существующих дефиниций, охватывающих проявления иронии в литературно-художественном дискурсе.

Ирония как эстетическая категория в разные эпохи понималась по-разному, претерпев значительные и существенные изменения. К тому же категория иронии многозначна, поскольку обозначает и языковой троп, и особый тип культурной ситуации (то, что принято называть иронией судьбы или «иронией истории», по Г.Гегелю), и философский способ отношения к бытию (ирония Сократа, романтическая, постмодернистская ирония).

В современной науке ирония конституируется и в качестве модуса художественности (В.И. Тюпа), в поле действия которого способны попадать все эмоционально-ценностные ориентации, так как ирония абсолютно антидогматична и подвижна.

Сложность определения иронии обусловлена формальным и семантическим многообразием ее проявлений в художественном тексте. Прототипическая ирония представляет собой антифразис – способ сказать одно, имея в виду нечто противоположное, с целью выражения критической оценки того или явления, ситуации или объекта.

Однако эта трактовка охватывает далеко не все проявления иронии: к примеру, она не соответствует абсурдной и правдоподобной иронии, а

также тем случаям, когда ирония создается с помощью риторических вопросов, комментариев или интертекстуальных отсылок.

Со времени античности и до наших дней категория иронии комплексно рассматривается в философии, культурологии, эстетике, риторике, лингвистике и литературоведении. В соответствующих словарях она определяется по-разному.

Как показала художественная практика античности, ирония может быть направлена на объект, в котором изначально нет комизма, а, напротив, присутствует трагизм. Из-за иронического отношения автора в одних случаях объект предстает в комическом освещении, в других – ирония подвергает сомнению и проверяет истинную значимость объекта, его соответствие тому, что иронизирующей личности представляется нравственно ценным.

В постантичный период понятие иронии почти исчезает из эстетических трудов. Она выступает как скептическая, антидогматическая категория, которая не нуждается ни в каких авторитетах, свободно играет противоположностями, поэтому оказывается разрушительной и аморальной для догматического и дидактического способа мышления христианского средневековья.

Характерное для средневековья отношение к иронии проявляется, например, в эстетике Отцов церкви. Резко осуждает смех и его разновидности Климент Александрийский: «Каким образом можно смешным быть или казаться, не глумясь над словами и разумом, этими благороднейшими благами человека? Жалкое же было бы это предприятие подражать шутам, которых и слушать не стоит, ибо о деле недостойном они говорят в таких выражениях, что ослабляют отвращение к нему».

Климент Александрийский считал, что смех, по самой своей природе, явление безнравственное. Особенно вредными для морали, по его мнению, являются те приемы речи, которые преследуют цель «возбудить удивление, довести слушателей до раскрытия рта и онемения… Истина через них нигде не преподается». По сути, здесь прослеживается непосредственная полемика с сократовской иронией, целью которой как раз было пробуждение в собеседнике диалектического сомнения.

В эпоху Возрождения ирония использовалась в традициях смеховой, карнавальной народной культуры, прежде всего, шутами при коронованных особах, а также в обыденной речи. Так, Я. Буркхардт писал об иронии, остроумии и насмешке в итальянской культуре эпохи Возрождения, подчеркивая, что «самостоятельным элементом жизни насмешка могла стать лишь тогда, когда появился развитый индивид, ее постоянная жертва, со своими притязаниями».

Ф. Петрарка говорил о том, как шут посмеивается над своим хозяином: «сколько раз дивясь безрассудству зрителя, он придумывал нечто якобы для него, а на самом деле для собственного развлечения».

У Шекспира проблема иронии встает как проблема нравственности и истории. По его мнению, «преступление перед гуманистической нравственностью называется иронией истории». Таков, как считают некоторые интерпретаторы, финал «Короля Лира».

Таким образом, ирония играет важную роль в переходные исторические периоды как инструмент и катализатор переоценки культурных ценностей. Это воплотил Сервантес в своем романе-пародии «Дон Кихот», в котором в ироническом свете описан процесс переоценки феодально-рыцарских ценностей. Буржуазная эпоха отказалась от идеалов рыцарского благородства и общечеловеческих ценностей,

променяв их на «идеалы» свободного предпринимательства, практицизма и торговли. Своим романом, написанным в предельно иронической форме, испанский романист предостерег человечество от такой переоценки, которая может привести к опасности. Поэтому ирония Сервантеса носит трагический характер.

В период Ренессанса ирония активно использовалась в сатирической и народно-смеховой сферах. Как метко заметил Вольтер по поводу «Писем темных людей», благодаря смеху начался «процесс, сбросивший иго Рима, и великий переворот, расколовший церковь».

Значительную роль ироническое остроумие сыграло в эпоху барокко, когда стремление к сопоставлению различных фактов и явлений и неожиданное выявление сходства с несходным также приводило к иронии.

В целом именно ренессансный смех благодаря своей амбивалентности явился замечательным инструментом культурного творчества и переоценки ценностей. Осмеивая себя, человек очищался от заскорузлой чешуи устарелых и вредных привычек, осмеивая других, он возвышал себя над их недостатками.

Просветительский смех часто выглядел сатирическим, нередко его ирония была направлена против религии и церкви. В памфлете Д. Свифта «Сказка о бочке» в иронической форме сопоставляются три христианские церкви и разоблачаются нелепости фанатизма и суеверия. В переносном смысле бочка – «мешанина, болтовня»; другой смысл названия связан с обычаем бросать бочку разъяренному киту, чтобы отвлечь его внимание и спасти корабль от разрушительных ударов его хвоста.

Таким образом, в эпоху Просвещения ирония перестала быть только тропом и приобрела черты мировоззренческой установки. В целом же для литературного творчества XVIII века характерна возросшая активность иронии. В произведениях Вольтера и Д. Дидро, А. Шефтсбери и Л. Стерна, Д. Дефо и Д. Свифта, И. Канта и Гете она выступает в самых разных функциях: как средство социально-политической критики, как оружие против церковного догматизма и, наконец, как способ самоконтроля и самоограничения всемогущего разума.

В XIX-начале XX веков взгляды на иронию были в корне пересмотрены романтиками. Теоретиком романтической иронии стал Ф. Шлегель, который представил своё понимание гениальной субъективности художника-творца, уделив большое внимание именно иронии.

Способы проявления романтической иронии, по мнению немецкого философа, различны. Во-первых, она может служить конвенциональной иронией творческой элиты, способом, помогающим отгородиться от чужих представлений. Во-вторых, она может проявляться как осознанная или неосознанная поза, в основе которой – жизненная игра противоречиями. В-третьих, ирония может восприниматься как попытка уйти от жестокой действительности в сказочный мир иронической фантазии, что характерно, например, для произведений Гофмана. Реальность ситуации переводится в субъективный план и проигрывается заново. По словам Ф. Шлегеля, «в иронии всё должно быть шуткой и всё должно быть всерьез, все простодушно откровенным и все глубоко серьёзным».

Таким образом, ирония у романтиков предстает игровой формой субъективной свободы, снимающей серьезность и ответственность жизни, от которой нужно освободиться, чтобы улететь в трансцендентальный мир творческой фантазии. Ирония – это щит, которым прикрывались сокровенные и чистые идеалы романтиков от толстых и грязных лап обывателей, это маска, под которой прячется чувствительная и ранимая душа. Ирония прикрывает от филистеров

сокровенные трансцендентальные ценности, мечты и идеалы.

Эпоха романтизма – время, когда после нескольких столетий существования в статусе риторического инструмента ирония обретает новый категориальный статус. Романтическая ирония – это уже не просто риторический троп или стилистический приём, но способ философского отношения к миру и проявления творческой субъективности художника.

В истории эстетической мысли ирония, как правило, рассматривается в связи с комическим. Однако существует традиция изучения иронии и вне сферы комического. Так, Гегель в субъективности иронии усматривал существенное различие между «ироническим» и «комическим», считая, что «комическое» имеет свой объект, тогда как ирония, в которой отрицание исходит всецело от субъекта, может направляться на объект, в действительности нравственный и истинный, который будет себя показывать при этом ничтожным и жалким.

По мнению Гегеля, «в этом различии между ироническим и комическим существенное значение имеет содержание того, что разрушается». «Ирония умеет сделать ничтожным и суетным всякое объективное внутреннее содержание, и тем самым сама оказывается бессодержательностью и суетностью», – писал немецкий философ, относя эту характеристику в большей мере к романтической иронии. Такое отношение Гегель связывал с бесконечной свободой иронического «Я».

В комической иронии с её характерной легкостью, виртуозностью, с её игровым началом данная возможность реализуется как эстетический принцип. В этой форме ирония характеризует художника, у которого все его «действия и проявления, имеющие отношение к какому-нибудь содержанию, остаются лишь видимостью».

Другой немецкий философ Карл Зольгер определял иронию как «то состояние, в котором взаимоуничтожаются противоречия, и именно благодаря этому сохраняется для нас существенное, что мы называем иронией или причудой и юмором. Что станется со всей драматической поэзией, или театральным представлением, если в них не будет иронии или юмора?

Как бы нас потрясла горечь в трагедиях Эсхила или жестокость в пьесах Шекспира, если бы все сосредоточилось на скорбной серьезности и ирония не возвысила бы нас над всем? Как бы смогли пробудить в нас отвращение натуралистические моменты в комедиях Аристофана, если бы они не были представлены как шутки и если бы чувство, чистое чувство невинности не вело нас по самой необузданной чувственности».

Трагической иронией К. Зольгер называет то «настроение, в котором проявляется диалектика конечного и бесконечного». Трагическая ирония, по его мнению, присутствует как в произведениях трагического жанра, так и комического, поэтому без иронии не существует драматического искусства.

Создателем особой техники остроумия у романтиков, как считается, стал Г. Гейне. Для его произведений характерно иронично-самокритичное автопародирование («Белый слон», «Бог Аполлон»). В «Атта Тролле» романтическая экзотика охоты в Пиренеях иронически сталкивается с сатирической басней, а в поэме «Германия» наблюдается контраст сатиры и лирики.

Романтическая ирония в этих произведениях создает ту художественную атмосферу, в которой, по словам немецкого поэта, «читатель боится принять слова художника за выражение искреннего чувства, боится увлечься этим чувством, потому что художник начнет тотчас же смеяться над тем, что могло показаться искренним порывом, и тогда читатель,

распустивший нюни, попадает в число сентиментальных дураков, не способных понимать тонкую иронию.

Художник, со своей стороны, знает, что читатель остерегается и предвидит ироническую улыбку или циническую выходку, художник боится оказаться сентиментальнее читателя. Поэтому каждое чувство умышленно выражается так, что нет никакой возможности поверить в его искренность, не сказать наверное, что здесь кроется ирония».

Продолжателем теории романтической иронии является С. Кьеркегор. «В противоположность Гегелю, Кьеркегор усматривает суть «сократической иронии» в том, что Сократ знает о боге как об абсолютном и идее, т.е. о боге как необыкновенной основе нашего бытия и нашей неотъемлемой принадлежности к нему, которая проникает во всю нашу экзистенцию.

Причем, – и это особенно подчеркивает Кьеркегор, – достоверность достигнутого с помощью «сократической иронии» знания бога, как основы человеческого бытия, и чувство причастности к божественному бытию не может быть представлена ни в каком объективном познании. Это в данном случае означает, что субъективность, открывающаяся в «сократической иронии», отделяется от наличного бытия, становится абсолютно самостоятельной по отношению к миру, либо она обладает внутренне присущим ей свойством непосредственного, независимого от всякого «внешнего» бытия и от всякой «объективности» общения с богом, божественным бытием».

Наследником романтического понимания иронии явился Ф. Ницше. «Как мало радостей нужно, – восклицает он, – большинству людей, чтобы считать жизнь хорошей! Как скромен человек!». В таких кратких нравоучениях со всей очевидностью проявляется ироническая мудрость проницательного мыслителя: «Преступник, которому известны все обстоятельства дела, не находит свой поступок таким непостижимым и из ряда вон выходящим, как его судьи и хулители, наказание же назначается в виде поступка, кажущегося ему непостижимым. Если защитнику какого-нибудь преступника достаточно хорошо известны и обстоятельства преступления, и вся жизнь его клиента до этого времени, то так называемые смягчающие обстоятельства, которые он приводит один за другим, в конце концов должны смягчить вину до полного её исчезновения. Или, выражаясь яснее, защитник будет шаг за шагом смягчать то удивление, которое осуждало и определяло наказание, и, наконец, окончательно рассеет его, заставив каждого искреннего слушателя признаться самому себе, «что преступник должен был поступить так, как поступил; наказывая его, мы наказали бы вечную необходимость».

Нигилистическую иронию Ф. Ницше возможно рассматривать как пример крайнего разочарования и объективного разрушения, когда в душе ироника не остается ничего святого и абсолютного, кроме самой жизни.

Новая и своеобразная трактовка иронии принадлежит немецкому мыслителю и писателю Т. Манну. Связав иронию с объективным, эпическим началом в искусстве, он противопоставил свое понимание иронии романтическому произволу и романтической субъективности: «… я вкладываю, – пишет он, – в понятие иронии более широкое и высокое содержание, чем то, которое ему сообщает романтический объективизм. Благодаря присущей ей невозмутимости, содержание это почти беспредельно, ибо оно является содержанием самого искусства…».

Т. Манн сблизил иронию с новым пониманием современного человека, с проблемой гуманизма. Ирония, по его мнению, это средство воссоздания гуманистической целостности человека,

средство исключения крайностей в понимании его сущности.

В статье «Гете и Толстой» он отмечает, что «ирония развивается между контрастами и не спешит вставать на чью-либо сторону и принять решение: ибо она полна предчувствия, что в больших вопросах, где речь идет о человеке, любое решение может оказаться преждевременным и несостоятельным, и что не решение является целью, а гармония, которая, быть может, лежит где-то в вечности и уже несет в себе шаловливую оговорку по имени «ирония».

Т. Манн считал, что интеллектуализм иронии не исключает эмоциональности, она вовсе не означает равнодушие, холодность, насмешку или издевку: «Эпическая ирония – это, скорее, ирония сердца, ирония исполнения любви, это величие, питающее нежность к малому».

Использованная литература:

1. Новейший философский словарь. Постмодернизм / Под ред. А.А. Грицанова. – Минск: Современный литератор, 2007. – С. 184.
2. Цит. по: Лосев А.Ф., Шестаков В.П. История эстетических категорий. – М.: Искусство, 1965. – С.
3. Буркхардт Я. Культура Возрождения в Италии. – М.: Юрист, 1996. – С.101.
4. Биченко С.Г. Романтическая ирония в философии // Знание. Понимание. Умение. – 2012. № 2. – С. 319-322.
5. Шлегель Ф. Фрагменты // Литературная теория немецкого романтизма. – Л.: Издательство писателей в Ленинграде, 1934. – С. 177.
6. Паси, И**.** Ирония как эстетическая категория // Марксистско-ленинская эстетика в борьбе за прогрессивное искусство. – М.: Наука,1980. – С. 21.
7. Гегель, Г.-В.-Ф. Эстетика: в 4 т. Т. 1. Понятие прекрасного в искусстве. Ирония. – М.: Искусство,1968. – С. 73.
8. Гегель, Г.-В.-Ф. Энциклопедия философских наук: в 3 т. Т. 3. – М.: Мысль,1977. – С. 393.
9. Зольгер К.-В.-Ф. Четыре диалога о прекрасном и об искусстве. – М.: Искусство, 1978. – С. 144.
10. Ницше Ф. Избранные произведения: в 3 т. Т. 3. – М.: «REFL-BooK»,1994. – С. 279.
11. Манн Т. Собрание сочинений: в 10 т. Т. 10. – М.: Художественная литература. 1961. – С. 277.

Манн Т. Собрание сочинений: в 10 т. Т. 10. – С. 278.

К ВОПРОСУ ПРИМЕНЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ИЗУЧЕНИИ МОРФОНОЛОГИЧЕСКИХ ЯВЛЕНИЙ СОВРЕМЕННОГО РУССКОГО ЯЗЫКА

ON THE QUESTION OF APPLICATION OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN STUDYING MORPHONOLOGICAL PHENOMENA OF MODERN RUSSIAN LANGUAGE

ZAMONAVIY RUS TILINING MORFONOLOGIK FENOMENASINI O'RGANISHIDA MA'LUMOT TEXNOLOGIYALARINI QO'LLANISH HAQIDA

Н.Н.Кахарова – преподаватель, Кокандский ГПИ

Аннотация. В данной статье рассматриваются информационные технологии как средство активизации познавательной деятельности учащихся. Описываются морфонологические явления современного русского языка и их типы. Использование информационных технологий в изучении языка позволяет дифференцировать проблемы обучения, учитывая индивидуальные особенности учащихся, даёт возможность расширить спектр способов представления учебной информации.

Ключевые слова: морфонология, информационные технологии, морфонологические явления, усечение основ, альтернация фонем, интерфиксация, перемещение ударения.

Annotatsiya. Ushbu maqola axborot texnologiyalarini o'quvchilarning bilim faolligini oshirish vositasi sifatida ko'rib chiqadi. Zamonaviy rus tilining morfologik hodisalari va ularning turlari tasvirlangan. Tilni o'rganishda axborot texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilarning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda o'quv muammolarini farqlashga imkon beradi, o'quv ma'lumotlarini taqdim etish usullarini kengaytirishga imkon beradi.

Tayanch so‘zlar: morfonologiya, axborot texnologiyalari, morfologik hodisalar, jarohatlarning kesilishi, fonemalarning almashinuvi, interfeysatsiya, stress harakati.

The flipped learning model assumes a change in the role of the teacher [9]. Closer cooperation becomes possible during the educational process. The role of students is also changing, their responsibility for learning outcomes is increasing, and the learning process is moving into the mainstream of the practical application of the knowledge obtained. A creative approach to teaching helps to come up with new forms of organizing joint activities with students. The Flipped Classroom is a learning model based on independent work with different authentic material. During the independent work there is a detailed acquaintance with the theoretical material, collaboration of students passes to a high quality level, the result of the educational project becomes a specific student "product".

While using the "flipped class" training model we can suppose the following positive expectations [4]:

• Students work in their individual pace;

• Learners teach each other, involved in a living discussion; the learning effect is intensified by interaction with other students;

• The teacher has a long time for individual work with students;

• Video tracks and audio materials are available to all students, even those who have to miss school classes due to illness, sports competitions, lockdown, etc.;

• The opportunity for students to create.

• In the course of using the learning model, the "flipped classroom" came to positive conclusions:

• Students have the possibility to create, etc.

Control of the process of self-study of the material can be fulfilled through the feedback in Moodle educational platform, monitoring the activity of visits to the pages of the site, Telegram social network and so on. The process requires additional teacher’s time. If a teacher

wants to get a high-quality result, then he will find reserves.

The idea of using the “flipped classroom” is worth to be paid more attention; it activates the teacher's imagination and makes every meeting with students unique. Many other favourable suppositions can be forecasted while using “upside-down” class. It is the teacher’s experience that can add something else.

List of literature used:

1. Hadzseva Elena Yuryevna "Outbursted Class" in English lessons. 2020.
2. Europass Teacher Academy| Flipped classroom; 2020 |url=
3..Ryback, D.; Sanders, J. (1980). "Humanistic versus traditional
thttps://www.teacheracademy.eu/course/flipped-classroom/eaching styles and student satisfaction". Journal of Humanistic Psychology. 20 (87): 87–90. doi:10.1177/002216788002000106
4. Strauss, Valerie (3 June 2012). "The flip: Turning a classroom upside down". The Washington Post.
5. Jump up to: Abeysekera, Lakmal; Dawson, Phillip (2015). "Motivation and cognitive load in the flipped classroom: definition, rationale and a call for research". Higher Education Research & Development. 34 (1): 1–14. doi:10.1080/07294360.2014.934336. hdl:10536/DRO/DU:30070647.
6. Marco Ronchetti (June 2010), "Using video lectures to make teaching more interactive", International Journal of Emerging Technologies in Learning (iJET)
7. Greg Topp (6 Oct 2011), "Flipped classrooms take advantage of technology", USA Today.
8. Borytko N.M. Learning theory. - Volgograd: VSPU, 2006.
Gorokhova O.A. Techniques for involving students in interactive activities in foreign language lessons as a means of forming communicative competence // http: //www.docme.ru/doc/121000/priemy-vovlecheniya-v-teraktivnuyudeyatel.
9. Grigalchik E.K., Gubarevich D.I. We teach differently. Active learning strategy. - Minsk: Modern Word, 2008.

INTERNET RESURSLARIDAGI ASOSIY BIOINFORMATIK MA`LUMOTLAR BAZASI

ОСНОВНЫЕ БИОИНФОРМАТИВНЫЕ БАЗЫ ДАННЫХ В ИНТЕРНЕТ РЕСУРСАХ

BASIC BIOINFORMATIC DATABASES ON THE INTERNET RESOURCES

M.Azimov, H.N.Urmanov-o‘qituvchilar, Qo‘qon DPI
D.S.Olimov- magistrant, Farg‘ona DU

Annotasiya. Ushbu maqolada biologiyanning zamonaviy sohalari, molekulyar biologiya, molekulyar genetika, genomika, proteomika, molekulyar evolyusiya, metabolomikada keng qo‘llaniladigan asosiy bioinformatik ma'lumotlar bazasi tavsifi berilgan. Internet resurslaridagi ochiq holda joylashgan bioinformatik ma'lumotlar bazasi bilan tanishuv va ulardan foydalana olish jahon andozalariga javob beradigan, yuqori malakali mutaxassislarning yetishib chiqishiga zamin yaratadi.

Kalit so‘zlar: DNK, oqsil, nukleotidlar izchilligi, sikvenslash, bioinformatik dasturlar, genomlar.

Аннотация. В статье описаны основные биоинформативные базы данных широко используемые в современных направлениях биологии; молекулярной биологии, молекулярной генетики, геномики, протеомики, молекулярной эволюции, метаболомики. Знакомство и умение пользоваться с открытыми базами данных по биоинформатике создаст основу для подготовки высококвалифицированных специалистов, соответствующих международным стандартам.

Ключевые слова: ДНК, белок, нуклеотидная последовательность, секвенирование, биоинформатические программы, геномы.

Annotation. The article describes the main bioinformatic databases widely used in modern areas of biology; molecular biology, molecular genetics, genomics, proteomics, molecular evolution, metabolomics. Acquaintance and ability to use open bioinformatics databases will create the basis for the training of highly qualified specialists that meet international standards.

Key words: DNA, protein, nucleotide sequence, sequencing, bioinformatics programs, genomes.

XX-XXI asrlar oralig'ida yuzaga kelgan bioinformatika fani biologiyada ulkan, inq'ilobiy o'zgarishlarning kelib chiqishiga sababchi bo'ldi. 90-yillarda genomika fani gurkirab yashnagan davrda ko’plab organizmlarning genom ketma-ketliklari yuqori sur'atlarda aniqlana boshlandi va hozirga kelib, odam, sichqon, jo'ja, baqa, baliq turlari, yumaloq chuvalchanglar, bir necha yuzlab viruslar va bakteriyalarning irsiy axboroti to'la o'qib chiqib bo‘lindi. Inson genomi 3 mlrd harfdan (nukleotiddan) tashkil topgan bo'lib, undagi axborot 15000 tom kitobga joylashadi. Shu sababli bunday ulkan biologik axborotni qayta ishlash uchun kompyuter texnologiyalarining ko'magi zarur bo'ladi. Albatta turlar genomlaridagi axborotning o’zaro o’xshash va farqdanadigan tomonlari bir talay. Aynan shunday o’xshashlik va tavofutlarni aniqlash, tavsiflash va tahlil qilish maxsus bioinformatik dasturlarni; olingan ma’lumotlarni saqlash va taqdim etish esa bioinformatik ma'lumotlar bazasini yaratishni taqozo etadi. Zamonaviy genetika va genomika, proteomika va transkriptomika, molekulyar evolyutsiya va makromolekulalarning o’zaro aloqalarini o'rganish borasida tadqiqotchilar albatta ma’lumotlar bazasiga murojaat qiladilar. Biroq, molekulyar-genetik ma’lumotlar bazasi son jihatdan juda ko'p va ularning aksariyati o'ziga xos ma’lumotlarni saqlash formatiga ega bo'lishi bilan bir qatorda undagi axborotni faqat maxsus vositalar orqali olish mumkin. Shu sababli, muammo integratsiya jarayonini talab qiladi. Foydalanuvchining, kompyuter tahlili asosida ma’lumotlar bazasidan kerakli axborotni olishini yengillashtirish maqsadida umumiy standartlar va dasturiy vositalarni ishlab chiqish zarurati tug'iladi.

Hozirgi paytda Internet tarmog'ida molekulyar biologiya va unga yaqin bo’lgan boshqa yo’nalishlardagi axborotni izlovchi yuzlab ma’lumotlar bazasi mavjud. Ularning har biri ma’lumotlarni o'ziga xos formatda saqlaydi hamda analogik, o’xshash ma’lumotlar bazasi bilan o’zaro aloqaga kirshadi. Bundan tashqari, bazalar, turli izlovchi dasturlari, tasvirlarni namoyon qiluvchi dastur vositalari va bazalarni ma’lumot bilan to‘ldirish usullari bilan ham bir biridan farq qiladi.

DNK birlamchi strukturasi va aminokislotalar ketma ketligi haqidagi axborotlarni saqlovchi eng yirik bazalar (GenBank, DDBJ, EMBL, SWISS- pROT, Ensembl va x), bevosita tadqiqotchilar tomonidan tahlil qilingan va bazaga kiritilgan yangi ketma-ketliklarni, avtomatlashtirilgan bazalarni to'ldiruvchi sistema yordamida Internet tarmog‘i orqali qabul qilib boyib boraveradi. Umumiy ma’lumotlar bazasi bilan bir qatorda so'nggi yillarda, ko’plab maxsus, ixtisoslashgan axborot resurslari ham paydo bo'la boshladi. Ularning aksariyati kompyuter metodlari yordamida olingan nazariy bashoratlar natijalarini o’zida saqlaydi. Bioinformatikada DNK va kDNK ketma ketliklari haqidagi axborotlarni saqlovchi manba, nukleotidlar izchilligi alohida regulyator qismlariga bag'ishlangan ma’lumotlarining ixtisoslashgan bazalari, genlar ekspressiyasi bo’yicha ma’lumotlar bazalari, genomlar bibliotekasi, genetik xaritalar, RNK izchilligi, oqsillar bazasi katta rol o'ynaydi. Bundan tashqari: proteomika, oqsillar strukturasi,

mutatsiyalar, metabolik yo’llar va ularni boshqarish, transgen organizmlar, anatomiya, biokimyo va ushbu yo’nalishlarni dasturiy jihatdan ta'minlashga aloqador ilmiy adabiyotlar haqidagi ma’lumotlar bazasi ham mavjud. Quyida biz, asosiy ma’lumotlar bazalariga umumiy ta'rif berib o’tamiz.

GenBank. Genbank - **ND3** (AKD1 Sog'liqni Saqlash Milliy Instituti) ga qarashli genetik ketma ketliklar haqidagi ma’lumotlar bazasi hisoblanadi. U fanda ma'lum bo’lgan DNK, RNK va oqsillar ketma ketligining annotatsiyalangan ma’lumotlarini, dastlabki adabiyotlarga yo’llanmalar bilan bir qatorda o’zida tutadi. Baza har ikki oyda yangilanib turadi hamda uchta yirik nukleotidlar izchilligi kollektsiyalari: DDBJ (NIG), EMBL (EBI) va GenBank (NCBI)ni birlashtiruvchi International Nucleotide Sequence Database Collaborationning bir qismi hisoblanadi. Bu uch tashkilot mehnat taqsimoti asosida ish yuritib, har kuni o’zaro yangi axborotlar bilan almashinib turadi. Ko’plab ilmiy jurnallar, yangi aniqlangan ketma ketliklar haqidagi axborotni, maqola chop etilmasdan avval ushbu uch bazadan istalgan biriga taqdim etilishini talab qiladilar. NCBI (National Center for Biotechnology Information) yangi izchilliklarni o’z bazasiga joylashtirish borasida ko’plab yangi va qulay vositalarni yaratish va mukammallashtirish ishlarini tinimsiz olib boradi. Nukleotidlar va aminokislotalar izchilligi, bibliografiya (PubMed), to’la genomlar (Genomes) va oqsillarning uch ulchamli strukturalari (MMDB), yirik, integratsiyalashgan ENTREZ izlash sistemasi aynan NCBI tomonidan yaragilgan.

Manzili:
http://vvww.ncbi.nlm.nih.gov/genbank/index.html

OMIM — On-line Mendelian Inheritance in Man. Odam genlari va genetik kasalliklari bo’yicha yaratilgan eng yirik ma’lumotlar bazasi. Tibbiyot genetikasi markazi (Johns Ho’kins University, Baltimore, USA) doktori MakKasik (Victor A. McKusick) va uning hamkasblari tomonidan yaratilgan. Bazaning to’ldirib turilishi va yangilanishini NCBI ta'minlaydi. O’zida kasalliklar va konkret genlar haqidagi umumiy sharhlar, shuningdek ENTREZ ma’lumotlar bazasiga yo’llanmalar tutadi.

Manzili:
http://www.ncbi.nlm.nih.aov/omim/

SWISS-PROT|UniProt - the protein sequence data bank. Bu ma’lumotlar bazasi, EMBLdagi nukleotidlar ketma-ketligidan translyatsiyalangan aminokislotalar ketma ketligining tavsifini, shuningdek adabiyotlarda chop etilgan va bevosita mualliflar tomonidan yuborilgan izchilliklar to’g'risidagi axborotni o’zida tutadi. Shu qatorda, yuqori sifatli annotatsiyallarga ega hamda o’xshash boshqa ma’lumotlar bazasiga yo’llanmalar beradi. Har bir annotatsiya, oqsil funksiyasining tasnifi, uning domenli strukturasi, post-translyatsion modifikatsiyasining o’ziga xos tomonlarini ifodalaydi. Jeneva universiteti (Department of Medical Biochemistry of the University of Geneva) va EMBL tomonidan qo’llab quvvatlab turiladi. Akademik foydalanuvchilar uchun bepul. Manzili: http://www.uaiprot.org/

ENSEMBL. ENSEMBL - eukariotlar genomini avtomatik tavsiflash uchun dasturlar sistemasini yaratish maqsadida, EMBL, YeV.S va Sanger Centre o’rtasidagi hamkorlik loyihasidir. Quyidagi imkoniyatlarni (bepul) o’zida jamlaydi: odam genomi ichidan kerakli DNK qismini izlab topish, xromosomalar sharhi, oqsillar va oqsillar oilasini izlash. ENSEMBL loyihasi, genom ma’lumotlarini aniq avtomatik tarzda tahlil etish, tahlil va tavsiflash jarayonini o’z vaqtida yangilanib turadigan ma’lumotlar asosida yo’lga qo’yish, olingan ma’lumotlardan internet tarmog’i orqali barcha kishilar foydalana olishini ta’minlash, axborotni boshqa bioinformatik laboratoriyalarga erkin taqdim etishni o’z oldiga maqsad qilib qo’yadi. ENSEMBL ma’lumotlar bazasida asosiy e’tibor umurtqalilar genomini o’rganishga qaratilgan, biroq boshqa guruhlar sistemani o’simliklar va zamburug’lar genomi tadqiqotlari uchun

ham moslashtirib olishgan.

Manzili: http://www.ensembl.org/

Zamonaviy fan yutuqlaridan foydalanib, jahon andozalariga to’la javob beradigan ilmiy tadqiqotlar olib borish davrimiz talabidir. Yurtimizda, yetuk, ilg’or va malakali kadrlar yetishtirib chiqarish borasidagi sa’yi harakatlar vaqt o’tgan sari o’z samarasini bermoqda. Shular qatorida, biologiya fanidagi eng sara fundamental va amaliy izlanishlarning sifatini ta’minlovchi bioinformatika fanini chuqur o’rganish, uning imkoniyatlaridan keng foydalanish va nafaqat fandagi tadqiqotlarga, balki bevosita o’quv jarayoniga tadbiq etish, bo’lg’usi yosh mutaxassislarni Internet tarmoqlaridagi bioinformatik ma’lumotlar bazasidan kerakli ilmiy axborotni ola bilishga va undan samarali foydalanishga o’rgatish fan va ta’lim sohasi oldida turgan asosiy vazifalardan biri deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Pevsner Jonathan. Bioinformatics and Functional Genomics. John Wiley&Sons. Inc.2011.

2**.** *Р.Дурбин, Ш.Эдди, А.Крог, Г. Митчисон,* Анализ биологических последовательностей = Biological Sequence Analysis: Probabilistic Models of Proteins and Nucleic Acids. — Регулярнаяихаотическаядинамика, Институткомпьютерныхисследований, 2006. — С. 480. — ISBN 5939725597.

3.Jones Neil C., Pevzner Pavel A. An Introduction to Bioinformatics Algorithms (англ.). — The MIT Press, 2004. — ISBN 9780262101066.

4.Compeau Phillip, Pevzner Pavel. Bioinformatics Algorithms: An Active Learning Approach, 2nd Ed. Vol. 1 by Phillip Compeau (англ.). — Active Learning Publishers, 2015. — P. 384. — ISBN 9780990374619.

5.Durbin Richard, Eddy Sean R., Krogh Anders, Mitchison Graeme. Biological Sequence Analysis: Probabilistic Models of Proteins and Nucleic Acids (англ.). — Cambridge University Press, 1998. — P. 372. — ISBN 978-0521620413.

6.Nelson David L., Cox Michael M. Lehninger Principles of Biochemistry (англ.). — W. H. Freeman, 2017. — P. 1328. — ISBN 9781464126116.

ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ БИЛИМ СОҲАСИ СИФАТИДА ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

ИСТОРИЯ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА ОБРАЗОВАНИЯ КАК ОБЛАСТИ ЗНАНИЙ

HISTORY AND STAGES OF DEVELOPMENT OF EDUCATION MANAGEMENT AS A FIELD OF KNOWLEDGE

М.У.Курбанов-катта ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Таълимни бошқариш масалалари бир томондан жамият ижтимоий-иқтисодий ривожининг объектив қонунларига бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ривожланаётган жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари талабларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жамият тараққиётида таълим ва кадрлар тайёрлашнинг роли катта. Таълимни бошқариш жараёни энг муҳим ва мураккаб меҳнат тури деб эътироф қилинган. Таълим ривожланиб борган сари, бошқарув нафақат ривожланади, балки мураккаблашиб ҳам боради. Шунинг учун таълимни бошқаришга бўлган қарашларнинг ривожланиш эволюциясини чуқур таҳлил қилиш ҳозирги замонавий таълим бошқаруви моҳиятини англаш имконини беради.

Калит сўзлар: таълим, менежмент тарихи, таълим менежменти ривожланиш эволюцияси, таълимда бошқарув, замонавий таълим муассасаси, педагогика, инновация

Аннотация. Вопросы управления образованием, с одной стороны, напрямую связаны с объективными законами социально-экономического развития общества, с другой - во многом связаны с требованиями социальных потребностей развивающегося общества. Роль образования и обучения в развитии общества велика. Процесс управления образованием признан наиболее важным и сложным видом работы. По мере развития образования менеджмент не только развивается, но и усложняется. Таким образом, углубленный анализ эволюционного развития отношения к управлению образованием позволяет понять природу современного управления образованием.

Ключевые слова: образование, менеджмент, менеджмент в образовании, современное образовательное учреждение, педагогика, инновации.

Annotation. The issues of education management are directly related to the objective laws of socio-economic development of the society, on the one hand, and to the requirements of the social needs of the developing society, on the other hand. The role of education and training in the development of society is great. The process of managing education has been recognized as the most important and complex type of work. As education develops, management not only evolves but also becomes more complex. Therefore, an in-depth analysis of the evolutionary development of attitudes towards education management provides an understanding of the nature of modern education management.

Key words: education, management, management in education, modern educational institution, pedagogy, innovation.

Ўзбекистон таълим соҳасида бозор ислоҳотларини амалга ошириб, хорижий мамлакатлар таълим тизими билан интеграция жараёнларини аниқ мақсадларга мувофиқ равишда олиб бормоқда. Таълим тизими сифатига ҳозирги даврда дунёнинг барча мамлакатларида катта аҳамият берилмоқда. Таълим тизими сифатини таъминлаш ва такомиллаштириш эса ҳозирги кунда тадқиқот олиб борилиши керак бўлган муҳим соҳалардан бири бўлган таълим менежменти билан узвий боғлиқдир.

Ўзбек тили лексикасига нисбатан яқинда кириб келганига қарамасдан менежмент атамаси тез-тез ишлатилмоқда, чунки у сиёсатдан тортиб то спортгача бўлган турли соҳаларда қўлланилади. "Менежмент" атамасининг этимологияси ҳақида аниқ бир фикр билдириш қийин. Қадимги Юнонистонда "менежмент" сўзининг сўзма-сўз аналоги бўлмаган. Товуш ва маъно жиҳатидан энг яқин бўлган "мастер" сўзи “қидирувга раҳбарлик қилиш", "қидиришга қодир" деган маъноларга эга эди, аммо "етакчилик қила олиш" маъносини билдирмаган. Одамларни бошқариш санъати юнон тилида "демагогия" деб номланган. Аввалига бундай сўз масъулиятли вазифаларни ўз зиммаларига олганлар деб номланган. Сўнг, нотиқлик санъатининг ривожланиши билан ажралиб турадиган демократик режим даврида у салбий мазмунга эга бўлиб, алдаш маъносини англата бошлади [1].

Ўз-ўзидан "мансипио" сўзи иккита мустақил сўз: "манус" ва "сапио" қўшилишидан ҳосил бўлган. Тарихий ишлаб чиқаришнинг аниқ услубини белгилайдиган "ишлаб чиқариш" иқтисодий категорияси икки сўздан келиб чиқади: манус (қўл) ва фактура (ишлаб чиқариш). Сапио сотиб олиш, меърос қилиб олиш, эгаллаб олиш, тегишли деган маънони англатади. Манус ва капио сўзларида семантик ва мазмунан ўхшашлик мавжуд: ишлаб чиқариш ва тўплаш, ишлаш ва мослаштириш. Шу сабабли, мансеп сўзини таржима қилганда "тадбиркор" - капитални ўз қўли билан, ўз меҳнати билан нафақат қатъият билан, балки айёрлик ва эпчиллик билан ишлаган одам маъносини англатган.

Немис тарихчиси И.Шайд замонавий "менежмент" атамасига ўз талқинини таклиф қилади. У ушбу сўзнинг этимологиясини италиян тилидаги *манеггиаре* - отни бошқариш қобилиятидан келиб чиққан деган хулосани илгари суради. Инглизча "manage" сўзи бошқариш, раҳбарлик қилиш, идора қилиш деган маънони англатади. “Менежмент - бу санъат ва илм-фаннинг комбинацияси бўлиб, унинг вазифаси, биринчидан, одамларни ўзларига топширилган вазифа доирасида ҳаракат қилишни рағбатлантириш ва йўналтиришдир. Ҳар бир аниқ вазиятнинг барча ўзаро муносабатлари, сабаблари ва оқибатларини тушуниш; иккинчидан, ташкилот ичидаги барча одамларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдир ...” [2].

Албатта, отларни бошқариш билан ходимларни бошқариш бошқа-бошқа нарсалар. Аммо бошқаришнинг санъат сифатида ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган умумий жиҳатларини мавжуд, дейди А.И.Кравченко [1, 28]. Бу санъат, одамларнинг хатти-ҳаракатларини улар сезмаслиги учун, улар устидан ҳеч қандай босим ёки зўравонликни сезмасликлари учун тартибга солиш қобилиятидан ёки ҳийла-найрангдан иборат. Шунинг учун менежер санъатидаги асосий нарса одамларни ихтиёрий бўйсунишга ундаш ва қизиқтиришдир.

Менежмент - инглиз тилининг Оксфорд луғатида берилган таърифга биноан:

- бошқарув ҳокимияти ва санъати;
- ресурсларни бошқариш бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалар тушунилади.

Бугунги кунда менежмент ва бошқарув тўғрисида қуйидаги умум қабул қилинган фикрлар мавжуд:

- *юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов*
- *мустақил фан*
- *фаолият тури, функция*
- *жараён*
- *ташкилотларни бошқарувчи ходимлар*
- *бошқарув аппарати ёки органи.*

Жаҳон амалиётида менежмент ташкилотнинг самарали ишлаши учун интеллектуал, моддий ва молиявий ресурсларни сафарбар қилиш учун фан, санъат ва фаолият вазифасини бажаради. У гўё иккита йўналишни бирлаштиради: одамларни бошқариш, якуний мақсадга эришиш учун жамоани ташкил қилиш билан боғлиқ иқтисодий ёки ташкилий-техник ва психологик-педагогик жараёндир.

Замонавий таълим, бошқа кўплаб фаолият йўналишлари сингари, менежмент билан боғлиқ: сифат менежменти, ўқитувчилар жамоасини бошқариш, ахборот ва таҳлилий бошқариш. Аммо шуни таъкидлаш керакки, таълимдаги бошқарув тушунчаси "таълим менежменти" тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Чет элда таълим соҳасидаги менежмент "қарор қабул қилишнинг энг муҳим жараёнига эътибор қаратиш" деб қаралади. Таълим менежментининг асосий ғояси, масалан, Қўшма Штатларда, таълим тизимидаги бошқарувни марказсизлаштириш билан боғлиқ. Бунда ўқитувчига таълим муассасаси учун энг муҳим бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқи берилиши керак.

Таълим менежментини замонавий таълим муассасаси амалиётига татбиқ этиш, таълим муассасалари бир хилликдан узоқлашаётган, аҳолини ўзгарувчан таълим хизматлари билан таъминлаган ва ривожланиб бораётган таълим шароитида етарли бошқарувни амалга ошириш, таълимни либераллаштириш ва инновацион жараёнларда иштирок этиш зарурлигидан келиб чиқади.

Нотижорат соҳада (масалан, таълим соҳасида) қўлланилиши мумкин бўлган менежментнинг энг тўлиқ таърифини таниқли америкалик менежмент назариётчиси П.Дракер берган. Унинг фикрича, замонавий менежмент - бу одамларга йўнал-

тирилган бошқарув фаолиятининг ўзига хос тури, бу одамларни биргаликдаги ҳаракатларга қодир қилиш, уларнинг ҳаракатларини самарали қилиш ва ўзига хос заиф томонларини юмшатишдир, чунки инсоннинг жамиятга ҳисса қўшиш қобилиятига ҳам боғлиқдир.

Таълим менежменти фақат ўзига хос хусусиятларга ва белгиларга эга. Педагогик таълимни янгилаш жараёни унинг ривожланишининг барқарор натижаларини таъминлай олиши учун инновациялар амалиётини ижтимоий-педагогик профилда турли мутахассисларни тайёрлаш моделларини яратиш даражасига етказиш зарур.

Ушбу моделлардан бири бу таълим менежерларининг кўп босқичли тайёргарлиги бўлиб, уни амалга ошириш турли даражадаги стратегик, ташкилий ва бошқарув, таркибий ва мазмунли, технологик сингари тизимли янгиликларни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, янги таълим дастурлари яратувчиларининг инновацион маданияти ҳақида гапириш мумкин, улар эски, замонавий ва янгиларнинг инновацион тизимга динамик интеграциясини таъминлаши керак, яъни "Узлуксизлик принципига мувофиқ янги нарсаларни эркин яратишлари лозим" [3]. Европанинг бир қатор мамлакатларида ўқитиладиган менежерларни тайёрлаш дастурларини таҳлил қилишда бир қатор хусусиятлар мавжуд:

- таълим муассасаларида менежер функцияларини амалиётда бажараётган ёки бундай функцияларни бажаришга тайёргарлик кўраётган олий маълумотли шахслар учун малака ошириш дастурлари;

- малака ошириш учун институционал асос ҳар хил бўлиши мумкин; тегишли дастурлар малака ошириш марказлари, университетларнинг педагогика факултетлари, малака ошириш муассасалари томонидан таклиф этилади;

- Таълим менежерларини тайёрлаш дастурлари психологик, педагогик, ижтимоий ва иқтисодий фанларнинг синтезига асосланган фанлараро асосга эга;

- ўқув жараёнини ташкил этишнинг етакчи принципи назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликдир ва энг кенг тарқалган ўқитиш усуллари бу амалий машғулотлар, лойиҳалар, семинарлар, масофавий ва аралаш таълим элементлари;

- яқин вақтгача Европа университетларида таълим менежерларини тайёрлаш бўйича кўп босқичли тизим амалда мавжуд эмас эди, гарчи уни қуриш зарур бўлса, таълим соҳасидаги бошқарув функцияларининг мураккаблашиши билан боғлиқ эди.

Европанинг аксарият мамлакатларида замонавий ижтимоий-маданий вазиятда таълим менежментининг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда, бу эса ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлашнинг мақбул тизимини излашни амалга оширади, бу кўп даражали ва фанлараро хусусиятга эга, муаммоларга жавоб беради. Вақт ва ягона Европа таълим маконини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Мутахассисларни тайёрлаш тизимининг фақат индивидуал элементларини ўзгартирадиган, уни ўсиш нуқталари деб аталадиган қисман инновациялардан фарқли ўлароқ, тизимли янгиликлар аввал шаклланган тизимни демонтаж қилади ва таркибидаги энг қиммат таркибий элементларни сақлаб қолган ҳолда, уни янгилаб боради.

Стратегик менежментдаги янгиликлар мутахассисларнинг малакасини оширишнинг янги концепцияларида, моделларида акс этади ва таълим менежерларини тайёрлаш тизимида инновацион трансформациялар стратегиясини танлашни таклиф қилади.

Таълим менежерини тайёрлаш моделини тузишда ҳар хил турдаги инновацион стратегиялар қўлланилади. Улардан энг кенг тарқалгани адаптив-реконструкция ва ижодий-трансформациядир. Биринчи стратегия мавжуд

ўқув тизимини сақлаб қолиш ва парчаланиб кетган ва умуман тизимнинг моҳиятига таъсир қилмайдиган қисман ўзгаришларни амалга оширишга асосланган. Гап анъанавий тизим доирасида кафолатланган натижаларга эришишга қаратилган инновациялар - модернизация ҳақида кетмоқда.

Таркибдаги тизимли янгилик когнитив ва таркибий янгиликларни ўз ичига олади. Когнитив янгиликлар Р.М.Шераизинанинг таълим дастурлари асосида илм-фан соҳасида янги илмий билимларни эгаллашни назарда тутади. Когнитив янгиликлар таълим тизимларини бошқариш бўйича билимлар ва амалиётнинг фанлараро соҳаси сифатида таълимни бошқаришда янги илмий ёндашувларни излашда намоён бўлади. "Таълим менежменти" тоифасининг фанлараро табиати унинг икки компоненти билан белгиланади: педагогик ва иқтисодий [4]. Педагогик таркибий қисм ўқув жараёни жараёнининг мазмуни ва усуллари, жамоавий ва индивидуал билимларни шакллантириш билан боғлиқ. Иқтисодий таркибий қисм ушбу жараённи иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, оқилона бошқариш, уни ташкил этиш, маркетинг ва таълим хизматлари бозорида жойлашуви билан боғлиқ [5].

Стратегик менежмент, мазмун ва ўқув жараёнидаги тизимли янгиликлар ҳар хил турдаги ташкилотларда илмий-педагогик, илмий-тадқиқот, бошқарув, ташкилий ва лойиҳавий вазифаларни мустақил ва самарали ечишга қодир бўлган назарий билимларни қўллай оладиган таълим менежерини тайёрлашга имкон беради. Шундай қилиб, замонавий муаллифларнинг асарларида таълимни бошқариш ушбу тизимларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган таълим тизимларини бошқариш тамойиллари, усуллари, ташкилий шакллари ва технологик усуллари мажмуаси сифатида қаралади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кравченко А.И. История менеджмента: учебное пособие для студентов вузов. – М.: Академический Проект, 2000. -352с. – (Gaudeamus)
2. Умумий педагогика (Педагогика назарияси ва амалиёти асослари). Ўқув қўлланма. II китоб. Ҳ. Бобоевнинг умумий таҳрири асосида. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013, 860 бет.
3. https://studfile.net/preview/16404678/page:52/
4. Шерайзина Р.М. Инновационный менеджмент: Учебно-методический комплекс. – Великий Новгород: НовГУ имени Ярослава Мудрого, 2010. 58 с.
5. Комарова Е.И. Войтенко и А.И. Менеджмент социальной работы: Учеб. пособие для вузов / - М.: ВЛАДОС, 2001. - 288 с.

ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЖУРНАЛЛАР

(1918 -1924 –ЙИЛЛАР)

ЖУРНАЛЫ, ИЗДАВАЕМЫЕ В ТУРКЕСТАНЕ В СОВЕТСКОЕ ВРЕМЯ (1918-1924 ГГ.)

MAGAZINES PUBLISHED IN TURKESTAN DURING THE SOVIET ERA (1918-1924)

С.С.Хамрақулов –ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мақолада совет ҳокимияти йилларида чоп этилган журналлар ва уларнинг жамият ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ушбу журналларда фаолият юритган жадидлар фаолияти ёритилган

Калит сўзлар:Совет ҳокимияти, журналлар, жадидлар, нашриётлар.

Аннотация. В статье описаны журналы, издаваемые в советское время, их роль в общественно-политической жизни общества и деятельность джадидов, работавших в этих журналах.

Ключевие слова:Советской власть,журналы,джадиды,типографии

Annotation. The article describes the journals published in the Soviet era, their role in the social and political life of society and the activities of the Jadids who worked in these journals.

Key words: Sovet period, magazines,jadids, typography

Матбуот давр ва замоннинг маънавий кўзгуси. Демакки, матбуот тарихий тараққиёт ва жамият фалсафасидир.Зотан ҳар қандай матбуот органи - хоҳ журнал, хоҳ газета бўлсин, ўз даври тарихини ёзишга муайян ҳисса қўшади.Халқ тарихининг айрим жиҳатларини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Туркистонда 1918 йилда совет ҳокимияти ўрнатилгач, ўз тарғибот қуроли сифатида матбуотга эътибор берди. Бу даврда газеталар билан биргаликда журналлар чоп этиш ҳам янги босқичга кўтарилди. Бу даврдаги дастлабки журналлардан бири 1918 йил 1 декабрдан чоп этилган “Маориф” дир. Ноширн Туркистон Совет жумҳурияти Маориф ишлар комиссарлиги эди. Журнал ҳафтада бир маротаба чоп этилган. Ўзида тиражи кўрсатилмаган. 6 та сон чиққандан сўнг 1919 йил апрель ойида ўз фаолиятини тўхтатди [1].

1919 йил 23 майда Самарқандда Хабир Абдуллаев саъй ҳаракатлари билан унинг масъул муҳаррирлигида “Болалар йўлдоши ” номли журнал чоп этила бошлайди. Журнал тош босмада, беш юз нусхада чоп этилган.Нархи уч сўм бўлган. Унинг масъул мудири Абдурашид Абдужаббор ўғли эди. Аммо журнал тараққий эта олмай 3 сон чиққанидан сўнг шу йил август ойида ўз фаолиятини тўхтатади[2].

1920 йил 1 январдан бошлаб 15 кунда бир маротаба “Таёқ” журналини чоп этила бошлайди. Журнал 8 бетлик бўлиб, тиражи 1000-2000 орасида эди. Иқтисодий сабаблар билан журнал 8 сонидан сўнг фаолиятини тўхтатган [3].

1920 йил 9 апрелда “Тонг” журнали чоп этила бошланди. Ушбу журнал Абдурауф Фитратнинг ташаббуси билан ташкил этилади. Журнал ўз даврида чоп этилган журналлардан бирмунча фарқ қилган. Бунда тил ва имло масалалари билан биргаликда Шарқ халқларининг мустамлакачилик асоратлари ҳақидаги фикрлар ҳам бериб борилган. Журнал пуллик бўлган, олти ойлиги 600 сўм, уч ойлиги 300 сўм, бир донаси 50 сўм бўлган. Журналнинг ўзида тиражи кўрсатилмаган. Аммо журнал мавжуд компартия тузуми сиёсатига мос келмаганлиги учун 3-сонидан сўнг 1920 йил 15 майда тўхтатиб қўйилган [4].

1920 йил 7 ноябрда Наманган янги шаҳар иштирокиюн фирқаси ёшлар қаноти ноширлигида “Қизил тикон” журнали чоп этилади. Ўғуз, Тўмтоқ, Қизил ништар, Таёқ, Билиб-билмас, Қизил сўна, Фолбин, Шараф Латиф, Ғарибий, Тўфонларнинг мақолалари эълон қилиб борилган [5].

“Қизил йўл” журнали 1920 йил 20 ноябрдан бошлаб чоп этила бошланган. Масъул муҳаррири Ахмад Донской, ўзида тиражи ва нарҳи кўрсатилмаган.

Ҳафтада бир маротаба чиқарилган. Ушбу журнал асосан коммунистик тузумнинг тарғибот қуроли эди ва унда кўпроқ шу ғоялар бериб борилган [6].

1920 йил 1 декабрда “Касабачилик ҳаракати” журнали чоп этила бошлайди. Масъул муҳаррирликни дастлаб Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, кейинчалик Абдулла Авлоний бу вазифани бажарадилар. Журналнинг ўзида тиражи кўрсатилмаган, бепул тарқатилган.

“Болалар дунёси” журнали 1921 йил 15 мартда Туркистон Маориф комиссарлиги ноширлигида нашр этила бошланди. Журнал ойда бир марта,

катта форматда, тош босмада босилган. Бепул тарқатилган. Номаълум сабабга кўра икки сондан сўнг фаолиятини тўхтатган [7].

Самарқандда 1921 йил октябрь ойида “Дафъи эҳтиёж иттифоқининг мухбири” номли журнал чоп этилган. Масъул муҳаррир Мирсалимов эди. Ойда бир марта чиқарилган, тош босмада босилган. 3-сонидан сўнг тўхтатилган.

Туркистон коммунистик фирқаси ноширлигида 1922 йил февраль ойидан бошлаб “Инқилоб” журнали чоп этила бошланди. Дастлаб ойда икки марта, кейинчалик бир мартадан чоп этила бошланди [8]. Журналда Назир Тўрақулов, Усмонхон Эшонхўжаев масъул муҳаррир вазифани бажа-радилар.

Журнал марказий қўмита нашри бўлганлиги учун нисбатан тизимли нашр этилган. 1924 йил октябрь ойида журнал ўз фаолиятини тўхтатади.

1922 йил 8 апрелда Туркистонда Маданий-маориф қурултойи бўлиб ўтади. Қурултой вакилларига бағишлаб совға сифатида бир сонлик “Бизнинг армуғон” журнали чоп этилади [9]. Унга Саид Аҳмад муҳаррирлик қилган. Ушбу “Армуғон” да Ш.Сулаймон, Чўлпон, А. Авлонийлар ўз мақолалари билан иштирок этади.

Шундай қисқа вақт чоп этилган журналлардан яна бири “Ҳақиқат” журналидир. Унинг биринчи сони 1922 йил 10 августда дунё юзини кўрган. Унинг ноширн ва мудири Холмуҳаммад Охундий, масъул муҳаррири Заҳриддин Аълам бўлган. Журнал “Динсиз жамият, жамиятсиз дин йўқдир!” шиори остида фаолият юритган [10]. 2- сони чиққанидан сўнг 1922 йил 15 сентябрда ўз фаолиятини тўхтатади.

Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги муассислигидаги “Билим кенгаши” маркази ноширлигида 1922 йил сентябрида “Билим ўчоғи” журналини чоп этади. Унда асосан мактаблар, уларда ўқиш ва ўқитиш масалалари, шунингдек таълим – тарбияга доир мақолалар бериб борилган. Усмонхон Эшонхўжаев масъул муҳаррир сифатида фаолият юритган. Журнал ойда бир марта, 1500 нусхада чиқарилган. Бир донасининг баҳоси 100 сўм бўлган. 1923 йил 15 майда ўз фаолиятини тўхтатган [11].

Туркистон Коммунистлар Марказий Қўмитаси ўзининг тарғибот қуроли сифатида 1923 йил 1 февралда “Коммунистлар йўлдоши” журналини нашр этади. Журналнинг мақсади партиянинг қуйи органларига ўз ғояларин етказиш эди. У 1300-1500 та тиражда икки сон чиқади. 1-сон 131 бет, 2-сон 243 бет бўлиб чиқади.Журнал ишида С.Асфандиёров, М. Эпштейн ва бошқалар иштирок этади. 2 -сондан сўнг ўз фаолиятини тўхтатади [12].

Дастлаб “Туркистон” кейин “Қизил Ўзбекистон” газеталарига илова сифатида чиқарилган “Муштум”, 1923 йил 1 февралдан бошлаб алоҳида ҳолда нашр этила бошлайди. У сатирик журнал бўлиб, узоқ вақт фаолият кўрсатган. Унда ўз даврининг ижтимоий муаммолари ҳажв остига олиниб, ўзининг ижтимоий, адабий, сатирик мақолалари билан нафақат юқори табақа вакиллари ўртасида балки оддий халқ орасида ҳам оммалашиб кетади. Буни унинг тиражи 9000 тага етганлигидан ҳам билса бўлади. Журнал ишида ўз даврининг фаол маърифатпарварлари А.Чўлпон, Ғози Юнус, А. Қодирий (Жулқунбой), Зиё Саид ва яна бир нечта мухбирлар айниқса фаол иштирок этадилар. Журналдаги расмларни Тулла, Нехлюдов, Абдулмўмин Мажид, Рождественскийлар чизишган.Бухоро халқ маориф назорати ноширлигида 1923 йил март ойида Бухорода “Учқун” журнали чоп этила бошлайди. Журналнинг ўзида тиражи ва пули кўрсатилмаган [13].

“Нашри маориф” журнали 1923 йил 20 мартда чоп этила бошланди. Ноширн: Бухоро марказий касаба уюшмаси қошидаги марказий нашр шўбаси. Масъул муҳаррири Хабир Абдуллаев, мудири Эшон Атоуллахўжа.

Унда Саид Аҳрорий, Мустафо Сайфулмулуков ва бошқалар ўз мақолалари билан иштирок этишган. 2-3- сони чиққанидан сўнг ўз фаолиятини тўхтатган [14].

1923 йил 15 майда “Байналминал” журнали чоп этила бошланди. У тўрт ўзбек, татар, қозоқ, туркман тилларида чоп этилган. Масъул муҳаррири Ш.Абзанов.Ушбу журнал мақсади: туркий тилда сўзлашувчи талабаларни бирдамликка чорлаш, уларнинг ижтимоий ва илмий алоқаларда ҳамкорлигини кенгайтириш [15]. Шунингдек, Самарқандда 1924 йил 1 июндан “Машраб”, 1924 йил 7 декабрдан “Ахборот” журналлари чоп этилган.

Журналларга эътибор берилса, кўпроқ маориф соҳасига оид журналлар чоп этилганлигини кўришимиз мумкин.Шу билан бир қаторда маълум бир соҳаларга йўналтирилган журналлар ҳам чоп этилган.Ушбу журналларда шу давр халқимиз ижтимоий – сиёсий тарихининг кўпгина қирралари ҳам ёритиб борилган

.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зиё Саид.Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар.Т.:1974. 80-б.
2.Ҳожи Муин.Самарқанд матбуотининг тарихи.”Зарафшон”, 1923.
3 .Ҳожи Муин.Самарқанд матбуотининг тарихи.”Зарафшон” , 1923.
4 .“Тонг” журнали. “Иштирокиюн”, 1920.
5 .“Қизил тикан”// “Иштирокиюн”, 1920.
6 .Зиё Саид.Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар.Т.:1974. 84 - бет
7 .“Болалар дунёси” (журнал маориф комиссарияти томонидан чиқарилган) // “Қизил Байроқ”, 1921.
8 .Ёзувчи. “Инқилоб” журнали.//Қизил байроқ.-1922.
9.“Бизнинг армуғон”.// Қизил байроқ.1922.
10. Башир З. “Ҳақиқат” мажмуаси// Қизил байроқ. 1922.
11. С. “Билим ўчоғи”// Қизил байроқ. 1922.
12. Зиё Саид.Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар.Т.:1974. 84-б.
13. Сумак авлиё.Матбуот// Туркистон, 1923.
14. Башир З. “Нашри маориф”//Туркистон 1923.
15. Саъдий А. “Байналминал”// Туркистон 1923.

ТУРКИСТОНДА БОШҚИРДИСТОН ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВ БАШКОРТОСТАНА В ТУРКЕСТАНЕ

ACTIVITIES OF BASHKORTOSTAN REPRESENTATIONS IN TURKESTAN

Ғ.О.Сотиболдиев- катта ўқитувчи, Наманган МҚИ

Аннотация. Ушбу мақолада Совет даврида Туркистон халқлари ҳаётида ижтимоий-иқтисодий вазият аҳволи ҳамда Бошқирдистон ваколатхоналари фаолияти ўрганилган.

Калит сўзлар: Туркистон, Бошқирдистон, ижтимоий-иқтисодий вазият, ваколатхоналар, ҳокимият.

Аннотация. В данной статье исследована социально-экономическая ситуация в жизни народов Туркестана в советское время и деятельность органов власти Башкирдистана.

Ключевые слова: Туркестан, Башкирдистан, социально-экономическое положение, консульство, правительство.

Annotation. This article investigates the activities of the authorities of the Bashkirdistan and the socio-economic situation of the peoples of Turkestan in the Soviet era.

Key words: Turkestan, Bashkirdistan, socio-economic situation, consulate, government.

XX асрнинг 20-йилларида Россия Федерациясининг Туркистонда фаолият олиб борган ваколатхоналари ичида Бошқирдистон ваколатхонаси алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Ваколатхонанинг ташкил этилишига сабаб, биринчиси, Марказ манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун тили, дини, урф-одатлари муштарак бўлган татар-бошқирдларнинг сафарбар қилиниши бўлган бўлса, иккинчи томондан, Волгабўйидаги қурғоқчилик бошқирд халқини ўлкага оммавий равишда жон сақлаш учун келганлигидир.

Бошқирдистон ҳукумати аҳолини очарчиликдан қутқаришнинг паноҳ йўлларида қардош, диндош, тили муштарак Туркистон халқларидан ёрдам кутади. Чунки Бошқирдистондаги иқтисодий аҳвол 1921 йил ёзига келганда анча мураккаб вазиятга тушиб қолди. Шунинг учун Бошқирдистон МИҚ ҳайъати ўзининг 1921 йил 9 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари мажлисида республикадаги очлар миқдори ва уларнинг кундан-кунга кенгаяётган даҳшатли кўлами тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, Бошқирдистон мухтор Республикаси Туркистонда ўз ваколатхонасини очишга қарор қилди.

1921 йил августда Туркистон ўлкасида Бошқирдистоннинг ваколатхонаси очилди. 1921 йил сентябрь ойининг охирида Бошқирдистон мухтор Республикасининг ваколатли вакиллари Тошкентга келади. Ваколатли вакиллар мандати Туркистон раҳбарияти томонидан норозилик билан кутиб олинди. Чунки уларсиз ҳам Туркистонда Россия Федерацияси марказий губерниялари ва республикаларидан ташриф буюрган ваколатли вакиллар етарли эди. Туркистон раҳбарияти Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонасини расман бирик-тирилишига қарши бўлишига қарамас-дан, ваколатхона ходимларини фаоли-ятига тўсқинлик қилишмаган. Чунки, тили ва дини муштарак, урф-одатлари яқин туркий халқларга хос қардошлик ҳисси юқори бўлган. Шу билан бирга ўлкада татар, бошқирдларга нисбатан зарур кадр сифатида муносабатда бўлишган. Бундан сабаб, инқилобдан олдинги даврда қрим-татар фарзанди Исмоил Гаспралини Туркистонга келиши, жадид мактабларини очиши ва шу билан биргаликда кейинги даврда ўлкада етук мутахассисларни етишиб чиққанлигини изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, Бошқирдистон республикаси раҳбарияти Туркистон раҳбариятига ёрдам бериш ҳақида мурожаат билан чиқишган. Жумладан, 1921 йил декабрида Бошқирдистон раҳбарияти Туркистон раҳбариятига мурожаат билан чиқишган. Бошқирдистон МИҚ раиси М.Л.Муртазин Туркистон раҳбариятига қуйидаги мазмунда мурожаат юборган эди: “Волгабўйи, Ўрта ва Жанубий Урал ҳудудларида рўй берган қурғоқчилик натижасида очарчилик юз берди, бу эса Бошқирдистон аҳолисини ўлимга маҳкум этмоқда. Саноатни ишдан чиқиши кулфатни чуқурлаштирмоқда. Очарчилик балосининг ҳамроҳи бўлган юқумли касалликлар, айниқса, вабо Бошқирдистон аҳолисини ўз домига тортмоқда. Бу ҳолат Бошқирдистонда даволаш муассасалари ҳамда тиббий ходимларни етишмаслиги билан аҳволни мушкуллаштирмоқда. Бошқир-дистон ва Россиянинг бошқа губерниялари-да яқин келажакда иқтисодий аҳвол тубдан ўзгармас-лигини инобатга олган ҳолда сизлардан қардошларча ёрдам сўраймиз. Чунки, Туркистонни бизга нисбатан озиқ-овқат

заҳираси ва иқтисодий аҳволи яхши ҳолатда. Бизни илтимосимизни кечиктирмай бажаришга киришасиз деб ўйлаймиз. Ҳимояга муҳтож Бошқирдистон халқи Туркистондан ёрдам кутади.” Шу сабабдан Фарғона вилояти Очларга ёрдам кўрсатиш (ОЁ) комиссияси 1921 йил октябрь ойида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келаётган очларга ғамхўрлик тадбирларини амалга ошириш тўғрисида махсус қурултой ўтказди. [1.95-б] Наманган уезд-шаҳар ОЁ комиссияси ўзининг фаолиятини 1921 йил август ойининг бошларида бошлаган. 1921 йил 18 октябрга қадар очларга ёрдам уюштириш тадбирлари натижасида Наманган шаҳар аҳолисидан 10 миллион рубль, 140 пуд буғдой ва ун, 9 пуд асал, 19 пуд туз, 114 бўлак совун, 11та чопон ва бошқа нарсалар очларга ёрдам тариқасида йиғиб олинган. [2. 56-в] Андижон уезд-шаҳар комиссияси маълумотига кўра, 1921 йил сентябрдан ноябргача 8 миллион 526 минг 233 рубль хайрия тариқасида йиғилган. Марғилон уезд-шаҳар ОЁ комиссияси 1922 йил бошларига қадар 31 145 678 рубль хайрия қилинган. Хўжанд уезди ОЁ комиссияси 20 миллион рубль ва 1200 пуд озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берган. Юқорида баён этилган жараёнлар Бошқирдистон, Татаристон, Самара, Оренбург, Симбирск ваколатхоналари матлубот жамиятлари бевосита иштирокида амалга оширилган. Ваколатхоналар саъй ҳаракати билан эвакуация қилинган очларга шароитлар яратилган. Масалан, Қўқонда очлар учун пойафзал, Наманганда “Болалар уйлари”, Фарғонада “Овқатлантириш пунктлари” ва интернатлар ташкил қилинган. Бошқирдистондаги мусулмонлар билан Ўрта Осиё мусулмонлари ўртасидаги муносабатлар очарчилик сабабли янада мустаҳкамланиб борди. Лекин бу “яқинлик” большевик ҳукумати расмийларига унчалик ҳам ёқмади. Хусусан, расмийлар Волгабўйи ва Уралолди туркий мусулмонларининг Ўрта Осиёдаги мусулмон диндорлар билан доимий алоқаларидан жуда эҳтиёт бўлишган.[3;213] Биз юқоридаги далиллар билан танишиб чиқар эканмиз, шу ўринда Россия Федерацияси субъектлари ваколатхоналарининг ташкил қилинишига қуйидаги сабабларни келтириб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, Туркистон ва Россиядаги фуқаролар урушининг авж олиши ва унинг ўлкаларга салбий таъсир кўрсатиши.

Иккинчидан,Россия Федерацияси марказий губернияларидаги қурғоқчиликнинг авж олиши ва бунинг натижасида чорва ҳайвонларининг қирилиб кетишини олдини олиш учун Туркистондан амалий ёрдам сўралиши.

Учинчидан, қурғоқчилик натижасида Россия Федерацияси марказий губернияларидаги рўй берган очарчилик, ушбу ўлка аҳолисини Туркистонга кўчирилиши учун зарур бўлган.

Тўртинчидан, большевикларнинг кўр-кўрона олиб борган сиёсати натижасида юзага келган муаммоларни ҳал қилиниши керак бўлган.

Бешинчидан, ўлка иқтисодиёти, халқ хўжалигини тиклаш борасида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш бўлган.

Олтинчидан, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасида ўлкада олий ўқув юртларини ташкил қилиниши ва шу билан бирга ўлка аҳолисига большевиклар мафкурасини сингдиришдан иборат бўлган.

Юқорида келтириб ўтилган сабаблардан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Россия Федерацияси субъектлари ваколатхоналарини Туркистонда ташкил қилиниши сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларни қамраб олганини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. Т, “Университет” 2005. Б-65, Б-95.
2. Ўзбекистон МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 56-варақ,
3. Гусева Ю.НМусульмане Поволжя в Советской период отечественной истории(На материалах Нижнегородской, Самарской, Ульяновской областей)Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Москва, 2013. 213-с

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТОПОНИМИЯСИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ ИНЪИКОСИ

ОБЗОР ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОГО ТОПОНИМА В ИССЛЕДОВАНИЯХ ОБ ЭПОХЕ ШАЙБАНИДОВ

REVIEW OF CENTRAL ASIAN TOPONYMIS IN STUDIES THE AGE OF SHAYBANI

Г.Р Ҳидирова – таянч докторант, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Аннотация. Ушбу мақолада Шайбонийлар даври Марказий Осиё топонимиясининг фанда ўрганилиши, рус ва ўзбек олимларининг мазкур давр топонимиясини ўрганишга қўшган ҳиссалари, олимларнинг XVI аср ёзма манбаларига асосланиб амалга оширган тарихий топонимик тадқиқотлари таҳлил қилиниб, уларнинг Шайбонийлар даври Марказий Осиё топонимиясини ўрганишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўз: топонимия, Марказий Осиё топонимияси, Шайбонийлар, В.В.Бартольд, Ҳ.Вамбери, тарихий топономик тадқиқотлар.

Аннотация. В данной статье анализируется изучение топонимии Центральной Азии в период Шейбанидов. Вклад российских и узбекских ученых в изучение топонимии, историко-топонимические исследования на основе письменных источников XVI века и их значение в изучении Центральноазиатской топонимии в период правления Шейбанидов.

Ключевые слова: топонимия, топонимия Центральной Азии, Шейбанидов, В.В.Бартольд, Г.Вамбери, историко топономические исследовании.

Annotation. This article analyzes the study of toponymy of Central Asia during the Shaybanid period. Also author investigated contribution of Russian and Uzbek scientists to the study of toponymy. Historical toponymic studies based on written sources of the 16 th century and their significance in the study of Central Asian toponymy during the Shaybanid period.

Key words: toponymy, toponymy of Central Asia, Shaybanids, V.V.Bartold, H.Vamberi, historical toponymic researches.

Ер юзасида табиатдаги ўзгаришлар ва жамият ривожи тарихини географик номларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, бу ўринда Марказий Осиё ўзига хос ҳудуд саналади. Ўлкадаги тоғлар, дашт ва чўллар, денгизлар, кўллар, шаҳарлар, қишлоқлар номлари бизга тарихдан ҳикоя қилади. Шу сабабдан, Марказий Осиё тарихий топонимиясининг турли қирралари шарқшунослар, географлар, тарихчилар ва лингвистларнинг тарихий ва тарихий-географик тадқиқотларида ўз аксини топган.

Топонимика фанининг назарий ва амалий асослари В.А.Никонов, А.П. Дульзон, Э.М. Мурзаев, В.Н.Топоровлар илмий ишларида намоён бўлса,

Марказий Осиё республикаларидан Қирғизистон тарихий топонимияси С.У.Умурзаков, В.А.Никонов, К.Конкобаевларнинг, Қозоғистон топонимияси Г.К.Конкашпаев, А.Абдурахмановларнинг, Тожикистон жой номлари А.З.Розенфельд, А.Л.Хромов, Туркманистон топонимияси С.А.Атаниязов, З.Б.Муҳамедоваларнинг тадқиқотларидан жой олган.

Ёзма манбаларга тўла ёки қисман таяниб ёзилган тадқиқотлар жумласига А.Вамбери, В.В.Бартольд, Ҳ.Ҳасанов, О.Бўриев чоп қилган ишлар кирса, нумизматики ва эпиграфика материалларига таяниб ёзилган топономик тадқиқотларга Ш.Камолиддин, Ғ.Бобоёровларнинг илмий ишларини келтириш мумкин.

Шайбонийлар даври манбаларига таянилиб Марказий Осиё топонимиясига доир маълумотларни олимларнинг тарихий, географик мазмундаги чоп қилган ишларида кўриш мумкин. Уларнинг тадқиқотларида топонимия асосий ўринда эмас, тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда келган.

Э.М.Мурзаевнинг фикрига кўра, топонимияни билишга бўлган қизиқиш биринчи бўлиб географларнинг ишларида намоён бўла бошлади [10, 38]. XIX-XX асрларда Марказий Осиё топонимияси машҳур чет эллик шарқшунос олимлардан бири Ҳерман Вамберининг илмий изланишларида акс этган. Унинг 1863 йилда Ўрта Осиёга саёҳати натижасида ёзилган 2 томлик “История Бохары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего” асари ёзма манбалар асосида Марказий Осиё халқлари тарихидан ҳикоя қилади. Муаллиф асарда XVI аср даври тарихини ёритишда мазкур даврга оид Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”, номаълум муаллифнинг “Шайбонийнома” [16], Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарларидан фойдаланган. Асар Мовароуннаҳрнинг исломдан олдинги даври тарихидан бошланиб, то руслар томонидан босиб олингунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Асарда тарихий, географик маълумотлар билан бирга жой номларининг ўқилиши, Шайбонийхон ва ўзбеклар даврида пайдо бўлган жой номлари, антротопонимлар ҳақида маълумотлар келтирилган [8]. Бундан ташқари, XVI аср тарихини ўрганишда нодир манбалардан бири бўлмиш Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари айнан Ҳ.Вамбери таржимаси орқали бизга етиб келган. Мазкур асарнинг 1510 йилда Қосим исмли котиб томонидан ёзилган ва Вена кутубхонасида сақланадиган энг эски нусхаси 1885 йилда Герман Вамбери томонидан немисчага ўгирилиб Венада нашр бўлган. Асарнинг шу нашр асосида кейинчалик П.М.Мелиоранский томонидан қайта тўлдирилиб, А.Н.Самойлович томонидан тугалланган нашри 1908 йилда Санкт Петербургда чоп этилган [17]. Асар XVI аср даври тарихи, этнографияси, адабиёти тарихи билан бирга топонимиясини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳ.Хасановнинг маълумотига кўра, А.Вамберининг географик номларга атаб ёзган махсус “Марказий Осиёнинг географик номлари” луғати европалик шарқшунос ва географлар ёзган луғатлар орасида энг мукаммал, ўрганишга ва ҳатто махсус илмий текширишга лойиқ географик-филологик асардир [13, 35].

Рус шарқшуноси В.В.Бартольднинг асарлари топонимикада алоҳида ўрин тутади. Топономист олим С.Қораев В.В.Бартольд ҳақида фикр юритар экан, “В.В.Бартольд асарларини ўрганмасдан туриб Ўрта Осиё топонимикаси билан шуғулланиб бўлмайди”, – деган эди [11, 20]. В.В.Бартольднинг Марказий Осиё тарихий географиясининг айрим томонларига бағишлаб чоп қилган баъзи ишларида Шайбонийлар даври ҳам қайд этилган ва шу давр ёзма манбаларидан фойдаланилган. Бартольд ўзининг Марказий Осиё тарихига бағишлаб ёзган асарларида мазкур ҳудудга оид кўплаб

топонимларнинг шарҳларини, этимологиясини келтиради.

Айниқса, унинг тарихий географияга бағишлаб ёзган ишлари орасида Амударёнинг XIV-XV асрларда Каспий денгизига қуйилгани ва Орол денгизининг қадимги ҳолатига оид тадқиқотлари асосий ўринни эгаллайди. Бартольднинг бу мавзуга бағишланган “К вопросу о впадении Амударьи в Каспийское море”, “Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVII века” номли тадқиқотларида 1558 йил Хоразмга ташриф буюрган европалик сайёҳ Антоний Женкинсоннинг саёҳат кундалигида келтирилган маълумотларни Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи Турк” асари билан қиёслаб ўрганади [1.22.97]. 1562 йилда А.Женкинсон томонидан тузилган харитадан фойдаланиб жой номлари, гидронимларни таҳлил қилади, уларга танқидий ёндашиб илмий хулосалар чиқаради. Харита келтирилган номларни бошқа XVI аср манбалари билан қиёслайди. Гидронимларнинг манбалардаги номлари ва уларнинг ҳозирда қайси номга тўғри келишини баён этади.

Мавзунинг мантиқий давоми бўлмиш “К истории орошения Туркестана” номли тадқиқотида Бартольд Туркистон суғорилиш тарихига доир маълумотлар таҳлилида XVI аср агиографик манбаларидан Али ибн Хусейн Кошифийнинг “Рашахот айн ул-ҳаёт”, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”, Мирхонд ва Хондамир (XV, XVI) асарларидан фойдаланганлигини таъкидлайди [4]. У Ҳофиз Таниш Бухорий асарида келтирилган географик маълумотларни таҳлил қилар экан, уни Ҳофизи Абрунинг асаридан кўчирилган деган хулосага келади. В.В.Бартольднинг мазкур тадқиқоти Туркистон суғорилиш тизими билан боғлиқ маҳаллий географик терминлар: жуй, руд, ариқ, кориз, нахр, маъмурий объектлар терминлари: работ, шаҳристон, рустоқ, дех ва бошқаларнинг манбаларда келиши, уларнинг семантикаси, қайси тилга мансублиги ҳақида қимматли маълумотлар беради. Бундан ташқари, ушбу туркумга кирувчи “Аму-Дарья”, «Зеравшан», «Кашка-Дарья», «Сыр-Дарья» каби мақолаларида ушбу табиий объектлар номларининг манбаларда қандай ном билан тилга олиниши, жой номларининг XVI аср манбаларида қандай аталиши, қишлоқ-шаҳарлар топографияси ҳақида маълумотлар берилган [4].

Марказий Осиё тарихий топонимларига даҳлдор маълумотлар, жумладан, унинг “Ислом энциклопедияси”га ёзган “Ак-сарай”, “Аксу”, “Аму-Дарья”, “Аральское море”, “Атек”, “Бадахшан”, “Балхаш”, “Бухара”, “Гидждуван”, “Дер-и Ахенин”, “Иссык-куль”, “Каратегин”, “Кеш”, “Тараз”, “Туркестан”, “Фергана”, “Чарджуй” каби мақолаларидан ҳам жой олган [5].

Бартольд томонидан изоҳланган туркий, форсий, арабий, мўғулий асосли Марказий Осиё топонимлари соддалиги, аниқлиги, ишончлилиги ва манбаларга асосланганлиги билан ажралиб туради. В.В.Бартольд асарларининг топонимика учун қиммати шундаки, у рус ва Европа тилларидаги адабиётлар билан бирга, араб, форс ҳамда туркий тилдаги манбаларни ўрганади, уларга танқидий ёндашган ҳолда бир-бирига таққослайди. Тарихий-географик, топонимик маълумотлар таҳлилида эса XVI аср 1-ярмига оид тарихий манбаларга ҳам мурожаат қилганлигини кўришимиз мумкин.

1950-1960 йилларда географ олим Ҳ.Ҳасанов Шайбонийлар даври меросини география фани тарихи, топонимика ва терминология нуқтаи назаридан ўрганди. Ҳ.Ҳасанов буюк аждодларимизнинг географик меросини ўрганишга бўлган қизиқиши натижасида бир қатор асарлар яратди: “Қадимги ўзбек географлари”, “Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар”, “Сайёҳ олимлар”, “Бобир сайёҳ ва табиатшунос”, “Заҳириддин Бобир сайёҳ ва олим” каби асарлари шулар жумласидандир.

Масалан, олимнинг география фани тарихига бағишлаб ёзган “Ўрта

Осиёлик географ ва сайёҳлар” асарида XVI аср 1-ярми даври манбаларидан “Бобурнома”, “Ҳумоюннома”, “Тарихи Рашидий” асарларига ҳавола қилиш билан чекланиб, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”, Маҳмуд Ғиждувонийнинг “Мифтоҳ ут-толибин”, Ўтамиш Хожининг “Чингизнома” каби асарларининг тарихий географик муҳимлигига асосий урғу беради. Мазкур асарлардан келтирилган тарихий географик мазмундаги парчалар орасида жой номларига алоқадор маълумотлар ҳам мавжуд [14].

“Сайёҳ олимлар” [15] асарида эса Ўрта Осиё географиясини даврларга бўлиб ўрганган. Жумладан, XVI аср географиясини ўрганишда Заҳириддин Бобур, Муҳаммад Ҳайдар Мирза, Гулбаданбегим, Ҳофиз Таниш Бухорий, Маҳмуд Ғиждувоний асарларининг аҳамиятини кўрсатиб берган. Муаллиф китобида “Бобурнома”да бир мингга яқин географик ном борлигини таъкидлайди. Топонимлар асосида Бобурнинг саёҳат маршрутини чизилиб, Бобур таърифи асосида тузилган Осиё, Фарғона водийси харитаси илова қилинган [15]. Бу изланишлари натижасида олим “Бобир сайёҳ ва табиатшунос”, “Заҳириддин Бобир сайёҳ ва олим” каби рисолалар эълон қилди. Уларда “Бобурнома” муҳим терминологик манба эканлиги қайд қилиниб, Марказий Осиё бўйича жой номлари ва географик атамалар, аҳоли масканлари орасидаги масофалар, Мовароуннаҳр ва Афғонистоннинг географик тавсифи бўйича маълумотлар келтирилган, жой номлари хариталари тузилган.

Ҳ.Ҳасанов “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” номли рисоласида баъзи жой номлари таҳлили, топонимик лавҳалар билан бирга “Бобурнома”да асари нусхаларида бир жой номининг берилишидаги чалкашликни таҳлил қилган [13]. Олимнинг яна бир “География номлар сири” номли китоби тарихий топонимия, топонимистлар, Беруний ва Бобирнинг топонимика хусусидаги қарашлари каби муҳим пунктларни ўз ичига олган. “Бобурнома”дан XV-XVI асрдаги баъзи жой номларига берилган этимологик изоҳ, таққослар келтирилган [12].

Ўзбекистон топонимияси билан жиддий шуғулланган олимлардан бири Суюн Қораев ўзбек жой номларининг этимологияси ва семантикасига бағишланган “Географик номлар маъносини биласизми?” (1970), “Географик номлар маъноси” (1978), “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” (2005) каби топонимик луғатларида республикамиздаги объектлар, аҳоли масканлари номлари, уларнинг этимологиясини тадқиқ қилишда XVI аср манбаларидан “Бобурнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”, тарихий ҳужжатлардан фойдаланган [11].

Маълумки, топонимия билан нафақат географлар, тилшунослар, балки тарихчи олимлар ҳам қизиқиб келади. Манбашунос олим О.Бўриев “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси” мавзусидаги докторлик диссертациясининг бешинчи боби темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё жой номлари тадқиқига бағишланган бўлиб, унда XVI асрга ҳам даҳлдор бўлган Хожа Аҳрор Валийнинг вақф ҳужжатлари, Хондамирнинг “Ҳабиб ас-сияр фи ахбор ва афроз ал-башар”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” каби ёзма манбалардан фойдаланилган [7, 253-296].

Олимнинг “Бобурнома” даги топонимлар изоҳли луғати” (2015), “Фарғона водийсининг темурийлар манбаларидаги тавсифи” (2018) каби рисолаларида “Бобурнома”да қайд этилган жой номлари тарихий аспектда ўрганилган, топонимларнинг изоҳли луғатлари шакллантирилган. Айниқса, олимнинг ““Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати” рисоласида “Бобурнома” асарида учраган Мовароуннаҳр, Хуросон, Шарқий Туркистон ҳудуд-

ларига оид ҳар бир топонимнинг изоҳи, асардаги ёзилиш шакли, ҳозирда қайси ҳудудга тўғри келиши ҳақида қимматли маълумотлар берилади [6]. Бундан ташқари, О.Бўриевнинг топонимияга оид 20 дан ортиқ илмий мақолаларида жой номларининг манбалардаги ва ҳозирги ёзилиш шакллари, ўтган давр мобайнида содир бўлган ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Шайбонийлар даври Марказий Осиё топонимияси фанда алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Бироқ мазкур даврга оид айрим манбалар маълум ҳудудлар топонимиясини ўрганиш нуқтаи назаридан тадқиқотга жалб қилинган. Уларнинг аксари темурийлар даври тарихини ҳам ўзида акс эттирган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларидир. Бевосита Муҳаммад Шайбонийхон шахси ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ёзма манбалар ҳудуд топонимиясини ўрганиш жиҳатидан тадқиқ қилинмаган. Манбаларда қайд қилинган жой номларини аниқлаш, уларнинг топономик луғатини шакллантириш, мазмун ва ҳудудлар кесимида гуруҳларга ажратиб, семантик ва морфологик тадқиқ этиш ўлка тарихини янги маълумотлар билан бойитиш имконини бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Работы по исторической географии. – Москва: “Восточная литература”, 2002. – С. 711.
2. Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVII века / Сочинения, Т.III. – М., 1965, – С. 15-96.
3. Бартольд В.В. К вопросу о впадении Амударьи в Каспийское море. – С. 248-251.
4. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Сочинения, Т. III. – М., 1965. – С. 97-233.
5. Бартольд В.В. Статьи из “Энциклопедии ислама” / Сочинения, Т.III. – М., 1965, – С. 315-562.
6. Бўриев О. “Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати. – Тошкент: “Наврўз”, 2015. – 140 б.
7. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2017. – 352 б.
8. Вамбери Г. История Бохары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего. Перевод А.И.Павловскаго. – СПб., 1873. Т. I, II.
9. Мурзаев Э.М. География в названиях. – Москва: “Наука”, 1982. – С. 176.
10. Мурзаев Э.М. Топонимика в Средней Азии и Казахстане/Ономастика Средней Азии. – Москва, 1978.
11. Қораев С. География номлар маъноси //Масъул редактор: А.Р.Муҳаммаджонов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1978. – 203 б.
12. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – 120
13. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: “Фан”. 1965. – 81 б.
14. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1964. – 251 б.
15. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1981. – 264 б.
16. Аноним асар. 1849 йилда И.Березин томонидан Қозонда турк тилидан русча таржимаси изоҳлари билан нашр этилган.
17. Мухаммед Салих. Шейбани-намэ : Джагатайский текст. Посмерт. изд. проф. П. М. Мелиоранского; Под наблюдением и с предисл. [«О поэме „Шейбани-намэ“ и об ее авторе Мухаммеде Салихе»], прив.-доц. А. Н. Самойловича. − СПб., 1908. С. 227.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИ ТАРИХИДАН

ИЗ ИСТОРИИ ПРОЦЕССА ТРУДОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

FROM THE HISTORY OF THE PROCESS OF PROVIDING EMPLOYMENT IN THE FERGANA VALLEY

М.М.Холматов-катта ўқитувчи,
А.А.Аманов –ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мақолада мамлакатдаги ижтимоий муаммолар, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари борасида давлат сиёсати, мустақиллик йилларидаги ислоҳотларнинг натижалари баён қилинган.

Калит сўзлар: ишсизлик, иқтисодий қийинчиликлар, этник можаролар, ижтимоий ҳимоя, бозор иқтисодиёти, кичик бизнес, ҳусусий тадбиркорлик.

Аннотация. В статье излагаются социальные проблемы, с которыми сталкивается страна в сфере занятости населения и вырабатывания государственной политики по их решению, результаты реформ в первые годы независимости.

Ключевые слова: безработица, экономические трудности, межэтнические конфликты, социальная защита, раночная экономика, пособия по безработице, малый бизнес, частное предпринимательство.

Annotation. The article outlines the social problems faced by the people in the employment of the population in the republic and the formation of the state policy for their solution, the results of the reforms of the early years of independence.

Key words: unemployment, economic crisis, interethnic conflict, social protection, economy, unemployment benefits, small business, private entrepreneurship.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнининг устувор йўналиши бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш давлат сиёсатида ҳам барча соҳалар сингари ривожланишнинг янги истиқболли босқичи бошланди. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган устувор йўналишида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш белгилаб қўйилди [1].

Мустақиллик арафасида айниқса, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси муҳим ва ўткир тус олганди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг иш кучига ҳаддан ташқари тўйинганлиги, меҳнатга лаёқатли бўлсада, ишламайдиган аҳолининг миқдори ўсишда давом этаётганлиги, иш кучи талаб ва таклифининг миқдорий ва сифат жиҳатдан номутаносиблиги, узоқ йиллар давомида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда миллий-этник ва ижтимоий омилларнинг ҳисобга олинмаганлиги кишиларнинг турмуш даражасига жиддий зарар етказиб, жамиятда ижтимоий кескинликнинг манбаи бўлиб хизмат қилган эди.

Хусусан, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш масаласи долзарблиги Фарғона вилоятида яққол намоён бўлди. Ушбу ҳудудда юзага келган оғир ижтимоий муаммолар миллатлараро муносабатларнинг салбий бузилишида акс этди.

И.А.Каримовнинг 1989-йил 24 июнида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий–иқтисодий

ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашида сўзлаган ,,Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” номли нутқида Фарғона водийсидаги мавжуд ҳолатга ушбу изоҳ берилади: ,,…ҳозирги кунда кўпгина одамлар Фарғона воқеаларининг сабабларини турлича изоҳлашмоқда …Лекин шу нарса аёнки барча воқеаларнинг илдизи Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий – иқтисодий аҳволи билан боғлиқ”[2. 33-б]

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнининг иқтисодий асосларини яратишда энг аввало ишсизлик масаласини бартараф этишга эътибор қаратилди. Хусусан И.А. Каримовнинг “Агар Фарғона водийси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биз ҳал этмоқчи бўлган масала битта – қандай қилиб ишчи ўринларни яратиш, бунинг учун нима қилишимиз керак?” [2.36-б] фикри эътиборлидир. “Коммуна” газетасида чоп этилган “Хаёлми, ҳақиқат” мақоласида ушбу ижтимоий муаммога эътиборсизлик натижасида юзага келган ҳолатларга баҳо берилиб, қуйдаги фикрлар баён қилинади – “…беихтиёр кўз олдимизда 1989-йилнинг таҳликали июнь ойидаги воқеалар яна қайтадан гавдаланди. Кўчага дарғазаб отилиб чиққан ёш-яланглар-нинг асосий қисми бирор касбнинг этагидан тутмаган …бир сўз билан айтганда, ишсизлар эди. Уларни дини, маданияти, урф-одати, тўй маросимлари деярли бир хил месхети туркларига нисбатан адоват кўчага отлантиргани, ғазабини жунбушга келтиргани йўқ. Уларни асосан неча йиллардан буён тан олинмаган ижтимоий адолатсизлик, бизнинг “энг одил, энг инсонпарвар” жамиятимизга “мутлақо ёт” бўлган ишсизлик, эртанги кунга ишончсизлик дарғазаб қилган” эди [5.2-б].

Ўзбекистонда 1990 йилда жами мавжуд меҳнат ресурслари 10 млн. кишини ташкил этган. Шундан 5152, 2 минг киши давлат секторларида, 1,5 млн. киши кооператив секторидаги корхона ва ташкилотларда, 1,1 млн. киши индивидуал секторда иш билан банд бўлган. Бир миллиондан кўпроқ киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, тахминан 0,8 млн киши уй хўжалиги ишлари ва болалар тарбияси билан банд бўлган[4. 51-б]

Мустақилликнинг дастлабки вақтларида аҳолини иш билан таъминлашга оид совет ҳокимияти қонунлари ва Ўзбекистон ССР қонунлари қўлланилган бўлса, орадан қисқа вақт ўтгач бу соҳада ўз миллий қонунчилик тизимларимизни барпо этишга киришдик ва бунда халқаро ҳуқуқий нормалар ва стандартлар талабларини, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг иш билан таъминлаш ва аҳоли бандлигига оид Конвенциялари ҳамда Тавсиялари қоидаларини имкон қадар ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. Ана шундай дастлабки қонунлардан бири 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги [7] Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳисобланади. Мазкур Қонун билан мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш қонунчилиги тизимига асос солинди, ишга жойлаштириш органларининг миллий тизимлари юзага келтирила бошланди, фуқароларга ишга жойлашиш соҳасида бериладиган ҳуқуқлар ва кафолатлар даражаси ҳамда доираси аниқ белгилаб қўйилди. Ушбу қонун мамлакатимизда бандлик ва иш билан таъминлаш муаммоларини ҳуқуқий тартибга солинишида ўз вақтида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 1992 йил 13 январда “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунга 1998 йил 1 майда баъзи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг асосий принциплари ифодалаб берилган. Бундан ташқари, 2016 йил 13-декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ялпи йиғилишида “2017

йилда аҳоли бандлиги дастури” қабул қилинди [3.2]. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, республикамизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси” ташкил қилинган ва ушбу жамғарманинг даромадлар манбалари ва ҳаражатлари фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасига асосан давлат ишсиз шахсларга қуйидагиларни кафолатлайди: ишсизлик нафақаси тўлаш; меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш; ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш; ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти; меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш [6.9].

Шунингдек, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рағбатлантирилиши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи, стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Кичик бизнес бандликнинг кенгайишига ва аҳоли даромадларининг ўсиши учун қулай шароит яратмоқда.

Юқорида таъкидланганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларида мустақилликка эришиш арафаси даврларида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда қатор қийинчиликлар юзага келди. Булар совет ҳокимияти даврида шаклланган иқтисодий механизмнинг барбод бўлиши, иқтисодий соҳадаги алоқаларнинг узилиши билан боғлиқ эди;
- XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмидан аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муайян ижобий ҳолатлар юзага кела бошлади. Кишиларда боқимандалик руҳияти йўқола борди, янги қўшма корхоналар ташкил этила бошланди, ишдан чиққан корхона, муассасалар эса қайтадан тикланиб, реконструкция қилина бошланди. Хизматлар соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади;
- аҳолини иш билан таъминлашда "Бандлик" дастурлари, бўш иш ўринлари ярмаркалари, ёшларни иш билан таъминлаш марказлари фаолияти анча такомиллашди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, http://lex.uz/docs/3107036.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”-Т.:Ўзбекистон, 2012.
3. Бозоров А.Р. Аҳоли бандлигини таъминлаш иқтисодий муносабатларнинг етуклик даражасини белгиловчи муҳим омил// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017.
4. Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2010.
5. Коммуна газетаси №16(19.139) 1991.
6. Мехнат органлари тизими ходимлари учун ўқув-амалий қўлланма, Тошкент-2016.
7. http://lex.uz/acts/51887

ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ОНГ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ ПОВЫШЕНИЯ МУЗЫКАЛЬНОГО САМОСОЗНАНИЯ И ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ

SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF RAISING THE MUSICAL CONSCIOUSNESS AND AESTHETIC CULTURE OF YOUNG PEOPLE

М.М.Юлдашева –фалсафа фанлари номзоди, доцент
С.С.Расулова- ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мақолада ёшларнинг мусиқий онг ҳамда эстетик маданиятини юксалтириш муаммоларининг интеллектуал, эмоционал жиҳатларини ёритиш, улар онгида мусиқа садоларининг энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этиш ҳамда гўзал мусиқа яратган шахс юксак маънавият эгаси бўлишига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: инсон, жамият, дунё, ёшлар, мусиқа, онг, маданият, эстетика, кечинма, гўзаллик, фалсафа, санъат, улуғворлик, маънавият.

Аннотация. В статье рассматриваются интеллектуальные и эмоциональные аспекты проблем повышения музыкального сознания и эстетической культуры молодежи, выражения в их сознании самых благородных, высоких и тонких человеческих переживаний, а также высокая духовность человека, создающего красивую музыку.

Ключевые слова. Человек, общество, мир, молодежь, музыка, разум, культура, эстетика, опыт, красота, философия, искусство, слава, духовность.

Annotation. The article focuses on the intellectual and emotional aspects of the problems of raising the musical consciousness and aesthetic culture of young people, expressing in their minds the most noble, lofty and delicate human experiences of musical sounds, and the person who creates beautiful music has a high spirituality.

Key words: Man, society, world, youth, music, mind, culture, aesthetics, experience, beauty, philosophy, art, glory, spirituality.

Инсон эстетик тарбияси ҳамма даврлардан ҳам долзарб ва муҳим муаммолардан бири бўлганлиги- бу тарихий ҳақиқатдир. Зеро, дунё миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлардан маълум бўладики, инсоният мусиқий онг ва эстетик маданиятга суянган ҳолда ҳамиша эзгуликка, маънавий юксакликка интилиб келган, ҳаётда бамаъни, гўзал ҳаёт кечиришга, келажак авлодларга ўзидан яхши ном, ҳаётбахш қадриятлар қолдиришга интилган. Ҳозирги даврда халқни айниқса ёшларни мусиқий онг ва эстетик маданиятини янада юксалтириш нафақат биз учун ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамият касб этади, бу масала умумдавлат миқёсидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Шунингдек, жаҳон миқёсида ёшларнинг мусиқий онг ва эстетик маданиятини юксалтириш муаммоларининг интеллектуал ва эмоционал жиҳатларини ёритиш халқимиз ҳаётида азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Бунда асосан мусиқа садолари энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади. Гўзал мусиқа яратган шахс юксак маънавият эгаси бўлиши, шубҳасиз.

Шуни айтиш мумкинки, биринчидан, мамлакатимизда “мусиқий онг” ва “эстетик маданият” муаммоси

асосан миқдор ва тушунчали тасаввурлар, яъни дифференциаллашган назарий ғояларнинг мантиқий интеграллашуви асосида шаклланган абстракт-символик образлар сифатида талқин қилиниб келинган. Бу эса ёшларнинг ўз фаолиятида мусиқа санъати ва эстетик маданият ютуқларидан, замонавий ижтимоий-маданий концепциялардан фойдаланиш кўникмасини юксак даражага олиб чиқишда турли даражадаги мураккабликларни юзга келтирди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Жумладан, шўролар даврида асосан мафкуравий хукмронлик қулига айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий қўшиқчилик санъатидан бахраманд бўла бошладилар. Учинчидан, истиқлол туфайли маънавий турмушимиздаги кўплаб муаммолар ҳал этила бошланди. Кўрилаётган демократик, хуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан мафкуравий тайзиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти Ўзбекистон маданиятини халқчил қилди. Айни пайтда, Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёдаги ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам замин яратилди. Тўртинчидан, инсон мусиқа, тасвирий санъат асарлари ва бошқаларга ўзига хос кечинма ва образларни туйган ҳолда муносабатда бўлади, акс эттириш жараёнига, бошқача айтганда, инсоннинг ўз руҳий реаллигини англашга жалб этилади. Бешинчидан, инсон ақл-заковатига мусиқанинг таъсир этишини одамзод қадимдан бери ўрганиб келмоқда. Мусиқа санъати инсоннинг маънавий қиёфасини шакллантиришда қанчалик зарур омил бўлиб келаётгани асрлар оша барча олимларнинг эътиборини жалб этмоқда. Олтинчидан, ёшларнинг мусиқий онг ва эстетик маданиятини юксалтириш соҳасидаги ҳиссий-эмоционал қабуллаш малакалари ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни, борлиқни эстетик баҳолаш ва амалий муносабатда бўлиш қобилиятларини тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга. Чунки борлиқни ҳиссий-эмоционал қабуллаш табиий гўзалликнинг, асосан шаклини, ҳодисасини акс эттирса, эстетик баҳолаш даражасида, унинг моҳияти ва мазмуни муштарак тарзда ифодаланади. Ҳар икки босқич ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, табиат ва жамият қонуниятларини билиш ва инсон эстетик маданиятининг ривожланиш даражасига мос келади.

Умуман олганда, мусиқий онг ва эстетик маданиятнинг ўзаро синкретиклиги, ёшлар онгида симбиоз ривожланишига оид турли қарашлар илгари сурилмоқда. Шу маънода мусиқий онг муаммосини ўрганиш фалсафий тафаккур тарихининг барча даврларида муҳим ўрин тутиб келган. Шунингдек, эстетик маданият муаммоларини шартли равишда гуруҳлаш мумкин. Биринчи гуруҳдан мусиқий онг ва эстетик маданият тушунчаларининг табиати муаммосини умумназарий жиҳатдан ўрганган мумтоз фалсафий манбалар, кенг кўламда ўрганилган уларни турларини қамраб олувчи илмий тадқиқотлар; иккинчи гуруҳдан инсон, ёшлар маънавий маданиятида мусиқий онг ва эстетик маданият масалаларни қамраб олувчи диний-маърифий, аксиологик илмий тадқиқотлар; учинчи гуруҳдан мусиқий онг ва эстетик маданиятнинг миллий-этник хусусиятлари, ижтимоий идеалнинг классификацияси, ёшлар эстетик маданияти, унинг жамият маънавий тараққиётидаги роли ҳамда илмий билимлар тизимидаги ўрни

ўрганилган тадқиқотлар; тўртинчи гуруҳдан ҳозирги замон мусиқий онг ва эстетик маданиятининг шаклланиш мезонлари, омиллари ҳақидаги илмий тадқиқотлар; бешинчи гуруҳгдан эса ҳозирги замон фалсафасида ёшлар эстетик таълим-тарбиясига оид масалалар алоҳида ўрин тутиши, айниқса, унга ижтимоий-маданий эврилишлар, «оммавий маданият»нинг таъсири катта эканлиги, шу билан бирга, шахс эстетик маданиятининг шаклланишида илм-маърифат, санъат ва спортнинг ҳам таъсири масалаларига бағишланганлиги таъкидлаш жоиздир.

Сирасини айтганда, ёшларнинг мусиқий онг ва эстетик маданиятини юксалтиришнинг ғоявий-бадиий ва фалсафий хусусиятлари, эстетик маданиятини юксалтиришни жаҳон олимлари томонидан ўрганилиш масаласи, ёшларни миллий ва умуминсоний эстетик қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда ҳозирги замон таълим тизимига мувофиқлигини асослашда ғоявий-бадиий ва фалсафий хусусиятлари гўзаллик ва улуғворлик, эзгулик ва ҳақиқатга эришиш ғоялари билан боғлиқ ҳолда тавсифланган ҳамда ёшларнинг мусиқий онг ва эстетик маданиятини юксалтириш омилларини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”.2017.
2. Х.Сапохонов, М.Юлдашева. Этика-эстетика асослари. /Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент; 2014.

ИЛК ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРДА РУҲ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТНОЛОГИК АСОСЛАРИ

ПРЕДСТАВЛЕНИЕ О ДУШЕ В РАННИХ РЕЛИГИОЗНЫХ ПРЕДСТАВЛЕНИЯХ

ИСТОРИКО-ЭТНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
THE CONCEPT OF THE SOUL IN EARLY RELIGIOUS VIEWS HISTORICAL AND ETHNOLOGICAL FOUNDATIONS

А.Г.Алижанов, Ғ.У.Отажонов - Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси Қўқон ДПИ

Аннотация. Ушбу мақолада дунё халқларининг диний эътиқодларида мавжуд бўлган “руҳ” ҳақидаги таълимот қиёсий усулда таҳлил қилинган бўлиб, бу халқлар тарихидан жой олган диний-мифологик дунёқарашдаги “руҳ” талқини асосли ҳамда қизиқарли маълумотлар ёрдамида баён қилиб берилган. Бунда асосий эътибор Океания ва Қадимги Миср халқларининг бу борадаги эътиқод ва қарашларининг таҳлилига қаратилган.

Калит сўзлар. мифология, дунёқараш, руҳ, анимизм, коҳин, қиёмат, ўлимдан кейинги ҳаёт, мумиё,шаманизм, материализм, этнология.

Аннотация.В этой статье с сравнительном методом анализируются учение о «душе» который существует в религиозной верований народов мира. Приводятся интересные фактические сведения о «душе» в религиозно-мифологическом мировоззрении. Основное внимание уделяется на анализ темы в верованиях народов Океании и Древнего Египта.

Ключевые слова. мифология, мировоззрение, дух, душа, анимизм, жрец, судный день, жизнь после смерти, мумия, шаманизм, материализм, этнология.

Annotation. In this article with comparative method are analyzed teaching about “spirit” which exists in the religious faith of the folk of the world. There are interesting actual information about “spirit” in religious- mythological world outlook. The main attention spared on analysis of this subject in the faith of folk of Pacific Ocean and Ancient Egypt.

Key words. mythology, world outlook, spirit, animism, priest, the Last Day, the life after death, mummy, shamanism, materialism, ethnology.

Дин тараққиётининг илк босқичларига тааллуқли маълумотлар асосан археологик топилмалар билан боғлиқ. Археологик топилмалар ичида дунё динлари тарихи, уларнинг тараққиёт босқичлари, жамият ҳаётидаги ўрни туғрисида жуда кўп қимматли маълумотлар мавжуд.Лекин муайян дин ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун археологик маълумотларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундан ташқари таҳмин, қиёслаш ва ўхшатиш сингари омиллар ҳам зарур. Қиёслаш эса ўзимиз билан замондош халкларнинг турмуш тарзи, маданияти, диний эътиқоди ва маросимларини ўрганиш жараёнида юзага келади. Бу жиҳатларни эса этнология фани ўрганади. Этнологик материаллар ичида динлар тарихи билан боғлиқ, уларнинг тараққиёт босқичларига тааллуқли кенг қамровли ва жуда қимматли бўлган маълумотларни топиш мумкин. XVIII-XX асрлар давомида дунёнинг турли бурчакларига уюштирилган экспедицияларнинг натижаси ўларок мавжуд халкларнинг тарихи ва бугуни билан боғлиққимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Хусусан, дунё халкларининг диний эътиқодлари, маросимлари ва уларнинг тарихи борасида турли изланишлар амалга оширилганлиги ҳақида аниқ манбаларга таянган асосли маълумотлар мавжуд. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилувчи ва ҳали ҳам ибтидоий турмуш тарзига эга қабилалар, уларнинг тарихи, диний эътиқодлари ва маросимлари ҳакида кўплаб асарлар ёзилган. Бу халқларнинг диний эътиқодлари илк диний тасаввурлар-анимизм, фетишизм,тотемизм,сеҳргарлик ва шаманизмга асосланган ҳамда бу асарларда турли халкларнинг диний эътиқодларидаги бизни қизиқтирган «руҳ» масаласи ҳақида ҳам озми-кўпми маълумотлар келтирилган.

Агарда Австралия, Меланезия ва Полинезия халқларида руҳ ҳақидаги тасаввурларга эътибор қаратадиган бўлсак, Австралияликларда киши вафотидан кейин унинг руҳининг абадий қолиши ёки қолмаслиги ҳақидаги қарашлар анчагина ноаниқ. Баъзи қабилаларда киши вафотидан кейин унинг руҳи ер юзи бўйлаб дайдиб юришига эътиқод қилишса, бошқаларнинг эътиқодича руҳлар киши вафотидан кейин шимолга ёки самога йул олади. Айрим қабилаларда эса руҳ жасад билан бирга ер юзидан йўқ бўлиб кетади[1].

Марказий Австралия қабилаларида «жамоанинг тўлақонли аъзоси» мақоминиг қўлга киритиш учун ўсмирларнинг муайян синовлардан ўтишлари талаб қилинарди. Бу синовлар давомида ўсмирларга кўпгина тотемистик маросимлар кўрсатилар ва қабиланинг тотемлари ҳақидаги муқаддас афсоналар ҳикоя қилиб бериларди. Бундай муқаддас афсоналар қабила ичидаги ҳар бир уруғда мавжуд эди. Бу афсоналар замирида ғайритабиий кучлар, яъни эзгу руҳ ва бу синовдан ўтаётган ўсмирларни ўлдириб, сўнгра қайта тирилтирувчи ёвуз руҳга бўлган эътиқод ётади. Масалан, Кайтиш қабиласида юқоридагига ўхшаш икки афсонавий образ мавжуд. Булар гўзаллик, эзгулик ва поклик таъсисчиси самовий руҳ Атнату ва бир оёқлик (иккинчи оёғини елкасида кўтариб юрувчи), ўсмирларни жонини олиб, қайта тирилтирувчи, қўрқинчли ёвуз руҳ Туманадир. Тумана-шайтоннинг зурриётидир. Бу каби руҳларга бўлган эътиқодни жануби-шарқий ҳудудларда истиқомат қилувчи қабилаларда, хусусан, Дарлинг дарёси ҳавзасида истиқомат қилувчи қабилаларда, нарриньери ва кулин қабилаларида ҳам кузатиш мумкин[2].

Кези келганда шуни айтиб ўтиш мумкинки, анимизм ва тотемизм унсурларини ўзида акс эттирган шу сингари қабилаларнинг эътиқодида ҳам, бу эътиқодларга нисбатан анча мураккаб ва мукаммал тизимга эга бўлган зардуштийлик ва монийлик сингари динларда ҳам ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш бош

мавзу сифатида акс эттирилади. Таъбир жоиз бўлса, бу фикрни Ислом динига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Сабаби, инсон қалбидаги Раҳмон ва шайтон ўртасидаги муросасиз кураш ҳам ҳудди шу масаланинг Ислом динидаги талқинидир.

Австралияликларда ўлимдан кейинги ҳаётга эътиқод деярли мавжуд эмас. Улар руҳнинг мавжудлигига ишонадилар, лекин уларнинг фикрича вужуднинг вафотидан маълум муддат ўтгач руҳ ҳам вафот этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, австралияликларнинг диний қарашларида руҳга бўлган эътиқод у қадар муҳим роль ўйнамайди.

Тасманияда истиқомат қилувчи қабилаларда эса, қоронғулик (тун) руҳи ва ёруғлик (кун) руҳига бўлган эътиқод мавжуд. Тасмания халкларининг турмуш тарзи, эътиқоди ва маросимларини ўрганган, улар ичида муайян муддат яшаган ҳамда ўз эсталик ва асарларини ёзиб қолдирган кўпчилик олимларнинг фикрича тасманияликлар тун руҳидан ҳамда қоронғуликдан жуда қўрқадилар. Улар тунлари ёвуз руҳлар пайдо бўлишига ишонганлар. Айнан тун ва қоронғулик руҳидан қўрқиш қаердан пайдо бўлганлигини айтиш қийин, лекин таҳмин сифатида душманларнинг айнан тунда ҳужум қилиб, уларни ғафлатда қолдиргани, вахший ҳайвонларнинг ҳамласи ҳам кўпинча тунда содир бўлишини айтиб ўтиш мумкин. Нима бўлганда ҳам, бу қўрқув анимистик тасаввурлар билан боғлиқ.

Инглиз тадқиқотчиси Дэвис келтириб ўтган маълумотда ёвуз тунги руҳнинг номи Намма эканлиги қайд қилинса, инглиз саёҳатчиси Робинзон эса тасманияликлар барча бахтсизликларнинг сабабчиси, момақалдироқ ва чақмоқ олиб келувчи ёвуз руҳни Раэго-Раппер дейишлари ҳакида маълумот келтиради[3]. Бундан ташқари Патер В. Шмидт келтирган маълумотга кўра, тасманияликларда ёруғлик (кун) руҳи ҳам мавжуд[4].

Меланезияликларда руҳ ҳакида ўзига хос қарашлар кенг тарқалган. Уларнинг эътиқодича сирли бўлган ва инсониятга хос бўлмаган ғайритабиий куч мавжуд. Бу меланезияликлар эътиқодининг асосини ташкил қилади. Меланезияликларнинг бу эътиқоди ҳакида биринчи бўлиб миссионер-этнограф Р.Кодрингтон 1878 йилда ўзининг Макс Мюллерга ёзган мактубида хабар беради. «Меланезияликларнинг дини», деб ёзади у, «ҳар бир нарсада кўз билан кўриб бўлмайдиган ғайриоддий куч борлигига бўлган эътиқоддан иборат. Бу куч жисмоний куч-қувватдан айри нарса бўлиб, турли хил йўллар билан эзгулик ёки ёвузлик учун хизмат қилади, кимки бу кучни ўзига бўйсундирса, беқиёс устунликка эришади. Бу ғайриоддий кучнинг номи «мана»дир. Меланезияликлар динининг асоси “мана”ни ўзига бўйсундириш ва ундан ўз манфаати учун фойдаланишдан иборатдир»[5].

«Мана»га бўлган эътиқоднинг пайдо бўлиши ҳакида турли олимлар турли фикрларни илгари сурадилар. Р.Кодрингтон, У.Риверс, Л.Я.Штернберг сингари бир қатор олимлар “мана” эътиқодини анимизм билан боғлашади. Уларнинг фикрича “мана” руҳга бўлган эътиқод натижасида пайдо бўлган. Аксинча преанимистик назария тарафдори бўлган Р.Маррет ва К.Прейсларнинг фикрича эса “мана” анимизмдан кўра соддароқ ва қадимийроқ бўлган эътиқоддир. Айтиб ўтилганидек меланезияликларда “мана” эътиқоди анимизм билан боғлиқ, чунки ҳар икки эътиқоднинг ҳам манбаси битта.

Меланезияликларнинг анимистик эътиқод турларидан яна бири–қабила-сардорлари руҳига топинишдир. Уларнинг тасаввурича қабила сардорларининг бундай обрў ва мавқега эга бўлишларининг сабаби бир томондан улар кучли “мана”ни ўзига бўйсундирганликлари бўлса, иккинчи томондан уларнинг руҳлар билан алоқаси борлигидир. Шу сабабдан вафот этган қабила сардорларининг руҳлари ҳам топиниш объектига айланган. Кўпгина тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича меланезияликларда руҳлар ҳақидаги тасаввурлар анчагина нейтрал характерга эга. Ҳар қандай руҳҳам уларда қўрқув ёки топиниш объекти бўла олмайди. Вафот этган оддий қабила аъзоларининг руҳлари ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Полинезияликларда ҳам руҳҳақидаги эътиқод мавжуд ва бу эътиқод кўпрок дафн маросимларида ўз аксини топган. Полинезиянинг деярли барча ҳудудларида қабила сардорива қабиланинг оддий аъзоси вафотидан кейин уларнинг руҳларини турли хил қисмат кутаётганлигига қаттик эътиқод қилин-ган.Сардорларнинг руҳи узоқ Ғарбдаги бир оролда жойлашган саодатли мамлакатга (баъзи эътиқодларда бу оролнинг номи Гаваики деб номланиб,

аждодларнинг афсонавий мамлакати деб ҳам юритилади) ёки самога йўл олади (Янги Зеландия, Маркиз ороллари, Туамоту). Оддий кишиларнинг руҳи эса ер остидаги зулмат (по)га йўл олади. Айнан шу ўринда Полинезиядаги ижтимоий табақаланиш яққол намоён бўлади. Шу йўсиндаги табақаланиш айниқса Тонг-анларнинг ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги эътиқодларида ўз аксини топган. Уларнинг фикрича, фақат сардорлар ва обрўли кишиларнинг руҳларигина вафотларидан кейин ҳам яшашда давом этадилар,оддий кишиларнинг руҳи(туа) эса ўлимдан кейин дарҳол йўқ бўлиб кетади. Жуда кўп ўринларда эса сардорларнинг руҳлари илоҳийлаштириб юборилади. Дафн маросимларида ҳам жамоадаги тенгсизлик ўз аксини топади. Сардорларни ёки обрўли кишиларни муайян маросимлар асосида махсус мақбара ёки даҳмаларга дафн қилишса, оддий кишиларни эса ё ерга кўмишган ёки бўлмаса бирор бир тахта, ёғоч бўлаги ёки қайиққа солиб, денгизга қўйиб юборганлар[6].

Яна бир қизиқарли жиҳат шундаки, Янги Зеландияда яккахудолик (монотеизм) белгиларини ўзида акс эттирувчи эътиқод ҳам мавжуд бўлган. Бу эътиқодга кўра, ҳар бир нарсанинг асосида бошлангич нуқта ётади. Ҳар бир нарса ундан пайдо бўлган ва унга тобедир. У ҳар бир нарсанинг бошидир. У ягона Илоҳ, ягона Руҳ-Иодир[7]. Айнан шу жиҳати Ислом фалсафасидаги Ф.Аттор ва Ибн ал-Арабий томонидан асос солинган «Ваҳдатул-вужуд» назариясига ўхшаб кетади. Бу мавзуга кези келганда имкон қадар тўхталиб ўтамиз.

Қадимги Миср эътиқодида руҳ ҳақидаги тасаввурларга тўхталадиган бўлсак, Мисрликларнинг эътиқодига кўра, ўлим кишининг фақат жасадига келади, унинг исми (рен), ўлимдан кейин қушга айланиб осмонга кўтарилиб кетувчи руҳи (ба) ва бу каби эътиқодларда асосий ўринни эгалловчи – кишининг сирли ўхшаши (ка) жасаддан кейин ҳам яшашда давом этади. Ка- Руҳ бўлиб, кишининг кўзга кўринмас ўхшаши(двойник)дир. У жасаднинг тақдирига сирли равишда алоқадор бўлиб, айни дамда кишининг ўлимдан кейинги тақдири ҳамдир. Ка абадий эмас. Агар маййит барча зарур нарсалар билан дафн қилинмаса Ка очлик ёки ташналикдан вафот этиши мумкин. Шунингдек керакли дуолар билан жоду қилинмаса нариги дунёда Ка турли махлуқларга ем ҳам бўлиши мумкин. Маййитнинг мумиёси ёки ҳеч бўлмаганда унинг ҳайкали сақланса ка ҳам анча муддатгача умр кечиради.

Коҳинларнинг муайян тизимга солишга ҳаракат қилишларига қарамай мисрликларда «ка»нинг вафотдан кейинги тақдири ҳакида турли даврларда турлича тасаввурлар мавжуд бўлган.

Қадимги подшоҳлик даврида маййит ёки унинг «ка»си Ғарбда жойлашган қандайдир «Иалу водийси»га боради ва у ерда тириклик чоғида қандай яшаган бўлса, шундай ҳаёт кечираверади, деган эътиқод мавжуд бўлган. Аслзода ва бадавлат кишиларнинг руҳи у ерда роҳат-фароғатда бўлади, соя-салқин боғларда, аъёнлар ва хизматкорлар даврасида умргузаронлик қиладилар, ўзларининг севимли машғулотлари овчилик билан шуғулланадилар. Иалу водийсидаги бундай гузал ҳаёт манзаралари 5-6 чи династиялар давридаги зодагонлар сағаналарида ўз аксини топган[8].

Бу ерда ҳам қадимги халклар орасида кенг тарқалган «анъана»ни кузатишимиз мумкин, яъни нариги дунё шунчаки бу дунёнинг давоми сифатида ҳеч қандай ўзгаришсиз давом этиши, аслзода ва зодагонларнинг руҳлари яна иззат-икромда, камбағаллар ва қулларники эса азоб-уқубатларга дучор бўлиши ҳакидаги тасаввурлар кенг тарқалган бўлиб, синфий табақаланиш бунга ўз таъсирини кўрсатган. Бошқа томондан эса аслзодалар руҳларининг роҳат-фароғатда бўлиши сеҳр-жоду воситаларини амалга оширилиши билан таъминланиб турилган, яъни уларнинг сағаналарига бахтли ҳаёт манзаралари акс эттирилган, қабрларига қурбонликлар қилинган, сеҳрли фор-мулалар тасвирланган. Масалан, сағана-лардаги матнлардан бирида шундай дейилади: «N одамлар билан озуқланади, худолар билан тирик. У қозонда улардан овқат тайёрлайди. Катталарини тонгда, ўртачаларини кечкурун, кичикларини эса тунда ейди. Худоларнинг юрагига чанг солади…»[9].

Фикримизча, юқорида келтирилган матндаги «N»- аслзоданинг руҳи бўлиб, шу қадар улуғланишини тириклигида жамият ҳаётида унинг тутган ўрни беқиёс бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Аслзодалар тирикликларида қандай мавкега эга бўлсалар, вафотларидан кейин ҳам шу даражаларини сақлаб қолган бўлсалар ажаб эмас. Қадимгм Мисрда юқори табақа вакиллари қуйи табақадагиларга нисбатан ўта даражада беаёв муносабатда бўлганлиги тарихдан маълум. Юқоридаги матнни эса вафотдан кейин ҳам шу мавқени сақлаб қолишга бўлган интилиш деб баҳолаш мумкин. Бунда коҳинларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Чунки юқори табақа вакиллари жамиятда коҳинларнинг иқтисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий статусларини сақлаб қолишларида ёрдам берган бўлсалар, уларнинг вафотларидан кейин «ўз ҳўжайинларига содиқлик» рамзи сифатида уларни улуғлашда давом этганлар.

Яна шуни айтиш керакки, Қадимги Миср кўпхудолик диний қарашларида мавжуд бўлган ўлимдан кейинги охират дунёси, суд жараёни, савол-жавоб, юракнинг тарозида тортилиши ва тирикликда қилинган амалларга қараб руҳнинг кейинги тақдирини белгиланиши сингари тасаввурлар энг охирги самовий дин хисобланган Ислом динидаги охират, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мезон, номаи-аъмол, дўзах-жаннат сингари ақидаларга ўхшашлик жиҳатлари бор. Бу нарса дунё халкларидаги мавжуд эътиқодларнинг аслида бир илоҳий манбадан келиб чиққанлигига далолат қилса ажаб эмас.

Ўлимдан кейин руҳнинг тақдири, у билан бўладиган ҳисоб-китоб жараёни, руҳга солинаётган таҳдидлар ва улардан қутулиш йўллари ҳақидаги мисрликларнинг тасаввурлари уларнинг «Ўликлар китоби» деб номланувчи тўпламида ўз аксини топган. Бу 180дан ортиқ бўлимдан иборат марҳумга бағишланган маросимларга оид «сеҳрли формулалар» мажмуасидир[10]. Бу тўпламда дунё ҳаёти давомида қилинган ишлар устидан ҳукм чиқариш, мукофот ёки жазо бериш, қилинган амаллар устидан масъулиятни ҳис қилиш ҳакида бахс юритилади. Бу борада тўпламдаги 125-бўлим эътиборга сазовордир. Бунда марҳум гуё Осирис хузурида туриб, ўзига қўйилаётган айб ва гуноҳлардан ўзини оқланаётгани акс эттирилган[11].

Судда киши руҳи шундай дейди: «Мен худолар ҳоҳишига зид ҳеч нарса қилмаганман. Мен ҳўжайин қулига озор беришига йўл қўймаганман. Уларни оч-наҳор, ўз ҳолига ташлаб қўймаганман. Ҳеч ким мен туфайли кўз ёш тўкмаган. Ҳеч кимни ўлдирмаганман. Ибодатхоналардаги заҳираларни ўмармаганман. Худоларга аталган ноз-неъматларга кўз олайтирмаганман[12]».

Кишида маънавий жиҳатдан жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, уларда ўлимдан кейин даҳшатли ҳисоб-китоб жараёни борлиги туғрисидаги эътиқодни шакллантириш Қадимги Миср шароити учун аҳамиятли жиҳатдир.

Бу эътиқод коҳинлар томонидан ҳукмрон табақа манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда шаклланаётган синфий зиддиятларга жавоб тариқасида ишлаб чиқилган бўлса керак, деган материалистик қарашлар ҳам бор. Лекин, қизиқ жиҳати шундан иборатки, юқорида келтирганимиз “Ўликлар китоби”нинг 125 чи бобида акс эттирилган Осирис ҳузурида руҳнинг ўзини оқлаш учун айтганларининг барчаси самовий динларда мавжуд бўлган ва амал қилиниши шарт қилинган ақидавий ва ахлоқий нормаларда қайд қилинган:

- Худога итоаткорлик;
- кучсизларга озор бермаслик:
- бева-бечораларга ёрдам бериш:
- дилозор бўлмаслик;
- ўзгани ноҳақ ўлдирмаслик;
- ўғрилик қилмаслик;
- ўзгалар ҳақини емаслик ва ҳ.к.

Белгиланган ақидавий ёки ахлоқий нормалардан четга чиқиш самовий динларнинг барчасида бирдек гуноҳ саналади ва қилинган гуноҳ учун албатта охирида Яратган хузурида ҳисоб-китоб борлигига эътиқод қилинади. Шу ўринда хулоса тариқасида шуни айтиб ўтмоқчимизки, мақсадимиз юқорида келтириб ўтилган динлардаги руҳ ҳақидаги қарашларнинг қай бири ҳақ ёки қай бири ботил эканлигини аниқлаш эмас, балки борини борича ўрганиш ва имкон қадар қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. С.Токарев. Религия в истории народов мира -М.: Издательство политической литературы.1976. ст-58.
2. С.Токарев. Ўша асар. ст- 61

3. H.Ling-Roth. The aborigines of Tasmania, 2d ed. 1899. p.55
4. С.Токарев. Религия в истории народов мира. -М.: Издательство политической литературы.1976. ст- 67
5. R.Codrington. The Melanesians. Oxford, 1891, p. 118
6. Br. Malinowski. Argonauts of the Western Pacific. London, 1922, p.72.
7. С.Токарев.Религия в истории народов мира. -М.: Издательство политической литературы.1976. ст- 89.
8. С. Токарев. Религия в истории народов мира. - М. 1976, ст-308
9. Б.А.Тураев. История Древнего Востока, т.1, ст-190-191
10. Журнал «Наука и религия», 2-й выпуск, Египетская «Книга мертвых» 1990, ст-28
11. С. Токарев. Религия в истории народов мира, - М. 1976, ст-311
12. Б.А.Тураев.История Древнего Востока, т.1, ст-229, 283

ЭВОЛЮЦИЯ ЖАНР МУСАДДАСА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX И НАЧАЛА XX ВЕКА

EVOLUTION GENRE MUSADDAS IN THE SECOND HALF OF THE XIX AND EARLY XX CENTURIES

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА МУСАДДАС ЖАНРИ ВА УНИНГ ЭВРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

С. Х. Хўжақулов - филология фанлари номзоди, доцент,
Самарқанд давлат университети

Аннотация. В статье рассматривается эволюция жанра мусаддаса в отечественной просветительской и джадидской литературе, принципы эволюции этого жанра, его место в общем литературном процессе и системе литературных жанров, новизна и традиционные принципы, тематическое и идейное содержание, примеры произведений современных и просвещенных поэтов Шамсиддин Шохина и Мирзо Сироджа; их традиционные и новаторские черты изучаются на основе сравнительно-типологического, аналитико-сравнительного, описательного и критического сопоставления с жанром гезель, мухаммас, мусаддас, таркиббанд и др.

Ключевые слова: джадидизм, лирические жанры, цикль, мусамман, мухаммас, мусаддас, мусанно, мусаллас, мурабба, тарджибанд, тазмин, эволюция жанра.

Annotation. The article examines the evolution of the musaddas genre in the domestic educational and Jad literature, the principles of the evolution of this genre, its place in the general literary process and the system of literary genres, new and traditional principles, thematic and ideological content, examples of works of modern and enlightened poets Shamsiddin Shokhin and Mirzo Siroja , its traditional and innovative features are studied in the foundations of comparative-typological, analytical-comparative, descriptive and critical aspects with the genre of gezel, muhammas, musaddas, tarkibband vap others.

Key words: jadidism, lyrical genres, cycle, musamman, muhammas, musaddas, musanno, musallas, murabba, tarjiband, tazmin, evolution genre.

Аннотация. Мазкур мақолада миллий маърифатпарварлик ва жадид адабиётида мусаддас жанрининг тадрижий такомили, ушбу жанрнинг эврилиш тамойиллари, ушбу жанрнинг умумий адабий жараён ва адабий жанрлар

ситемасида тутган ўрни, ундаги янгича тамойиллар, мавзу ва ғоявий мазмун янгиланиши, жадид ва маърифатправар шоирлар ижодиётидаги намуналари, Шамсиддин Шоҳин, Мирзо Сирож ижодиётида мусаддас жанри ва унинг анъанавий ва новаторлик белгилари мухаммас жанри билан қиёсий типологик, таҳлилий – қиёсий, тавсифий ва танқидий аспектларда монографик тарзда тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: жадидчилик, лирик жанрлар, туркум, мусамман, мухҳамас, мусаддас, мусанно, мусаллас, мураббаъ, таржеъбанд, тазмин, жанр эврилиши.

Миллий адабиётшунослик илми тарихида маърифатпарвар ва жадид адабиётиниг лирик жанрлар системаси ва унинг эврилиш тамойиллари, айнан мусаддас жанрининг хусусиятлари борасида алоҳида тадқиқот иши мавжуд эмас. Мусаддас мусаммат шеърий туркумларининг бир тури ҳисобланади. Мазкур жанр хусусиятлари айнан мусамматнинг алоҳида тури сифатида Ш.Раҳмоновнинг “Мусаммат. Унинг эврилиши ва шаклланиши” [5, 58] номли монографиясида атрофлича ўрганилган. Аммо айнан маърифат-парварлик ва жадид адабиётида ушбу жанрнинг хусусиятлари, эврилиш тамойиллари алоҳида тадқиқ этилмаган. Бироқ мазкур масалани ўрганиш, адабий жанрлар эврилиш тамойилларини, давр адбиётининг поэтик манзараларини ёритиш, уларни шакл ва мазмун нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳар бир тарихий давр адабий жараёнининг умумий манзаралари ва хусусиятларини чуқурроқ англаш учун энг муҳим омил сифатида белгиланади. Маърифат-парварлик ва жадид адабиёти поэзияси адабий жанрлар системасида мазкур жанрдан етарлича фойдаланил-ганлигини кузатиш мумкин. Ушбу жанрнинг улуши, унинг миқдор ва ҳажми адабиёт тарихининг бошқа босқичларидан жиддий тарзда фарқланмайди. Бу давр адабиётида ғазал, маснавий ва қасида жанрлари билан биргаликда мусамматнинг турли навлари; мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, ҳамда таржеъотлар - таржеъбанд, таркиббанд ва тарих, қитъа, рубой, мустазод жанрларининг ишлатилиши кузатилади.

Дарҳақиқат мумтоз адабиёт тарихида мусаммат туркумидаги энг кўп қўлланилган, маълум ва махсус турларидан бири-мусаддас жанри бўлиб, бу жанр форс-тожик адабиёти ривожланиш тарихининг барча босқичларида, жумладан XIX аср иккинчи ярми ва XX аср ибтидоси адабиётида ўзига хос мавқеъга эга. Мумтоз адабиёт анъаналари асосида мусаддас жанрининг умумназарий ва тарихий хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Мусаддас олти мисрали бандлардан иборат бўлган алоҳида жанр. Унда биринчи банддаги мисралар ўзаро қофиядош келади. Кейинги бандларда эса аввалги беш мисра ўзаро қофияланади. Олтинчи мисра биринчи банд билан қофиядош бўлади. Бундай ҳолларда мусаддаснинг композицион схемаси ўзига хос, мисраларнинг қофияланиш формуласи қуйидагича: “*аааааа, бббббa, ввввва”* ва ҳоказо. Мусаддас жанри ўзининг жанрий хоссалари ва композицион тузилишининг мутаносиблиги билан ҳам XIX аср охири ва XX аср бошлари адабиётининг сермаҳсул жанрларидан бири ҳисобланади. Давр шоирлари мазкур жанрнинг турли хилдаги қофия комбинациясидан фойдаланган. Маълумки, мазкур жанр кенг кўламли фикр ва мулоҳазалар, катта муаммо ва масалаларни ҳақли ва ҳаётий воқеаларни ифодалашда ўзига хос имкониятларга эга. Садриддин Айнийнинг “Тожик адабиёти намунаси” тазкирасининг иккинчи ва учинчи қисмларида муаллиф билан замондош бўлган шоирлар шеъриятидан 6 мухаммас ва 3 мусаддас келтирилган. Бироқ мазкур давр буюк шоирлари ижодиёти тадқиқи шундан далолат

берадики, бу давр ижодкорлари қаламига мансуб бўлган мухаммас ва мусаддаслар миқдори бу кўрсатгичдан анча фарқ қилади. Шамсиддин Шоҳин куллиётида 4 мусаддас, Ҳайратнинг танланган асарларида 1 мусаддас, Нақибхон Туғрал танланган асарларида 5 мусаддас (иккита мустақил мусаддас, битта тазмин мусаддас ва иккита таржеъбанд мусаддас) ва С.Айний куллиётида 5 мусаддас борлиги маълум. Бироқ мазкур давр барча шоирларининг ижод намуналари бизнинг замонгача тўлиқ тарзда етиб келмаган. Шамсиддин Шоҳин куллиётининг тўрт мусаддасидан фақатгина биттаси бизнинг эътиборимиз марказидан жой олди. Зеро бу мусаддас ўзининг янги мазмуни, баён услуби, янги тимсолари ва ноёб тасвирлари билан муаллифнинг бошқа замондош шоирлари ижод намуналаридан жиддий фарқ қилади. Мазкур мусаддаснинг биринчи банди бу фикримиз исботидир:

З-ин сон ки хоҳиши даҳр ҷуз шўру шар набошад,
Бадтар дар ин замона айб аз ҳунар набошад,
Суди матои дониш ғайр аз зарар набошад,
Ҷое равам, ки гардун боли сар набошад,
Аммо чӣ метавон кард, ҷои дигар набошад?! [10, 278].

Мазмуни: Даҳрнинг хоҳиш иродаси шўру шардан иборат бўлганлиги, замонда энг оғир гуноҳнинг “ҳунар” эканлиги, илмнинг кони фойдаси зарардан ўзга нарса эмаслиги боис, шундай жойга боришим лозимким, у жойда бошим узра осмон бўлмасин, аммо на қилай мен, бошқа бирон паноҳ топгувчи жой йўқ.

Бу мусаддас умумий тарзда 7 банд ва мутаносиб равишда 42 мисрадан таркиб топган. Бу шеър таржеъбанд мусаддаси қолипида яратилган бўлиб, ҳар бир бандниг охирги байти тўрт мисрадан кейин айнан такрор бўлиб келган. Мазкур мусаддас “музореъи мусаммани ахраб” (ахраб мусамманининг музореъ) вазнида (мафъўлу, фоилотун, мафъўлу, фоилотун; - - V/ - V - - / - - V / - V - -) ёзилган. Айни мана шу мусаддас мазмуни асосида аслида анъанавий равияда шеърлар ижод қилган Шамсиддин Шоҳин дунёқараши ва мафкурасининг тадрижий равишда ижтимоийлашуви, теран ва янгича фикрларнинг ривожланиши, шоир танқидий фикрларининг адреслиги ва унинг мисолида давр ижтимоий тафаккурини тадрижий такомиллашини мушоҳада этиш мумкин. Зеро ҳар бир банд мисраларининг умумий мазмуни мантиқан мусаддаснинг фиқра байти моҳиятига тобеъ бўлиб, шоир айнан мазкур байт атрофида, мисраълар ва байтлар теграсида ўзининг янги танқидий ва ижтимоий қарашларини баён этишга муяссар бўлган. Шоир ҳар бир байт ва мисраларда “шўру шар будани хоҳиши даҳр” (*даҳрнинг хоҳиш иродаси шўру шардан иборат бўлганлиги),* “дар замона айб будани ҳунар” (*замонда энг оғир гуноҳнинг ҳунар эканлиги*), “кони зарар будани суду матои дониш” (*илмнинг кони фойдаси зарардан ўзга нарса эмаслиги*), “сармояи малолат будани эътибор” (эътиборнинг маломат сармояси эканлиги), “хобу хаёл будани уммеди роҳат” (роҳат ва фароғатдан умид қилиш хом хаёл эканлиги), “дар машом рехтани ғубори андўҳ” (андуҳ ғуборининг димоққа тўкилиши), “омодаи завол будани ҳар як давлати оянда” (қурилажак ва бунёд этилажак давлатнинг заволга юз тутиши), “тиратар аз шом будани субҳи умед” (умед тонгининг зулматдан торлиги) каби истиоравий ва мажозий таркиблардан фойдаланиб, замон ҳолатини, ижтимоий вазъиятни ва тарихий шароитини воқеий фактлар асосида тасвирланган ва бу ҳолат мазкур мусаддаснинг ўта юксак бадият замирида танқидий характер касб этишига асосий омил бўлган. Бу мусаддас ўз даврида янги ва тоза танқидий ғояларни қамраб олиш билан бирга, юксак бадият ва шоир ижод-

корлик маҳоратининг ноёб намунаси бўлиб, мазкур давр шоирлари шеъриятидан Шоҳин бадиий маҳоратининг поэтик имкониятларининг устунлигига ишорадир. Таъкид жоизки, маърифатпарвар адиблари шеърият ғоясининг мазмун ва мундарижа жиҳатдан ўзгариш даврини айни мана шундай шеърий намуналарда мушоҳада этиш ва кузатиш мумкин.

Аҳмад Дониш, Шамсиддин Шоҳин, Қорий Раҳматуллоҳ Возеҳ ва Мирзо Сирож маърифатпарвар қарашларини этироф етган Абдурауф Фитрат, Эрон ва афғон жадидчилари, жумладан, Зайнулобиддини Мароғаий, Абдураҳим Толибов, Маҳмуди Тарзий ва бошқалар мумтоз адабиёти лирик шеъриятининг консерватив хусусиятлари ҳамда ғоя ва мавзуларнинг маҳдудлигини жиддий танқид остига олади. Демак мусаддас ва бошқа шеърий шакллар нафақат давр идеологиясининг ифода воситаси, балки ижтимоий, сиёсий, фалсафий, назарий, адабий-эстетик қарашларини ифодаловчи муҳим аслаҳа сифатида ҳам муайян қийматга эга. XX аср бошлари таниқли маърифатпарвар шоир ва ёзувчи, ўткир қаламли публицист Мирзо Сирож Ҳаким Бухорий классик адабиёт анаъналаридан фойдаланишда, хусусан, ғазал, рубоий, қитъа, қасида, мухаммас, маснавий ва шунга ўхшаш бошқа адабий жанрлар шакли ва мавзусида ўзига хос янгилик ва тоза услуб кашф этиш ва киритишга муяссар бўлган. Бунинг яққол мисоли шоирнинг Ҳофиз Шерозий, Абдулқодир Бедил ва Шамсиддин Шоҳинларнинг бир-бирига ўхшаш ғазалларига тақлидан мусаддас шаклида ижод қилган “Ёд бод...” шеъри бўлиб, унда янги ижтимоий мазмунлар, шаклий ўзгаришлар ва тоза ва ноанаънавий услубни кузатамиз:

Ёд бод, эй дил, ки мо ҳам обрўе доштем,
Дар гулистони тамаддун рангу бўе доштем,
Солу моҳи саъд, айёми накўе доштем,
Дар тараққӣ ҷидду ҷаҳду ҷустуҷўе доштем.
Доимо будем мо дар тавсани давлат савор,
Эмин аз қайди замину аз ҷафои рўзгор.
Ҷаҳлу нодонӣ кунун аз он ҳама авҷи камол,
Дар замин андохт морову намуда поймол,
Рафт аз каф илму фазлу донишу иқболу мол,
Мондаем акнун парешону забуну гунгу лол.
Орзуҳо ҷумлагӣ гашта ба маъюсӣ бадал,
Дода селоби ҷаҳолат бар бинои мо халал. [4, 3]

(Мазмуни: *Эсда тут, бир замон обрўю эътиборимиз бор эди, бул тамаддун гулистонида рангу бўйимиз бор эди, ою йиллар, яхши бир давру давронимиз бор эди, тараққиётда ўзига хос жиду жаҳдимиз бор эди. Биз доим тожку давлат ва тахтга эга эдик, ҳар хил бало ва қазолардан эмин эдик.... Ул камолотдан бугун бир нишона “жаҳл” ила “нодонлик” қолди ва бу иллат бизни ер билан яксон айлаб, поймол қилди, қўлимиздан илму фазлу иқболу мол кетди, бугун паришону ҳайрону тилсиз ва лол қолдик. Орзуларимизниг бари ғаму кулфатга бадал бўлди, бу жаҳолат селобаси қурган биноларимизга халал берди.*)

Айнан ушбу типдаги мусаддас намунасини даврнинг бошқа шоирлари ижодиётида учратмадик. Шеър асосий ғояси ўзликни, тарихий ва миллий ўтмишни англашга даъват этишдан иборат. Зеро, шоир шеър мазмунида ўз халқи ва авлодининг буюк ўтмиши ва тарихи тўғрисида гап очиб, мусаддаснинг иккинчи бандида буюк ва тамаддун посбонлари бўлмиш миллату қавмининг бугунги хаста ва парешон ҳоли сабабларини жоҳиллик, ғофиллик ҳамда илму адабдан бебаҳра ва бехабар еканлигида билади. Мазкур шеър бир қарашда анаънавий мусаддас шаклида келтирилган бўлиб, унинг ҳар бир банди 6 мисрадан ташкил топган. Бироқ икки бандининг охирги байтлари қофия тарзи таркиббанд қофияланишига ўхшаш. Аммо шеърнинг

охиригача таркиббанд қофия тарзи ҳам риоя этилмаган. Бу қофияланиш тарзи таржеъбанд жанрига ҳам хос эмас. Зеро худди мазкур икки бандда мушоҳада қилганимиздек ҳар бир банднинг фиқра байтлари ўзгариб туради. Бир қарашда шеър шаклидаги бундай жузий ўзгаришлар оддий ҳолатдек кўринади. Демак мазкур давр адабий жараёнида айнан шу туркумдаги ва мустаҳзодга ўхшаган адабий жанрлар асосида янги шакллар ва янгича шеърий қолиплар юзага келганлигини англаш қийин эмас. Шунга ўхшаб «шеъри нав» (янги шеър) адабий жанрларнинг тоза ва янги тури сифатида биринчи бўлиб кичик лирик жанрларнинг синтезлашуви асосида вужудга келганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз [6, 71]. Сирожийнинг ҳам бу саъю ҳаракатлари янги ва ноанъанвий адабий шаклларни вужудга келтириш билан изоҳланади. Зеро бизнинг назаримизда мазкур шеърда мусаддас, маснавий, таркиббанд ва таржеъбанд жанрлари унсур ва шаклларининг синтезлашуви ва адабий жанрларнинг ўзаро интеграцияси ва ё адабий жанрларнинг трансформацияси ҳодисаси вужудга келган. Мирзо Сирож мазкур шеърини уша давр умумий адабий жараёнида расмиятга айланган таркиббанд жанрига нисбат бериш ҳақиқатга яқиндир. Зеро шеърнинг тарихий ва умумназарий асослари тақозоси, мисраъ ва байтларнинг такрор келиши, мазкур шеърнинг ички тузилиши ва композитцияси, ҳар бир банд охиридаги фиқра байтларнинг қофия жиҳатдан мутаносиблиги нуқтаи назаридан таркиббанд жанри талаблари ва қоидаларига мувофиқ келади. Мазкур шеър услуб ва баён, мазмун ва мундарижа жиҳатдан XX аср ибтидосида бошқа янги давр маърифатпарвар шоирлари шеърияти билан мутаносиб тарзда яратилган. Бу шеърни бошқа банди ҳам мавжуд бўлиб, муаммони янада жиддийроқ назардан ўтказиш учун ушбу бандни ҳам келтирамиз:

Боиси ин дарди бедармон намедонам, кӣ шуд?
Сояи ин ҷумлагӣ нуқсон намедонам, кӣ шуд?
Ҳодии ин роҳи бепоён , намедонам, кӣ шуд?
Муҷтабои ин ҳама нодон, намедонам, кӣ шуд?
Эй худо! Моро ту аз хоби гарон бедор кун,
Масту беҳушем, аз фазлу карам ҳушёр кун.
Аз камолоту улуми аср бархурдор кун,
Ақлу донишро музайян, бахтро ҳам ёр кун,
В-аз карам боби тариқатро ба рӯи мо кушой,
Бар сироти мустақим (шав) илми моро раҳнамой [4. 22].

Мазмуни (Бу бедармон дарднинг боиси ким, билмадим, бу нуқсонлар бари сояси нима, билмадим, бу бепоён йўлнинг ҳодийси ким, билмадим, бу нодонларни танлаган ким, билмадим. эй худоё бизни бу оғир ғафлат уйқусидан турғиз, мастмиз, беҳушмиз, фазлу карам ила ҳушёр қил, янги аср улуми ва камолотидан огоҳ қил, ақлу билимларимизга сайқал бер, бахтга ёр этгил, карамдан тариқат йўлини бизга кўрсат, Сироталмустақмда бўл, бизларнинг илмимизга раҳнамой бўл!)

Агар чуқурроқ назар солинса, бу бандни Ҳақ субҳоноҳу таоллоҳга муножот эканлигини пайқаш қийин емас. Аммо бу жиҳат ҳам мавжудки, давр шоирлари шеърият бобида ҳамиша қўлланиб келинган, аслида давр ҳукмронларига қаратилган анаъанавий ҳамд, наът ва муножотларни моҳият ва сифат жиҳатдан ўзгартириб, уларнинг мотивларини ҳаётнинг аслий ҳолати ва воқеий нуқсон иллатларини фош этишга, қалб армонларини ифодалашга қаратганлар. Мирзо Сирож ижодиёти таҳлил ва тадқиқи шундай натижа берадики, унинг адабий мероси XX аср ибтидоси адабий жараёнида ўзига хос мавқега эга. Зеро ижтимоий жиҳатдан ривожланган ғоя ва қарашлар, танқидий руҳ, илм ва маърифат ташвиқоти, ҳаётий воқеалар

тасвири, миллий ва маданий урф одадларни қадрлаш каби масалалар шоир шеъриятининг энг муҳим аспект (хосса) ларини ташкил этади. Шоир ўз шеъриятида адабий анаъаналарини қўллаш билан бирга янги мавзулар, жадидона образлар ва замонавий услуб унсурларидан унумли фойдаланишга катта эътибор беради. Бу масала Х.Мирзозода, С.Хожиев ва Ҳ.Боқиев каби олимлар тадқиқотларида муайян даражада ўз ҳаллини топган. Биз илова тарзида таъкидлашимиз мумкинки, Мирзо Сирож ва унинг замондошлари томонидан замон шеъриятида шакл ва мазмун жиҳатдан қилинган янги ўзгаришлар XIX аср охири ва XX аср ибтидоси адабий жараён эврилишида жиддий ўзгаришларни вужудга келтирган бўлиб, буни янги давр адабиётига ўтиш марҳиласи сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Аммо шеърнинг бошқа муҳим ва фавқулодда афзаллик жиҳати шундаки, унинг иккинчи банди худди анаъанавий шеъриятда мавжуд бўлгани каби Худо ва ё Парвардигорга муножот тарзида келтирилиб, бало ва қазо гирдобидан нажод топиш ҳамда ғафлат ва жоҳилият уйқусидан уйғониш масалаларига бағишланган.

Ёд бод он дам чӣ накӯ рӯзгоре доштам,
Бар дили худ меҳри ёри гулузоре доштам,
Ҳар даме дар маҳфили ишрат гузоре доштам,
Хуррам он рӯзе, ки дар сар фикри ёре доштам,
Дида бар роҳи саманди шаҳсаворе доштам [4, 190].

Бири мусаддас, иккинчиси мухаммас жанридаги бу икки шеър бир даврда яратилган. Услуб, мавзу ҳамда сатҳлараро таҳлили жадид шоирлари учун анъанавий шеърий жанрлар талабларини ўзгартириш, мумтоз адабий жанр ва турларни янги давр ғояларига бўйсундириш ижод тамойили даражасида бўлганидан далолат беради. Жумладан, Мирзо Жалол Юсуфзоданинг бир мухаммаси шакл ва мазмун жиҳатдан янги, бироқ танланган иқтибослар Ҳофиз ижодиёти ва услубига хос:

Гулу гиёҳ, ки аз гулшани Ватан рӯянд,
Ғубори чеҳра ба борони меҳр мешӯянд.
Сафову лутф зи наззорагон ҳамежӯянд,
«Рубобу чанг ба бонги баланд мегӯянд».
«Ки гӯшу ҳуш ба пайғоми аҳли роз кунед».
Агар ба рӯйи замин ҳақ бувад, ҳамон дин аст,
Маро мухолифати навъи маслак оин аст,
Ки ҳосилоти масолик ашоъаи кин аст.
Нахуст мавъизаи пири майфурӯш ин аст,
Ки аз мусоҳиби ножинс эҳтироз кунед

Янги шеъриятга тааллуқли экани мухаммаснинг илк мисрасиданоқ маълум, унинг мавзуси янги. Шоир “гулу гиёҳи Ватан”, “ғубори чеҳра аз борони меҳр шустан” (меҳр ёмғири ила юз ғуборини ювиш), “сафову лутф аз наззорагон жустан” (назоратчилардан лутфу сафо исташ)”, “ҳақ будани дин” (диннинг ҳақ экани), аммо маслак ва ойин аҳлининг динга муносабати сохта экани, “жамиятда маслак ва маз-ҳабталошлик учун вужудга келган адоват ва найранглар” каби жадидона фикрлар воситасида бадиий талқин этилган.

Шу тариқа, мусаммат шеърий туркумларидан саналмиш мусаддас жанри ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари адабиётида ўзига хос ўрин ва мавқеъга эга бўлиб, ушбу жанр адабий жараённинг ўзига хос тамо-йиллари асосида муайян йўна-лишларда баъзан анаъанавий қолип-лар ва услублар замирида, баъзан эса янгича ғоялар ва мазмунлар касб этган ҳолда жиддий ўзгаришларга юз тутди, муайян эврилишларга эришди, жадид миллий шеъриятнинг вужудга келиши учун замин яратди ва замонавий даврий матбуотда маърифатпарварлик ғоялари талқини ва уларнинг ёйилишини таъминлади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Афоқова Н. Жадид лирикасида мусаммат. –Тошкент: Фан, 2005. - 24 б.
2. Мусулмониён Р. Назарияи адабиёт. – Душанбе: Маориф, 1990. – 334 с.
3. Жим («Бухорои шариф», №42, 19 апрели,1912)
4. Мирзо Сироҷи Ҳаким. Ёд бод! //Ойина. – Самарқанд: 1913, № 2. – С. 3.; Рўзномаи «Омўзгор», 14 августи соли 1990.
5. Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърияти жанрлари. – Тошкент: ЎзФА. Фан, 2006. – 352 б.
6. Раҳмонов Ш. Мусаммат. Ташаккул ва таҳаввули он. – Душанбе: Дониш, 1987. - 170 с.
7. Раҳмонов Ш. Сухане чанд аз лирикаи форсии тоҷикӣ. – Душанбе: Шарқи озод, 1999. – 133 с.
8. Табаров С. Ҷаҳони андешаҳои Абдуррауфи Фитрат. Ҷилди I – Душанбе: Дониш, 2008. – 714 с.
9. Фитрат Абдуррауф. Тавофи ватан” (Бо пешгуфтор ва таҳияи луғатнома ва тавзеҳоти Муҳаммадюсуф Имомов ва Масрур Абдуллоев). - Душанбе: Шарқи Озод, 2013. - 46 с.
10. Шукуров М. Нигоҳе ба адабиёти тоҷикии садаи XX. –Душанбе: Пайванд, 2006. 455 саҳ.
11. Шоҳин. Куллиёт. – Душанбе: Адиб, 2006. -640 с.
12. Ҳайрат. Мунтахаб ашъор. –Душанбе: Нардавтож, 1964, 190-бет 234 бет.

“МАЖМУАИ ШОИРОН”ДА ҲАМД ВА НАЪТЛАР ТАЛҚИНИ

INTERPRETATION OF PRAISE AND VERSES IN THE COLLECTION OF POETS

ТОЛКОВАНИЕ ПОХВАЛ И НАЪТОВ В СБОРНИКЕ “МАЖМУАИ ШОИРОН”

Т.А.Тошболтаева- катта ўқитувчи, Қўқон ДПИ

Аннотация. Ушбу мақолада истеъдодли шоир ва тазкиранавис Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасида берилган ҳамд, наът ва қасидалари тадқиқ қилинган. Бунда адабиётдаги сўзнинг қудрати ва малоҳати очиб берилади.

Калит сўзлар: “Мажмуаи шоирон”, маснавий, ҳамд, наът, қасида, дарж, фазл.

Резюме. Эта статья содержит обзор и описание похвал, наивностей и откровений талантливого поэта и комментатора Фазли Намангони в «Поэзии его величества». Раскрывает силу и достоинства слова в литературе.

Ключевые слова: «величественный поэт», маснави, хвала, качестве,поэма, дардж, добродетель

Annotation. This article provides an overview and description of the hamd, na't and the poems written by the talented poet and commentator Fazli Namangoni in his Majesty's Poetry. It reveals the power and merits of the word in literature

Key words: "Majestic poet", masnawi, praise, na't,poems, darj, virtue

Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси XIX асрнинг бошларидаги адабий жараёнлар, бу муҳитда қалам тебратган шоиру фозиллар – аҳли суханлар ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконини беради. Чунки ундаги шеърий намуналар ҳамда дарж ва фазлларнинг бадиий савияси ҳақидаги мушоҳада ва мулоҳазалар айни бир давр шеърияти борасида бир тўхтамга келиш учун замин яратади. Бу даврда зуллисонайнлик анъанаси етакчи экан, мазкур фикрларни шоирлар томонидан яратилган ўзбекча ва тожикча шеърларга баравар татбиқ этиш тўғри бўлади. Чунки дарж ва фазллар баён этилган маснавийлар, тазкира муқаддимаси, қатор қасидалар ва бошқа лирик жанрлардаги пайровлар, асосан, форс-тожикча ва ўзбекча эканлиги бунга далолат қилади. Фазлий пайров намуналарини ҳавола этар экан, агар Амирийнинг шеъри тожикча бўлса, аввал тожик тилида маснавий

берилган; агар ўзбек тилида бўлса, дарж ва фазллар ўзбекча бўлган.

Кўриниб турибдики, Фазлий тожикча-ўзбекча дарж ва фазлларни маснавий йўлида битган. Бу маснавийларнинг барчаси (ҳатто тазкира муқаддимасидаги маснавийлар, қасида-маснавийлар ҳам) арузнинг саккизлик мутақориб баҳрида битилган: тақтеъси фаулун фаулун фаулун фаул бўлиб, тақтеънинг парадигмаси V- - V - - V - -V - .

Маснавий шакллари тазкирада зикри келган шоирларнинг бирор ҳудуд ёки шажарага тегишлилиги, адабиёт ва бадиий ижодга даҳлдорлигини таъриф ва тавсиф қилишда бирмунча енгиллик туғдиради. Ҳазрат Алишер Навоий маснавий шаклини “васеъ майдон”(кенг майдон) деганларида, шубҳасиз, бу усулнинг тасвирлаш имкониятлари бир қадар кенг бўлиши ҳамда таъриф ва тавсифда осонлик туғдиришини назарда тутган. Шу сабабли, мумтоз адабиётда барча эпик асарлар маснавий усулида битилган. Мазкур усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, бундай матнда бадиий тасвир усулларини истеъфода этиш имконияти бирмунча кучаяди. “Мажмуаи шоирон”даги дарж ва фазлларда ҳам бир қатор тасвир усулларига мурожаат қилинганки, улар тазкира муаллифларининг бадиий маҳоратининг кўзгуси сифатида намоён бўлади.

“Мажмуаи шоирон”нинг муқаддима маснавийси кўздан кечирилса, муаллифлар маҳорати кўзга аниқ ташланади. Дастлаб Аллоҳга ҳамд келади. Ҳамдда анъанавийлик бир қадар кучли. Айни пайтда айрим ўзига хосликлардан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, муқаддиманинг дастлабки байтининг тоқ мисраси арабча бўлиб, унда ҳамд айтилади ва шундай асар бунёд этилаётгани Аллоҳнинг марҳамати эканига шукрона қилинади, Аллоҳнинг шундай таъриф-тавсифларни яратиш учун тил берганига шукр қилинади (бу ширу шакар усули бир қатор девонларда, хусусан, Низомий, Ҳофиз Шерозийнинг девонларида, Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётининг “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг биринчи ғазали “Ашрақат...”нинг матлаъ байтида ҳам истифода этилган [1.184]):

Лакал ҳамду аш-шукру ё мустаъон,
Боре боби маъно ту доди забон.

Кейинги байтда яна анъанавий йўл тутилиб, Аллоҳга муножот қилинар экан, ўз назар нуринг билан бизларни бино этдинг, сенинг мадҳингни айтиш учун тил ато этдинг, деб ёзади:

Назарҳо бо нури тў бино шўде,
Забонҳо ба шукри тў гўё шўде. [2.5].

Бу фикрлар маснавийнинг кейинги сатрларида ҳам бардавом бўлади. Айни чоғда, мазкур бўлган сатрларда мумтоз адабиётда анъана бўлган ҳамдлардан ўзгачароқ йўл тутилади. Яъни бевосита ҳамд усули олдинда амалга оширилажак вазифалар билан чамбарчас боғланиб кетади. Шоир Фазлий маснавийнинг шу байтидан бошлаб, ўзи яратмоқда бўлган китоб учун фазли илоҳий сирларидан огоҳ бўладиган бир ақл берган парвардигорга ҳамду сано айтади. Бу Фазлийдан олдинги манбаларда бошқачароқ тарзда намоён бўлган. Уларда ниятнинг пайдо бўлиши ёки китоб ёзишга ундаган сабаб бирмунча очиқ баён қилинган. Фазлий ана шу таъвилда ҳам янгича усулни қўллашга уринади:

Ту доди бо хел хирад огаҳи,
Зи мазмуни асрори фазли илоҳи.
Кетоби жаҳон аз ту дорад низом,
Дў олам ба йек кофу нун шўд тамом.

Ҳазрат Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг ҳамд бобида бу каби тавсифни қўллаган. Яъни оламдаги барча махлуқоту мавжудот Аллоҳнинг “кун” калимаси туфайли пайдо бўлган; махлуқоту мавжудот “коф” ва “нун” зодаси деб айтган [3.169].

Фазлий юқорида байтда “дў олам” деганида фоний ва боқий дунёни назарда тутаётгани сир эмас. Бу ҳам шоирнинг маҳорати мевасидир. Айни пайтда, худди Навоийга ўхшаб китобат санъатининг ўзига хос йўлларидан

истефода этиб, ҳамма нарса “коф” ва “нун” дан пайдо бўлган дея хулоса чиқаради.

Ҳамднинг кейинги байтларига назар ташлайлик:

Ба аҳли жаҳон аз ту омад расул,
Буд аз жаноби ту раду қабул.
Китоб аз ту омад бо ҳамду аён,
Ки ҳастим мо жумле бар ҳукми он.
Ту онике аз фазл бидъатҳо,
Сўхан карда эрсол бар анбиё.
Ки жаброил ҳам аз ту, эй зуфунун,
Найоварди чизи ба ғайри аз сўхан.
Ба ҳукми камоли ту аз осмон,
Сўхан риханад бар қалби пайғамбарон.
Хусусан ҳар ду саройи,
Ба ояти раҳмат шўди раҳнамойи.
Ба он моҳитобон авжи камол,
Сўхан омад аз ту, эй зулжалол [2.2].

Мазмуни: Аҳли жаҳонга сендан расул келди, сен жанобдан рад ва қабул отлиқ нарсалар пайдо бўлди. Сендан ҳамд ва барча дунё ҳодисалари ҳақида аён берувчи китоб келди. Биз ҳаммамиз Сенинг ва Сенинг каломинг ҳукмидамиз. Барча фазилатли янгиликларни сўзга айлантириб, набийлар орқали бизга жўнатдинг. Эй зуфунун, ҳатто сенинг элчинг бўлган Жаброил ҳам муқаддас сўзлардан бошқа ҳеч нарса келтирмади. Сенинг камоли осмоний ҳукминг билан пайғамбарларнинг қалбига сўзлар қуйилди. Хусусан, ҳар икки оламда ояти раҳматинг билан раҳнамоликни ўз қўлингга олдинг. Эй зулжалол, ўша моҳитобонларнинг авжи камолида сендан доимий сўз келиб турди.

Кўринадики, мазкур ҳамдда ҳам Аллоҳ қудрати ва сифатлари бир-бир санаб ўтилиб, асосий эътибор сўзнинг илоҳийлигига қаратилади. Сўз таърифида Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, Навоий ҳам, Жомий ҳам, Муҳаммад Солиҳ ҳам ва бошқа шоирлар ҳам кўп ёзганлар. Фазлийда ҳам бу сифат янгича тарзда намоён бўлмай, анъанавийлик қобиғида берилади. Лекин айрим ўринларда Фазлий келтирган сифатлашлар, ташбиҳу истиоралар мазкур ҳамднинг таъсирчан ва мукаммал даражада шаклланишини таъмин этган. Чунончи, бир ўринда “рад” ва “қабул” сўзларини таъзод қилиб фикрини далиллаётган бўлса, бошқа ўринда икки оламни “икки сарой” деб истиора қилади. Ёки анъанавий бўлган “зулжалол”, “зуфунун” каби арабий сўзлар Аллоҳнинг сифатларини бирмунча сиқиқ тарзда бериш имконини яратган. Шунингдек, Жаброил алайҳиссалом номини талмеҳ қилиб келтирилиши сўзнинг янада қудрат касб этишини таъминлаган дейиш мумкин. Яна “Сенинг ҳукминг билан пайғамбарлар қалбига ҳикмат сўзи ёғилди” тарзида келган фикр жонлантиришнинг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлади.

Ҳамддагина эмас, Пайғамбаримиз (с.а.в.)га дурудлари, чаҳорёрлар мадҳида ҳам Фазлий маҳоратининг бир қатор хос жиҳатлари кўзга ташланади. Жумладан, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиқни ор-номус, диёнат, фасоҳатнинг ёри тарзида сифатлайди. Ёки Умар ибн Ҳаттобни мўминларнинг адолатли амири деб улуғлайди. Усмон ибн Аффонни эса “буд пойайи дин қави”, яъни диннинг қувватли оёқлари бўлди, деб истиора қилади. Ҳазрат Али ибн Абу Толиб ҳақида ҳам маснавийдан ана шундай сифатлашларни топиш мумкин.

Фазлийнинг яна бир маҳорати ҳамд, наът, бағишловлар орасида узилишлар мавжуд эмаслигидадир. Шоир маснавийнинг байтларини усталик билан бир-бирига улаб юборади. Натижада, ҳамд билан наът, наът билан бағишлов бир-бирини тўлдириб боради. Ҳаттоки, ана шу қисмлар ичида ҳам Саййид Умархонга ишора қилиб кетилган ўринлар учрайди. Масалан:

Салотин зи имдоди тў тождор,
Ҳавоқин ба унвони тў бо иқтидор.
Бешагар найўфтад зи ту сояйи,
Ба шоҳи бино шўд уро пояйи.

Мазмуни: Ҳар қандай султон Сенинг имдодинг билан тождор бўлган, ҳар қандай ҳоқон Сенинг иқтидоринг

билан ҳоқонлик мақомига эришган. Улар Сенинг соянг паноҳида бўлади ва шоҳликка сен туфайли эришдилар. Шундан кейин бевосита Саййид Умархон номи келади:

Ҳамоноки Саййид Умар подшоҳ,
Аз он сойе бар сар ниҳоди кулоҳ.

Мазмуни: Хусусан, подшо Саййид Умархон ҳам Сенинг соянг туфайли бошига тож кийди. Бу ўринда “тож” сўзи маъносини “кулоҳ” сўзи бажаряпти. Мазкур сўз жонли сўзлашув тилида ва айрим ёзма манбаларда оддий бош кийими маъносида ишлатилади. Фазлий маснавийда бу сўз устига катта маънони юклаган ва бу маъно султонлар, ҳоқонлар ҳақидаги фикрларни истиоравий усулда тўлдира олган. Навбатдаги байтларда Аллоҳнинг назари тушгани учун Саййид Умархон адолатли подшо, шариат раҳнамоси бўла олди, шунинг учун халқ ундан ифтихор қилади, деган фикрлар ётади. Қизиғи шундаки, Фазлий айни шариат ривожига алоҳида эътибор қаратган подшоҳ фисқу фужурларни йўқ қилишга ҳам алоҳида диққат қилди, деган фикрга урғу беришга ҳаракат қилади. Бу ўринда ҳам яширин тазод усулидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилади:

Ривожи шариат багардун расонад,
Зи фисқу, зи бидъат нишонэ намонад [2.2.].

Саййид Умархон зикрида Фазлий таносиб усулидан моҳирона фойдаланган. Агар юқоридаги байт билан тубанда келтирилган байтлар муқояса қилинса, ана шу таносиб кўзга яққол ташланади:

Жаҳон хушдил аз хирман жудэ уст,
Ризойи худованди мақсуди уст.
Зи эҳсони у баҳривар хосу ом,
Халойиқ ҳаме хушдилу шодком.
Ба ҳар мулк аз адле у гуфтигўст,
Ба ҳар шаҳр овозайи номи уст.

Мазмуни: Аҳли жаҳон (хонликдаги кишилар) унинг адолатидан баҳра олганлиги учун Аллоҳ розилиги туфайли ундан рози бўладилар. Ҳар қандай хос ва ом (барча кишилар) унинг эҳсонидан баҳраманд бўлиб, шод ва хушдил яшадилар. Шунинг учун хонликнинг ҳамма ҳудудида унинг адолатидан сўзлайдилар. Ҳамма ҳудудда унинг овозаси янграйди. Ана шу байтдаги Саййид Умархон сифатларини юзага келтирган сўзлар таносибнинг алоҳида кўриниши сифатида кўзга ташланади. Кейинги сатрларда ҳам Саййид Умархон сифатларини ифодаловчи бу каби таносиблар анчагина учрайди. Саййид Умархон ўз сўзида худди Афлотундек ҳикматасо, худди бошқа ҳакимлар сингари хирадманд, унинг сўз сеҳридан илму фан камол топади. Ҳар мажлис унинг рағбатидан сурур олади, деган мазмунда ҳам фикримизга далиллар бисёр. Шу билан бир қаторда, Саййид Умархон таърифида муболағавий тасвирларга ҳам кўп ўрин берилган. Аслида, муболағавий тасвир шу ва тазкира ичидаги шеърлардан олдин келтирилган маснавий байтларда етакчи унсурлардан ҳисобланади. Ҳар бир шахс ҳақида тавсиф берилар экан, муаллифлар унинг сифатини бўрттириб баён қиладилар. Саййид Умархон коинот амири, унинг тахти бир қуёш ёки бошидаги тож тахти хуршидининг қуёши деб улуғланади:

Амири фалак тахти хуршиди тож,
Чунон дод бар аҳли маъни ривож [2.2.].

Бошқа бир ўринда эса, Саййид Умархон учун жаҳоннинг бошқа подшолари мисоли аскар бўлдилар. Энг баланд юлдуз бўлгани учун, ҳатто унга чин хоқонининг ҳам меҳри тушди, деган таърифлар берилади:

Шабихун баҳоқон заде лашкараш,
Шўде Хисравоне жаҳон чокараш.
Ба у омадэ аз бўланд ахтар,
Зи ҳоқони чин хатти фармонбари [2.3.].

Шундай қилиб, муқаддима маснавийдаги ҳамд, наът, мадҳ ва бағишловлар ўз мазмунидан қатъи назар, маҳорат билан бунёд этилган сатрлар дейиш имконини беради. Чунки Фазлий эътиборда тутган ҳар бир зот ёки шахснинг сифатлари тўлақонли тарзда баён этиладики, унда шоирнинг бадиий маҳорати анъанавийлик ва янгича кўринишларда кўзга ташланади.

Натижада, муқаддимада айтилиши зарур бўлган ҳар бир фикр аҳли фасоҳат ва бошқаларга тез ҳамда осон етиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳофиз Ҳоразмий. Девон. Т.: Шарқ, 2018.
2. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 1-жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат НМИУ, 2011.
3. “Мажмуаи шоирон”.Тошбосма нусха.Ильин матбааси. Шахсий кутубхона. 1900.
4. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Тўла асарлар тўплами. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат НМИУ, 2011.
5. Пўлатжон Домулло Қаюмов. “Тазкирайи Қайюмий”. Тошкент. ЎзФА қўлёзмалар институти. 1998.
6. Пўлатжон Қайюмов. “Ҳуқанд тарихи ва унинг адабиёти”.Тамаддун. 2011.
7. А.Қаюмов. “Қўқон адабий муҳити”. Тошкент. “Фан”. 1961.

“ЎҒУЗНОМА” НОЁБ ЁЗМА ЁДГОРЛИК СИФАТИДА

"УГУЗНОМА" КАК УНИКАЛЬНЫЙ ПАМЯТНИК ПИСЬМЕННОСТИ

"GUZNOMA" AS A RARE WRITTEN MONUMENT

М.Мелибоева-ўқитувчи, ҚўқонДПИ

Аннотация. Мақолада асосини мифологик мотивлар ва этнологик мифлар ташкил қилган “Ўғузнома” достонидаги тарихийликни халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ривоятлар белгилаши ва буларнинг тарихий асарларда берилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тарихийлик, тамойил, миф, достон, туркий, уруғ, қабила, этнологик, ривоят.

Аннотация. В статье обоснована, что историчность дастана «Огуз-наме», основой которой служат мифологические мотивы и этнологические мифы, определяются предания, связанные с происхождением народов, приводятся рассуждения автора по поводу их приведения в исторических произведениях.

Ключевые слова: историчность, принцип, дастан, тюркский род, племя, этнологическое предание.

Annotation. In the article it is thought that the history of the poem “Oghuzname”, which is the basis of mythological motives and ethnological myths, defines the myths about the origins of peoples and their transmission in historical works.

Key words: historicity, principle, myth, poem, Turkic, tribal, ethnological, narrative.

Туркий халқларнинг қадимги ёзма адабиёти хусусида сўз кетганда, асосан, Ўрхун-Энасой ёзувидаги ёдгорликлар тилга олинади. Аммо бугунги кунда олимларнинг изланишлари самараси ўлароқ, қадимги туркий адабиёт фақатгина Ўрхун-Энасой ёзувидаги ёдгорликлардан иборат эмаслиги маълум бўлди. Ўрхун-Энасой ёзувидаги ёдгорликлар туркий адабиётнинг бир қисми бўлиб, қадимги туркий адабиёт яна кўплаб адабий ёдгорликларга эга эканлиги аниқланди. Хусусан, “Ўғузнома” достони ҳам қадимги туркий адабиётнинг бир намунаси бўлиб, туркий халқларнинг муштарак меросларидан биридир.

“Ўғузнома” достонида қанғ, қипчоқ, қорлуқ, қалач каби туркий уруғларнинг келиб чиқиши ҳақидаги этнологик ривоятлар мавжуд. Мазкур ривоятларда санаб ўтилган уруғларнинг келиб чиқиши Ўғузхон номи билан боғланади. Қипчоқ, Ўғуз каби номларни

географик жой номи, лаҳжаларнинг номи сифатида сақланиб келаётганлиги “Ўғузнома” достонидаги этнологик мифларда мавжуд бўлган тарихийликни кўрсатади. Бундан ташқари, “Ўғузнома” достонидаги тарихийлик тамойиллари асосида Шарқ адабиётидаги тарихий асарларда Ўғузхон ва туркий халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ривоятлар қай даражада сақланганлигини ёритиш мумкин.

Ўғузхон – Шарқ адабиётидаги тарихий асарларда кўп учрайдиган, кўп тилга олинадиган шахс. Жумладан, Рашидиддин Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида Ўғуз хоқон билан боғлиқ афсоналар ўз аксини топган. Мазкур асарлардаги Ўғуз хоқон афсонаси ва “Ўғузнома” достони ўртасида бир қанча умумий ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Юқорида келтирилган асарларнинг барчасида Ўғуз хоқон мусулмон сифатида талқин қилинади. Рашидиддин Ҳамадоний ҳам, Абулғози Баҳодирхон, Мирзо Улуғбеклар ҳам туркий қавмларнинг Ўғузхондан тарқалганини айтиб, Ўғуз хоқон шажарасини Нуҳ пайғамбарга бориб тақалишини кўрсатадилар.

“Ўғузнома” достони билан санаб ўтилган тарихий асарлардаги Ўғуз афсонаси ўртасидаги умумийлик ва фарқлар Ўғузхоннинг туркийларга ном бериши билан боғлиқ воқеаларда ҳам кўзга ташланади. “Жомеъ ут-таворих”да ҳам, “Тўрт улус тарихи”, “Абдулланома”, “Шажараи турк”да ҳам қипчоқ, қорлуқ, калач (халаж), қанг каби халқларнинг келиб чиқиши ҳақида ривоятлар мавжуд. Фақат бу ривоятлар келтирилган тарихий асарларда турлича бўлиб, сюжетида ўзгартиришлар юз берган. Биргина қанг уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятларни солиштириб кўриш фикримизга далил бўла олади.

Мазкур ривоят “Ўғузнома” достонида қуйидагича берилган: “...Жангдан сўнг Ўғуз хоқоннинг қўшинига, навкарларигаю халқига шундай катта ўлжа келдики, уларни, олиб кетишга от, хачир, ҳўкиз камлик қилди. Ўғуз хоқоннинг қўшнида чаққон, гавдали бир яхши одам бор эди. Унинг оти Баркамлик Жусун Билик эди. Бу чаққон одам бир қанға топти. Қанға устига мол-мулкларни юклади, қанға бошига тирик бойликларни юклади, жўнаб кетдилар. Навкарларнинг, халқнинг ҳаммаси буни кўрдилар, шошдилар. ...Ўғуз хоқон қанғаларни кўрди, кулди. Яна айтдики, қанға билан бойликни эзгулик тортиб борсин. Қанғалик сенга от бўлганлигини “қанға” сўзи билдирсин, деб ўз йўлига кетди.” Айнан шу этнологик миф Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да шундай берилган: “Аммо, қонқли ақлилик, фаросатлилик маъносидир. Чунончи, бир жангда Ўғузхон қўлига жуда кўп бойлик ўлжа тушган эди. Қанимдан хушёр ўлжа олиб, унинг қулфини оча олмаганди. Лашкардошларнинг тўғри фикр юритувчи бир тўдаси уриниб кўришди. Бартартиб қилдилар, ул ўлжани осонликча олиб ташиб олдилар. Ўз ақлу фаросати билан дунё мушкулларини еча олганликлари сабабли уларга қонқли деб ном қўйди”[1,50-51]. Қанғ уруғининг пайдо бўлиши, умуман, юқорида келтирилган барча халқларнинг пайдо бўлиши тарихига оид маълумотлар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарида ҳам мавжуд. Фақатгина сюжетида бироз фарқлар бор. Шунга қарамай, қанг уруғининг келиб чиқишига оид келтирилган фикрлар, мифлардан бир нарса “қанғ” сўзи юк ташувчи аравага нисбатан берилиб вужудга келганлиги ва бу уруғдошларнинг кучли ақл эгаси бўлганлиги англашилади.

Ўғуз шахси ёритилган тарихий асарлар яна бир жиҳати билан бир-биридан фарқланади. Бу Ўғузхон тарихига оид лавҳаларнинг кенг ёки тор баён қилинганидир. Рашидиддин Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих” асари Ўғузхон тарихи батафсил

ёритилган манбалардан биридир. Рашидиддин Ҳамадоний туркий қавмлар тарихини илк бор илмий асосда ёритиб берган олимдир. Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи”, Абулғози Баҳодирхон “Шажараи турк” асарларини ёзишда ҳам “Жомеъ ут-таворих”дан фойдаланганлар. “Жомеъ ут-таворих” форс тилида ёзилган бўлиб, олим ўз асари орқали мўғилларнинг ҳамма қабиласи туркий қавмлардан тарқалганлигини асослаб берди. Бу қабилаларнинг ҳаммаси Ўғузхонга, Ўғузхоннинг шажараси Нуҳ пайғамбарга бориб тақалишини кўрсатди.“Жомеъ ут-таворих”нинг Ўғуз шахсини ёритишдаги аҳамиятли жиҳати шундаки, асарда Ўғузхон мусулмон сифатида кўрсатилган бўлса ҳам, туркий мифологиянинг баъзи излари кўзга ташланди. Бу жиҳат “Жомеъ ут-таворих” билан “Ўғузнома” ўртасидаги умумийликлардан биридир. Асарда туркий мифология сақланган ўринларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Маълумки, эски турк дини – шомонийликда пайғамбар ва муқаддас китоблар бўлмаганлиги сабабли қомлар, яъни шомонларнинг ўрни беқиёс бўлган. Туркиялик олим Усмон Турон шомонлар (қомлар) ҳақида шундай ёзади: “Шомонлар истиқболнинг яхши ва ёмон ҳодисаларидан уларни, яъни кўк туркларни воқиф айлайдилар. Қомларнинг тавсияларисиз қўшин тўплаб урушга киришилмас эди”[2,56]. “Ўғузнома” достонидаги Улуғ Турк, “Дада Қурқут китоби”даги Қурқут ота эски туркийларнинг шомонларига мисол бўла олади. “Жомеъ ут-таворих” асарида келтирилган Ирқли Хўжа аслида “Ўғузнома” достонида келтирилган Улуғ Туркдир. У Ўғуз авлодларининг ҳар бирининг лақабини, номини, тамғаси ва белгисини тайин этади. Ўғузхондан тарқалган 24 уруғнинг ҳар бирига маълум ҳайвонларнинг номи берилади. Бу ҳайвонлар ҳар бир қабиланинг унгунидир. Бу ҳайвонларга қабила ҳужум қилмаслиги лозим. “Ўғузнома”да ҳам Улуғ Турк Ўғузхоннинг авлодлари ўртасида ҳокимиятнинг қандай тақсимланишини олдиндан башорат қилади.

“Жомеъ ут-таворих” асарининг Ўғуз шахсини ёритиш борасида яна бир аҳамиятли жиҳати мавжуд. Бизга маълумки, Хитой солномалари қадимги турклар тарихи учун энг қадимий, ишончли манбадир. Ҳамадоний “Жомеъ ут-таворих” асарини ёзиш арафасида, 1286 йили Эронга амир Пўлод Чжен Син деган бир тарихчи келади. Бу одам Хитой солномалари, мўғул ривоятлари бўйича чуқур билимга эга бўлган. Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих” асарида илмийлик бош ўрин тутганини, Ўғуз шахси кенг ёритилганини уч йил давомида ҳар кун олиб борган маърузаларидан қидириш лозим [3,80].

Демак, “Ўғузнома” достонидаги тарихийлик хусусиятлари Ўғузхоннинг юришларида, унинг туркийларга ном бериши, уларни бирлаштириб марказлашган давлат тузиши билан боғлиқ воқеаларда ўз аксини топган. Ўғуз хоқоннинг бошқа юрт ва элатларга юришларидан қадимги туркий халқлардаги марказлашган давлат тузишга бўлган интилиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 1994.
2. Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси. Тошкент: Чўлпон, 1995.
3. Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди. Тошкент: Шарқ, 2002.

ҚИССАЛАРДА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЖИВОТНОГО МИРА В РАССКАЗАХ

AN ARTISTIC INTERPRETATION OF THE ANIMAL WORLD IN STORIES

Ф. Қурбонова-ўқитувчи, ҚўқонДПИ

Аннотация. Мақолада Нормурод Норқобиловнинг “Чангалзор ити” қиссасидаги ит образининг бадиий талқини ва муаллифнинг бу борадаги маҳорати масаласида фикр юритилган.

Калит сўзлар: қисса, мажоз, образ, ҳайвон, инсон, маҳорат.

Аннотация. В статье анализируется художественное толкование образа собаки в повести Нормурода Норкобилова «Чангалзор ити» (Собака из зарослей) и мастерство автора.

Ключевые слова: повесть, аллегория, образ, животное, человек, мастерство.

Annotation. The article gives an overview of Normurod Norkobilov’s literary interpretation of the dog’s image in the “Changalzor’s Dog” and the author’s skill in this regard.

Key words: story, figurative, image, animal, human, skill.

Нормурод Норқобилов кейинги йиллар ўзбек насри ривожига баракали ҳисса қўшган истеъдодли ёзувчилардан бири. Асарларида унутилиб бораётган инсоний фазилатларни соғинч билан қаламга олар экан, кўпроқ у мажозий образларга мурожаат қилади. Табиат шайдосига айланиб, тоғу тошлардан, дала-даштлардан ўзига ҳамдард излайди. Натижада унинг ижодида ҳайвонот ва наботот, қисман жамодот оламининг турфа “вакил”ларининг жонли тимсоллари яратилган, улар воситасида инсон маънавиятидаги ижобий ва салбий ҳолатлар тасвирланган ҳамда инсон ҳаётида юз бериши мумкин бўлган ҳодисотлар ҳақида мушоҳадалар қилишга ундайдиган асарлар пайдо бўлди. Абдуғафур Расулов Нормурод Норқобилов қисса ва ҳикояларидаги ана шу хусусиятлар ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Унинг асарларида ҳайвонот ва инсонлараро мураккаб муносабатлар тасвирланади. Ёзувчи гоҳо наботот (яшил табиат), гоҳо жамодот (тоғу тошлар, қир-адирлар) оламига назар ташлайди. Унинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида инсон ва тош, тоғ ва одам боғлиқлиги маҳорат билан очилган. Ҳайвонот оламини яшил дунёсидан ажратиш мумкин эмас. “Паҳмоқ” қиссасидаги айиқ ўзини дўлана, зирк, олма сингари меваларга уради. “Тоғ одами” қиссасининг қаҳрамони Жондош жарликка қулайди. Қояда ўсган дарахтнинг чайир шохи Жондошни “тутиб” қолади. Ёзувчи ҳайвонот, наботот, жамодот аро алоқаларнинг ўша табиий тасвирига эриша олади. Бу аслида табиий ҳол: ҳайвонот, наботот, жамодот бир ота-она фарзанди – улар одамдай туғилганлар” [1. 4]. Н.Норқобиловнинг “Чангалзор ити”, “Оқ бўйин”, “Тоғ одами”, “Пахмоқ”, “Овул оралаган бўри” каби қиссаларида ҳайвонот оламининг турфаликлари ҳақида баҳс юритилади. Ёзувчининг “Чангалзор ити” қиссасидаги Қоравой худди одам каби ўсиб-улғаяди. Атрофидаги итларга нисбатан одамлардай “муомала” қилади, яхшисини дўст тутади, ёмонини жазолайди. Одамлар билан алоқада ҳам ўзини худди одамдай тутади. Уларнинг яхшиликларига яхшилик, ёмонликларига ёмонлик билан жавоб беради. “Ғанимлар” қиссасида эса Сафар исмли ўсмир вафот этганида, Толмас бобога қўшилиб Ёлдор бўри

ҳам фиғон чекади, ўзини қўйгани жой топа олмайди. Чўнгкалла бўри хатти-ҳаракатларида ўз жуфтига садоқат, вафо улуғланган ва бу орқали айрим одамларга ўрнак бўларли феъл-атворни намоён қилган. Дарҳақиқат, Чўнгкалла бўри эрка, тантиқ жуфти Оқёлнинг дардида ўзини ўқдан-чўққа уради, ҳаётини хавф остида қолдириб, Оқёл жасади ётган омборга ҳам киради.

Мажозий тимсолларни ўқувчи томонидан инсон тимсоли даражасида тушунишини таъминлашга эришиш ҳар қандай адибдан катта маҳорат талаб этади. Н.Норқобиловнинг “Чангалзор ити” қиссасидаги ҳайвонот олами вакиллари бўлмиш итлар ва асосий фигура ҳисобланган Қоравой (ит) адиб яратган энг сара қаҳрамонлардан саналади. Қоравойнинг бошқа итлар, ҳайвонот ва наботот оламининг бошқа вакиллари, ҳатто энг мукаммал жонзод бўлмиш одамлар билан “муомала-муносабатлари”нинг тагзаминида бир инсоннинг ҳаёт йўли тасвирланаётганга ўхшаш мушоҳада туғилади. Қиссани ўқиб, Қоравой саргузаштлари, унинг туғилишидан бошлаб, то бўрилар билан илакишиб кетгунча бўлган воқеа-ҳодисалар тасвири мажознинг ҳақиқат билан чамбарчас боғлиқлиги, яъни маълум бир мажозий қаҳрамон ҳаётдаги маълум бир инсон кечмишини тасвирлаганига ишонч ҳосил қилишига олиб келади. Бу, айниқса, мажознинг “маънавий олами”нинг тасвиридаги ҳолатда аниқ-тиниқ кўринади. Мажознинг ана шу олами инсоннинг маънавий олами сифатида гавдаланади.

Муҳит одам боласининг қай йўсинда тарбия топишида муҳим ўрин эгаллайди, деган гап бор. Бу фикр нечоғлик тўғри эканлигини ҳаётнинг ҳар жабҳасидан топиш мумкин. Бола тарбияси, унинг яхши ёки ёмон инсон бўлиб вояга етишида оиланинг роли, оила ва маҳалланинг ўзаро таъсиридан ҳеч вақт кўз юмиб бўлмайди. Маънавий жиҳатдан баркамол бўлган оиладан ахлоқсиз одам чиқмайди. Ва аксинча, ахлоқ мезонларига риоя қилмайдиган оилалардан дуруст инсон етишиб чиқишига ҳам ишониш қийин. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Дуруст оилада тарбияланиб вояга етиб бораётган фарзанд ножўя муҳитга тушиб қолса, ёмон томонга кетиб қолиши ҳам мумкин. “Чангалзор ити”даги Қоравойнинг кучуклик даври буни тасдиқлайди. Чунки Қоравой катта қирнинг этагидаги одам қадами етмаган бир чакалакзорда туғилиб ўсади. Қоравойнинг кўз очиб, илк кўргани новдалари бир-бирига чирмашган девордай қалин буталар бўлган. Она ит – Олапар уни ана шу чакалакзорда дунёга келтирган.

Олапар аслида хонаки ит бўлган. Фақат кечроқ ёввойиликни касб қилган. Қоравой шу ёввойилик даврининг ёдгори. Олапар нафсининг кўйига кириб, гўшт илинжида эгаси Ҳайдар кўсанинг товуқларига қирон келтиради. Буни сезиб қолган Ҳайдар кўса уни ўлимга ҳукм этади. Олапар Ҳайдар кўсанинг билагини ғарчча тишлаб, чакалакзорга қочади ва шу ердан қўним топади. Ана шу отасининг тайини йўқ оила зурриёди бўлган Қоравойдан нимани кутиш мумкин! Қиссадаги кейинги воқеалар бунинг нечоғлик ҳақиқат эканини далиллайди.

Бироз чекиниш жоиз бўлса, айтиш мумкинки, оилада она ахлоқсиз чиқса, унинг касри фарзандга уради. Бунга мисолни ҳаётий воқеалардан ҳам, бадиий асарлардан ҳам истаганча топиш мумкин. Айниқса, ёлғиз аёл-ларнинг айримлари ҳаёт қийин-чиликларига сабр қилмасдан, ёмон йўлларга кириб кетишади. Агар унинг бирорта ўғли ёки қизи бўлса, уларнинг комил инсон бўлиб етишишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Қоравойнинг тақдири ҳам шундай. Олапар ўз эгасига ҳиёнат қилган. Қоравой чакалакзорда яшаб, у ердаги қайноқ ҳаётни кўради. Онаси унга емиш олиб келмагани учун очликдан ҳар нарсага суқ билан қарайди, уларни “меники” деб ўйлаб, ташланади, ғашланади: гоҳ қолдиқ

нарсаларга етишади, гоҳ қарши зарбага учрайди. Вақт ўтгач кучга тўла бориб, онаси ўзи учун олиб келган суякка ёпишади. Онасини ириллаб тишлайди. Олапар илк бора ўз кучуквачасига кучи етмаслигини ҳис қилади. Кейинчалик бир мушуквачанинг ўлжаси ва ўйинчоғига айланган чалажон сичқонни тирналиш-у таҳдидларга чидаб тортиб олгач, илк бор иссиқ қон ҳидини туяди. Шундан эътиборан унда ов қилиш ҳисси уйғонади. Аввал сичқонларга ўрганади, кейин юмронқозиқни пойлайди. Сурув-даги қўйларга ҳужум қилиб, чўпоннинг итларига таланади. Уч кун ёмон азоб тортиб ётади.Қиссадаги бу тасвирлар ўқилганда, ўқувчи кўз ўнгида Қоравой лақабли ит эмас, балки бир бебош оиланинг бир бебош фарзанди кеч-мишлари кечаётгандай туюлаверади. Бунга, шубҳасиз, адиб маҳорати деб қараш лозим. Чунки, адибнинг ишон-тириш санъати мажозий қаҳрамонни худди ҳаётдаги инсондек тасвирлашга эриша олгани сабаб бўлган. Қора-войнинг бундан кейинги “ҳаёт йўли” бундан ҳам ғаройиб. У шохли жон-дорларга таҳдид қилиб, икки оёқли махлуқлардан қаттиқ зарба ейди, хонаки итлар билан олишиб гоҳ мағлуб бўлади, гоҳ ғолиб чиқади. Бир ерда қўним топмайди, ҳаёти азобу уқубатга айланади. Гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлади. Охир-оқибат ёввойилиги ғолиб келиб, бўриларга қўшилиб кетади. Энди, унинг кейинги тақдири маълум.Назаримизда, Н.Норқобилов қиссада бир жонзод хатти-ҳаракати, кечмишларини шундай дақиқлик билан кузатиб, ҳис қилиб, Қоравойдек мукаммал образ ярата олган. Унинг феъл-атворидаги манфий ва онда-сонда учраб қоладиган мусбат хислатларни кузатиб, беихтиёр бу жонзоднинг итлигига ўқувчининг ишон-гиси келмай қолади. Китобхон қиссани ўқиб тугатгач, чуқур ўйга толади, мажоз ҳақиқат билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳис қилади ва буларнинг барчаси юксак маҳорат меваси бўлга-нига ишонч ҳосил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Расулов А. Шайдолик (сўзбоши) // Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун. Тошкент: Шарқ, 2007. 4-бет.
2. Норқобилов Н. Бекатдаги оқ уйча. Ҳикоялар ва қиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2000.

POETICS AND STYLE OF RUSSIAN AND ENGLISH FAIRY TALES IN A COMPARATIVE ASPECT
RUS VA INGLIZ ERTAKLARI POETIKASI VA USLUBI QIYOSIY ASPEKTDA

ПОЭТИКА И СТИЛЬ РУССКИХ И АНГЛИЙСКИХ ВОЛШЕБНЫХ СКАЗОК В СРАВНИТЕЛЬНОМ АСПЕКТЕ

R.M.Kazakova- teacher, Namangan RISARCOPES

Annotation. The problem of this topic is reflected in the need for understanding and awareness of other cultures. That is why we considered it necessary to study and compare different types of cultures, namely, their representatives are fairy tales, since they are familiar to us from childhood and in which the soul of the people is reflected. All fairy tales connect the promotion of positive humanism, the exposure of evil, acculturation. We consider the national aspect in each fairy tale, in particular, we bring up the national specifics of folklore, and come to the conclusion that it has similar didactic tasks and here has a cultural and historical value for each nation, since it is this form of folklore factor that has influenced cultural and social progress. This conclusion is based on a comparative analysis and correlation of historical facts.

Key words: fairy tale, national colour, original folklore, literary links, understand, heroes, object generations, brave, hate, courage, kindness, characters, happy ending.

Annotatsiya. Ushbu maqolada boshqa madaniyatlarni tushunish va anglash zaruratida aks etadi. Shu sababli biz turli madaniyat turlarini, ya'ni ularning vakillarini bolalikdan bizga tanish va unda xalq qalbi aks etgan ertaklar deb o'rganish va qiyoslashni zarur deb hisobladik. Barcha ertaklar ijobiy insonparvarlikni targ'ib qilish, yovuzlikning fosh etilishi, akulturatsiyani bir-biriga bog'laydi. Biz har bir ertakdagi milliy jihatni ko'rib chiqamiz, xususan, folklorning milliy xususiyatlarini keltiramiz va shunga o'xshash didaktik vazifalarga ega va bu yerda har bir millat uchun madaniy va tarixiy ahamiyatga ega degan xulosaga kelamiz, chunki u madaniy va ijtimoiy taraqqiyotga ta'sir ko'rsatgan folklor omilining bu shakli. Bu xulosa tarixiy faktlar qiyosiy tahlili va korrelyatsiyasiga asoslanadi.

Kalit so'zlar: ertak, milliy kolorit, asl folklor, adabiy aloqalar, tushunish, qahramonlar, ob'ektiv avlodlar, jasur, nafrat, jasorat, mehribonlik, belgilar, baxtli yakun.

Adibning badiiy obraz yaratishda so'zdan foydalanishdagi mahorati, har bir personajga mos iboralarni topa olishi "Chapdast" sarlavhali muxtasar hikoyasida yanada yorqin ko'rinadi. Hikoya aniq hayotiy voqeaga, qisman hazil aralash oilaviy munosabatga, er-xotin va farzandlar muloqotiga bag'ishlangan. Urushdan o’ng qo'lsiz qaytgan Salom tog'ani jangda o'qqa uchgan akasining xotini, ya’ni yangasiga uylantiradilar. U el qatori o'g'il-qizli bo'ladi, qo’sha-qo’sha nevara ko'radi. Birgina chap qo'li bilan ro'zg'or-u xonadonni eldan ziyod qilib qo’yadi. Yozuvchi Salom chapdastning oilaparvar, tadbirkorlik xislatlarini uning oshpazlik, holvapazlik hunarlari bilan bog'liq holda tasvirlab, "mohir-u mirishkor” so’zida umumlashtiradi. Bu maqtovli chapdastning ko'ngil olamidagi kutilmagan bir niyat uning murakkab xarakteridagi yangi jihatlarni ochib yuboradi. U shuncha yil birga yashagan kampirini "boybicha" (Surxondaryo shevasi) deb erkalar ekan, uning bir vaqtlar ermak uchun aytgan "sizni uylantirmoqqa uylantirarman. Dunyoga kelib, siz ham axir bunday ko'rib keting-da" degan gapini eslab ,,Bizni endi bi-ir uylantirib qo'ysangiz", deydi. (Yozuvchi assonansni qo’llash orqali asar emotsionalligini yanada oshirgan). Erning bu qaltis gapiga hayron bo'lgan Mayram yanga gapni hazilga yo’yar ekan, istehzo bilan "Xo'p, kimni olib berayli, ayting", deydi ermakka. Guloyni, deydi chol. (Guloy Mayram yanganing jiyani, ko’zi tug’ma ojiz, qirq yoshni qoralagan). Buni eshitgan kampir tutoqib ketadi:

-Sharm emasmi, Oftob opamni qizi-ya u?
-Shunisi yaxshida kampir, har holda o’zingniki. Devor ag’anasa, ichkariga ag’anasin. (Yozuvchi maqoldan o’rinli foydalangan).

-Ko'r-ku u, - deydi alamidan yonib yanga.

-Mana mening ko'zim ochiq - bir ro’zg’orga yetib ortadi shu”.

Ushbu qissa muloqot, birinchidan voqea rivojini ilk nuqtasi, konfliktning turtkisi bo'lsa, ikkinchidan er-xotin obrazlarning har biriga xos ruhiy-psixologik holatni ularning so'zlari orqali ifodalashi jihatdan diqqatni tortadi. Jumladan, kampirdagi vazminlik, choldagi qat'iyat ularni savol-javobida yorqin aks etadi. Obrazlarni individuallashtirishdagi o'ziga xoslik hikoyadagi boshqa personajlar - chol va kampirning farzandlari talqinida yana ham ta’sirchan tasvirlangan. Otaning nojo'ya, yoshiga yarashmagan niyatidan xabar topgan o’g’il- qizlarining unga munosabatida, adib mahorati bilan har biriga xos, monand so'zlar topib o’rinli ishlatilgan va original obrazlar yaratilgan.

G'azablangan to'ng'ich qizning onasiga aytgan gaplarini eshiting: "- Siz ham o'ling, otam ham o'lsin! He, sharmandalar! Hoziroq borib o’sha oqquva qanjiqning ko'r ko'zlarini o'ymasam... G'unajin o’lguringiz ko’zini suzgan-da!"

Ko'rinadiki, bu qisqa, lekin keskin mulohazada ota-onasining nomunosib harakatidan nomus qilgan, ularni qat'iy qoralagan (otasining chalg’ishida onasining ham aybdorligini his qilgan holda) murosasiz qizning yuksak ma’naviyati gavdalanadi. U ota-onasiga nisbatan “sharmandalar”, “o’ling” kabi vulgar so’zlari orqali o'zbek farzandlari tilidan haqorat darajasidagi so'zlarni qo’llash bilan inson sha'nini har narsadan ustun ekanini ta'kidlaydi. Shuningdek, matndagi “qanjiq”, “g’unajin” so'zlari qizning Guloyga nisbatan nafratining ifodasi bo’lib, birinchi so’zda o'xshatish, ikkinchi so'zda xalqona ifodaning (“G’unajin ko’zini suzmaguncha …. ipini uzmaydi") qo'llanishi hikoyaning ta'sir kuchini oshirgan. Hikoyadagi to'ng'ich o'g'il obrazi talqinida boshqacha holatni ko’ramiz. Sho'xroq, fe'li otasiga tortgan bu o'g'il oiladagi mojaroni murosa yo’li bilan

hal qilish tarafdori. Shu bois, uning fikrida, garchi otasining harakatini quvvatlamasa ham keskinlik emas, tinch ohang ustuvor. Mana uning so'zlari: “Keling, ena, siz xo’p deng. He, boboyning bir ko'ngli istibdi-da, mayli. Bir-ikki kun menikida bo'lib turasiz. Bir ko'r-u bir qari cho'loqning tomoshasi borsa, bir haftaga borar! Keyin chol tag'in o'zimizniki, ota o'zimizniki! Guloy bechora ham begona emas”. Bu parchada diqqatga loyiq bir jihat mavjud. O'g'il otasini oshkora yoqlayotganday tuyulsa ham, aslida uning dilida padariga qisman g'azab ham bor. Buni "ota" so'zining turli ma'nolarda vaziyatga ko'ra har xil nomlar bilan atalishida ko'rish mumkin. Masalan, "boboy" deganida kesatiq ohangi, ,,qari cho'loq" so'zida qoralash, "chol" so'zida rahmdillik hissi, nihoyat “ota” deganida uni kechirib, padar sifatida yana e'tirof etishi ma'nolarini uqish mumkin. Ayni choqda o'g'ilning onasini murosaga undashi, begunoh Guloyga nisbatan “bechora, begona emas” so'zlarini qo'llashi obraz xarakteridagi bag'rikenglikni kuchaytiradi.

Adib mahoratining yangi bir qirrasi yana bir qizning ushbu muammoga munosabatida ko'rinadi, ya'ni bu munosabatni adib batafsil keltirmaydi, chunki u ham opa va akasining so'zlarini qisman takrorlashi, bu esa asar badiiyligini biroz bo'shashtirgan bo'lardi. Ammo, quyidagi qisqa ma'lumot ham qizning bu masalaga qarashini anglash uchun yetarlidir: "Hayriyatki, yana bir qiz kelmadi. Uzoqroqqa tushgan u. Hali eshitmabdi, shekilli. Eshitsa, kelsa – ana keyin ko’rasiz tomoshani!".

Bu o'rinda asosiy ijtimoiy-badiiy ma'no "tomosha" so'ziga yuklangan. Bu so'z majoziy qo'llanilib, "katta janjal", "to'polon" ma'nolarini anglatmoqda. Ikkinchidan, shu birgina so'z kenja qizning o'ta murosasiz, shaddot xarakterini to'la ifodalay olgan. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, adib "tomosha" so'zining yana bir ma'nosini (to'ng'ich o'g'il so'zida) "sharmandalik", "elga kulgu bo’lish" ma'nosini ham o'rinli qo'llay olgan.

Adibning so'z va iboralarni shakliy va ma'noviy jilolarini qo'llashdagi mohirligini voqea bayoni va u bilan bog'liq obrazlar tasvirida ham kuzatish mumkin. Bu hol epizodik personajlarga ham dahldor. Chunonchi, Salom chapdastning niyati amalga oshmagach, Guloyga sovchilar kelganligi voqeasiga aloqador yigit obrazi paydo bo'ladi va qiz unga fotiha qilinadi. Yozuvchi kuyov haqida muxtasar ma'lumot berib, "Nihoyat, issiq-sovuq marakalarda choy tashib yuradigan pachoqdan-pachoq, telbanamo bir kim-saga fotiha qilib yuboriladi Guloy",-deb yozadi. Bu qisqa fikrda o'sha kimsaning qiyofasi ham, xarakteri ham namoyondir. Ta'kidlangan so'zlardagi tub va majoziy ma'nolar bunga imkon beradi. Jumladan, issiq-sovuq marakalar birikmasida, birinchi so'z to'y-bayram, umuman tantanalarni, ikkinchi so'z esa motam-qayg'u maro-simlari ma'nosini anglatadi. "Pachoqdan pachoq" iborasi va kuyovning nomsiz "kimsa" deyilishi ham notavonligiga ishoradir. Hikoyadagi voqea davomida Salom chapdast turli vaziyat, sharoitda murakkab obraz sifatida tasvirlanadi. Bu xususiyat uning ijobiy va salbiy xislatlariga ko'ra muallif va boshqa personajlar tomonidan turlicha ta'riflanishiga sabab bo'ladi. Buni quyidagicha ko'rsatish mumkin: 1) muallif ta'rifi: mirishkor, shu odam, alomat oshiq.

2) Mayram yanga ta'rifi: esini yegan chol, to'ram.

3) farzandlari ta'rifi: ota, boboy, chol, qari cho'loq, sharmanda.

Hikoya obrazlarini yaratishdagi muallif o'ziga xosligi til badiiyati, milliylik, epik an'analarga ijodiy yondashuv kabi omillar natijasidir. Adib asarda surxon shevasiga xos "tanda", "boybicha", "ibi", "oqquva", "gishava", "gaflgurs" kabi mahalliy so'z va iboralarni ham ustalik bilan qo'llay olgan. Erkin A'zam asarlarida obrazlar dunyosi nihoyatda keng. Unda yoshlar ham, qariyalar, qiz-ujuvonlar ham bor. Ular turli xarakter, saviya vakillari sifatida bir-biriga o'xshamaydi. Bu esa adibdan har bir obrazni yaratishda tilning tasvir yo'nalishi, ifoda vositalari va boshqa unsurlaridan o'rinli foydalanishni taqozo etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:
1. Shofiyev O. Erkin A’zamning badiiy mahorati//monografiya//Turkiya. Merk-Ak, 2020.
2. Rasulov A. Badiiylik - bezavol yangilik. – Toshkent. Sharq, 2007.
3. Yo’ldosh Q, Yo’ldosh M. Badiiy tahlil asoslari. – Toshkent. Kamalak, 2016.
4. A'zam E. Chapdast //Shovqin. -Toshkent. O'zbekiston, 2011.
5. A'zam E. Otoyining tug'ilgan yili//Kechikayotgan odam. Qissalar. -Toshkent. Sharq, 2002.

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАТНЛАРДА ЎҚИШНИНГ НУТҚИЙ ФАОЛИЯТНИНГ МУСТАҚИЛ ТУРИ СИФАТИДА ВОҚЕЛАНИШИ

ЧТЕНИЕ АНГЛИЙСКИХ ТЕКСТОВ КАК НЕЗАВИСИМЫЙ ВИД РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

READING IN ENGLISH TEXTS AS AN INDEPENDENT TYPE OF SPEECH ACTIVITY

О.Қ.Бектошев-филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
М.Эркабоева –талаба, Қўқон ДПИ

Аннотация. Мазкур мақолада ўқиш нутқий фаолиятнинг мустақил тури сифатида инглиз тилидаги матнларда лексик бирликларни таниб олиш жараёни ва маҳсули, полисемантик бирликларни идрок қилиш, таниб олиш ва тушунишнинг ўзига хос томонлари сифатида ўрганилди. Ўқиш турлари ва ўқиш учун материал типлари ўрганилиши хорижий тилларнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, улардаги инглиз тили учун ажратилган материалларнинг акс эттирилганлик даражаси аниқланди. Инглиз тили ўқув дастурини тадқиқ қилинаётган муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали хорижий тил ўқитиш курси тугалланган, пировард натижа берилган график материалдан зарур ахборотни ажратиб олиш эканлиги аниқланди.

Калит сўзлар: ўқиш, нутқий фаолият, лексик бирлик, перцепция, полисемия, функционал сўзлар.

Аннотация. В данной статье изучено чтение как процесс и продукт распознавания лексических единиц в английских текстах, как самостоятельный вид речевой деятельности, специфические аспекты восприятия, распознавания и понимания многозначных единиц. Выявлена степень изучения видов чтения и типов материалов для чтения в государственных образовательных стандартах и учебных планах по иностранным языкам, степень отражения в них материалов, выделенных для английского языка. Путем анализа учебной программы по английскому языку с точки зрения изучаемой проблемы было определено, что по окончании курса обучения иностранному языку конечным результатом является извлечение необходимой информации из предоставленного графического материала.

Ключевые слова: чтение, вербальная деятельность, лексическая единица, восприятие, многозначность, функциональные слова.

Annotation. Reading in this article has been studied as a process and product of recognition of lexical units in English texts as an independent type of speech activity, specific aspects of perception, recognition and understanding of polysemantic units. The study of types of reading and types of materials for reading revealed the state educational standards and curricula of foreign languages, the degree of reflection of the materials allocated for English in them. By analyzing the English curriculum from the perspective of the problem under study, it was determined that upon completion of the

foreign language teaching course, the end result was to extract the necessary information from the given graphic material.

Key words: reading, verbal activity, lexical unit, perception, polysemy, functional words.

Инглиз тилидаги матнларни ўқиш асосида полисемиянинг типик мураккабликлари бўйича лексик полисемияга ўргатишни такомиллаштиришни тақозо этади. Лексик полисемия ҳозирга қадар фақат бир тил доирасида ўрганилгани ва уларнинг ҳеч бири полисемияни инглиз тилидаги матнларни ўқиш билан боғлиқликда олиб борилмаган.

График материални перцепция қилишда кўп маъноли лексикани ўзлаштиришнинг қийинлиги нофилологик факультетлар талабалари чет тилга хос кўп маъноли лексикасини ўзлаштираётганда ўзи учун ҳали нотаниш бўлган дунё лисоний манзарасининг алоҳида сегментини ажратиб олиш ва уни она тилидаги дунё манзараси билан умумлаштиришга уринади. Айнан шу ҳолат хорижий (мазкур иш юзасидан инглиз тили) тилни ўргатишда тўсқинлик қилади ва инглиз тилидаги полисемантик сўзлар маъносини тушунишдаги асосий мураккабликлардан бири саналади [1].

Кўп маъноли сўзнинг бош ва ҳосила (боғли) маъноларининг типлари таҳлилида тилни амалий эгаллаш учун, аввало, сўзнинг асосий, бош маъноларини билиб олиш керак бўлади. Сўзнинг боғли ёки ҳосила маъноси сўз семантикаси ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотмайди ва сўзни нутқда тўғри талқин қилиш, мувофиқ қўллаш имконини бермайди.

Маълумки, полисемантизмлар ҳар бир тилда мавжуд, шу жумладан, инглиз, ўзбек ва рус тилларида ҳам уларнинг миқдори катта. Мазкур бирликларни қиёслаганда полисемантизмнинг айрим маънолари бир-биридан жуда узоқлигини, ўзаро боғлиқ эмаслигини кўриш мумкин [2]. Баъзан муайян сўз айнан қайси маънога эга эканини тушуниш кўп маъноли сўзларни ўқишда, ўргатишда мураккабдек туюлади.

Полисемиянинг кенг эмпирик материал билан тасдиқланадиган мунтазамлиги мазкур тушунчанинг чуқур моҳиятини акс эттирадики, у фақат намойиш билан чекланмайди, балки табиий тилларнинг, қолаверса, инсон онги ва тафаккурининг ташкил қилиниш моҳиятига таъсир кўрсатадиган алоҳида тизим эканини намоён этади [3].

Полисемия универсал характерли ҳодиса сифатида асос қилиб олинганда лексик кўп маънолиликнинг тизимли ва мунтазамлиги назарда тутилади [4]. Ўз навбатида, полисемиянинг бу жиҳатлари инглиз, ўзбек ва рус тилларида лексиканинг нисбий тизимлилигининг хусусий аксидир.

Мавжуд тадқиқотлар асосида полисемиянинг юзага келиш сабаблари қуйидагилар экани маълум бўлди: биринчиси – тежамкорлик принципи, иккинчиси эса инсон билиш фаолиятига боғлиқлиги. Полисемиянинг тилда муқаррарлигини иккита қарама-қаршилик билан изоҳлаш мумкин: бир томондан, онгнинг чексизлиги, бошқа томондан эса, тил бирликларининг чекланганлиги, шу сабабли кенгайтирилган семантик структурага эга бўлган айнан бир товушлар комплекси кўп функцияли бўлиб чиқади [5].

Полисемантик сўзларнинг нофилологик факультетлар талабаларининг инглиз тилидаги матнларни ўқишда дуч келиши мумкин бўлган бирламчи ва иккиламчи маънолари ўрганилди [6].

Нутқий фаолиятнинг мустақил тури сифатида ўқиш (мутолаа), инглиз тилидаги матнларни ўқишда рецептив лексик бирликларни таниб олиш жараёни ва маҳсули, полисемантик бирликларни идрок қилиш, таниб олиш ва тушунишнинг ўзига хос томонлари ўрганилди [7]. Ўқиш турлари ва ўқиш

учун материал типлари ўрганилиши хорижий тилларнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, улардаги инглиз тили учун ажратилган материалларнинг акс эттирилганлик даражаси аниқланди. Инглиз тили ўқув дастурини тадқиқ қилинаётган муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали хорижий тил ўқитиш курси тугаллангач, пировард натижа берилган график материалдан зарур ахборотни ажратиб олиш эканлиги аниқланди. Бироқ дастурда график материални ўзлаштиришда лексик полисемияни ўрганиш назарда тутилмаган.

Мазкур мақолада талабанинг кўп маъноли лексикани ўрганишдаги қийинчиликларининг олдини олиш бўйича муайян вазифалар ҳам белгиланди [8]. Бу каби мураккаблик ва хатоликларнинг олдини олишга доир айрим методик тавсиялар келтирилди.

Ўқишни ўргатишнинг амалий йўналганлиги мутахассисликка оид матндан керакли, зарур ахборотни ажрата олиш вазифасига эътибор қаратишни талаб этади [9].

Биз тадқиқот давомида талабанинг асосий вазифасини белгилаб олдик – бу грамматик формулалар ва одатда, нотўғри таржима қилинадиган сўзлар, бирикмалар, жумлалар ва оборотлардан фойдаланган ҳолда матннинг мавзуий йўналганлигидан қатъий назар, исталган контекстдаги таржима билан боғлиқ интерференция мураккабликларини фарқлай олишдир. Бу каби қийинчиликларнинг олдини олиш учун қуйидаги методик тавсияларга амал қилиш таклиф этилди:

-ўзининг кўп маънолилиги, бошқа сўзлар ёки ўзакдош сўзлар билан нотўғри аналогия сабабли ёхуд янглиш график идрок қилиш туфайли кўпинча нотўғри таржима қилинадиган ва аслиятдаги фикрнинг хато кетишига олиб келадиган сўзларга эътиборни қаратиш;

-мантиқий алоқадорликни таъминлайдиган ва битта гап доирасида фикрни аниқлаштирадиган функционал сўзлар ва бирикмаларга алоҳида диққат қилиш;

-ҳар бир янги матнни, худди мутахассисликка оид мураккаб матн каби таҳлил қилиш, бунда шу матнда учрайдиган барча тил ҳодисаларини, ҳатто матн ёки гап мазмуни ўз-ўзидан аён (равшан) бўлганда ҳам кўриб чиқиш керак;

-соҳавий адабиётларга хос ихтисослик терминларининг маъноларини очишга эмас, балки тилнинг умумий қонуниятлари ва шу матннинг услубини, талаффузи, луғат таркиби ҳамда грамматик қурилишини ўзлаштиришга асосий эътиборни қаратиш;

-матнларни механик ва интуитив тарзда эмас, балки махсус адабиётларга хос барча хусусиятларини аниқлаш орқали таржима қилиш. Матнга онгли ёндашув малакасини шакллантириш, унинг барча шакллари, оборотлари ва конструкцияларини фарқлай олиш кўникмасини такомиллаштириш устида ишлашга ўргатиш.

Бундай малака ва кўникмаларни тил ўрганишнинг биринчи босқичидаёқ шакллантириш талабанинг инглиз тилидаги матнларни ўқишда кўп маъноли сўзлар маъносини тўғри идрок қилишини таъминлайди [10]. Тадқиқотда талабаларни луғатдан рационал фойдаланишга ўргатиш борасида ўқитувчи фаолиятининг самарали бўлишини таъминлашга йўналтирилган қуйидаги хулосаларни таклиф этдик:

-луғатдан сўзларни қидириш билан боғлиқ мотор ҳаракатларни такомиллаштириш;

-сўзларни туркумига қараб аниқлаш бўйича операцияларни бажариш;

-ажратиб кўрсатилган сўзларни ўқиш жараёнида луғатдаги шаклига қайта ўзгартириш;

-талабаларнинг рецептик грамматик кўникмаларнинг эгалланиши билан луғатдан чекланган тарзда фойдаланишга ўргатиш;

-талабаларни матнни компресслаш ва контекстдан келиб чиқиб сўз маъносини англашга ўргатиш.

Юқорида баён қилинган хулосалар натижасида кўп маъноли сўзларнинг маъноларини мустақил тушунишни таъминлайдиган, ўқиш жараёнидаги интерференция мураккабликларини енгишга ёрдам берадиган айрим усуллар келтирилди:

-бир тилли (изоҳли) луғатлардан фойдаланиш лозим: уларда сўз таржима қилинмайди, балки сўзларнинг маъноси тавсифланади, бунда сўз маъноси шу тил она тили ҳисобланган кишилар томонидан тушунилгани каби идрок қилинади;

-чет тилига хос сўз маъносини изоҳлаш эмас, балки таржима орқали идрок қилиш кўп ҳолларда сўзнинг мазмуний имкониятлари ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилади, унинг асосий, бош маъносини нотўғри талқин қилишга олиб келади, бу эса сўзни тўғри қўллашга халал беради;

-барча турдош сўзларнинг таржимасини механик тарзда ёд олиш ўрнига уларни боғлаб турадиган асосий маънони аниқлаштиришга ҳаракат қилиш лозим;

-сўзнинг асосий маъносини аниқлаш малакасини шакллантириш керак, бу сўзни керакли маънода тўғри қўллашга кўмаклашади.

Бизнингча, мулоқот тилда, шу жумладан, сўз полисемиясида тил воситалари билан инсон тажрибасининг аниқлигини ифодалаш учун муқаррар акс этади, лексика нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам кенгайиб боради. Ана шу тарзда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқиш худди ёзиш каби мураккаб психик жараён бўлиб, ўзаро боғланган бир неча даража («бўғин»)ни ўз ичига олади. Бир томондан, ўқиш бевосита ҳиссий билиш жараёни, «ихтисослаштирилган» идрок жараёни, бошқа томондан эса, воқеликни билвосита акс эттиришдир. Шу билан бирга, ўқиш – аввало, ёзма нутқни мазмуний идрок қилиш жараёни. Ўқиш – мулоқотнинг ўзига хос шакли бўлиб, тинглаш, ёзиш ва қисман гапириш билан узвий боғлиқки, булар нутқий фаолият турлари сифатида бир-бирини кўп томонлама тўлдиради. Ёзув – оғзаки матнни ёзма шаклга ўзига хос тарзда «қайта кўчириш» бўлса, ўқиш – ёзма нутқни оғзакисига ўтказиш шакли.

2. Талабалар луғат билан ишлаш малакасини эгаллаши, қолаверса, кўп маъноли сўзнинг контекстуал маъносини аниқлашда тил сезгисига таянишлари керак.

3. Ўқиш ҳамма вақт тайёр нутқий хабарни идрок қилишга (уни яратишга эмас), ахборот олишга қаратилган бўлади.

4. Ўқишнинг ўзига хос хусусияти уни амалга оширишнинг муваффақиятлилигини баҳолашнинг субъектив характерга эга экани ва ўқувчининг олинган натижа – тушунишнинг тўлиқлиги ва аниқлигининг эришилган даражасидан қониқишда ўз ифодасини топиши ҳисобланади.

5. Талаба кўп маъноли сўзнинг ички шаклини тасаввур қила олиши ва шу асосда унинг бошқа сўзлар билан алоқасини аниқлай билиши зарур.

6. Талабаларда бирикувчанлик механизмини ривожлантириш учун махсус машқлар талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент, 1975. – 140 б; Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. Автореф. дис. …канд. филол. наук. – Ташкент, 1966.
2.Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. 2003. – № 5. – С.12-13
3.Breal M. Semantics. Studies in the Science of Meaning. – N.Y.: Dover. Publ., 1964. – 217 p.
4.Афанасьева С.П. Регулярная полисемия абстрактных существительных со значением процесса. Автореф. дис. …канд. филол. наук. – Л., 1984. – 15 с.
5.Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова / Виноградов В.В. Избранные труды // Лексикология и лексикография. – М., 1977. – С. 162-189
6.Апресян Ю.Д. Лексическая семантика: синонимические средства языка. – М.: Наука, 1974. – 464 с.

7.Будагов Р.А. Полисемия слова. НДВШ. Филол. науки. – М., 1958. – № 1. – С. 5-18
8.Chomsky N. Studies in Semantics in Generative Grammar. – Motion. The Hague, 1972. – 207 p.
9.Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. Учеб. пособие для вузов. – М.: Высшая школа, 1990. – 176 с.
10.Jackendoff R. Semantics and Cognition. – Cambridge, MA: MIT Press. 1983. – 283 p.

LANGUAGE IS A MIRROR OF CULTURE

ЯЗЫК - ЗЕРКАЛО КУЛЬТУРЫ

TIL MADANIYATNING KO'ZGUSIDIR

D.T.Arzieva- Senior teacher, Andijan State Medical Institute

Annotation. This work provides a brief description of national and cultural features of language. Language as a mirror of culture reflects not only the real world surrounding a person, not only the real conditions of his life, but also social consciousness of people, their mentality, national character, way of life, traditions, morality, value system, vision of the world.

Key words: cultural features, relationship, traditions, vision of the world, mentality.

Аннотация. В данной статье дается краткое описание национально-культурных особенностей языка. Язык как зеркало культуры, отражает не только реальный мир, окружающий человека, не только реальные условия его жизни, но и общественное сознание людей, их менталитет, национальный характер, образ жизни, традиции, систему ценностей, мировоззрение.

Ключевые слова: культурные особенности, отношения, традиции, мировоззрение, менталитет.

Annotatsiya. Bu maqolada tilning milliy va madaniy xususiyatlariga qisqacha tavsif berilgan. Til madaniyat ko'zgusi bo’lib insonning nafaqat haqiqiy dunyosi, uning hayotining haqiqiy sharoitlarini, balki odamlarning ongi, mentaliteti, milliy xarakteri, turmush tarzi, urf-odatlari, odob-axloqi, dunyoqarashi, qadriyatlar tizimini ham ko’satadi.

Kalit so'zlar: madaniy xususiyatlar, munosabat, urf-odatlar, dunyoqarashi, mentalitet.

The purpose of this article is to address the problems of human communication with a special attention to language as the main thing - a means of communication.

Language is a treasury, a storeroom, a piggy bank of culture. It preserves cultural values - in vocabulary, in grammar, in idioms, in proverbs, sayings, in folklore, in fiction and scientific literature, in the forms of written and oral speech.

Language is a transmitter, a bearer of culture it conveys the treasures of the national culture stored in it from generation to generation. Mastering the native language, children learn with it the generalized cultural experience of previous generations. Language is a tool, an instrument of culture. It forms the personality of a man, a carrier language, through the vision of the world imposed on it. So, language does not exist outside of culture as “socially inherited a set of practical skills and ideas that characterize our way of life”. As one of the types of human activity language turns out to be an integral part of culture, defined as the totality of the results of human activities in different spheres of human life: industrial, social, spiritual. However, as a form of existence of thinking and, most importantly, as a means communication, language is on a par with culture.

First place among the nationally specific components of culture takes the

language. Language primarily contributes to the fact that culture can be both a means of communication and a means of separating people. Language is a sign belonging of its carriers to a certain society.

Thus, the relationship between language and culture is a complex issue and multidimensional. This article is devoted to the problems of relationships, interconnection, mutual influence and the interaction of language and culture in the process of communication between people. Before proceeding directly to the consideration of these problems, it is necessary make a few reservations and clarifications.

In recent years a branch of language science directly related to the study culture has become increasingly widespread among cultural linguistics. According to Professor V.V. Vorobyov (Russian Peoples Friendship University): “Today it can already be argued that cultural linguistics is a new philological discipline that studies certain selected and organized body of cultural values, explores living communicative processes of the generation and perception of speech, the experience of a linguistic personality and national mentality, gives a systematic description of the linguistic “picture of the world” and ensures the fulfillment of educational and intellectual tasks learning ...

The relevance of all issues related to culture has acquired in the present time of unprecedented severity. Increased interest in the study of cultures of different peoples, bringing to the forefront of cultural studies, stream of publications on the topic of dialogues and especially cultural conflicts; creation of societies, associations uniting researchers cultural problems; endless conferences, symposia, congresses on culture; inclusion of cultural studies and anthropology in the training curriculum specialists in all humanitarian areas and even in secondary programs schools; finally, the already mentioned well-known prediction of S. Huntington about the third world war as a war of cultures and civilizations - all this testifies to the present boom, an explosion of interest in cultural issues.

Unfortunately, behind this boom lies not only and not so much noble and creative motives of interest in other cultures, the desire to enrich their culture by the experience and originality of others, how many completely different reasons, sad and disturbing. In recent years, social, political and economic global shocks led to an unprecedented migration of peoples, their resettlement, collision, mixing, which of course leads to conflict of cultures.

At the same time, scientific and technological progress and the efforts of reasonable and peaceful parts of humanity open up all new possibilities, types and forms of communication, the main condition for the effectiveness of which is mutual understanding, dialogue of cultures, tolerance and respect for the culture of communication partners.

All this taken together - both alarming and hopeful - led to a particularly close attention to the issues of intercultural communication. However, these questions eternal, they have worried humanity since time immemorial. As evidence remember one proverb. Proverbs are rightly considered clumps of folk wisdom, that is, by the very folk cultural experience that is stored in the language and is passed down from generation to generation.

There is an English proverb “When in Rome, do as Romans do”. So in this language folk wisdom tries to warn against what is now commonly called the term conflict of cultures. This phrase, unfortunately, is now “in vogue” according to the already mentioned sad reasons: in conditions of social, political and economic conflicts numerous refugees, immigrants, repatriates suffer from conflicts with “Someone else’s charter” even in a favorable economic situation.

What is a cultural conflict? Why it became possible to talk about war of cultures? Ancient Greeks and Romans called all people of other countries and

cultures barbarians - from the Greek barbaros ‘foreigner’. The word is onomatopoeic and directly related with a non-native language: foreign languages were perceived by ear as indistinct bar-bar-bar. The most obvious examples of cultural clashes are given simply by real-life communication with foreigners both in their country and in their own country. This kind of conflict gives rise to many curiosities, anecdotes, funny stories, troubles, dramas and even tragedies.

Advertising of Marlboro cigarettes “does not work” in Latin America because cowboy, a man on a horse is the poorest who can smoke only the cheapest and therefore the worst cigarettes.

Spanish firm has agreed with Mexico to sell a large batch of corks for champagne, but had the imprudence to paint them in a burgundy color, which turned out to be the color of mourning in Mexican culture - and the deal fell through.

One of the versions of the death of a Kazakh plane while landing in Delhi explains the accident as a conflict of cultures: Indian air traffic controllers gave the height not in meters, but in feet, as is customary in English culture and in the English language.

In such a completely different area as medicine, the same law applies: in someone else’s the body with its own charter/treatment is better not to walk. Since it is not necessary to treat the disease, and the patient, then during treatment it is necessary to take into account both individual characteristics of the patient, as well as national and cultural features of his behavior, psychology, perception of the world, habitual state, etc. Avicenna (Ibn Sina) taught a thousand years ago that “if you give an Indian the nature of Slovenian, then the Indian will fall ill or even die. The same will happen with the Slovenian if he will be given the nature of an Indian”. Obviously, by “nature” is meant the national culture.

So, reading foreign literature is inevitably accompanied by an acquaintance with alien and new countries culture, and conflict with it. In the process of this conflict a person begins to become deeper aware of his own culture, his world and his approach to life and to people.

Of course, reading foreign authors is an invasion of someone else’s monastery. We see and most importantly we evaluate this alien world through the prism of our culture that accordingly it also turns out to be a conflict of cultures.

In such an explosive situation, science and education are acutely difficult and noble tasks: first, to explore the roots, manifestations, forms, species, the development of cultures of different peoples and their contacts and, secondly, to teach people tolerance, respect, understanding of other cultures. To accomplish this task conferences are held, associations of scientists and teachers are created, books are written, cultural disciplines are introduced in the curriculum of both secondary and higher educational institutions.

Literature:

1. V. G. Kostomarov. Language taste of the era, M., 1994
2. W. von Humboldt. Selected Works on Linguistics. M., 2000
3. Yu.A.Fedosyuk. Such a manual is necessary//Questions of literature, 1959M.
4. Yu. A. Fedosyuk. What is incomprehensible among the classics, or the Encyclopedia of Russian life XIX century. M., 1998
5. A. Sinyavsky. Soviet Civilization. A Cultural History. New York, 1988.
6. Tsvetaeva. Swan camp. M., 1921
7. S.G.Ter-Minasova. Language, Cultural Linguistics and Intercultural Communication M., 2000

SHAXSIY YOZISHMALARDA QO‘LLANGAN NOADABIY LEKSIK UNSURLARNING HUDUDIY XUSUSIYATLARI

ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ НЕЦЕНЗУРНЫХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ЛИЧНОЙ ПЕРЕПИСКЕ

OF NON-LEXICAL ELEMENTS USED IN PERSONAL CORRESPONDENCE REGIONAL FEATURES

D.A.To‘rayeva -o‘qituvchi, A.Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti

Annotatsiya. Maqolada shaxsiy yozishmalardagi noadabiy unsurlarning hududiy xususiyatlari haqida fikr-mulohazalar berilgan. Yozma matnda lingvistik tahlil amalga oshirildi va bu sud-huquq tizimida muallifi noma’lum bo‘lgan matnlarning ekspertizasi uchun ahamiyatlidir.

Kalit so‘zlar: noadabiy unsur, dialect, jargon, argo, vulgar so‘zlar, lingvistik ekspertiza, lingvistik ekspertiza bosqichlari, anonim xatlar.

Аннотация. В статье даны отзывы о территориальных особенностях нетрадиционных элементов в личной переписке. Был проведен лингвистический анализ письменного текста, и это будет иметь значение для экспертизы текстов, автор которых неизвестен в судебно-правовой системе.

Ключевые слова: неоязыческий элемент, диалект, жаргон, арго, вульгарные слова, лингвистическая экспертиза, этапы лингвистической экспертизы, анонимные письма.

Annotation. The article gives an idea of the territorial features of non-literary elements in personal correspondence. In the written text, linguistic analysis was carried out, which in the judicial system is significant for the expertise of texts whose author is unknown.

Key words*:* non-essential element, dialect, jargon, argo, vulgar words, linguistic examination, linguistic examination lines, anonymous letters.

O‘zbek tilidagi shevalarga xos so‘zlarni noadabiy leksik unsurlardan: jargon, argo, vulgar, varvar, parazit so‘zlardan farqlash lozim. Ya’ni dialektlar barcha sheva vakillari uchun tushunarli va aniq bo‘ladi. Noadabiy leksik unsurlar esa dialektal xarakterga ega bo‘lmaydi, balki ma’lum ijtimoiy guruh yoki muayyan bir toifa kishilari uchungina tushunarli bo‘ladi, xolos. Hududiy dialektlar masalasida qator professor-olimlarning ilmiy tadqiqot ishlari mavjud [1,2,3,4]. Bu tadqiqotlar o‘zbek tili shevalarining o‘ziga xosligini asoslab beradi.

Bilamizki, yozma nutq insonning shaxsiy intelektual, psixologik faoliyatining natijasidir. Shuningdek, shaxsiy yozish-malar yozma nutqning bir shakli bo‘lib, unda ma’lum me’yor, yoki chegara qat’iy belgilanmagan. Samimiylikka asoslangan, insonning erkin faoliyati bilan bog‘liq jarayon mahsulidir. Shunday ekan, shaxsiy yozishmalarda aks etadigan leksik, grammatik birliklar insonning intelektual salohiyatini, ijtimoiy man-subligini belgilovchi omillardan biridir. Zero, insonning dunyoqarashi, odob-axloqi, did-farosati, ijtimoiy mansublik darajasi yozishmalarida aks etadi. L.A.Vlasova va I.V.Popova bahsli matnlarni o‘rganish uchun faqatgina lingvistikaning o‘zi yetarli emas degan xulosaga kelishdi [2]. Tadqiqotchilar lingvistik ekspertizani psixologiya va germenevtikaga aloqador tarzda amalga oshirish maqsadga muvofiqligini ta’kid-



lashdi.

I.K.Brinyev [3], O.V.Kukushkin [4], E.S.Kubryakova [5]lar tomonidan taklif etilgan metodlarga tayangan holda umumiy va xususiy metodlar asosida shaxsiy yozishmani tahlil qilish maqsad sifatida olindi. Semantik bloklarini aniqlash, shaxsiy yozishma mavzusi va mohiyati haqida to‘xtalish ummumiy metod asosida olib borilsa, matnning leksik, grammatik va sintaktik tahlili xususiy metodlar vositasida amalga oshiriladi. Shunga ko‘ra quyida yozishmalarning hududiy xususiyatlari tahlil qilindi. Telegram ijtimoiy tarmog‘idagi M1, M2, M3, M4 va M5 (shartli ravishda shunday nom berildi) ning suhbat jarayonidan lavha keltirildi. Yozishmalar qo‘lyozma emas, balki bosma shaklda berilgan. Shuning uchun, dastavval, suhbat mavzusiga to‘xtalishimiz kerak, ikkinchi bosqich suhbat yo‘nalishini aniqlashimiz darkor va so‘nggida muloqot vositalarining lingvistik tahlilini olib borishimiz kerak. Mavzu nuqtayi nazaridan biz uchinchi bosqichga ko‘ra lingvistik birliklarning hududiy xosligini aniqlashni joiz deb topdik. Suhbat jarayonini, avvalo, tizimlashtirib olamiz va mualliflarning ism va familiyasi sir saqlanadi.

Birinchi rasmda M1 va M2 ning suhbati berilgan. M1ning yozishmalarida quyidagi noadabiy unsurlar ishtirok etgan: *bogan, kinocha, qur, karochchi, maqturadiye, bo‘midi, bizzi, qizla, hayla, takoy, kerede, og‘ayin, chal bob, uje, qizzi, gaplashib berimi, vapshe maladies, anundagi, soriydiye, chotaa, tembole*. M2 ning javob tarzidagi yozishmasida quyidagicha so‘zlar qo‘llangan: *ashi, kinoye, jonga teyib*; Ikkinchi rasmda M1 va M3 yozishmasi berilgan. M3 nutqida quyidagi so‘zlar qo‘llangan: *anuvi (shevaga oid), vashe, kurtoy (parazit so‘zlargaoid), chumo‘ (vulgar so‘zlarga oid)*. Uchinchi rasmda M1 va M4 suhbati berilgan. M4 ning nutqida quyidagi hududiy xususiyatga ega so‘zlar qo‘llanilgan: *qarindashim, jayingda, barbiii, ati, o‘sho‘l, chirayluv, jashimam, jigirma uchge, kirib qaldida,*

atam, menen, apam, qilaviz, deytda, estuvbii (shevaga oid birliklar). To‘rtinchi rasmda M1 va M5ning suhbat jarayoni berilgan. M5 ning nutqida quyidagi birliklar ishlatilgan: *ova, garak, atishimiz, novvisini, nichik, ongsat, mavzuqu, dm qiyin, adi, novvi, yazishni, bilmin, akan, maslahat baring (shevaga oid so‘zlar).*

Ma’lumki, har bir ishtirokchi alohida leksik boylikdan foydalanishgan. Nisbatan, o‘xshash so‘zlar ko‘p bo‘lsa-da biz alohida xususiyatga ega birliklarni saralab olishga harakat qilish kerak. Yozishmalarda aynan bir so‘zning turlicha aytilganligini ham guvohi bo‘lamiz: anundagi(M1)-ashi(M2)- anuvi(M3). Shuningdek, 4 a’zo bilan suhbat olib borayotgan M1 ning nutqini lingvistik tahlil qilib, qaysi hududga mansub ekanligini aniqlashni oldimizga maqsad qilib qo‘ydik.

M1 ning nutqiga *bizzi, qizzi, bo‘midi, aytimi, qilimi, kerede, gapiruradi, maqturadi* singari so‘zlar alohida xususiyat kasb etyapti. Chunki bu sheva vakilining sof o‘z hududiy dialektida emas, balki boshqa lahjaning ta’siri borligi sezilib turadi. Bu so‘zlar ko‘proq Toshkent va uning atrofidagi shevalarga oid. Bu ekspertizada sal mujmallikni keltirib chiqarishi mumkin. Shunda ham ekspert eng ko‘p qo‘llangan va asosiy mavzuning qaysi shevaga mansubligiga qarab aniqlasa bo‘ladi. Masalan, M1 nutqida *soriydiye, maqturadiye* so‘zlaridan foydalanilgan. So‘zlarga -e, -ye qo‘shimchalarini qo‘shib gapirish Andijon, Namangan, Samarqand, Qashqadaryo, Buxoro va Navoiy hududlarida uchraydi. Bundan tashqari, M1 nutqida kinocha birligidan foydalangan. So‘zlarga *-cha* qo‘shib gapirish Qashqadaryo, Navoiy va Buxoro hududlarida uchraydi. Bu nisbatan tahlilga oydinlik kiritadi, ya’ni bu sheva vakili O‘zbekistonning janubiy hududlariga mansub shaxs degan taxminiy tushunchaga kelish mumkin. Endilikda so‘zlarning adabiy va noadabiy turlarini ajratamiz.

Ayonki, M1 nutqidagi adabiy tilga doir so‘zlarni misol tariqasida olmadim, shuning uchun noadabiy unsurlarga to‘xtalish kerak. Shevaga oid so‘zlar: *qur, bogan, hayla, og‘ayin, chal bob, anundagi* kabi. Noadabiy leksik unsurlardan: *karochchi, takoy, uje, vapshe, malades, chotaa, tembole* parazit so‘zlar qo‘llanilgan. Shevaga oid *qur* so‘zini olsak, Surxondaryoning ayrim hududlarida *davra* ma’nosini anglatsa, Namanganda *marta* mazmunini ifodalaydi: *Bir qur o‘qidim*. Qashqadaryoning Kitob tumani, Samarqandning Bulung‘ur tumanida, Navoiyning Xatirchi tumanlarida bu so‘z *faqat* ma’nosida ishlatiladi. Yozishma mazmunidan ayon bo‘ladiki, bu so‘z yozishmada leksik ma’noga ega mustaqil so‘z sifatida qo‘llanilmayapti. aynan qur so‘zi davra ma’nosida emas, balki yuklama mazmunida qo‘llanilgan. Bundan tashqari *hayla* so‘zi Qashqadaryo, Buxoro shevalarida *haylo-* uzoqdagi narsani ko‘rsatish mazmunida ishlatiladi. Aynan *hayla* talaffuzi bilan Navoiyning Xatirchi tumanida, *heyla* yoki *hayla* shaklida Samarqandning Bulung‘ur tumanida qo‘llaniladi. Anundagi so‘zi Namangan viloyatining Pop tumani, Navoiy va uning atroflarida ana u joydagi mazmunida ishlatiladi. *Og‘ayin* so‘zi Qashqadaryo, Navoiy, Buxoroda qadrdon shaxsga nisbatan aytiladi. Samarqandda bu so‘z qarindoshga nisbatan ishlatiladi.

Yuqoridagi tahlildan ayon bo‘ladiki, M1 O‘zbekistonning janubiy hududlariga tegishli sheva vakilidir. To‘g‘ri, tahlil jarayonida Andijon, Namangan, Surxondaryo hududlarining o‘ziga xos shevaga oid so‘zlarini uchratish mumkin, ammo qur so‘zi misolida bu o‘zaro farqli xarakterni keltirib chiqaradi. Zero, bu hududlarda qur davra(Surxondaryo), marta(Namangan) ma’nosida ishlatiladi. Shuningdek, -cha affiksini qo‘shib gapirish, og‘ayin so‘zining mazmuniy ifodasi, qur so‘zining yordamchi so‘z turkumi sifatida qo‘llanilishi – bularning bari so‘zlovchining Qashqadaryo, Buxoro, yoki Navoiy hududiga mansub shaxs ekanligi haqida taxminiy xulosa beradi. Bu, albatta, lingvistik ekspertizaning uchinchi bosqichi orqali yuzaga chiqyapdi. Birinchi va ikkinchi tahlil natijalarini birlashtirsa, muammoga

nisbatan oydinlik kiritiladi. Shunda ham 90 foizli taxminiy xulosa beriladi. Bunday xulosalar sud jarayonida matn avtorizasiyasi masalasiga aniqlik kiritish uchun, albatta, zarurdir. Zotan, ko‘pgina noama’lumligicha qolgan muammoli maktublar, shaxsiy yozishmalar bunday tahlilga muhtoj va bunday jinoiy dalillar yillar davomida yechimini kutmoqda. Shu orqali tilshunoslar inson manfaatlari uchun yana bir mustahkam qadam tashlagan bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Rajabov N. O‘zbek shevashunosligi. – Toshkent: O‘qituvchi, 1996.
2. Rajabov N.O‘zbek tilshunosligining 60 yillik taraqqiyoti tarixidan. Samarqand, 1982.
3. Doniyorov X. Qipchoq dialektlarining leksikasi. – Toshkent: Fan, 1997.
4. Aliyev A.Y. O‗zbek dialektologiyasidan materiallar. –Toshkent: Fan, 1974. 219 –b.
5. Современная теоретическая лингвистика и проблемы судебной экспертизы : сборник научных работ по итогам Международной научной конференции «Современная теоретическая лингвистика и проблемы судебной экспертизы» (Москва, 1–2 октября 2019 г.). – М.: Государственный институт русского языка им. А. С. Пушкина, 2019. –24 с.
6. Бринев, К.И. Судебная лингвистическая экспертиза: методология и методика: монография [Текст] / К.И. Бринев. – М.: ФЛИНТА: Наука, 2014. – 74 с.
7. Кукушкина О.В Методы анализа, применяемые в судебной лингвистической экспертизе.// Теория практика судебной экспертиз.№ 1(141)2016. с, 118-126
8. Кубрякова Е. С. Об одном фрагменте концептуального анализа слова ПАМЯТЬ // Логический анализ языка. Культурные концепты. М., 1991. С. 85.

THE PECULIARITIES OF RUSSIAN BORROWED WORDS IN THE UZBEK LANGUAGE

ОСОБЕННОСТИ РУССКОГО ЗАИМСТВОВАНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

RUS TILIDAN O’ZBEK TILIGA KIRIB KELGAN O’ZLASHMA SO’ZLARNING O’ZIGA XOS HUSUSIYATLARI

Z. M.Tukhtasinova- teacher, Kokand SPI

Annotation. The article deals with the study of the peculiarities of the Russian words penetrated into the Uzbek vocabulary. It also describes the works and ideas of the scholars who made contribution to the development of this field of study.

Key words: borrowings, vocabulary, word formation, lexical borrowing, lexemes, lexical units.

Аннотация. Статья посвящена исследованию особенностей русских слов, проникших в узбекскую лексику. В ней также описаны работы и идеи ученых, внесших вклад в развитие этой области исследований.

Ключевые слова: заимствования, лексика, словообразование, лексические заимствования, лексемы, лексические единицы.

Annotatsiya. Ushbu maqolada rus tilidagi so'zlarning o'zbek lug'atiga singib ketish xususiyatlarini o'rganishga bag’ishlangan. Shuningdek, ushbu sohada tadqiqot olib borgan va uni rivojlantirishga hissa qo'shgan olimlarning asarlari va g'oyalari tasvirlangan.

Tayanch so'zlar: qarz olish, so'z boyligi, so'z yasalishi, leksik qarz olish, leksemalar, leksik birliklar.

Any language, going through the regular stages of its development over the years, invariably becomes overgrown with inclusions that came into it from other

languages. In the lexical composition of the Uzbek language, there are a large number of borrowings from other languages. As noted in many sources, the expansion of the dictionary of the Uzbek language based on external sources is 30-35% of the total number of new lexical units. Among them, a special place is occupied by lexical units borrowed from the Russian language.

Starting from the 1860s and subsequent years, the Russian language became widespread on the territory of Uzbekistan and went through a stage of formation and development, which repeatedly changed its social and legal status. Scientifically and technically advanced native speakers of the Russian language, interacting closely with the Uzbeks, were able to contribute to the development of the vocabulary of the Uzbek language. In the XX century, with the achievement of figures and scientists, thanks to scientific and technical progress, almost everything that entered the Uzbek language from the Russian-language name or transit through the Russian language appeared.

Research in the field of the process of lexical borrowing has become one of the most important directions in the linguistic research of Uzbek scientists.

N.G. Gulyamova made a great contribution to the development of the basic concepts of the mutual influence and mutual enrichment of the Russian and Uzbek languages. She studied the attitude to borrowed words, the degree of external influence, the boundaries and norms of the use of borrowed words. According to the researcher: «Lexical borrowing in conditions of bilingualism (in this case, Uzbek-Russian bilingualism) differs in its specificity from borrowing in the "non-bilingual period"; if the study of borrowing from the Arabic and Persian languages illuminates certain aspects of the history of the Uzbek language, the study of borrowing from the Russian language is of paramount importance, both for understanding the history of the Uzbek language and for understanding its current state, as well as for predicting the further path of development of the Uzbek vocabulary» [3; 8].

In his doctoral dissertation entitled "The problem of mutual influence and mutual enrichment of contacting languages at the present stage (in the material of vocabulary and word formation of the Russian and Uzbek languages)" I.U. Asfandiyarov pays special attention to the study of establishing the relationship between the Russian and Uzbek languages in the field of vocabulary and identifying lexical borrowings that have developed as a result of the interaction of these two languages. Thus, he determines the features of word-formation processes occurring in the lexical composition of the studied languages [1; 24].

Sh. Rakhmatullaev was engaged in the study of borrowed phrases on the material of the Russian and Uzbek languages. In his works, emphasis is placed on the differences between borrowed expressions from phraseological units that exist in parallel in both languages. Sh. Rakhmatullaev concludes that some phrases, although they are borrowed from the Russian language, are subject to the Uzbek language, since they have changed their form and are not used in Russian speech. For example, "istansasi yo’q" (istansa-station) [5; 37].

Professor E. Begmatov studied the features of word formation based on borrowed lexemes, he also calls them Uzbek words. He refers to Uzbek words:

1. Uzbek words formed on the basis of traditional primordial words;
2. Uzbek words formed on the basis of borrowed vocabulary layers. This group includes Uzbek words formed on the basis of Arabic, Persian-Tajik and Russian-international words.

As E. Begmatov states: “Regardless of which lexical layer the basis of the neoplasm and the word-forming morpheme of the new vocabulary unit belong to, they are considered their own product, the wealth of the Uzbek language.” [2; 78].

Y. Khamraeva's “Educational and explanatory dictionary of borrowed words in the Uzbek language” plays an important role in the development and creation of dictionaries of loan words. The dictionary includes more than 3000 loan words found in popular science and fiction. As indicated in the introduction of this book, 5% of the total number of words are borrowed from the Russian language. But the author does not pay special attention to the words included in the Uzbek language through the Russian language.

After gaining independence, the use of words of Russian origin has significantly decreased in Uzbekistan. P. Nazarov, who has written a number of works on the problems of borrowing, concludes that at present the relatively low use of Russian lexical units in Uzbek speech is explained by the following factors:

1. The direct impact of the Russian language on Uzbek lasted no more than a century.

2. After the independence of Uzbekistan, most of the Russian words were replaced by Arabic or Persian-Tajik alternatives.

P. Nazarov gives examples using the words “редактор”, “инженер”, “гражданин” which are replaced by the words of Arabic origin "muharrir", "muhandis", "fuqaro” . [4; 55]

